

# **ТОНГНИНГ ЎЗИДАЙ ПОК ВА ЁРҚИН**

**Зулфия замондошлари  
хотирасида**

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент — 2006

83.3(5Ў)  
Т 66

Нашрга тайёрловчилар:

**Хулкар Олимжонова,  
Омон Олимжонов**

Масъул муҳаррир:

**Раҳима Шомансурова**

Т 66 Тонгнинг ўзидай пок ва ёрқин / (Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Олимжонова, О.Олимжонов; Масъул муҳаррир Р.Шомансурова). —Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006.—248 б.

«Ўзбек шеърлятида Зулфия деган номнинг чақнаб пайдо бўлиши — тонг юлдузининг туғилишига тенг воқеа бўлгани ҳануз эсимда. Ўша тонгнинг ўзидай рост ва ёрқин бир ҳақиқат бу ўзи!» деб ёзган эди атоқли шоир Миртемир шоира ҳақида. Дарҳақиқат, Зулфия ўзбек адабиёти сахнига тонг юлдузи каби чақнаб чиқди, аёл қалби, вафо ва садоқат, баҳор куйчиси бўлиб, гўзал шеърлари билан мухлислари қалбидан абадий жой олди ва юксак маънавият, покизалик тимсолига айланиб қолди.

Ушбу тўпламда ўзбек аёлининг бетакрор қиёфасини шоирона ифодалаб берган, ватан меҳрини дилларга жо этган, шеърый сатрлари ила бутун дунёни «мушоира»га чорлай олган шоирани билган, у билан мулоқотда бўлган, унинг ижоди билан яқиндан таниш ижодкорларнинг, шоир ва адибларнинг, давлат ва жамоат арбобларининг хотиралари жамланган ва бу хотиралар Ўзбекистон халқ шоири, Неру номидаги ва халқаро «Нилуфар» мукофотлари соҳиби, жамоат арбоби Зулфия ҳаёти ва ижодини кўз ўнгингизда намоён этади.

ББК 83.3 (5Ў)—8

Т 4702620204 — 88  
М352 (04) — 2006 2006

ISBN 5-635-02394-0

© Фафур Фулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2006 й.



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯХОНИМГА

Сизни, ўз элига ҳам, ўзга элларга ҳам бирдай азиз шоирамизни асл донишмандлик фасли – муборак 80 ёшингиз билан самимий табриклайман.

Сиз замонамизнинг забардаст шоири ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг жарангдор овози бўлдингиз, деб айтсак асло муболага бўлмайди. Жаҳон минбарларида янграган шеърларингиз – Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолдан ноёб нишонадир.

Муҳтарама Зулфияхоним!

Сиз латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз.

Ҳаёт сизни ҳар доим ҳам аягани йўқ. Аслида бу ёруғ дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби ҳамманинг ҳам бошида бор, аммо ғам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган сиз каби аёллар жуда кам топилади.

Сиз Гулбаданбегим, Зебуннисо, Увайсий, Нодирабегим каби Шарқнинг буюк фозила аёллари бошлаган анъаналарни бойитиб, янги поғонага кўтардингиз. Меҳрибон ва талабчан устоз Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан кўплаб ёш истеъдодлар баҳраманд бўлдилар.

Истиқлол руҳи сизни, ижодингизни янада яшартириб юборди. Мафтункор шеъриятингиз ёшлик нафаси билан қайта учқунланди.

Сизнинг, эл ардоғидаги етук ижодкор, моҳир таржимон, атоқли ношир-муҳаррир ва жамоат арбобининг таваллуд куни миллий байрам сифатида нишонланиши мустақил давлатимиз ҳаётида катта воқеа. Бу қутлуғ сана истиқлол замонида, ёруғ

кунларда ўтаётгани миллионлаб мухлисларингизнинг қувончига қувонч қўшиши жуда табиийдир.

Шундай эзгу лаҳзаларда сизни яна бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

Улуғ халқимизнинг сеvimли шоирасига, муҳаббат ва ҳаёт куйчисига мустаҳкам соғлиқ, ижод ва илҳом завқи доимо ёр бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**1 март, 1995 йил**





Ҳамид Олимжон

### ЗУЛФИЯГА

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,  
Сен очилдинг кўнгил боғимда.  
Шунда кўрди кўзим баҳорни,  
Шунда қалбим таниди ёрни.

Кушлар сайрар жонимга пайваст,  
Мен севгининг бўйи билан маст.  
Куни билан далада қолдим,  
Лолазорлар ичра йўқолдим.

Кучоқ-кучоқ гуллар терганим  
Ва келтириб сенга берганим,  
Кечагидай ҳамон эсимда,  
Ҳар сония, ҳар он эсимда.

Шундан бери тилимда отинг,  
Шундан бери дилимда отинг...  
Энг гуллаган ёшлик чоғимда  
Сен очилдинг кўнгил боғимда.

*1937 йил*





**Ғафур Ғулом,**  
*Ўзбекистон халқ шоири*

### **ЗУЛФИЯБЕГИМГА**

Умрларча давом этсин Ватан уфқида парвозинг,  
Замон акси садосидек жаранглаб турсин овозинг.

Асрларнинг нидоси янграган ҳар парда – сатрингким,  
Ҳаётий шашмақомлардир юрак зарбига тенг созинг.

Увайсий, Нодира, Зебуннисо, Меҳри, Махастийлар  
Тузатган анжуманнинг машъалидир фикри мумтозинг.

Ҳамиша сен қалам олганда халқлар толеин кўзлаб,  
Узун тонглар мусаффо ақлу идрок бўлди ҳамрозинг.

Қанотланган умид, иқбол эрур ҳар шеърким ёздинг,  
Сурайё юлдуздан ҳам баландроқ учди шаҳбозинг.

Кўнгилларнинг жилосидир рубоби мавзун ижодинг,  
Ажиб нозик табиат, заршуносдир зеҳни пардозинг.

Муаззам Шарқ намоёндир сенинг покиза жонингда,  
Бу бизнингдир, сенинг ахлоқу ифбатга тўлиқ нозинг.





**Абдулла Орипов,**  
*Ўзбекистон халқ шоири,*  
*Ўзбекистон Қаҳрамони*

## **СЎНМАС ОЛОВ**

Адабиётлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, хилма-хил даврларда яшаб ўтган хилма-хил ижодкорларга назаримиз тушади.

Улар, албатта, ўз даврларининг, ижтимоий муҳитларининг, боринги, турли оқимларнинг куйчилари ёхуд вакиллари бўлганлар.

Замонлар ўзгаргани билан уларнинг ижодларидаги энг ўлмас, умуминсоний жиҳатларигина нариги авлодларга бамисоли сўнмаган олов ёхуд тирик гулдасталар каби ўта олганлар.

Биз ижодкорларнинг ушбу фазилатларини маърифий-эстетик аҳамиятига молик жиҳатлар деб атаб келамиз. Шу маънода Зулфия опамиз ижодида авлодлардан-авлодларга дадиллик билан турли имтиҳонларни баргараф этиб ўта оладиган фазилатлар талайгина. Биргина садоқату вафо мавзусини олинг: бу борада Зулфия опамиз шеърияти якто шеъриятдир. Ёхуд бадий ижоднинг асосий мезони бўлмиш самимият туйғусини олиб қарайлик: Зулфия опа ижоди самимият дурлари шовуллаб тўкилиб турган азиз бир боғдир.

Шундай шеъриятни барпо этган ва этаётган Опажонимиз билан замондош эканимдан фахрланаман.

## ЗУЛФИЯ ОПАГА

*Мулки лак-лак дилни этмаскан аён,  
Биласиз, яшадим риёдан олис.  
Шеърят кечирсин, кечирсин шеърхон,  
Замона зуғмидан бўлмадим холис.*

*Гоҳ товшим етмаса санаманг сукут,  
Шояд тарк этмаса дийдаларни нур.  
Шеърят санъати бўлмайди унут,  
Божлиман элиму юртга бир умр!*

### *Зулфия*

Ўтган йиллар учун чекманг хижолат,  
Узр сўрайверманг юрагингиздан.  
Хижолатин тортсин ўзи табиат,  
Табиат узрини сўрасин сиздан.

Заҳматкаш, меҳнаткаш шу қалам билан  
Буюк асримизнинг Сиз ҳам нақлисиз,  
Даврга гоҳ қувонч, гоҳ алам билан  
Баҳо бермоқликка Сиз ҳам ҳақлисиз.

Табаррук бир ёшга етибсиз омон,  
Аллоҳим кун берса адоғи бўлмас,  
Агар юракларни забт этса инсон,  
Ундайин умрнинг саноғи бўлмас.

Қоронғу тунларда оловли сўзни  
Кимки машғал қилса, толе унга ёр.  
Бахтли аёлман деб атабсиз ўзни,  
Сиздай шоири бор халқ ҳам бахтиёр.







**Озод Шарафиддинов,**  
*профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони*

## **СИЗНИ СОҒИНДИМ, ЗУЛФИЯ ОПА!**

Умр ўтиб бормоқда. Умр ўтган сари одам босиб ўтган йўллари, бошдан кечирган йилларини тез-тез эслаб турар экан. Инсон босиб ўтган йиллар ва йўллар – нимадир улар? Масофами, вақтми ва бошқа нарсами, менимча, улар умринг давомида сенга рўпара келган, ҳаётингда из қолдирган одамлар – дўстлар, қариндошлар, устозлар, сафдошлар. Афсуски, улардан анча-мунчалари аллақачон шоир Шайхзода таъбири билан айтганда, «ҳечистон» мамлакатига рихлат қилишган, лекин уларнинг руҳи поклари тирик, бот-бот ҳузуримга келиб туришади, гурунглашамиз, дардлашамиз, маслаҳатлар қурамиз. Вақт ўтган сари уларнинг ўрни билинади, кўпларининг сиймоси янада тиниқлашади, юзлари, кўзларидаги нур ўткирлашади. Бундай эслашлар, бундай хотиротлар ҳамиша кишига руҳ беради, бардам қилади, мамнуният бағишлайди. Ҳаёт йўлларимда шундай улуг зотларга рўпара келган эканман, улар билан ҳамсуҳбат, ҳамфикр, ҳамдард бўлган эканман, демак, умрим унчалик ҳам беҳуда ўтмапти.

Бугун тонгда Зулфия опани эсладим. Нақадар олижаноб, нақадар нуроний аёл эдилар. Ўйлаб қарасам, Зулфия опа ўзларининг шеърлари билан, иболи ва ҳаёли феъли атвори билан, покиза эътиқодию зукко фикрлари билан менинг ҳаётимдан катта ўрин олган, маънавий дунёмнинг катта бир қисмини ташкил қилган инсон бўлган экан. У киши шундай улугсифат аёл эдиларки, ҳар гал рўпара келганимда дарров хушёр тортар, кийим-кечакларимни тўғрилар, қадалмай қолган тугмаларимни қадар, сочларимни (ҳа, ҳа, сочларимни – бир замонлар бу тақир бош устида қоп-қора сочлар ҳам бўлар эди) текислаб олардим – хуллас, у кишининг

кўзига ҳар жиҳатдан ораста бўлиб кўринишга тиришардим. Мен Зулфиянинг номини уруш йилларидаёқ эшитган, унинг «Хижрон» деган шеърий тўпламини, «Уни Фарҳод дер эдилар» деган достонини ёд олиб, кўп жойларда ўқиб юардим. Яқинроқдан танишиш кейинроқ насиб қилди.

1962 йилда Қозоғистонда ўзбек адабиёти декадаси бўлди. Декадага мен ҳам бордим. Самолётда Зулфия опа билан ёнма-ён ўтириб қолдик. Ҳар хил мавзуларда гурунглашиб, йўлнинг танобини тортиб олдик.

Гап орасида Зулфия опа ярим ҳазил, ярим чин маъносида бирдан сўраб қолдилар:

– Озоджон, нега сиз менинг шеърларим тўғрисида ҳеч нарса ёзмайсиз? Ёки ёқмайдими?

Мен дудуқланиб нималардир деб жавоб бердим, лекин ўйланиб қолдим — дарвоқе, нима учун шу пайтга қадар Зулфия опа ҳақида ҳеч нарса ёзмадим? Яхши ижодни пайқамасанг, қувониб тарғиб қилмасанг, сенинг танқидчилигинг қаёққа боради? Шошма, сен Зулфия шеърларини ўқигансан, албатта, лекин уларни уққанмисан, бу шеърлар орқали шоирнинг қандай инсон эканини билиб олганмисан? Очиғини айтганда, ўша декада мен учун Зулфияни ҳам кашф қилиш декадаси бўлди.

Аэропортда кўнишимиз билан қозоқ дўстларимиз бизни кучоқ очиб кутиб олишди — аллақачон Собит Муқонов Фафур Фуломни кучоқлаб олиб, унга нималарнидир уқтиряпти. Фафур ака чуст дўпписини яримта кийиб олиб, Собит оғага соф қозоқ тилида бир нарсалар деяпти. Сочлари оппоқ оқарган, новча бўйли Абдилла Тожибоев ҳассасини сермаб, Миртемирнинг теварагида гирдикапалак. Тавба, мен қозоқ ва ўзбек ёзувчиларининг иноқлиги, ижодий ҳамкорлиги тўғрисида кўп эшитган эдим-у, бунақа самимиятни, бунақа яқинликни кутмаган эдим.

Мен машинага Зулфия опа билан бирга ўтирдим. Бизга Турсунхон Абдурахмонова деган қозоқ шоираси ҳамроҳ бўлди. Турсунхон бу йил саксон ёшга тўлар экан. Умри узоқ бўлсин, юзга кирсин. Лекин мен бу шоиранинг саксонга кирганини ҳеч тасаввур қилолмайман. У очиқ чехрали, хушсуврат, ўта дилбар бир аёл сифатида эсда қолганди. Зулфия опани билар экан, бир зумда қувноқ гурунг бошланди. Турсунхон яхши шеърлар ёзиш билан бирга жуда чиройли кўшиқлар ҳам айтар

экан. Манзилга етиб боргунимизча, уч-тўртта ажойиб ўланни куйлаб ташлади. Қозоғистон диёрида кўп учрашувлар бўлди, ҳар учрашувда Зулфиянинг номи алоҳида тилга олинар, ундан шеър ўқиб беришини талаб қилишарди. Қозоқларнинг бизнинг шоирамизга муҳаббати шу қадар чўнг эканки, бир-икки жойда у фавқулодда ўзига хос тарзда намоён бўлди.

Сафар давомида биз Кўкчатовга бордик. Бениҳоя гўзал маскан экан. Чиройли қарағайзорлар теварак-атрофга муаттар ҳидлар таратади. Енгил туман ичида элас-элас кўринаётган тоғлар ҳавода муаллақ турганга ўхшайди. Лекин Кўкчатовнинг довруғи тоғларию ўрмонларида эмас, кўлларида экан. Бир вилоятнинг ўзида катта-кичик саксонга кўл. Сувлари тиниқ, бамисоли кўзгуга ўхшайди. Унда соҳилдаги дарахтлар ҳам, тип-тиниқ осмон ҳам акс этиб, ўзгача жозиба касб этган. Айниқса, Ойнакўл деган каттагина кўлнинг гўзаллиги ҳар қандай таърифдан юқори. Қирғоққа яқинроқ жойда сув ичидан каттагина қоятош чиқиб турибди. Бу тош дарҳол сув париларини эслатди – бунақа гўзал кўлда кўлдан-да гўзал сув парилари бўлса не ажаб. Энг қизиқ воқеа бироз кейин – тушлик вақтида рўй берди. Тушлик шеърхонликка, шеърхонлик кўшиққа уланиб кетди. Гурунг авжи қизиби турган бир пайтда қозоқ шоирларидан бири туриб, Зулфияга бағишланган шеърини ўқиб берди. Унда шоир бояги таърифи кетган Ойнакўлни Зулфияга тортиқ қилган эди. Гарчи бу совға рамзий бўлса-да, Ойнакўлни кўтариб кетишнинг иложи бўлмаса-да, ҳаммамизни жуда хурсанд қилди.

Бир-икки кундан кейин Балхашга бордик. Кундузги учрашувлардан кейин бироз дам олиб, оқшомги адабий кечага жўнашимиз керак эди. Бирдан Зулфия опа ғойиб бўлиб қолдилар. У кишининг қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Мезбонларимиз эса мийиғларида сирли кулиб, «хавотир олманглар, келиб қоладилар» деб бизни тинчитган бўлишади. Дарҳақиқат, қоронғи тушганда Зулфия опа кириб келдилар – у кишининг ёнида чипта қопга ўралган узун нарса кўтариб олган учта одам бор эди. Маълум бўлишича, улар Балхаш балиқчилари экан. Зулфия опа билан учрашувга кўпдан бери муштоқ эканлар. Шоиранинг Балхашга келишини эшитиб, шоиранинг ўзи билан гаплашиб, уни денгизга ўхшаган улкан кўл бўйига олиб кетишибди. Шеърхонлик бўлибди. Кўшиқлар куйлашибди. Балиқхўрлик қилишипти. Хуллас, тўйиб дийдорлашишибди. Балиқчилар кўп

машаққатлар чекиб, шоирага совға қилиш учун икки метр келадиган осетра балиғини ушлаб қўйишган экан. Бояги чиптага ўралган узун нарса осетра балиғи экан. Билмадим, кейин балиқ нима бўлди — Тошкентга олиб келишдими ё ўша ерда қолиб кетдими? Лекин бунинг аҳамияти йўқ эди — муҳими оддий қозоқ меҳнаткашлари шоирага бўлган ҳурмат-эътиборини ифодалашнинг ғоятда инсоний ва оригинал йўлини топишган эди.

Ўшанда қозоқ дўстларимизнинг Зулфияга муносабатини кўриб хижолат тортиб кетдим — шоиранинг доврўғи шунчалик бўлса-ю, танқидчилар у томонга бир қиё боқмаса?

Кейин Ўзбекистонда ҳам Зулфиянинг ижодий кечаларида кўп қатнашдим. Яйпанда, Попда, Марғилонда, Тошкентда... Қўқондаги бир учрашув ҳам ғоятда мароқли бўлган эди. Қўқонликлар шоирага сиёҳдон совға қилишди. «Бу сиёҳдон Нодирабегимнинг сиёҳдони. Нодирабегим сизга қаламини ҳам мерос қолдирган. Сиз Нодираи давронсиз. Нодира айтолмай кетган кўшиқлар сизнинг қаламингиздан тўкилсин», дея лутф қилишди.

Зулфия опанинг доврўғи бутун жаҳон бўйлаб таралган эди. Қайсин Қулиев, Давид Қўғултинов, Мустай Карим каби улкан санъаткорлар унинг яқин дўсти эди, у «Нилуфар» халқаро мукофотининг, Неру номидаги халқаро мукофотларнинг соҳиббаси бўлган эди. Лекин мукофоту унвонлар орасида биттаси бор эдики, у унвон билан Зулфия опа алоҳида мағрурланарди. У Ўзбекистон халқ шоираси эди. Шунинг учун бўлса керак, «Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман», дея хитоб қилганди.

Мен, албатта, Зулфия опа ҳақида ёздим, унинг тўғрисида бир адабий портрет яратдим, янги шеърый китобларига тақриз ёздим, мақолаларда унинг тўғрисида мулоҳазалар юритдим. Лекин, айтмоғим керакки, менинг ёзганларим бу улкан шоиранинг ижоди олдида урвоқ ҳам бўлолмайди, мен унинг нафосатини, гўзаллигини, фикрий бойлигини кўнгилдагидек, ўша шеърыйатга муносиб тарзда очиб беролган эмасман. Мана, ҳозир ҳам ёзаяпман-у, лекин қаламим эски ўрганиб қолган маддоҳлик йўлига тойиб кетаётганини сезиб турибман. Нечундир менинг тасвиримда Зулфия опа фаришта мисол бўлиб чиқяпти. Ҳолбуки, у инсон эди ва ҳар қандай инсон ҳаёт йўлида дуч келадиган ҳамма синовлар, машаққатлар,

изтироблар унинг ҳам бошига тушган эди. Кўпгина шеърларида Зулфия опа ўзининг «кемтик бахти» ҳақида гапирди. Умрининг сўнгида ёзган «Хотирам синиқлари» достонида эса ўша машаққатлар тўғрисида бениҳоя мардоналик билан ёзади. Бу асар теранлиги ва мардонаворлиги билан менга Анна Ахматованинг «Реквием» деган асарини эслатади.

Шоиранинг шеърлари ҳақида, уларнинг латофати, инсоний жозибаси, теранлиги тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин мен бугун бошқа бир саволга жавоб излаяпман — Зулфияни одамларга ардоқли қилган, адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бирига айлантирган, XX асрнинг буюк аёллари қаторига қўшган асосий омил нимадир? Менимча, бу — унинг эътиқоди, жуда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлари, дили билан тилининг бирлиги, шеърларида мадҳ этган инсонийлик, вафо, садоқат ва диёнат деган нарсаларга ўзи ҳаётда оғишмай амал қилганида. Истеъдод улуғ неъмат, лекин истеъдоднинг ўзи билан иш битмайди, шекилли. Минг афсуски, бизда айрим истеъдодли шоирлар ва шоиралар бор, бироқ улар ўзларининг истеъдодларига берилиб кетадилар-у, шунга яраша инсон сифатида ҳам улуғ бўлиш кераклигини унутиб юборадилар. Улар виждонларига хилоф иш қилишдан ҳам, ўзлари улуғлаган қадриятларни икки чаққача сотиб юборишга ёки ароққа кўшиб ичиб юборишга тайёр. Бунақа одамнинг ижоди бирон-бир тийинли қимматга ёхуд салмоққа эга бўлмаслиги ўз-ўзидан аён. Зулфия опанинг ибрати шундан далолат берадики, ҳар қандай истеъдоднинг ёнига инсоний фазилатлар қўшилсагина, ижод муайян салмоқ касб этади. Бунга эса бутун умр бўйи давом этадиган машаққатли меҳнат билан, астойдил жон куйдириш билан эришилади. Зулфиянинг оилавий ҳаёти, муҳаббати тарихи кўпчиликка яхши маълум. Зулфия шоир Ҳамид Олимжонни севиб, у билан 1935 йилда турмуш қурди. Бироқ орадан тўққиз йил ўтгач, ногаҳоний фалокат туфайли иккита фарзанд билан эридан бева қолди. Кейин эса умрининг охиригача Зулфия Ҳамид Олимжонга муҳаббатини боши устига қўйиб, авайлаб, асраб, гард юқтирмай олиб ўтди. Баъзан Зулфия тўғрисида икки болани отасиз катта қилди дейишади. Менимча, бу унчалик тўғри эмас, чунки Ҳамид Олимжон руҳан ўз хонадонини бирон кун ҳам тарк этган эмас, деворлардаги

сувратлардан Ҳамид Олимжон йирик-йирик кўзлари билан мутгасил Зулфияга, фарзандларига қараб, уларнинг ҳолидан хабар олиб турарди, жавондаги китоблардан унинг салобатли овози эшитилиб туради. Отанинг руҳи тирик бўлса, у оиланинг ҳамма ишларида, шу жумладан, болалар тарбиясида ҳам иштирок этаверар экан.

Зулфия – атоқли шоира, йирик давлат арбоби, жамоат ишларида фаол, эл назаридаги инсон. Лекин у биринчи навбатда аёл, аёл бўлганда ҳам ўзбек аёли эди. У аёл сифатида муайян бурчга эга эди. Ҳамид Олимжондан эрта айрилган фарзандларини ўстириб, одам қилиб етиштирмоғи керак эди. Бу эса – эҳ-ҳе – дунёдаги энг қийин, энг машаққатли ишлардан бири. Қизиги шуки, сиз фарзандларингизни моддий неъматларга кўмиб юборишингиз мумкин. Улар яхши кийиниши, еб-ичиши, шухратингиз шуъласида гердаиб юришлари мумкин. Лекин буларнинг ҳеч қайсиси фарзанднинг қобил бўлиб чиқмоғи учун етарли бўлмаслиги мумкин. Нима учундир у наркоман, безори, бузук, ўжар, ўғри бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас. Зулфия опа 29 ёшида бева қолган эди – 29 яшар аёлга аталган бу дунёнинг жами ҳузур-ҳаловатидан, лаззатидан кечди, қалбининг бутун кўрини фарзандларига бағишлади. Бунинг оқибатида қизи Хулкар олима бўлди, нафақага чиққанига қадар дорилфунунда дарс берди, Ойбек домлага муносиб келин бўлди. Ўғли Омон эса – мана, қирқ беш йилдирки, Олий Мажлисда ишлайди. У бу ерга оддий мусаҳҳиҳ бўлиб ишга кирган эди, кейин маслаҳатчи бўлди, бўлим мудир даражасига кўтарилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос. Энг қизиги шуки, мен Хулкарни ҳам, Омонбекни ҳам қирқ беш йилдан бери биламан, лекин ҳали уларнинг бирон марта калондимоғлик қилганини, бурни кўтарилганини, бошқаларни менсимамай қўйганини кўрган эмасман. Бинобарин, Зулфия опа ўзининг оналик бурчини ҳам жуда ўринлатиб адо этди – жамият учун яхши фазилатларга эга бўлган икки ажойиб инсонни тарбиялаб етказиб берди.

Зулфия опа ўзбек шеърлятида ўзига хос бир мактаб яратган эди. Унинг шогирдлари кўп эди. Булардан айримлари – Ойдинхон, Қутлибека ва бошқалар бугун Зулфия опанинг чироғини сўндирмасликка ҳаракат қилиб, самарали ижод этмоқда. Шоира шогирдлари билан бирга гўзал бир шеърлят чамани яратиб кетди. Хўш, бугун бу бўстон қай аҳволда? Унинг ҳолидан огоҳ бўлиб, парваришига қараб турган шеършунослар,

шеърпарастрлар борми ё у етим қолдими? Албатта, бугунги шеърриятимиз етим қолди десак нотўғри бўларди, шеъррият бўстони қаровсиз ётипти, ўз ҳолига ташлаб қўйилган, десак ҳам ҳақиқатдан узоқ бўларди. Забардаст шоирлар бор, уларнинг танланган асарлари, янги тўпламлари чиқиб турибди. Шу билан бирга, шоир Эркин Воҳидов айтган «даҳо шеърлар» яратилмаяпти. Шеърриятда борган сари майдалашиш ҳолати содир бўляпти. Шоирлар ўзи билган нарсаларни ёзиш ўрнига сунъий гапларни тўқиб чиқаради, ясама гапларни гапиради. Баъзилар ҳали йигирмага тўлар-тўлмас «кўйдим-пишдим»га ўтишади, «о, дастингдан дод, дунё» деб ҳайқиради, баъзилар «чархнинг мен кўрмаган дарду балоси қолдиму?» деган саволларга кўмиб ташлайди, яна баъзилар чиллага кирган мулладек, шеърда чилёсинлар ўқишади. Баъзан шоирлар изланиш қиламан деб шунақа кўчаларга кириб қолишяптики, ёқа ушламай иложинг йўқ. Яқинда бир шоирнинг шеърини телевизорда таҳлил қилишди. Унинг ёри бетоб экан. Узоқдан ўртоғи кўринибди – у қизининг аҳволи ҳақида хабар олиб келибди. У етиб келгунча, шоир хавотир ичида кутиб турибди. У келиб, «отанг вафот этди» дейди. Шоир хурсанд бўлиб кетипти (ёри ўлмаганига бўлса керак-да). Асарни мақтаган туппа-тузук шоирлар худди ана шу жойни «ички дунёни очишдаги янги кашфиёт» деб тақдим этишди. Кашфиёт ўлсин шунақа бўладиган бўлса! Бунақа гаплар шеърда чинакам шеъррият, нафосат ўрнига, сахнада кўрсатиладиган ясама ўйинлар, сунъий қилиқлар кўпайиб кетаётганини кўрсатмайдими? Оқ қоғознинг тили, забони йўқ – нимани ёзсангиз чидайверади, аммо истеъдоднинг истеъдодлиги шундаки, у нимани ёзишни билишдан ташқари, нимани ёзмаслик кераклигини ҳам яхши билиши керак.

Майли, бу ғамгин, кимларгадир ёқмайдиган гапларни қўяйлик.

Бугун тонгда руҳи покингиз билан яна бир марта гурунглашдим, Зулфия опа. Ва яна бир карра амин бўлдимки, ўзбек адабиёти XX асрда ҳар қанча зиддиятли, машаққатли ва мураккаб йўлни босиб ўтган бўлмасин, унда бир қатор том маънодаги ижодкорлар етишиб чиқди. Бугунги истиқлол кунларида уларнинг ижодлари янги қирралари билан намоён бўлмоқда. Шу порлоқ юлдузлар ичида сиз ҳам олдинги қаторлардасиз, Зулфия опа!

Сизни жуда соғиндим!



**Эркин Воҳидов,**  
*Ўзбекистон халқ шоири,  
Ўзбекистон Қаҳрамони*

## **ВАФО**

### **I**

*Соғинганда излаб бир нишон  
Қабринг томон мен оламан йўл.  
Келтирардинг менга бир замон,  
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул.*

**Зулфия**

– Гарчи йиллар чанги ҳар нега қодир,  
Мени қилолмади ёдиндан нари.  
Яна ҳузурингда турибман, шоир,  
Қўлимда бир кучоқ баҳор гуллари.

Ажаб, қатра ёш йўқ бу кун кўзимда,  
Кўксимда йўқ зарра аламдан тугун.  
Ғам эмас, шодлик бор, қара кўзимда,  
Сени қутлагани келганман бугун.

Толе кулганда ҳам ҳижрон-балода  
Баҳам кўриб севинч, дард-ҳасратимиз —  
Қирқ йил умр кўрдик бирга дунёда,  
Бу кун қирққа тўлди муҳаббатимиз.

Биз қирқ йил ёнма-ён, орзуга банда,  
Фақат саодатни тараннум этдик.  
Вафо деб аталган тоза гулшанда  
Ўзинг орзу қилган кунларга етдик.

Мана, сен жонингдан севган Ватанинг,  
Толеинг тимсоли, оламда мумтоз.  
Самовий кемалар, орзуинг сенинг  
Ложувард кенгликка қилдилар парвоз.



Сен бахтлар водийси атаган диёр,  
Икки дарё ювган икки кокилин —  
Бу кун етти иқлим махзанича бор,  
Бу кун ўн беш кунлик ой каби тўлин.

Хулкаринг илмда довонлар ошиб,  
Бу кун таҳлил қилар сенинг дафтаринг,  
Йигирма биринчи асрга шошиб,  
Бетиним югурар набираларинг.

Қулоғимга келар кўча-кўйлардан  
Қийқириб ўйнаган болалар саси.  
Булар — сен ишонган ва сен куйлаган,  
Лек сен етолмаган зафар меваси.

Фалабани қандай орзу қилардинг!  
Орзуларинг энди дилингга қанот.  
Сен қандай қувониб тошган бўлардинг —  
Енгганин кўрсайдинг ўлимни ҳаёт!

Шеър бўлиб тўларди қалбингга сенинг  
Майдонлардан оққан музаффар туғлар...  
Ҳали совимаган қабрингга сенинг  
Зафар салютидан тўкилди чўғлар.

Тобора кетмоқда ёшлик йироқлаб,  
Лаҳза ором билмас ҳануз дил сенсиз.  
Ҳар баҳор келганда сени сўроқлаб,  
Оламда яшабман ўттиз йил сенсиз.

Умрим бир он сендан айру бўлмади,  
Сочларимга қўнди тола-тола оқ.  
Йиллар сени мендан йироқ қилмади,  
Йиллар иккимизни этди яқинроқ.

Мен сени ҳеч қачон йўқотганим йўқ,  
Доимо ёнимда нафас оласан.  
Очиқ дафтарингни кўзғотганим йўқ,  
Ўйлайман, кечқурун келиб қоласан.

Тонг сени уйғотмай мен ишга бориб,  
Кеч боғдан сен учун узаман гилос.  
Ҳар кун уйимдасан, лек ишдан ҳориб  
Нариги хонада ётибсан, холос...

Аввал сен ўқийсан янги шеър ёзсам,  
Сенга айтдим севинч, гаму андуҳим.  
Мен ўзим қай маҳал қайда бўлсам ҳам  
Сен билан боғларда сўзлашар руҳим.

Висолга айланди мен учун ҳижрон,  
Ёдингга шунчалар ўрганиб қолдим, —  
Азиз жонинг билан туташдию жон,  
Балки мен ўзим ҳам сен бўлиб олдим.

Ҳассос қаламингни тутдим қўлимга,  
Сен бўлиб куйладим мен жону дилдан.  
Сени тирик дедим қизим, ўғлимга,  
Йўқлигингни доим яширдим элдан.

Юлдузлар чиққанда ҳар кеч фалакка  
Сенинг кўзларинг, деб кўкка қарайман.  
Китобинг варақлаб тонггача якка  
Сатрларинг билан ўзни ўрайман.

Сен ҳануз турибсан ўттиз беш ёшда,  
Ўшандай ғайратли, ўшандай ўктам.  
Нега энди сендан бўлайин бошқа?  
Ўттизга етмаган ёшдаман мен ҳам.

Шунча узоқ бўлдинг, бас, энди етар,  
Бир лаҳза мenden ол танҳолик юкин.  
Бир лаҳза, шоирим, бошингни кўтар,  
Сени қутлагани келганман бугун.

Ана, кўтарилди уфқдан қуёш,  
Бу сенсан, шуълалар — заррин қанотинг.  
Менга қутлуғ бўлсин вафо ва бардош,  
Қутлуғ бўлсин сенга янги ҳаётинг.

## II

*Халққа айтинг,  
Мен асло ўлганим йўқ...*

**Ҳамид Олимжон**

– Мени, барҳаётсан,  
Дединг, шоирам,  
Ёруғ дунёдаги  
Ҳаётим ўзинг.  
Мен уни ногаҳон  
Тарк айлаган дам  
Қолдирган байтиму  
Баётим ўзинг.

Айрилиқ қисматда  
Бор экан, нетай,  
Лекин сен бирламен,  
Мени ёр десанг.  
Не учун оламдан  
Йўқ бўлиб кетай,  
Мени ўз ёнингда  
Доим бор десанг.  
Ҳаётдаман,  
Фақат  
Жисмдан холи,  
Дунёни кўксимда  
Сезиб турибман.  
Фазода сайр этган  
Кема мисоли  
Борлиқ теграсида  
Кезиб юрибман.

Ҳаётимни этмиш  
Мангу чароғон  
Сенинг қалбингдаги  
Ойдин хаёллар.  
Бевафо дунёда

Яшайди инсон,  
Борлиги туфайли  
Сендек аёллар.

Кечди тирик умрим  
Шеър билан пайванд.  
Ҳайрат кўзи билан  
Атрофга боқдим.  
Гоҳи пастга тушдим,  
Гоҳ чиқдим баланд,  
Зарафшон сувидек  
Ҳайқириб оқдим.

Аммо ҳаётимнинг  
Пок дурдонаси,  
Мен топган энг аъло  
Шеърим,  
Ғазалим,  
Қалбимнинг энг юксак  
Шодиёнаси  
Сен бўлдинг,  
Фариштам,  
Доно гўзалим!

Ёдингдами, бизлар  
Илк кўришган чоғ?  
Борлиқ кўнглимиздай  
Мунаввар эди.  
У олам,  
У осмон,  
У яшнаган боғ  
Гўё бахтимга тенг  
Муяссар эди.  
Кун-кун эмас эди,  
Шеър баҳси аро  
Кўшалоқ шам каби  
Ёнмасак агар, —  
Кўзларингдай қора  
Кечалардан то

Юзларингдай ёруғ  
Субҳидам қадар.

Сўнг...  
Бир кун ёнингга  
Шошиб келардим,  
Фурсат тўхтаб қолди  
Йўлда ногаҳон.  
Интилиб,  
Интилиб  
Етолмай,  
Дардим —  
Дилга оқди, гўё  
Бир пиёла қон.

Сўнг...  
Сен нола қилдинг  
Сочингни ёйиб,  
Фируза томчилар  
Оқди юзимга.  
Кейин...  
Ҳамма нарса  
Бўлдию ғойиб,  
Сингиб қолди фақат  
Чехранг кўзимга.

Шоирам!  
Сен боис  
Ҳаётда қолдим!  
Жоним кипригингда  
Тутдию макон,  
Кўзингда кўзларим,  
Қалбингда қалбим,  
Вужудингда ўзим  
Бўлдим намоён.

Менинг ҳам созимдир  
Кўлингдаги соз,

Менинг ҳам изим бор  
Ўтган йўлингда.  
Қўшиқларим қилди  
Оламга парвоз,  
Даставвал жаранглаб  
Сенинг тилингда.

Шундан икки илҳом  
Ёр бўлди сенга,  
Қалбингда сўйлади  
Ҳамоҳанг диллар.  
Шу боис  
Дилрабо  
Нозик шеърингга  
Қуйилди  
Жанговар,  
Ёниқ сатрлар.

Ҳассос шеър таралди  
Коинот бўйлаб,  
Унда нолаю бонг,  
Эрк оҳанги жам.  
Ўтли қалбдан чиққан  
Қўшиғинг тинглаб,  
Ўзбек овозини  
Таниди олам.

Шоирам!  
Машъалинг  
Кўтаргин баланд,  
Минглаб оналарнинг  
Юраги сенда.  
Бир умр ёрининг  
Ёдига пайванд  
Мунис келинчаклар  
Тилаги сенда.

Сен ўтган йўлларда  
Чечаклар қолсин,

Сен кирган хоналар  
Бўлсин чароғон.  
Кўзларингда қуёш  
Шуълалар олсин,  
Юлдузларин сочсин  
Бошингдан осмон.

Торинг минг булбулдай  
Тошиб сайрасин,  
Ғаму ҳасратларни  
Айлагин барбод.  
Сен шундай яйраки,  
Олам яйрасин,  
Агар менинг руҳим  
Бўлсин десанг шод.

Баланд уч,  
Олис уч  
Шеърий самода,  
Мен учун ҳам яша,  
Куйла, шоирам!  
Ўзинг айтганингдек,  
Ёруғ дунёда  
Сен ҳаёт экансан —  
Ҳаётман мен ҳам!

## **ТЕРАНЛИК**

*Шоира Зулфияга*

Теранликни қидирмадим уммонлардан,  
Инсонлардан топдим уни, инсонлардан.  
Теранлик бу — нур ёғилган юзлардадир,  
Теранлик бу — ўйчан боққан кўзлардадир.

Майингина чимирилган қошлардаги,  
Нуқра-нуқра қиров қўнган сочлардаги,  
Бўронларда эгилмаган бошлардаги  
Теранликнинг таърифига сўз бормикан...

Машъум йиллар дилга солган озоридан,  
Оналарнинг ҳасратидан, оҳ-зоридан  
Одамларнинг юрагида уммони бор,  
Уммонларнинг сокинлиги, тўфони бор.

У йилларнинг зилзиласи кўкракларда,  
Машъум уруш доғи ҳали юракларда.  
Ҳассос қалбдан оққан энг пок тилакларда,  
Умидларда ҳаёт қадар теранлик бор,  
Кўнгилдаги сабот қадар теранлик бор.

Теранликни қидирмадим уммонлардан,  
Инсонлардан топдим уни, инсонлардан.







**Ибройим Юсупов,**  
*Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон*  
*халқ шоири,*  
*Ўзбекистон Қаҳрамони*

## **ОЛАМНИ ЁРИТДИ ЮРАҚДАГИ НУР**

Таниқли шоира Зулфия нафақат Ўзбекистонимизда, балки қардош элларда ҳам маълум ва машҳур бўлиб, у бутун Шарқнинг маънавият осмонида дунёнинг барча жойларидан порлаб кўринадиган ажойиб юлдуз бўлди. Ҳар бир ёруғ юлдузга исм қўйилгани каби, уни шоирона номлаш керак бўлса, «Зулфия юлдузи» деб номласа, шунга арзигудек эди. Аёл зотидан бунчалик шараф қозонган, шоирона гўзаллик тимсоли бўлган, ижоди замондошларининг қалбини муҳаббат нури йўғрилган гўзал туйғулар ила тебратган бундай шоирани дунё камдан-кам билди. Унинг шеърларида чуқур инсонийлик, инсон юрагини тебрантирадиган яхши туйғулар, муҳаббат нури обиҳаёт чашмаси каби юракларни мафтун қилиб, шеърият шайдоларининг кўнглини ҳамиша забт этади.

Зулфия даврида (ёши ундан заррача катта ёки сал ёшроқ) кўпгина таниқли шоир аёллар бўлди. Машҳур рус шоиралари Ольга Берггольц, Римма Казакова, белорусиялик Эди Огнецвет, украин шоираси Любовь Забашта, литвалик Саломея Нерис, тожикдан Гулрухсор Сафиева, арман шоираси Сильва Капутикян, озарбайжонлик Марварид Дилбозий, қозоқда Турсунхон Абдурахмонова, туркманда Таўшан Эсенова ва ҳоказо. Уларнинг аксарияти ўз элида таниқли шоирлар сифатида тан олиниб, анчагинаси кўп элатларга маълум бўлди. Лекин ҳеч бири Зулфиядек дунёга маълум ва машҳур бўла олмади. Зулфиянинг шоирона овози олам кенгликлари узра ҳайқариб жаранглади. Айниқса, Шарқ эллари уни ўз шоиридек билиб, эъзозлади. Рус шоири Екатерина Шевелева ёзганидек, «Зулфия Ҳиндистон, Бирма, Шри Ланка, Миср халқларига яхши маълум шоирларнинг биридир».

Танишларим қанча? Сўрдим ўзимдан,  
Менга жавоб қилди порлаган куёш:  
«Менинг нурум кирган ҳамма ер таниш,  
Баҳра олган жоннинг ҳаммаси қардош!»

Ўзбекистонимизда мустақилликнинг шамоли эганидан сўнг яхшиларни хотирлаш боғида гуллар такроран очилиб, яшнамоқда. «Келинлар, биродарлар, тирикларнинг иззатини жойида сақлаб, ўтганларнинг охирати обод бўлишини тилайлик», деган Президентимизнинг даъвати амалга ошмоқда. Халқимиз маънавиятида муносиб ўрни бўлган Зулфия опанинг ҳам руҳига буюк эҳтиром кўрсатилди. Унинг овози кучли жаранглаб, шоиранинг номига Давлат «Зулфия мукофоти» таъсис қилинди ва элимиз ёшларининг ижодий ишларида, келажакка интилишида бемисл гўзаллик тимсоли бўлиб хизмат қилмоқда.

\* \* \*

Зулфиянинг ижоди билан танишиш менинг талабалик йилларимга тўғри келди (1945—1949). Ўша йилларда Қорақалпоғистонда биргина Пединститут мавжуд бўлиб, унда ҳам филология бўйича рус ва қорақалпоқ тиллари ва адабиёти бўйичагина икки курс бор эди. Туркий тиллардаги талабалар барчамиз бир курсда — қорақалпоқ тили ва адабиёти курсида аралашиб ўқир эдик. Қўлимизга тушган туркий тилдаги адабий китобларни танламай оммавий тарзда ўқийверар эдик. Гаплашганда тилларимиз ҳам аралашиб кетган эди.

Ҳозирги замон ўзбек шоирларидан Фафур Фулом, Шайхзода, Асқад Мухтор, айниқса, Ҳамид Олимжонни севиб мутолаа қилардик. Мен ўша йилларда унинг анчагина шеърларини таржима қилиб, адабий кечаларда ўқирдим ва биз билан бирга ўқийдиган қорақалпоқ, қозоқ, туркман болалари ёд олар эди. Орадан кўп вақт ўтмай Зулфиянинг шеърларига астойдил қизиқиб қолдик. Унинг шеърларини айниқса талаба қизлар севиб ўқир ва адабий кечаларда ёддан айтар эди.

Бир куни бизнинг сеvimли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг бевақт вафот этгани ҳақидаги шум хабарни эшитиб, қаттиқ хафа бўлдик. Зулфия опанинг «Баҳор келди сени сўроқлаб» деган шеърини

қорақалпоқчага таржима қилдим ва курсдошлар даврасида, шунингдек, адабий кечада ўқидим. Уни талабалар ёдлаб, ўқиб юрди. Бу шеър чиндан ҳам Зулфиянинг катта қайғу-дардидан туғилган, юракларни ларзага соладиган шеър эди. Бу шеър опамнинг юрагини яраллаган бемисл қайғу-ҳасратини шунчалик моҳирона тасвирловчи ажойиб сулув лирика бўлиш билан бирга, Зулфия ижодининг қатъий бурилиш ясаб, унинг музасининг такомиллашганидан далolat берувчи асар эди. Ўша йилларда мен Зулфияга бағишлаб «Меҳригиёнг борми тишингда» деган шеър ёзганман (изоҳ: бир қуш меҳригиё деб номланувчи илоҳий чўпни тишлаб ётиб ҳеч бир қушда учрамайдиган ажойиб овоз билан сайраб эмиш).

Зулфия опамиз қанча интилса ҳам, Қорақалпоғистонга кела олмади. Бунинг энг асосий сабаби, халқ тили билан айтганда, туз тортмаган бўлса керак. Шоиранинг шеърлари биз томонларда машхур бўлди. Унинг иккинчи тўплами «Вақт ўтган сари» деган ном билан 1985 йили қорақалпоқ тилида нашрдан чиқди. Ундаги аксарият шеърлар менинг таржимамда чоп қилинди.

Ўзига жўнатилган ўша тўпланиннг бир донасини бизга қайтариб, унга шундай деб ёзибди:

Бир армонки, қорақалпоқ аталгувчи қардош элга  
Мен бормадим, шеърим борди.  
Оқинжоним! Бир талпиниб шеър айланди дарҳол жирга,  
Қўш қанотда севгим борди.  
Аму билан Сир фарзанди туташ тупроқ она макон,  
Элларимиз оға-ини.  
Тунни тонга улаб бахтдан қуйлаган он,  
Даврангизда бор денг мени.

Опамизнинг афсус тортиб ёзган бундан бошқа хатлари ҳам менда сақланиб турибди.

\* \* \*

Зулфия опа билан менинг танишувим 60-йилларда бўлди. «Саодат» журналига излаб бориб танишдим. Меҳр-муруввати юзини нурлантириб турган севимли шоира опамиз мени эски дўстидек табассум ила қабул қилди. Биз ижод ҳақида гаплашдик, шунда у Қорақалпоғистонга боришни орзу қилишини айтиб, Жўлмирза Оймирзаев, Ойимхон Шомуродоваларнинг сиҳат-саломатлигини сўради.

Кўп ўтмаёқ бизлар ижодий дўстлик боғлаб, бир-биримизни опа-ука сифатида ҳурмат қилиб яшадик. Бу ҳурмат-эҳтиром умрбод давом этиб, борган сари туғишганлардек бўлиб кетдик. Мен Тошкентнинг Композиторлар кўчасидаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия уйига зиёратга бориб турдим, уларнинг сеvimли фарзандлари Омон ва Ҳулкар билан ҳали-ҳануз танишликда яшайман.

Зулфия опанинг икки юбилейида иштирок қилдим. Бирисида Мустай Карим, Қайсин Қулиев ва бошқа кўпгина таниқли шоирлар билан бўлди ва Зулфияга бағишлаб шеърлар ўқидик. Ёдимда қолган қизиқарли воқеалардан биттаси: Мустай Карим бир кўза бошқирд асалини олиб келган экан, кўзанинг ташқарисига йирик ҳарфлар билан «Мёд – жизнь, жизнь – не мёд» (Асал – бу ҳаёт, лекин ҳаёт – асал эмас) деб ёзибди. Залда кўнгилли кулгу ва қарсақлар янграб кетди. Мен Хўжайлидаги тўқиш комбинатида шоира опамизнинг суратини гиламга тўқиттириб олиб бордим ва қорақалпоқча камзул кийдириб, рўмол ёпдим ва юбилярга бағишлаб шеър ўқидим.

Шоиранинг мен иштирок қилган иккинчи юбилейи 1975 йили Навоий театрида ўтказилди. Кўп элларнинг таниқли шоирлари опани табрикладилар. Мен ҳам қорақалпоқ совғасаломлари билан бориб, табрикладим.

Ўзбек халқининг сеvimли ва таниқли шоирасига, дунёга шоирлик, инсонийлик, аёллик ақл-заковати билан донг таратган гўзал қизига нисбатан садоқати, ҳурмат-эҳтироми ва меҳри беқиёсдир. Атоқли шоир, депутат, иттифоқ ва Ўзбекистон Давлат мукофотларининг лауреати, Меҳнат Қаҳрамони, Неру номидаги ва «Нилуфар» халқаро мукофотларининг лауреати Зулфия Исроиловнинг ўлмас ижоди жумлаи жаҳонга маълум бўлиб, исми миллионлар юрагида узоқ замонлар оша яшайверади.

Мен бу буюк шоирага бағишланган шеъримнинг биридан бир неча сатр келтириб, сўзимни якунлагим келади:

Дейди: қиз иқболи бўлсин зиёда,  
Уни билсин Париж ва Қоҳирада.  
Ҳинд элида тушсин мушоирага,  
Ҳар босган қадами гул-гиёҳ бўлсин,  
Овозаси етсин бутун дунёга,  
Қайга борса, бизнинг Зулфия бўлсин.

Ўғил бўлса, ўзинг исмини қил тайин:  
Майли Фафур, Ҳамид, майли Ибройим.  
Лекин сизга бир насиҳат қилайин:  
Қизингиз қалби гул, шоира бўлсин,  
Гўзаллик тимсоли бўлсин илоҳим,  
Исми ҳам, ўзи ҳам Зулфия бўлсин.

## ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ БУЗУҚ ҲАВОДАН

*Зулфияхонимга*

Бузуқ кўрдим бугун ҳаво авзойин,  
Кўчада ёқимсиз шамол изиллар.  
Уй қошида боққа кеч кирган сайин,  
Шоирам бир ўзи ўйчан кезинар.

Унсиз кузатади улкан чинорлар,  
Япроқларин сочиб унинг пойига.  
Майналар чағ-чағлаб қайдадир йиғлар,  
Қарға қағиллар анҳор бўйида.

Гул мавсуми тугаб, оёқлабди ёз,  
Кузга гал келганин ўйларми маҳзун?  
Ўкинч сўқмоғига, бевақт синган соз —  
Армонини тинглаб, титрарми дилхун?

Жароҳати битмас шоирнинг жонин,  
Ва лекин шоирам, Сиздан илтимос:  
Унутсангиз ҳамки бутун дунёни,  
Огоҳ бўлинг ундай ҳаводан бехос.

На куз бу, на қишдир — аросат ҳаво,  
Қай мавсум, деб биров сўрамас ҳозир.  
Ишониб бўлмас бу ҳавога асло,  
Кимлигингизга ҳам қарамас ҳозир.

Ёлғиз тор хонада ёлғизгина соз  
Шамол елпиб ўтса, йиғлайди мунглуғ.  
Ўкинч сўқмоғида кезманг бу аёз,  
Виждонингиз покдир, юзингиз ёруғ.

Дардли лира билан одамлар бахтин  
Жон куйдириб куйлаб келгансиз доим.  
Гўзаллик гулию сабр дарахтин  
Кўнгил боғингизга эккан худойим.

Биби Фотимани мен ёдга олсам,  
Кўнглимда ҳурматим ортади Сизга.  
Агар мен художўй мусулмон бўлсам,  
Намоз ўқир эдим этагингизда.

Гап бор «Сақлаганни – сақларман» деган,  
Бир иложин топар руҳи соғ одам.  
Чиқманг бу изғирин турган кўчага,  
Ўзингизни асранг бузуқ ҳаводан!





**Миртемир,**  
*Ўзбекистон халқ шоири*

## **ТОНГ КУЙЧИСИ**

Ўзбек поэзиясида Зулфия деган номнинг чақнаб пайдо бўлиши — тонг юлдузининг туғилишига тенг воқеа бўлгани ҳануз эсимда, ўша тонгнинг ўзидай рост ва ёрқин бир ҳақиқат бу ўзи! Чигилликлар, тортишувлар, изланишлар тўлиқ бир паллада янги ва умидбахш бир садо, ёқимли бир соз жаранглаб кетган эди-да. Ўша кезде аёл зотидан қўлига қалам олганлар санокли ва пайдо бўлиб улгурмайин сўниб қолар, ижодлари ҳам умумийроқ, бир-биридан фарқсизроқ, ибтидоийроқ, жўнроқ назмгўйликдан нари ўтолмаган машқлар, ўхшатмалар эди. Давр ва поэзия аёл эрки, аёл қалби, изтиробга лиммо-лим она тимсоли, она армонлари, она бахтини, она дилини куйлашга қодир бир онабошига муҳтож ва интизор эди. Зулфия ана шу бўшлиқни тўлдириб қўлига соз олган, ўша чанқоқликни қондирган биринчи аёл, биринчи куйчидир. У биринчи машқларданоқ тонгга маҳлиё. Буюк ва пок тонг гўзалликларига ошиқ, тонгни қадрлашга фидойи, жасоратли ва уринчоқ куйчи бўлди. Зулфия судралиб юргани йўқ, ҳар янги шеърида илгарилаётгани аниқ, парвозга узоқ йиллар тайёргарлик кўргани равишда, сатрма-сатр, бандма-банд, шеърма-шеър теранлашиб, ярқираб, бурролик ва жаранг касб этган қалам соҳибасидир. Бу фазилат ва сажия хамирдан қил суғургандай осон ва ўз-ўзидан қўлга кирган эмас, албатта. Узлуксиз меҳнат, уриниш-изланишдан, тунлар уйғоқ ўтганидан, ёзиб-чизганидан, ўқиганидан, ўрганганидан, чарчаб аста чироқ сўндирганидан, отаётган тонгни кутганидан, тонгни суюб, куйиб куйлаганидан ҳосил бўлади.

Зулфияхоним шеърларида тонг тимсоли, тонг тасвири буюк эрк, буюк бахт, буюк давр, буюк ва ёруғ дунё тимсолидай жаранглаб кетганлиги ва ҳануз ўшандоқ жаранглаб турганлиги ҳеч кимга сир эмас, ҳаммаси фақат меҳнатдан, узлуксиз меҳнатдан!

Иккинчи жаҳон уруши жаҳонга хавф солганда, эл бошига оғир айрилиқлар, ҳижронлар тушганида ҳам Зулфияхоним овози тиниб қолгани йўқ, балки янги жаранг, ўктамлик зиналарига кўтарилди олди. Бу оғир йиллардаги умумшеърият оқимида Зулфияхоним овози ёрдан жудо ёш келин, ўғлидан жудо онаизор дилининг оғир изтироблари, ғалабага умидвор ва ишончи бор она тимсолининг ифодаси бўлди. Бу оғир йиллардаги Зулфияхоним шеърлари жангчи ёр ва жангчи ёрга вафодорлик садолари бўлди:

Тушда ҳам, ўнгда ҳам излайман сени,  
Сен ёвни йўқ этиб, омон қайтгунча...

каби фиғонли, дардли, лекин аниқлик ярқираб турган сатрлар ўша йиллар ҳайқириви-да! Она ҳайқириви, ёр ҳайқириви, давр ҳайқириви, шу билан бирга бардамлик қўшиғи, субут ва садоқат қўшиғи, бир сўз билан айтса, вафодорлик қўшиғи. Нечоғлик содда-ю, нечоғлик теран ва эсда қолгудек!

Бу оғир йилларда Зулфияхонимнинг ўз бошига ҳам оғир жудолик тушди. Ўсал бир тасодиф қурбони бўлиб, унинг умр йўлдоши ва мураббийси, дўсти ва суюқлиси Ҳамид Олимжон оламдан ўтди. Ҳамма қалам аҳли учун, ўзбек халқи учун, маданияти учун оғир бу айрилиқ Зулфияхоним учун ниҳоятда оғир бўлиши табиий, ахир! Оловли ишқ, одамийлик, сидқидил дўстлик ва тошқин меҳр ўз авж пардаларида узилиб қолиши фожиа устига фожиа бўлган эди-да. Зулфияхонимнинг дунёда энг яқин кишисини, юлдузи юлдузига тўғри келган забардаст шоирини унутиши мумкин эмас эди-да. Ҳа, унутиши мумкин эмас!

Буюк хинд ҳалқида (ўша халқнинг бир тоифасида) яқин ўтмишга қадар мурдани ёндириш одати бор эмиш. Ҳайратомуз ва даҳшатли томони шундаки, ўлган эркакни ёндирганда унинг тирик аёли ҳам ўтин устига чиқиб ўтирар ва бирга ёниб кетар эмиш. Яқин ўтмишга қадар!

Ҳамид Олимжон оловли ва кутилмаган бир фожиа туфайли гўё ёниб кетди-ю, Зулфияхоним ҳам ўша оташда баробар ёнди менинг назаримда. Фарзандларини отаси йўлида вояга етказиш, шеърни Ҳамидона вояга етказиш ўнғаймиди? Ҳануз ёнмоқда... Ўша ишқ, ўша суқ, ўша вафо — Зулфияхоним шеъриятининг ўзак мотивларидан бўлиб қолди.



Кўклам келганда, ўрик гуллаганда, дарё бўйида, тоғ этакларида, дўстлар гурунгида, олис-олис юртларда ҳамisha ва ҳамма жойда шоира кўз ўнгидан ўша азиз ва ёрқин шоир тимсоли нари кетган эмас. Ҳамид Олимжонни соғиниб жаранглаган шеърлар кишини лол қолдиргудек даражада Ҳамидона! Ўшандоқ содда, ўшандоқ аниқ, ёрқин ва дадил! Ўшандоқ асил, ҳақиқий шеърият! Ўшандоқ халқчил, ўшандоқ пишиқ ва ўшандоқ замонавий! Ўшандоқ олмос қирра, етакчи ва чақноқ!

Ҳамид Олимжон поэзиясининг талай сирларини ўрганиб олганига шоиранинг ўзи ҳам иқрор ва шу билан бахтиёр. Шундоқ! Икки ирмоқдан бир жилға оқмоқда эди, бири гўё тиниб қолди-ю, ўзга бири ҳамон оқмоқда, ўша жилға, ўша оқим, ўша мавж, ўша тўлқин! Зулфияхоним бу жилғада Ҳамид Олимжон учун ҳам оқмоқда. Унинг йўқлигини билдириш ҳаёлида ҳам йўқ, тўлиб-тошиб оқмоқда.

Ҳар бир шоирнинг ҳам ишонган кишиси шундоқ бўлса қани эди!..

Зулфияхоним шеъриятида вафо мотивлари билан бир қаторда ватанпарварлик, она табиатнинг моҳирона чизгилари, она тупроқ қўшиқлари, қардошлик қўшиқлари, оналик фахриялари, ватандошлик садолари ҳам энг ўзак мавзулардан.

Шоиранинг талай шеърлари адабиётимизда воқеа даражасига кўтарилган шеърлардир. «Рашк», «Сулув тонг», «Қозоғистон ўланлари», «Кўкчатов», «Сўроқлайди шоирни шеърим», «Кўзгу», «Кўзлари сузук», «Сенсиз», «Мушоира», «Куюшли қалам» — ўҳ-ҳў! Ҳаммасини санашга ҳожат борми? Мисолларга ҳожат борми?

Жаҳон камтар, ўта заҳматқаш, билим уфқи кенг, ғоявий метин, эртани теран кўз билан кўра билишга қодир, доимо дили тошқин, оламни тимсоллар — образлар силсилалари кўзгусида тасаввур этишга қодир етук ва асл шоира. Ҳозир шеъриятимизнинг ҳам, маданиятимизнинг ҳам, юртимизнинг ҳам ифтихори! Қолаверса, барча қардош халқлар фахри ва суюқлиси ҳозир...

Жаҳонгашта ва тинимсиз шоира асарлари талай-талай халқлар тилида жаранглаб тургани ҳақиқат! Зулфияхоним ўзбек шеъриятини жаҳон минбаридан жаранглатганлардан бири ва балки биринчиси. Қозоқ ҳам, арман ҳам, тожик ҳам, украин ҳам, булғор ҳам, ҳинд ҳам, занжи ҳам, араб ҳам шоирамиз ижодидан баҳраманд ва унинг одамийлигига, санъатига, маҳоратига, жасоратига шайдо.

Донгдорлик ва доврўқ бўлса шундай бўлади-да! Ўз Ватанимизда лауреат, ўзга юртларда лауреат – бу анчайин гап эмас, лауреатлик қошининг қаламлиги учун эмас, бўй-басти учун эмас, балки шеър учун, санъат учун, одамлар дилини жазиллатувчи сўз айтолгани учун, халқ ишончини оқлаётгани учун!

Зулфияхоним шеърятига хос томонлар – поэзиянинг ҳамма турларида ва ҳамма вазнларида қалам тебрата олишидадир. Сиёсий лирика ҳам, муҳаббат ўланлари ҳам, минбар шеъри ҳам, эркин шеър ҳам бирдек ўз ўрнида – ўз таъсирбахшлигида, ўз жарангдорлигида. Айниқса, замонга зарурлиги жиҳатидан воқеабанд, манзарали, кўз олдингизда ҳаётнинг бир парчаси, бир бўлаги ярқираб тургани турган. Бу, сўз йўққи, биринчи галда катта маҳорат белгиси, етуклик, ҳаётга яқинлик белгисидир. Аслик, яъни тақлиддан йироқлик ҳам шоира шеърятининг яхши хусусиятидир.

Зулфияхонимнинг ўз отасининг темирчилик касбига ҳаваси, пўлат парчаларидан чақмоқлар сачратганига маҳлиё бўлгани ва ўшандоқ бўлишини орзу қилгани бизга маълум. Менимча, шоира орзусига тўла етган кўклам ва бахт жарчиси, тонг куйчиси, юракларда чақмоқ қақиб, оловлантириш бахтига эришган омадёр қаламкашдир. Шоира бутун ҳаётини, билимини, вақтини, уқувини – бутун ўзини ва ўзлигини шеърятга бағишлаган, қисқача қилиб айтсак, шеърят учун туғилган жондир. Мен халқимизнинг фахри ва умиди даражасидаги бу шоирага фақат ва фақат шоира сифатида ёндашдим. Унинг бўлак яхши фазилатлари унинг шеърятини тўлдиради, холос.

Зулфияхоним жумхуриятимизнинг энг ёрқин сиймолари қаторида тилга олинishi ҳам бежиз эмас. Бу ғурур туйғуларимизга тагин ҳам ғурур кўшади! Нур устига нур, деганлари шу-да!

Зулфияхоним ҳозир ёлғиз эмас. Аёл қалбининг ҳароратини шеър қилгувчи Саида ва Ойдинлар, Гулчеҳралар, Ҳалималар пайдо бўлди. Ҳам издош, ҳам елкадош. Бир-бирига ўхшамаган ва ҳамиша юксакликка интилгувчи сулув шоиралар. Булар камолотида Зулфияхонимнинг меҳнати қанчадан-қанча. У онабоши буларга.

Суюкли ва ардоқли шоирамиз ҳамиша ҳаракатда. Илгарига қараб ҳаракатда, ҳамиша юксакликка қараб ҳаракатда. Унинг поэзиямиз кўкида тонг юлдузидай кун сайин янада ёруғроқ ва фусункорроқ ёнишига бутун дўстлари ва яқинлари, китобхонлари ва мухлислари қатори мен ҳам дил-дилимдан шодман.



**Асқад Мухтор,**  
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

## **ЮЛДУЗЛИ ШЕЪРИЯТ**

Шоир ўз даври, ўз мавзуи, ўз қўшиғи билан бирга туғилади.

Зулфия ва унинг поэзиясини аёллар дунёсидан ажратиб бўлмайди. Тўғри, аёл қалби — азалий ва абадий мавзу. Лекин ўзбек аёлининг қалбини ҳали кашф этиш керак эди. Шеърият — ҳаммавақт янгилик, шу билан бирга, у — ҳаммавақт меросхўр ҳам. Навоий ва Нодира, Некрасов улуғлаган она қалби бизнинг давримизда чексиз-чегарасиз бир оламга айланди. Зулфия қирқинчи йиллардаёқ буни сезиб, ёзган эди: «Бир мавзуда чекланиб қолгим келмайди; лекин дугоналарим, тенгдош-замондошларим ҳаёти, ўзбек аёлининг ҳозирги қиёфаси ўзининг шоирона ифодасини талаб этиб, мени ҳамиша ҳаяжонга солади». Ҳа, бу мавзуда чегараланиб қолиб бўлмайди, чунки она қалби ўзи чегарасиз. Бутун тириклик кўкрак сути ва меҳнат билан борлиққа келган. Инсоний ҳиссиёт йўқки, она қалбига бегона бўлса! Энди эса унда фақат меҳру ҳижрон эмас, жаҳон дарди, халқлар тақдири! Ахир халқимизнинг фаҳри бўлган Зулфиянинг ўзи ҳам, Ватанимизда биринчи ва ягона қаҳрамон шоира Зулфиянинг ўзи ҳам аёл қалбининг мўъжизаси эмасми! «Фусункор сўзга, инсонни гўзалликлар сари чорловчи, дунёни кашф этувчи бадий сўзга бўлган муҳаббат чўғини илк бор қалбимга солган — онам эди», дейди шоира. Давр билан бирга улғайиш, оиладаги нафосат доираси, кейин эса Вера Инбер, Ольга Берггольц, Сильва Капутикян каби сатрдош дугоналар қуршови, Ҳамид Олимжон, Ойбекларнинг қуёшли қалами уни чексиз кенгликларга етаклаб чиқди.

«Баҳор кечаси» сингари илк шеърларидаёқ у безаксиз, тақинчоқсиз, самимий, табиий, инсоний севинчларни бекаму кўст ифодалай биларди:

Баҳор кечи тиниқ ва оппоқ,  
Борлиқ тўлган гуллар ҳидига.  
Ҳислар уйғоқ, табиат уйғоқ,  
Ажаб уйғун киши дилига.

Бу содда сатрларда бирон сўзни нари-бери қилиш, олиш ё кўшиш мушкул. Чинакам шеъриятдан одамлар қалбининг зарбини тинглаш мумкин. «Шеърни мингларча кишилар қалби билан ҳис этиб, ўзиники қилиб олгандагина у поэзияга айланади», деб ёзган эди Зулфиянинг ўзи. «Ҳаёт варақлари», «Қизлар кўшиғи» каби илк тўпламларида ёшлик, табиат ҳақида бокира туйғулар шоиранинг руҳий етуклигидан дарак берди. Шеъриятга сирли тасвир, лирик ҳаво, сеҳрли интим туйғуларини фуқаролик садосига улашни, китобхонда маънавий кучлар, ёниқ ҳаяжонлар уйғотишни ўргатди.

Шеърини сатрга «ой қолдирган момиқ изларни» ҳам кўчира оладиган бахт ва муҳаббат куйчиси омонсиз ҳаётини тўқнашувларда тақдирини топиб, шиддатли чақириқларга қодир, халқлар тақдирини қамрай оладиган мураккаб ижодий шахсга айланди. Унинг қаламини энди «ҳақиқат қудрати» тебратди, шеърларига ҳижрон кириб келади.

Лекин бу ҳижрон сўлгин бенаволик эмас, муҳаббатнинг эрк йўлидаги фидойилиги билан боғлиқ фаол туйғу, умид овози эди: «Севгинг балолардан қилсин ҳимоя!»

«Бахтиёр севгини куйлаган соз» «ўлим ханжарига тегдию» синмади, ҳижрон, видо қанчалик совуқ бўлса ҳам, «лириканинг ёлқини» совимади. «Фироқда тутақиб» қолган дамларида, албатта, фарзандларимни, шеъриятимни энди қандай вояга етказаман, деган изтиробли савол ҳам кўнглига келгандир. Аммо у барча мусибатларни сабот билан енгиб, тақдирнинг зарбаларида бардошли қалбини улғайтди, санъаткор сифатида янги уфқларни эгаллади, шеърияти янги фазилатлар билан бойиди, тафаккури тобора теранлашди. Шоира вафо рамзи, шеърият рамзи, она рамзи бўлиб ҳурмат қозонди. Кейинроқ:

Мана, юртга ўғил ўстирган  
Бир давлатманд бой бўлиб қолдим...

дея оналарча камтарлик билан жилмаяди у.

Образлар мантиғи, кайфиятларнинг тадрижий ўзгариши, гуллар атрининг аччиқ порох ҳидига айланиши, руҳий шиддат, беомон газаб-нафрат ичида ёрқин умидларнинг нурланиши — уруш йилларида Зулфия шеърларига хос сифатлардир. Бу давр ўткир ижтимоий нафасли шеърларни риторикасиз ёзишга ўргатди. Чунки шахсни Ватан тақдири билан боғлайдиган ришталар қабариб кўринган йиллар эди. Шеърнинг гражданлик руҳи бениҳоя ўсди ва ёрқин жанговар анъаналар қолдирди.

Шу анъаналар туфайли шеърият яна ҳам узоқларгача янграб, тобора кўпроқ қалбларга етиб борадиган бўлди.

«Шеърдан айри яшаганимни билмайман», — дейди Зулфия. Поэзия унинг учун касб эмас, яшаш тарзи бўлиб қолган эди. Шеър халқ иши, сиёсий иш. Унинг масъулияти теран. Айниқса, урушдан кейинги йилларда шоира шеъриятига дунё халқларининг ҳиссий, ғоявий туғёнларини олиб кирди. Н.Тихонов, М.Турсунзода, К.Симонов шеърларининг жаҳон минбарида янграган пайтларини эслайлик. Ўша даврда машҳур «Мушоира» дунёга келди. Зулфиянинг бу дастурий асари катта, жаҳоний тўлқинда янгради. Кучли эмоционал босимли бу кичик поэма ҳам шоиранинг санъаткор-солдат, қалам соҳиби ҳақидаги бошқа поэмалари сингари, маънавий дунёга жуда долзарб бир мурожаат эди. Осиё ва Африкадаги илғор ижодий кучларни тинчлик, тараққиёт, дўстлик, ҳамкорлик байроғи остига тўплаш ғояси реал куч тусини олган кунларда Зулфия Шарқ шоирларининг ўзига хос анъанавий шаклидан фойдаланиб, қитъанинг қоқ ўртасида замондошларини рамзий бир мушоирага чорладик, бу Осиё-Африка ёзувчилари ҳаракатининг томирига қон югуртирган воқеага айланди... Қадим Ҳиндистон тупроғига оқшом қуйилаётир... Шоира чорлаган мушоира дам лирик, дам шиддатли ҳислар уйғотиб давом этади, оламни олижаноб поэтик бирликка ундайди.

Шеър ўқийди Непал, Вьетнам, Хитой,  
Рус, тожик ўқийди шеърини сарбаст.  
Қора алангадай соқолли синглар,  
Қордай оқ либосли бенгаллар, ҳиндлар,  
Завқидан тебраниб нақ тўлқинли сой,  
Тингларди ҳаяжон оғушида маст.

Кўшиқ-чи?  
Гоҳ кураш,  
гоҳ қиз севгиси,  
Гоҳ кўкдан нон кутиб кўр бўлган нигоҳ,  
Гоҳ гўдак кулгуси, гоҳ банан иси,  
Сурмали кўзларнинг ноzi бўлиб гоҳ,  
Гоҳ бўғиқ ҳақиқат дод, ҳайқириғи,  
Гоҳи юлдуз каби йироқ, ёрқин бахт.  
Қуликка санчилган ғазабнинг тиғи,  
Гоҳи эрк тантанаси берган адолат –  
Осиё-Африка картаси бўлиб,  
Ҳаёт оламига, бахтига тўлиб,  
Кириб келар эди дилдан дилларга.

Шеърда ижодкорнинг халқлар билан қардошлик ҳисси тантана қиларди:

Дилларни пайвандлар эди сатрлар  
Дўстлик қардошликнинг кўпригисимон...

Мушоира – қадимий одат. Аммо бу сафар у жаҳоний кураш минбарига айланиб, меҳнаткаш, ижодкор инсонни улуғ бир уйғунликка даъват қилади.

Сен эрмак эмассан, сен нон, сен ором,  
Орзу покиза.  
Сен – Ҳаёт! Ҳаётни куйла сен мудом,  
Эй, мушоира!  
Сен чорла, овозинг эшитсин жаҳон!  
Шеърнинг уриб турган юраги бўлиб,  
Ҳаётнинг энг ажиб куйига тўлиб,  
Даврамизга кирсин ишчи ва деҳқон,  
Ҳаёт санъаткори энг оддий инсон.

Уйғоқ қитъаларнинг қалб тебранишини илғаган «Мушоира» сатрлари қудратли ғоявий ҳаракатга куч бағишлади ва Зулфияни бу ҳаракатнинг курашчан ташаббускорларидан бири сифатида танитди. Шоира кейинчалик Югославия, Хитой, Япония, Шри Ланка, Миср сафарларига боғлаб бу мавзуларни ривожлантирди, Тошкент руҳини амалда тарғиб этди, халқаро жаҳон адабий ҳаракати билан бирга ижодкор ва жамоат арбоби сифатида улғайиб, байналмилаллик руҳидаги жанговар поэзиямизнинг

байроқдорларидан бирига айланди. Ўзбекистон халқ шоири юксак гоёвий-бадий асарлари учун республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Жаҳон адабий жамоатчилиги уни Жавоҳарлаъл Неру номидаги ва Нилуфар халқаро адабий мукофотларига муносиб топди. Болгария Халқ Республикаси шоирани Кирилл ва Мефодий нишонлари билан тақдирлади.

Чинакам шеър катта ҳаётий муаммолар, инсоний дардлардан туғилади. Ўзганинг дардини эса дард кўрган билади. «...аёл бахтининг лиммо-лим косаси насиб қилмади», лекин «танда кўрғошин-ла юрганлар озми!» Қалбни безаб кетган ишқ, қалбни яралаб кетган буюк муҳаббат катта шеъриятга эврилди. «Мендан кейингилар йиғламасин деб, дардим селобини тўқдим шеърга». Бундай шеърият чиндан ҳам келажак авлодларнинг кўнгил губорини олиб, ҳаёт сари соф эпкин бағишлайди. Ўзганинг дардини ўз дарди деб билиш, – чексиз гуманизм Зулфия поэзиясининг моҳиятига айланди. Шунинг учун у тубанликка маҳв этилган буюк Осиё фарзанди бахшиш сўрганида меҳр тўла қалбини ҳаёти этади, шунинг учун жаҳон кезиб «дўстликдан ортиқ гавҳар» топмайди.

«Кўп ёзмайман, изланишларим гоёт машаққатли», дейди Зулфия. Ижодкор учун бу жуда муҳим ақида. Асарнинг кўпи ёки катталиги эмас, таъсирчанлиги, қалбларга бағишлайдиган маънавий қудрати ҳисоб. Шу муносабат билан, бу қисқа мақолада шоиранинг кейинги йилларда эълон қилинган шеърий туркумлари ҳақида икки оғиз гап айтгим келади. Мен баъзи мақолаларимда «Қатра», «Ўғлим, сира бўлмайди уруш», «Юрагимга яқин кишилар» сингари бақувват намуналарни анча батафсил таҳлил қилган эдим. Сўнги туркумлар ана шу қувватнинг, туганмас шоирона ҳароратнинг янги тўлқинидир. Унда бизни беқиёс ёшлик руҳи, янги шоирона кашфиётлар ҳайратга солади. Тўғри, шоира бу туркумларда ҳам ўртанган дил хотираларига гоҳ қайтади, лекин энди бу оҳанглар мураккаб ва узоқ ассоциатив образларда, янада юксак маҳорат инжулариди чақнайди... Шафақ денгиздан гулгун этагини йиғиб олди... Тун... Бир вақтлар қора кўйлак шундай кийилган эди...

Мусибатнинг энг илгичида  
Гулгун кўйлак осиглиқ ҳаргиз...

Лекин туркумни («Тонг ва шом аро») бу образ босиб турмайди. Унда бошқа, Зулфия поэзиясининг бош йўлига хос янги ва айна пайтда анъанавий образ устун. Ундаги ажиб нафис, мусикий мухаммас шаклан Увайсийнинг «Замона кулфатидан доғ ўлди бу кўнгул, доғ ўлди» ғазалини атай эслатса-да, мазмун жиҳатидан нақ унинг аксидир.

Дилимни шамъ қилиб эрдим, бу даврон минг чироғ ўлди,  
Ўғил-қиздан жудо эрдим, менга авлод қароғ ўлди.  
Ки рўзгорим хароб эрди, элим бошга паноҳ ўлди,  
Не сўз айтдим, қаро ўтмишни фош этган яроғ ўлди,  
Замон берган бу қудратдан кўнгул тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Зулфия поэзияси ғоявий эътиқод, юксак маънавият, покизалик намунаси. Ҳаётни эзгу нур тўла она нигоҳи билан кузатган шоира давр ва давр яратган шахснинг етук руҳий оламини бутун мураккаблиги билан акс эттиради. У ўзи яратган мукамал образ билан ҳақли равишда фахрланади, чунки бу «азиз аёл сурати — бу камтарин, бу улуғ санъат — унинг она юрти, унинг шухрати!» Бу «сурат» Ватан манзаралари билан, Шоҳимардон, Кўкчатов, Балхаш илҳомлари билан йўғрилган, она меҳри, ёшлик жозибаси, келин ҳаяжонлари, раиса ташвишлари, тўқувчи қизнинг тонгги меҳнат завқи заҳматлари билан қоришган. Унинг зуваласида исёнкор руҳ, кураш ўти, қуёш парчаси бор.

Зулфия шоира сифатидагина эмас, давлат ва жамоат арбоби сифатида, сеvimли журналимизнинг ўттиз йиллик бош муҳаррири сифатида ҳам ҳар бир хонадон учун дардкаш, кўмакдош, қалби дарё онахон, меҳрибон маслаҳатчи, ижодкор қизларимизнинг сеvimли устозидир.







**Воҳид Зоҳидов,**  
*академик*

## **СЕВИНЧНОМА**

Зеби замона Зулфиябегим!

Сизга ҳурматим, муваффақиятингиздан қувончим шу қадар кўпайдики, уни баландликдан туриб билдирмасам, ҳамма эшитадиган қилиб айтмасам, ҳеч бўлмайдиганга ўхшайди. Бу, айниқса, яқиндаги мукофотланишингиз муносабати билан шундай бўлди. Ўта мухтасарликка интилиб, ҳозирча муқаддима тарзида бир неча сўзни айтишга азму қарор қилдим.

Бундай ҳолларда, яъни дил севинч ва ҳаяжонга тўлиб-тошганда ва улкан шахс ҳамда улкан воқеа борасида сўз кетганда, ўхшатиш ва муқоясалаш усулидан фойдаланмасдан оз сўз ила кўпроқ фикр ифодалаш амримаҳолдир. Шунинг учун...

**Шеър шаклидаги нафосат маликаси!**

Коинотнинг қуёши бор, табиатнинг баҳори бор, аёлнинг сеҳрли иффати ва гўдакнинг дунёга тенг табассуми бор, узукнинг ҳам юксак эзулик ва гўзаллик рамзи бўлган кўзи бор, бадииятимизда эса Сиз бор...

Ҳа, кўзимиз ўнгидаги ажиб коргоҳу сиргоҳ – хилқатнинг қаерларида ва нималарда қанчадан-қанча ҳамда не-не ҳайратомуз гўзалликлар, мустасно бебаҳоликлар бор. Шуларни эслагандан кейин буткул асосли тарзда ва таққослаш қонуни тақозо қилган ҳолда яна ғурур ортади: шеъримизда Сиз бор, бегим...

**Ҳа, худди шундай!**

Ҳамма ихлосмандларингиз – бепоён диёримиз посбонлари ва пахта усталари, тоғ кўпорувчи ва толиби илмлар, ақли машина яратувчи ва идора этувчилар, баҳодир чўлқуварлар ва қалам аҳллари, севганлар ва севилганлар: ўртоқ

болгар, дўст ҳинд ва мубориз араб — буларнинг барчаси ажойиб асарларингизга мафтун ҳамда маҳлиё бўлиб, чиройли нафосати ва ҳаётбахш ғоясидан баҳраманддирлар. Шу бахт ҳамда завқ учун ташаккур ва тасанно! — демоқдалар.

Камина ҳам, барча ҳамкасбларим қатори, ноёб истеъдодингиз ва мўъжизакор илҳомингизга, маст қилувчи мусиқий ва мовий осмон янглиғ гўзал, мусаффо, теран маъноли ва жанговар руҳли ижодингизга таъзим қиладиганлардандир.





**Пиримкул Қодиров,**  
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

## **ЗУЛФИЯХОНИМ МЕҲРИГИЁСИ**

Истеъдод афсонавий меҳригиёга ўхшаган ноёб бир неъматдир. Шунинг учун истеъдодли ижодкор яратган асар бизнинг дилимизга, аввало, меҳр туйғусини олиб киради.

Мен буни 1944 йилда 16 яшар ўспиринлик пайтимда Зулфия опанинг «Кўзларингда борми юлдузинг?» деб аталган шеърини ўқиганимда илк бор ҳис қилган эдим.

Ўшанда ҳали қонли уруш давом этаётган машаққатли кунларни бошдан кечирмоқда эдик. Катталарнинг аксарият кўпчилиги фронтга кетган, улар қиладиган кўп ишлар биз, ўспиринларнинг зиммасига тушган эди. Мен Бекободда қурилаётган металлургия заводининг маҳаллий радиостудиясида мухбир ва диктор бўлиб ишлардим. Қурувчилар ҳақида лавҳалар, хабарлар ёзиб, ҳар ҳафтада уларни ўзим диктор бўлиб ўқиб эшиттирдим.

Ана шу ишлар орасида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг уруш йилларида кичик бичимда икки бетгина бўлиб чиқадиган саҳифасида қуйидаги оловли сатрларни ўқидим-у, уларга маҳлиё бўлиб қолдим:

Бунча ҳам беғубор, бунча ҳам тиниқ,  
Нурда ювилганми, яхши қиз, юзинг?  
Бунча боқишларинг оромбахш, илиқ,  
Айт-чи, кўзларингда борми юлдузинг?

Гўзал қизнинг жозибасини ошиқ йигит эмас, машҳур шоира Зулфия опа шунчалик меҳр ва нафосат билан тасвирлагани мени ҳайратга солди. Шеърнинг кейинги сатрларидан бу қизга ошиқ бўлиб юрган қўшни йигитнинг тунларни бедор ўтказиши маълум бўлади. Аммо қиз унга назар солмайди, чунки кўнгил қўйган йигити узоқда, жангда.

Қизнинг кўзларидаги юлдуз жангчи йигитнинг қалбида улкан жасорат уйғотади. Шеър шундай якунланади:

Ҳижрон чирой бўпти латофатинга.  
Камол топ, эй гўзал, муродинга ет,  
Чиндан ҳам бор экан кўзда юлдузинг!

Мен ҳали Зулфия опанинг ўзларини кўрмаган бўлсам ҳам, мана шу шеър орқали беғубор ёш қалбларнинг ҳақиқий меҳрибони бўлган, диди ўткир, сўзлари меҳригиёга йўғрилган донишманд бир Опани тасаввур этганим ёдимда бор.

Бу тасаввурим ҳақиқатга нақадар тўғри келишини орадан беш йил ўтгандан кейин амалда кўрдим. Бу орада уруш тугаган, мен Тошкентда Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқшунослик факультетида ўқимоқда эдим. 1949 йилда сайлов муносабати билан чоп этилган «Овозимиз» деган тўпламда менинг унча катта бўлмаган лавҳа-очерким босилиб чиқди.

Шу орада талаба ўртоқларимдан бири, «Сизни шоира Зулфия опа нашриётга таклиф қилдилар, тез боринг», деб қолди.

У пайтларда университет биноси нашриётга яқин эди. Лекциялар тугашини кутишга ҳам сабрим чидамай катта танаффус пайтида нашриётга бордим.

Зулфия опа мени иккинчи қаватдаги муҳаррирлар хонасида қабул қилдилар. Ўйлаб қарасам, Зулфия опа ўша кезларда ўттиз тўрт ёшга кирган эдилар. Лекин суюкли умр йўлдошлари Ҳамид Олимжондан жудо бўлиб қаттиқ мусибат чекканлари учун сочларига оқ тушган эди.

Столлари устида пушти муқовали ўша «Овозимиз» тўплами турган экан. Зулфия опа менинг бу тўпламга кирган «Тўқувчилар номзоди» деган очерким ҳақида сўз очдилар:

– Тўқувчи аёлни эсда қоладиган қилиб кўрсатибсиз, – дедилар. – Албатта, ҳали бу сиз учун бир машқ. Шундай дадил машқ қилаверсангиз сиздан ёзувчи чиқиши мумкин. Ҳозир адабиётимиз ёш талантларга жуда чанқоқ. Мен бу лавҳада умид учқунларини кўргандай бўлдим. Тилагим шуки, келажакда бу учқунлар адабий оловга айлансин, одамларга керакли нур билан ҳарорат берсин!

Шу кичик лавҳада умид учқунларини кўра олган Зулфия опанинг теран нигоҳи ва донишмандлиги менга қанот

боғлагандай бўлди. Орадан йиллар ўтди. «Уч илдиш»нинг илк нусхаларидан бирини Зулфия опага миннатдорчилик сўзлари билан тақдим этганимда «Сизнинг ўша унутилмас тилагингизни ҳали тўлиқ амалга ошира олганим йўқ», дегим келарди. Чунки хаёлимда чарх уриб юрган бўлажак романлар режаси аввалгисидан оловлироқ туюларди.

1954 йилда Москвада аспирантурани битириб, номзодлик диссертациясини ёқлаганимдан кейин марказий Ёзувчилар уюшмаси мени ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи қилиб ишга олди. Шундан кейин яна тўққиз йил оилам билан Москвада яшаб қолдим.

Бу йилларда Зулфия опанинг шоирлик нуфузи ва ёрқин асарлари дунё миқёсига чиқди. Деҳлида ва Қоҳирада бўлиб ўтган Осие ва Африка ёзувчилари конференцияларида Зулфия опа бутун Шарқнинг энг машҳур шоирлари ва жамоат арбоблари қаторида мукофотлар олдилар.

Москвада бўладиган энг муҳим адабий тадбирлар ва декадалар ҳам Зулфия опасиз ўтмас эди. Шунинг учун у киши Москвага кўп келар эдилар.

Зулфия опа «Москва» меҳмонхонасига келиб тушган кунларининг бирида умр йўлдошим Софияни бошлаб бориб, у киши билан таништирдим. Шундан кейин Зулфия опа Абдулла ака ва Кибриё опа билан бирга ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кунларида бизнинг уйга меҳмон бўлиб келдилар. Бошимиз осмонга етгандек ҳаммаларини қувониб кутиб олдик.

1959 йилнинг совуқ қиш кунларида бошланган декада ўн кун давом этди. Унда Зулфия опанинг ижоди юксак баҳо олди, у кишининг янги шеърларини таржима қилиш истагини билдирган талантли рус шоирлари кўп эди. Нашриётлар ҳам Зулфия опанинг янги шеърини китобларини режалаштирган эди. Таржимонлар ва ноширлар билан ишлаш учун Зулфия опа декададан кейин яна анча вақт Москвада меҳмонхонада туриб қолдилар. Аксига олиб, қиш совуғида грипп эпидемияси кучайган эди. Зулфия опа тумовлаганларини сезсалар ҳам, бунга эътибор бермай зарур ишларини қилишда давом этардилар. Бирдан иситмалари кўтарилиб кетади. Доктор чақирадилар. Доктор: «Пневмония бошланибди, касалхонага ётмасангиз бўлмайди» деган хулосага келади.

Зулфия опа Олий Кенгаш депутати эдилар, шуни ҳисобга олиб, у кишини ҳукумат ихтиёридаги Кунцево шифохонасига жойлаштирадилар.

Орадан бир неча кун ўтгач, қарағайзор ўрмон ичидаги бу шифохонага биз София икковимиз Зулфия опани кўргани бордик. Хайрият, иситмалари тушиб, анча тузалиб қолган эканлар.

— Яна икки кундан кейин жавоб беришмоқчи, — дедилар. — Лекин меҳмонхонага қайтиб боргим келмайди. Иложи бўлса-ю, тўғри шу ердан аэропортга чиқиб, Тошкентга жўнаб кета қолсам.

Аммо Зулфия опа бу касалликдан кейин ҳали унча дармонга кирмаганлари сезилиб турарди.

— Балки бошқача йўли бўлар, Зулфия опа, — дедим мен ва шу ойда хизмат юзасидан Тошкентга командировкага боришим кераклигини, шунинг муҳлатини Зулфия опанинг шифохонадан чиқиш кунларига тўғрилашим мумкинлигини айтдим.

— Шундай қилсангиз яхши бўларди-да, — деди Зулфия опа ва Софияга бир қараб олди.

— Зулфия опажон, бу киши сизни бирга олиб кетсалар жуда яхши бўлади! — деди София. — Мен сизни ўз опамдай яхши кўраман. Бутун оиламиз билан сизга ихлосмандмиз. Сиз ўша меҳмонхонага қайтиб бормаганингиз яхши. Бу ердан жавоб берсалар, тўғри бизникига борсангиз хурсанд бўламиз!

— Биз ўзимиз келиб олиб кетамиз, — дедим мен. — Бир кеча уйда ётиб нафасни ростлаганингиздан кейин, эртаси кун бемалол аэропортга чиқамиз.

Зулфия опа бу таклифни қабул қилдилар. Икки кун ичида авиабилетлар олинди. Учунчи кун ёзувчилар уюшмасининг фахрий меҳмонларга хизмат қиладиган махсус машинасида Зулфия опани шифохонадан уйимизга олиб келдик.

Поллари паркетли шинамгина уч хонали хонадон Зулфия опага маъқул бўлди. Тинчроқ хонани у кишининг ихтиёрига бердик. Болалар боғчадан қайтганда икки ярим яшар шўх ўғилчамиз Равшан Зулфия опа дам олаётган хонага берухсат кириб борибди. Зулфия опа уни ёқтириб, қўлларига кўтариб олибдилар, завқ қилиб кулган ҳолда биз турган хонага чиқдилар.

— Худди ўз уйимга келганга ўхшайман, невараларимни бағримга босгандай бўлаяпман, — дедилар.

Эртаси кун уюшмадан яна ўша фахрий меҳмонлар машинасини чақириб, аэропортга етиб бордик. Зулфия опа туфайли мен ҳам депутатлар хонаси орқали самолётга осонгина чиқиб олдим. Қуёшли кун эди. Айниқса, Тошкентда офтоб

чарақлаган, ҳаво илиқ эди. Аэропортда оналарини қувониб кутиб олган Хулкарой билан Омонжоннинг иссиқ меҳрларидан Зулфия опа ўзини қанчалик бахтиёр сезиб шодланганлари ҳамон кўз олдимда турибди.

Лекин ҳаёт фақат қувончлардан таркиб топмас экан. Ўша йили кузда бизнинг бошимизга оғир мусибат тушди. Зулфия опа бизнинг уйда кўлига кўтариб эркалатган ўша шўх, масъум ўғилчамиз Равшан тўсатдан вафот этди.

Қалин қор ёққан кунлар эди. Мен Москва этагидаги Переделкино ижод уйида «Қадрим» қиссасини ёзаётган эдим. Бирдан София телефон қилиб, Равшаннинг аҳволи оғир, «Тез ёрдам» чақирдим, ҳозир касалхонада, кўричак эмиш, операция қилишмоқчи, тез етиб келинг, деди. Шоша-пиша чиқиб, такси топдим. Қирқ чақиримча йўл.

Бу орада бола ҳадеб қорнини кўрсатиб чириллаб йиғлайверибди. Одатда, кўричак бўлса, қон анализи кўрсатади. Зотилжамнинг қоринга оғриқ берадиган маккор бир тури бор экан. Уни кўричакдан фарқ қилиш қийин бўлар экан. Хуллас, мен етиб боргунимча болани операция қилишибди. Кўричак эмаслиги шунда маълум бўлибди.

Оғир зотилжам устига қўшилган операция зарбасини бола кўтаролмади. Мен палатага кирсам ранги девордай оқарган ҳолда беҳуш ётибди. Докторлар ташҳис хато қўйилганидан мулзам... Эрталаб оёқда юрган шўх бола ўша куни қоронғи тушганда ҳаётдан кўз юмди. Шундай зехни ўткир, истараси иссиқ, масъум бола, уч қизнинг орасида ёлғиз ўғил, бир кунда бизни абадий тарк этди. Фарзанд доғи София икковимизни бирдан бир неча ёшга қаритиб, чўктириб қўйди.

Мусофир юртда тургимиз келмай қолди. Ишхонадан олти ойга ижодий таътил олиб ватанга қайтдик. Софияни қизчалар билан Самарқандга, ота-оналарининг ҳузурига олиб бориб қўйдим. Ўзим дўстлар даврасида таскин топиш умиди билан Тошкентга келдим.

Зулфия опани Ёзувчилар уюшмасида учратдим. Бизнинг бошимизга тушган мусибатдан беҳабар эканлар. Дилим вайрон эканини сезиб:

– Нима бўлди? Мунча қайғули кўринасиз? – дедилар.

Бўш турган хонага кириб, диванга ўтирдик. Мен дил ёриб бутун воқеани айтиб бердим. Зулфия опа қаттиқ изтироб ичида ҳамдардлик билдирдилар.

– Айниқса онага қийин! – дедилар. – Софияхон қаердалар? Самарқандда бўлсалар, манзилларини менга беролмайсизми?

Мен манзилни ёзиб бердим. Зулфия опа телеграмма юборсалар керак деб ўйладим. Орадан ўн кунча ўтгач Самарқандга борсам, у кишидан ярали юракларга руҳий малҳам бўладиган ажойиб бир мактуб борган экан.

Уйимизда ҳанузгача эъзоз билан сақланиб турган бу мактуб Тошкентдан 1960 йилнинг 19 мартда жўнатилганлиги конвертдаги почта муҳрида кўрсатилган. Мана, орадан салкам 45 йил ўтибди, лекин мактубни ўқиганда бугун ҳам Зулфия опанинг барҳаёт ўктам овозини эшитгандай бўламиз. Унинг ҳассос қалби, чин одамийлиги, биз каби ёши кичикларга меҳрибонлиги, ўзини қанчалик камтар тутиши кишини ҳайратга солади.

«Салом, азизим Софияхон!

Тўсатдан борган менинг мактубим Сизни ажабга солур, бунинг учун узр. Бу лутфан қилинадиган расмият эмас, қалбим амри, холос.

Бошингизга тушган мусибатнинг оғирлигини зарра бўлса-да енгиллатишга ҳеч қандай қалам қодир бўлмаганидай, менинг жуда самимий бу сўзларим ҳам ожиз.

Бир вақт 19 яшар иним фожиали ҳалок бўлиб бағрим қийма-қийма бўлиб кетганда онам, жигар доғи ҳам фарзанд доғидай бўлади. Мен тирик юрибману, сен ҳам сабр қил, деган эди. Лекин ўзим хиёл ўтмай она бўлганимдан кейин билдимки, онам менга бўлак айтган экан, унга бениҳоят оғир бўлган. Она – она бўлгани учун яна шу доғни кўтарар экан – қолганлари ҳам фарзанд. Фарзанднинг ҳаммасига она меҳридан баб-баробар ўрин бор.

Тасалли сўзлари малол келадиган азиз қалбингизни, бахтингизга, сабр ва тоқатга, мардлик ва ҳаётга чақириб турган ниҳоятда ажойиб кучлар бор. Булар – йўқотганингиздан кам севмайдиганингиз фарзандлар, уларнинг ажойиб оталари, сизнинг илҳомбахш кўмагингизда дунёга келадиган янги адабий асарлар ва шулар келтирадиган севинч ва бахт.

Азиз синглим! Қизларингиз, ҳали туғилажак ўғилларингиз меҳри гўзал чеҳрангиздан доғ-андуҳларини ҳайдасин, мардлигингиз болаларнинг истеъдодли дадасига сабр ва илҳом бағишласин, бундай кучга бизнинг хотинлар, оналар қодир.



Мен Сизни Тошкентда, Сизлар ҳаммавақт энг самимий меҳр топишингиз мумкин бўлган жуда кўп уйлардан бири бўлган уйимда кўришни истайман, келишингизни кутаман.

Болаларни ўпиб, эркалаб қўйинг, онангизга ҳурмат ва саломимни топиширишингизни сўрайман.

Ҳурматли дўстим Пиримқул Қодировга салом айтинг.

Салом ва камол эҳтиром билан Зулфия».

Мактубда «... синглим, қизларингиз, ҳали туғилажак ўғилларингиз меҳри гўзал чеҳрангиздан доғ-андуҳларни ҳайдасин!» дейилган эзгу тилак башорат бўлиб чиқди. Равшан вафот этганда мен 31 ёшда эдим. София 27 ёшга кирган эди. Ўғилчамиз Москванинг жануб-ғарбидаги Востряково деган қабристонга иккита оқ қайин белги бўлиб турган жойга қўйилган эди. Самарқанддан қайтишда тилларанг Фозгон мармаридан мўъжазгина қабр тоши ясадик. Унинг юзига Равшаннинг номини ва парвардигорга аталган қуйидаги илтижони тошга ўйдириб ёздирдик: «Равшанжон! Сенинг очилмай кетган гунчаларинг зора бизнинг келажагимизда очилса!..»

Қарангки, ўзбек мармарига она тилимизда ёзилган бу илтижо Зулфия опанинг мактубида «яна ўғил кўрасизлар» деган маънодаги эзгу тилакка қўшилиб ижобат бўлди. Тошкентга кўчиб келганимиздан кейин 1964 йилнинг баҳорида худо бизга яна ўғил берди.

Қувончим ичимга сиғмай, аввал туғруқхонага бордим. Бир кучоқ гул билан Софияни табриклардим. Она-бола иккови ҳам соғ-омон эканидан қувончим янада ортиб, биринчи Зулфия опага телефон қилдим. Уйларида Москвадан «Литературная газета»дан келган мухбир аёл билан суҳбат тайёрлашаётган экан. Хушxabарни эшитиб, беҳад суюндилар, қайта-қайта табрик айтдилар.

– Зулфия опажон, ўзингиз башорат қилганингиздай бўлди,– дедим.– Телефондаги табрик ҳисоб эмас. Уйга келасиз.

– Хўп, бораман! Ҳозир... – деб, Панкина<sup>1</sup> билан икки оғиз гаплашиб олдилар, – Пиримқул, Валентина Петровна ҳам сизни табрикляптилар. Москвада уйларингизда эри билан меҳмон бўлган эканлар.

---

<sup>1</sup> «Литературная газета»нинг Ўзбекистон бўйича мухбири.

– Валентина Петровнага табриклари учун раҳмат, у кишини ҳам уйга таклиф қиламан!

– Бизни «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги мухбири Одил Ёқубов машинасида олиб юрибди. Ҳозир гўшакни бераман!

Одил гўшакни олиб, ҳазил аралаш табрик айтди:

– Зўр иш бўпти, кутлаймиз. Ҳозир борсак уй бекаси йўқ... уйингизда у-бу, юз грамм топиладими?

– Минг грамм ҳам топилади. Меҳмонларни бошлаб келаверинг! Қувончим ичимга сифмаяпти. Сизлар билан баҳам кўрмоқчиман!..

Гўшакни яна Зулфия опа олдилар ва бир соат ичида етиб келишларини айтдилар.

София қувончли кун умидида меҳмонбоп ҳамма нарсани тайёрлаб қўйган эди. Зулфия опалар етиб келгунча дастёр бўлиб қолган қизчаларимиз ёрдамида дастурхон тузди. Қўй гўштидан қилинган варақи сомсалар ва қовурдоқларни музлатгичдан олиб оловда илитган эдик, худди ҳозир тайёрлангандай бўлди. Бошқа ноз-неъматлар ҳам етарлик эди.

Шу тарзда ҳаётимизнинг энг қувончли кунларидан бири Зулфия опа ва у киши бошлаб келган дўстларимиз билан бирга ўтгани унутилмас воқеа бўлди.

Лекин «ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу» деган гап, айниқса, шўро даврида кўп эсга тушарди. «Юлдузли тунлар» романини Зулфия опа биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган, унинг дастлабки парчасини 1973 йилнинг баҳорида «Саодат» журналида чоп этган эдилар. Бироқ мустабид тузум қўриқчилари, беш-олти йилгача романни тўлиқ чоп этишга йўл қўймадилар. Ниҳоят жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши натижасида роман 1979 йилда китоб бўлиб чиқди. Рус тилига қилинган таржимаси Москвада 3 марта чоп этилди. 1981 йилда раҳматлик Шароф Рашидовнинг ёрдами билан романга республика Давлат мукофоти берилди. 1980 – 1985 йиллар оралиғида роман қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ тилларига таржима бўлиб чиқди. Кейинчалик уни ҳинд ва урду тилларига ҳам ўгириб нашр этишди.

Бу орада мен Ҳиндистонга ижодий командировкага бориб келиб, Бобур авлодлари ҳақидаги «Авлодлар довони» романини ёзиб тугатдим. Ойнинг қоронғи ўн беши ана шу романни чоп этишни таъқиқлашдан бошланди.

Марказдан келган десантчилар ва уларнинг ўзимиздаги югурдаклари Наврўз байрамини таъқиқладилар, Амир Темур ва Бобур Мирзо каби улуғ аجدодлар номини халқ хотирасидан ўчиришга қаратилган сиёсат юргиздилар. Улар бу машъум ниятни «Пахта иши» ва «Ўзбеклар иши» деб аталган даҳшатли «қама-қама»ларга қўшиб амалга оширмоқда эдилар.

Бобур Мирзо ҳақида роман ёзганим учун аввал 1985 йилда Республика ёзувчилар қурултойида, сўнг 1986 йилнинг кузида бўлиб ўтган Марказком пленумида менинг бошимга маломат тошлари ёғдирилди. Гўё мен патриархал ўтмишни янги турмуш тарзига қарши қўйган эмишман, босқинчи подшоларни улуғлаб, халқ ҳаётини бузиб кўрсатган эмишман, романда тарих сохталаштирилган эмиш ва ҳоказо... Бу маломат тошларидан қочиб, Дўрмондаги ёзувчилар боғига борар эдим. Бу ерда бизга ҳам битта далаҳовли берилган эди. Шу ерда София икковимиз мустабид тузум адолатсизликларидан бир қадар жон сақлар эдик.

Ёз ойларида Зулфия опа ҳам шу боғдаги анвойи гуллар ўстирилган далаҳовлиларида дам олар эдилар. Кўпинча қизлари Ҳулкар ёнларида бўларди. Биз София билан уларни кўргани борганимизда Зулфия опа ичкари уйдан тўқ яшил рангдаги муқоваси йирик зарҳал ҳарфлар билан безатилган чиройли китоб олиб чиқдилар.

Бу уч жилдлик асарларининг «Шалола» деб аталган биринчи жилди эди.

— Пиримқул, сизга ноҳақ отилган маломат тошларига қарши бир шеър ёздим, — дедилар. — Бу шеърни мана шу китобга дастхат қилиб битиб, эсдалик тарзида бераман.

Мен ҳаяжон ичида ўрнимдан туриб, китобни Зулфия опанинг қўлларидан авайлаб олдим-да, табаррук қилиб кўзимга сурдим.

— Биринчи бетини очиб кўринг, — дедилар.

Китобнинг биринчи бетини очиб ўқиганимда аруз вазида ёзилган ва чиройли ҳуснихат билан битилган шеър худди нур шалоласидек борлиғимни чулғаб олди. Шеърнинг ҳар бир сатридан Зулфия опанинг меҳригиёси уфуриб турарди. Лекин мен шеърдаги юксак баҳоларни ўзимга ололмас эдим, бунга кучим етмас эди.

Ҳақиқий асарларда бўладиган умумлашма образ бу шеърда ҳам бор эди. Айниқса, ноҳақ маломат тошини отаётганларга

қарата айтилган «вафони сиздан ўргансин», «фидони сиздан ўргансин» деган радифларга, аввало, Зулфия опанинг ўзлари муносиб эдилар. Шунинг учун «сиздан ўргансин» радифини хаёлимда умумлаштириб, «биздан ўргансин» деб айтгим келарди. Айниқса, марказдан гўё ўзбекларга маданият ва ҳалолликни ўргатмоқчи бўлиб келган ва бу ҳақда матбуотда мақтаниб жар солган десантчилар Зулфия опанинг ушбу шеърида куйланган маънавий фазилатларни биздан, ҳалол меҳнати билан улуғ тарихий обидалар яратган халқимиздан, улар таъқиқлаган бизнинг Наврўзимиздан, ноҳақ қораланган буюк аждодларимиздан ўргансалар адолатдан бўларди.

Зулфия опанинг 1987 йилда ёзилган ва ҳанузгача ҳеч қаерда эълон қилинмаган бу нодир шеърини ўзимча мана шундай тушунган ва талқин қилган ҳолда, унинг матнини китобхонларга ҳавола этаман:

*«Ҳурматли Пиримқул!*

*Адаб аҳли қаламга чин вафони Сиздан ўргансин,  
Ажаб толеъ билишни — бу жафони Сиздан ўргансин,  
Ёниб ўтларда тоблаш ҳар ҳижжони Сиздан ўргансин!  
Бу тарз санъатга мафтуну адони Сиздан ўргансин!*

*Элу юрт ибтидосидан тушиб ақлу зако бирлан,  
Асрлар қатламида жо тирик амру нидо бирлан,  
Баёнга жазм этмоққа дил ичра шамъ зиё бирлан,  
Тутиб маҳрам қалам номли асони Сиздан ўргансин!*

*Бу ён мозий, бу ён гулшан замон, қонда икки ирмоқ,  
Азиздир қай бири, фикру юракка кўп қийин билмоқ,  
Ва лекин икки дарёдан жавоҳирлар топиб термоқ  
Ва элга туҳфа этмоқда фидони Сиздан ўргансин!*

*Сизинг ижодга тобеълик ҳавас уйғотса жонимда,  
Чиройли рашк ёқиб гулхан, сеҳр ўйнатса қонимда,  
Камина нени кўрди, не деди бебурд жаҳонимда,  
Баҳодирларча тан олмоқ хатони Сиздан ўргансин!*

*Сизга эзгу ниятлар билан Зулфия».*

Шеърнинг охирида бeбурд бўлган мустабид тузум ҳақида айтилган сўзлар Зулфия опа кейинчалик улкан истеъдод ва самимият билан яратган «Хотира синиқлари» дostonига ҳамоҳанг жаранглайди. Мен бу дostonдаги мардона руҳ ва сержило софликни гавҳарга ўхшатгим келади. Чунки гавҳарнинг синиғи бўлмайди — ундан учиб тушган майда ушоқлар ҳам тилла узуклар кўзида нур сочиб туради. Зулфия опа камтарлик билан «Хотира синиқлари» деб аталган дostonлари биз бошдан кечирган мустабид замонлар ҳақиқатини олмос қирраларидек нурлантириб кўрсатади.

Достон сўнгидаги:

Келдинг-ей, Истиқлол, истиқбол бўлиб,  
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.  
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,  
Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим... —

деган сатрлар Зулфия опанинг мардона руҳи истиқлолдан ҳурлик олиб, янги юксакликка кўтарилганидан ва шу юксакликда гавҳардай бебаҳо шеърлар яратганидан далолат беради. Зулфия опа ўзининг буюк ижодий ва инсоний меҳригиёси билан бизнинг авлодга қанчалик олижаноб таъсир кўрсатган бўлса, бугун Зулфия мукофотига талпинаётган ва сазовор бўлаётган истеъдодли ёшлар бу туганмас меҳригиёдан янада кўпроқ баҳра олишлари ва баркамол авлод бўлиб етишишлари шубҳасиздир.





**Ҳамид Фулом,**  
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

## **ИЛТИЖО**

*Ўзбекистон халқ шоири Зулфияга*

Шаҳар марказида кўркам бир уй бор,  
Тўрт томон – хиёбон, гуллар доира.  
Бу ерда яшашни этмиш ихтиёр  
Ардоқли бир инсон, буюк шоира.

Чинорлар бу уйга соя ташлайди,  
Ойнаванд айвонга мўралар офтоб.  
Гулдор пардаларда санъат яшнайти,  
Мисоли, рассом хўб беаган китоб.

Сукунат бу уйнинг остонасида,  
Ҳамма билар: тинчлик, сокинлик даркор.  
Нур ёнар шоира ишхонасида,  
Шу тиниқ чироққа меҳр, ҳавасим бор.

Ипак нур силайти шоира сочин,  
Чарчоқ кўзларига беради ором.  
Уйда шеър туғилар...

Биз унинг тошин –  
Сергак кўриқлашда этайлик давом.

«Йўл берк!» белгисини доим бузгувчи  
Шофёрлар!

Сизлардан ёлғиз илтимос:  
Илҳом парилари юмшоқ сузгувчи –  
Йўлда кўрсатмангиз ортиқ эҳтирос:  
Моторга зўр берманг, сигнални босманг,  
Юринг,

юрак каби оёқ учида.



**Рамз Бобожон,**  
*Ўзбекистон халқ шоири*

## **БИР БАЙТНИНГ ИККИ САТРИ**

Азиз китобхон! Кунни кеча Зулфияхонимнинг ўғли  
Омонжон менга телефон қоқиб, деди:

– Аям ҳаёт бўлганларида келгуси йили тўқсонга кирган  
бўлардилар. Шу муносабат билан қаламкаш дўстларининг  
эсдаликларидан бир китоб қилиш ниятидаман.

Мен унга:

– Балли! Модомики, дўст – дўстлари хотирасида яшар экан,  
шоир ўз шеърлари сатрида ҳамиша барҳаёт, шундай эмасми?

Сув оқади аллалаб тунни,  
Ҳамма ухлар, уйда мен уйғоқ.  
Парча қоғоз, кичик бир қалам,  
Бошим узра порлайди чироқ.

Бунда қанча хаёл, қанча куй,  
Мен берилиб, қулоқ соламан.  
Сўз тополмай ифодасига  
Ранг ахтариб, шошиб қоламан.

Тун ўтади, яна чорбоғдан  
Кўтарилар саҳарги туман.  
Мен-чи, аста чироқ сўндириб,  
Отаётган тонгни кутаман.

Ушбу мисралар Ўзбекистон халқ шоири Зулфия қаламига  
мансуб. Мана, у кутган тонг ҳам отди, йўллар чароғон,  
шаҳарлар файзу фароғатли, маҳаллалар обод, кўча-кўйларда  
истиқлол байроғи ҳилпираб турибди, шоҳминбардан Зулфия  
овози янграмоқда:

Хуррият, келдингми, наҳотки келдинг!  
Келар йўлларида пинҳона толдим.  
Менинг ота-онам, жон Ватанимда,  
Элим тақдирида абадий қолдинг...

Келдинг-эй, Истиқлол, истиқбол бўлиб,  
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.  
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,  
Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим...

Зулфиянинг теран ва вазмин, самимий ва таъсирчан шеърлари унинг ўз тақдири, ўз ҳаёт силсилалари билан боғлиқ шахсий кечинмалари асосида битилган. Зулфия деганда мен ўз сўзли, билимдон, ўта интизомли, сарвиқомат ва салобатли аёлни кўз олдимга келтираман. Зеро, у инсон сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам ҳамма нарсани қалбига яқин олади, бировлар қайғусини ўз қайғуси деб, умумий ишни ўз ташвиши деб билади. Бу унинг ўзига хос фазилатидир.

Гўзал тупроқ узра қуйилди оқшом,  
Кундуз олар дам,  
Жўшқин мушоира этади давом,  
Дўстим, кел сен ҳам!

Бунда узоқдаги дўст бўлар яқин,  
Санъат, маҳоратнинг байрами унда.  
Қофия, сўз, мисра баҳслари қизгин,  
Юраклар даврага киради бунда.

Қай дил чамани бой, жозиб нафаси,  
Кимнинг фикри ўткир, теран, бокира?  
Бу гурунг – шоирлар мусобақаси –  
Шарқ шеърий чамани, бу мушоира.

1958 йилнинг октябрь ойида Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Ушанда «Тошкент руҳи» деган ибора пайдо бўлди. Бу – ўзаро ҳамжиҳатликнинг, қарашлар бирлигининг, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун курашда бир-бирини қўллаб-қувватлашга ҳозир бўлиб туришнинг аниқ ифодаси эди.



Ўзаро дўстона сафарлар икки қитъа ёзувчилари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга робита бўлди. Ўзбек ва чет эллик қаламкашлар ўртасида ўзаро ёзмалар янада жонланиб кетди. Ёзувчилар бир-бирларига ўз китобларини инъом этдилар, бир-бирларини қизиқтирувчи муаммолар устида баҳслашдилар, фикр ва мулоҳаза юритдилар.

Осиё ва Африка ёзувчилари Ассоциацияси фаолиятининг энг муҳим якуни — икки буюк қитъа адиблари томонидан яратилган китоблар, энг яхши асарлардир. Бундай хайрли ишга муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон халқ шоири, жамоат арбоби Зулфия фидокорона ижодий хизматлари учун халқаро «Нилуфар» мукофоти билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, маълум ва машҳур, атоқли адиб Чингиз Айтматов таъбирича, «Ўзбек шоираси Зулфиянинг қутлуг қадами туфайли шарқ адабиётига санъаткор аёл кириб келди, ёш ва иқтидорли шоирлар бутун бир плеядасининг овози баралла янграй бошлади».

Бахтга қарши, бевақт Зулфиянинг ёш бошига мусибат тоши отилди, умр йўлдошидан, сабру бардошидан айрилди, илҳом парисининг қаноти ногоҳ қайрилди:

...Бирдан қалбим кексариб,  
Қон ҳам қочди юзимдан.  
Сен сирдошни ахтариб,  
Хаёл кетар изингдан...

Ишққа маскан юрагим  
Тоғиб бер, деб қистайди,  
Нима қилай, бераҳм, —  
Рухим сени истайди.

«Ҳаётимнинг ўн йили Ҳамид Олимжон билан ҳамнафас ва ҳамқадам ўтгани мен учун улкан бир бахт бўлди, — деб ёзади Зулфия эсдаликларидан бирида. — Йирик шоир, бениҳоя меҳнаткаш, ноёб интизом эгаси, дўстларига меҳрибон, душманларига аёвсиз Ҳамид Олимжон — турмуш ўртоғим, болаларимнинг отасигина бўлиб қолмасдан, айна чоғда уйғун йўлдошим ва сезгир маслаҳатчим ҳам эди. Мен ундан фикрлашни, меҳнат қилишни ва шеър ёзишни ўргандим, ижод мактабида таълим олдим». Ҳамид Олимжон,

дарҳақиқат, устоз шоирларнинг бири эди. Унинг ўз мактаби, ўз шогирдлари бор. Бугунги ўзбек шеърятининг заҳматкашлари Зулфиядан тортиб Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Шухрат, Ҳамид Гулом, Мирмуҳсин, Шукрулло, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва бошқалар, ҳамма-ҳаммамиз айни вақтда Ҳамид Олимжон мактабидан илк сабоқ олган шогирдлар ва унинг давомчиларимиз.

Мен Ҳамид Олимжонни кўрганман, у билан учрашганман, сўзини ўз оғзидан эшитганман, суҳбатлашганман, меҳридан, ижодидан ҳам баҳраманд бўлганман. Биринчи китобимга у оқ йўл тилаган. Шунинг учун ҳам биринчи рақам, биринчи қалам, биринчи китоб, биринчи хитоб ҳақида гап кетганда ҳамиша Ҳамид Олимжонни эслайман.

Ҳамид Олимжон табиатан иймони мустаҳкам, дўстга меҳрибон, душманга қаттол, тadbирли, оташнафас, тили бурро, қалби қайноқ шоир эди. Унинг мисраларидан ҳамон тиниқ туйғулар чашмасини сипқориш мумкин. У баҳор, гўзаллик ва бахт-саодат куйчиси!

Деразамнинг олдида бир туп  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Новдаларин безаб гунчалар  
Тонгда айтди ҳаёт отини  
Ва шаббода қурғур илк саҳар  
Олиб кетди гулнинг тотини.

Ҳар саҳарда шу бўлар такрор,  
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.  
Қанча тиришсам ҳам у беор  
Еллар мени алдаб кетади.

Майли, дейман ва қилмайман ғаш,  
Хаёлимни гулга ўрайман  
Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,  
Бахтим борми, дея сўрайман.

Юзларимни силаб, сийпалаб,  
Бахтинг бор, деб эсади еллар.  
Этган каби гўё бир талаб,  
Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар...

Ўйласам, мен Зулфияни Ҳамид Олимжонсиз, Ҳамид Олимжонни Зулфиясиз тасаввур қилолмайман. Гўё улар менинг наздимда бир байтнинг икки сатри, ҳамоҳанг, ҳамфикр, ҳамдард... Чунончи:

Севги десам, фақат сен десам,  
Сенинг билан яшаса қалбим,  
Сен десаму, бутун дунёнинг  
Шўришига кулоқ солсам жим...

Қуюн каби айланар бошим,  
Қарайману, кўзим тинади.  
Ва жилвангдан кўнгил кўзгуси  
Парча-парча бўлиб синади...

деса Ҳамид Олимжон, унга Зулфия мана нима дейди:

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,  
Ҳаётни қуйлайман, чекинар алам.

Тунлар тушимдасан, кунлар ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.

Мен эса ўз навбатида ҳар икки буюк соҳиби қаламнинг барҳаёт руҳи олдида бош эгиб, нурли абадиятига тинчлик тилайман. Сиз нима дейсиз, муҳтарам китобхон?

Боғ қолдими одамдан,  
Демак, ўтмас оламдан!  
Шоир эккан ниҳолнинг  
Ўқ илдизи қаламдан.





**Зиёд Есенбоев,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган*  
*маданият ходими*

## **ЮРТ ЭЪЗОЗЛАГАН СЕВИКЛИ ШОИРА**

Мен Зулфия опа билан танишган йиллардан буён у кишини эъозлаб, ардоқлаб келганман.

Зулфия опа нафақат оиласига, фарзандларига, балки эл-юртига, ёшларга, шогирдларига доим куюнчак, ғамхўр, эътиборли, меҳрибон устоз эдилар. Кўшни республикаларда, Москвада Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари ўтказилганда делегациямиз таркибида кўпинча бирга бўлардик. Ўша даврда мен Давлат матбуот қўмитасининг раиси бўлганлигим учун китоб кўргазмаларини бирга очардик. Опамиз қимматли маслаҳатлар берар, қардош ёзувчи-шоирлар билан мириқиб суҳбатлашиб, уларни бизга жалб қила олар, адабиётнинг бугуни ва келажаги ҳақида мулоҳаза юритиб, фикрлар алмашар эдилар.

Менинг уйимда Зулфия опа билан биргаликда машҳур шоир-ёзувчилар — Ираклий Абашидзе, Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов билан тушган суратлар, уларнинг дастхати ёзилган китоблар сақланмоқда. Бу суратларнинг баъзиларини мен Ҳамид Олимжон ва Зулфия опанинг фарзандларига ўз вақтида тақдим этганман.

Дарвоқе, мен учун азиз бўлган шундай китоблар орасида Зулфия опа менга тақдим этган китоб ҳам бор. Унда шундай сўзлар ёзилган: «Зиёд Исломович, хурматли дўст ва ҳамкасб! Қалбимнинг бир ҳовуч меваси бўлмиш бу китобчани Сизга хурмат билан тақдим қилишга рухсат этгайсиз. Зулфия, 26 июнь 1962 йил».

Журналист, матбуот ходими бўлганлигим учун Зулфияхоннинг «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналида муҳаррир бўлиб ишлаганларида ўзига хос мактаб яратганини қисқача айтиб ўтмоқчиман. Ўша йилларда унинг маслаҳату ҳимматларидан, чеҳраларидаги ёқимли табассумларидан бахраманд бўлмаган матбуот ходими камдан-кам топиларди. Опамиз вақт билан

ҳисоблашмай журнал саҳифаларида республикамиз хотин-қизлари ҳақида ички бир туғён билан ёзилган мақола, очерк, ҳикоя, лавҳалар ва фотосуратлар бўлишини истарди.

Бир-икки оғиз сўз шоирамизнинг пахтакорлар ҳузурига бориб, уларни кўнгилларини кўтарувчи қалб сўзларини изҳор этиб, шеърлар ўқиб берганлари ҳақида. Биз, газета ва журналларнинг ходимлари бирлашиб, ўша йилларда дам олиш кунлари Тошкентга яқин бўлган туманлардаги хўжаликларга ҳашарга — пахта теримига чиқардик. Тушки овқатланиш пайтида Зулфия опа янги шеърларидан намуналар ўқиб, санъаткорларимиз эса мумтоз қўшиқларни куйлаб пахтакорларни хушнуд этардилар...

Ва, ниҳоят, қалбимда сақланган ноёб хотиралардан яна бири ҳақида мен алоҳида илиқлик билан эслайман...

Ҳар куни бир бинода жойлашган турли газета ва журналлар муҳаррирлари тушки овқатланиш пайтида бир хонада учрашардик. Биз учун бу бир қадрли анъанага айланган экан ҳозир ўйласам...

(«Қизил Ўзбекистон») «Ўзбекистон овози», муҳаррири Мақсуд Қориев, «Правда Востока» газетасининг муҳаррири Николай Федорович Тимофеев, «Овози тожик»дан Шавкат Ниёзов, «Қишлоқ ҳақиқати»дан эса Исмоил Сулаймонов, қрим татарлари газетасидан бош муҳаррир Ислямов Абдусалом билан бирга «Саодат» журналининг бош муҳаррири Зулфияхоним бўлар эдилар. Ҳаммамиз учун ҳурматли, ардоқли бўлган шоирамиз билан ўтган бундай кунларни бир эҳтиром билан эслаймиз. Ана шу тушликлар пайтида Зулфия опанинг жуда ибратли ва ўзига хос хусусиятлари намоён бўларди.

Зулфия опа ҳеч қачон кечикмас эдилар. Биз эса вақтлироқ келишга ҳаракат қилар эдик, уларсиз дастурхонга ўтирмас эдик. Доимо дид билан камтар, ораста кийинган, яхши кайфиятда бўлишга интилган Зулфия опа кириб келгач, суҳбатларимиз бошланиб кетарди. Нашрларимизда эълон қилинган мақолалар, янгиликлар ҳақида фикр алмашардик. Зулфия опа маъқул бўлганлари ҳақида мамнуният, қизиқиш билан сўзлардилар. Танқид қилишда эса ғоят эҳтиёткорлик билан, бировнинг дилини оғритмасликка ҳаракат қилардилар. Биз улардан ўзгаларнинг меҳнатини ҳурмат қилишни, ҳар ким ўз қарашлари ва услубига эга бўлиши мумкинлигини ҳамда шуни тан олиш зарурлигини ўрганадик, ибрат олардик.

Айниқса, истеъдодли журналист, шоир ва ёзувчи ёшларга алоҳида ҳурмат билан қараб, ютуқларидан хурсанд бўлганликларини яширмас эдилар. Ўз журналлари саҳифаларида узоқ бир қишлоқдан шеърлар ёки мақола юборган қизлар ҳақида жўшиб сўзлардилар, уларга ёрдам бериб, парвоз тилашларини аямасдилар.

Қўшни республикаларда шоирамизнинг дўстлари талайгина эди. Уларнинг янги асарларини кузатиб бориб, кўпинча бизларни ҳам таништиришга интилардилар. Биз ҳам уларнинг олдиларида ноқулай аҳволга тушиб қолмасликка ҳаракат қилиб, янги чоп этилган асарлардан хабардор бўлишга интилардик. Аммо бунга ҳар доим ҳам илож бўлмасди.

Эсимда, кунларнинг бирида Бошқирдистон халқ шоири ва драматурги Мустай Каримнинг янги асари ҳақида гап очдилар ва бизларни ҳам албатта шу драмани ўқиб чиқишимизни сўрадилар. Гап Мустай Каримнинг «Ой тутилган тунда» номли асари ҳақида кетарди. Ўтмишда бир-бирига турмуш тарзи, тарихи, эътиқоди яқин бўлган халқлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи ва драма-фожа оқ шеър услубида битилгани, айниқса асарнинг бош қаҳрамони катта сулоланинг онахони Тангабеканинг матонати, ақли, аянчли тақдир зарбаларини енга олиши Зулфия опанинг қарашларига яқин ва қимматли бўлгани учун шоирамиз асарни тез муддатда ўзбек тилига таржима қилдилар ва кейинчалик бу фожа республикамизнинг бош драма театрида саҳналаштирилиб, томошабинларимиз томонидан илиқ қарши олинди. Тангабека ролини ардоқли ва унутилмас актрисамиз Зайнаб Садриева ижро этганди. Театримиз жамоаси ҳатто Бошқирдистон пойтахтига бориб, спектаклни у ердаги томошабинларга манзур қилиб қайтдилар.

Ўйласам, бу асарни саҳнада қайта тиклаб, ҳозирги авлодни у билан ошно қилиш ёмон бўлмасди, чунки асар XX аср драматургиясининг дурдоналаридан бўлиб, маданиятимизнинг унутилмас намояндалари Зулфияхоним ва оғамиз Мустай Карим истеъдодига ҳурматимиз белгиси бўларди...

Менинг бу ёзганларим шеъримиз маликаси Зулфия опа ҳақидаги эсдаликларимдан бир шингил, холос.

Қалбимиз тўридан жой олган севикли шоирамиз ҳаёт бўлганларида шу баҳор кунларида 90 ёшни қаршилаган бўлур эдилар. Уларнинг номлари адабиётимиз саҳифаларида унутилмас сатрлар ила доимо барҳаёт. Илло, севикли шоирамиз руҳлари шод бўлғай! Уларни Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин!



**Мақсуд Қориев,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган*  
*маданият ходими*

## **БАҲОР КЕЛДИ СИЗНИ СЎРОҚЛАБ**

Яна баҳор келди, гул фасли. Қаранг, она табиат янги тушган келинчакдек безаниб олди.

Ҳар йил баҳор, шу кўркамлиқ фаслининг куйчиси, севимли шоирамиз Зулфияхонимни эслаймиз.

Зулфия опа умр бўйи куйлади, ёниб-куйиб яшади, ижод қилди. Она-Ватан муҳаббати, инсонийлик, эзгулик, вафо ва садоқат унинг назм дафтари сатрларига айланди. Зулфия опа ҳаётга қўшиқ бўлиб туғилган, туриш-турмуши, бутун ҳаёти ҳам қўшиққа, ҳа, сўнгсиз, адо бўлмас дилрабо куйга ўхшарди.

Зулфия опа баҳорни, гўзалиқни севарди, гуллар шайдоси эди. Баҳор айёми, Наврўз кунлари анвойи гуллар кўтариб севимли шоирамизнинг хонадонига табриклаб борар эдик. Эҳтиром ва эътибор билан, ширинсуханлик билан кутиб олар эдилар.

– Келиб бизни хурсанд, кўнглимизни обод этдингиз, – дердилар.

Сира ёдимдан чиқмайди: «Ўзбекистон овози» газетасида ишлаган кезларим газета саҳифасида «Ёзувчи ижодхонасида» рукнини ташкил этганмиз. Ўзбекистоннинг энг атоқли шоирлари, ёзувчилари – Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Собир Абдулла, Зулфия, Миртемир ва бошқа ижодкорлар ўша саҳифада ўзларининг янги ёзган асарлари билан қатнашар эдилар. Бу, адибларимизнинг гўё газета майдонидаги қизғин мусоҳабасига айланиб қолгандай эди, десам, хато бўлмас. «Ижодхона»дан чиққан шу ижод намуналари ичида Зулфия опа тайёрлаб берган материаллар айниқса салмоқли, бадиий жиҳатдан анча бақувват бўларди. Ўшанда Зулфия опанинг ўз ижодига нақадар масъулият билан қараганлиги билиниб турарди.

Зулфия опа Ўзбекистонимиз шаъни-шуҳратини оламга олиб чиққан ўзбекнинг ақл-заковатли, оқила қизи эди. Унинг замон нафаси билан йўғрилган, қитъалар оша тинчлик, қардошлик, инсонийлик ғояларини тараннум этган «Мушоира» шеъри халқаро Неру мукофотига сазовор бўлди.

1980 йиллар... «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган тавқи тамға елкамизга осиб қўйилганди. Ижод аҳлига ҳам муносабат ўзгарган пайтлар. Шоира анчагина хаста бўлишига қарамасдан, йўқлаб борганимда ёзув столида қораланган қоғозлар ётарди.

Изтироб билан шундай дедилар:

– Менга тантанали мажлисга таклифнома юборишибди. Уни мажлис ўтгандан кейин олдим. Тагин ҳурмат билан «президиумга» деб ёзишибди!

Москвдан Н.Тихонов табрик юборибди. «Мамлакатимизнинг биринчи шоирасига» дебди. Қарангки, бизнинг уюшмадан ҳам табрикнома олдим, қарасам, тагида имзо йўқ, ким юборгани номаълум.

Биласизми, баъзан мукофотга шундай асарлар тақдим этиладики, ҳайрон қоласан киши. Ахир халқ дилига ёққан адабиётимизнинг энг яхши нодир асарларига мукофот бериш керак эмасми?!

Мен унга нисбатан адолатсизликни ич-ичимдан ҳис этиб турардим. Зеро, эл-юрт ҳурматига лойиқ, ҳамиша иззат-икромда, ардоқда юрган атоқли шоирани бирдан четга суриб, ҳам лавозимдан, ҳам эътибордан четлатишлари уни қаттиқ изтиробга солганди.

Зулфия опа касалхонага тушиб қолдилар. Биламанки, шоира бетоблик чоғида ҳол сўраб борганларни унчалик ёқтирмайдилар. Шу боис телефон қилдим.

– Яхшиси тузалиб чиққанимдан кейин келарсиз, – дедилар. Шундай бўлса ҳам юрак ютиб шифохонага бордим. Қўлимда бир даста гул. Шоира беморлик тўшагида беҳол ётарди.

– Рухсат этмасангиз ҳам келавердим, – дедим гулларни столга қўйиб. Ташрифимдан хурсанд бўлиб кетдилар. Бироз суҳбатдан сўнг:

– Биласизми, ҳар қандай аёл беморлик ҳолатида ўзини ўнғайсиз ҳис этади. Шу боис хасталик чоғимда ҳеч ким мени шифохона либосида кўришини истамайман, – дедилар.

Республикамизда чоп этилиб келаётган севимли журналимиз «Саодат»ни саодат қилган ҳам, эл-юртимизда энг ардоқли



нашрга айлантирган ҳам Зулфия опадир. Зулфия ва «Саодат» — бу иккиси гўё бир мазмун кашф этган. Энг муҳими, «Саодат»нинг ижодхонасида, мактабида шундай ажойиб журналист, ёзувчи, шоиралар етишиб чиқдики, унда унинг жонкуяр, куйинчак, талабчан ва истеъдодли муҳаррирнинг хизматлари беқиёсдир. Ҳақиқатан ҳам, «Саодат» ёшлар учун ҳақиқий дорилфунун бўлди. Эл-юртга машҳур бўлиб кетган шоира ва журналистлар: Холида Аҳророва, Эътибор Охунова, Олмос Аҳмедова, Гулчеҳра Жўраева, Ойдин Ҳожиева, Раҳима Шомансурова, Санъат Маҳмудова, Дилбар Саидова, Раъно Раҳмон, Муҳтарама Улугова, Қутлибека Раҳимбоева... Булар барчаси «Зулфия қизлари», «Саодат» мактабини ўтаган қалам соҳибаларидир.

Бир куни «Саодат» журнаliga деб «Сурнай навоси» деган ҳикоя ёзиб, Зулфия опа ҳузурларига бордим. Муҳаррир ҳикояни ўқиб чиқиб, ўз фикрларини билдирдилар. Шунда негадир ҳикоя баҳона шоир Ҳамид Олимжон билан биринчи бор танишганликлари тарихини сўзлаб бердилар.

— Бир мўътабар йиғинга бироз кечикиб бордим. Қарасам, одамлар кўп, жой йўқ. «Менинг ёнимга келинг», деб қолди кимдир. Қарасам, атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон экан. Ўтирдим, бироз ҳаяжондаман. Қўлимдаги кийим-бошимни топширган номерни ҳадеб ўйнайверган эканман, Ҳамид Олимжон гашлари келибми, бунга кўп ўйнаманг, дегандек қўлимдан олиб чўнтақларига солиб:

— Сизга халақит бераяпти, ҳали мажлисдан кейин берарман, менга ишонаверинг, — дедилар кулиб.

Мажлис тамом бўлгач, ташқарига чиқдим. Қарасам, ҳеч ким йўқ, номерим Ҳамид Олимжонда қолган. Кийимларимни ололмай анча кутиб турдим. Ҳамма бирин-кетин чиқиб жўнаб кетди. Мен ўнғайсиз аҳволдаман. Шу вақт Ҳамид Олимжон чиқиб кийимларимни олди-да, жўмардлик билан пальтомни кийгизиб қўйди. Кейин: «Яёв кетамиз», деб қолдилар. «Йўл-йўлакай сўзлашиб борамиз». Ўшанда уйимга қадар кузатиб қўйдилар. Бу кейинчалик умрим, шеърим мазмунига айланган Ҳамид Олимжон билан биринчи учрашувимиз эди. Юлдузимиз юлдузимизга тўғри келган экан, турмуш қурдик. Фикримиз ҳам, қарашларимиз ҳам, маънавий дунёмиз ҳам уйғун эди. Ана шу яқинлик бизни бирлаштирган бўлса ажаб эмас.

Бир куни газета раҳбари сифатида Зулфия опага кўнғироқ қилиб, аллақайси тадбирга атаб шеър ёзиб беришни илтимос қилдим. Олган жавобим кўз ўнгимда шоира қаддини яна ҳам юксалтирди:

«Биласизми, мен буюртма билан шеър ёзмайман, дилимга ёққан, кўнглим кўтарган мавзуларда бўлса, марҳамат, ёзиб қўйган тайёр шеърларим ҳам бор», – дедилар.

Унинг ўз йўли, усули борлигини, бетакрор шоира эканлигини, бошқачароқ қилиб айтганда, ўзбек элининг яккаю ягона, эрка шоираси бўлганини шу сўздан ҳам билса бўларди.

«Ибн Сино» романим чоп этилгач, бир нусхасини олиб ва яна гул кўтариб уйларига бордим. Иқтидорли, меҳрибон қизлари Хулқар ҳам ўша ерда экан. Дастурхон атрофида узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Шундан бир неча кун ўтгандан сўнг «бир келмайсизми», деб телефон қилиб қолдилар. Учиб бордим. Ўзлари стол бошида фаришталардек чиройли бўлиб ўтирибдилар. Олдиларида ўша мен тақдим этган китоб.

– Ўқиб чиқдим. Табриклайман. Яхши мавзуга кўл урибсиз. Улуғ ҳаким ҳақида беҳисоб китоблар ёзилган. Сиз бадиий оҳангга солибсиз, – дедилар.

– Биласизми (Зулфия опа кўпинча гапларини шундай бошлар эдилар), одамлар менинг ижодим ҳақида сўзлашмай, садоқатим ҳақида гапиришади. Бу, албатта, мен учун жуда муҳим. Чунки менинг садоқатим Ҳамид Олимжоннинг ижоди билан боғланиб кетган. Уни йўқотиб қўйганимдан сўнг умрим бўйи унинг дарди билан куйиб-ёниб яшадим. Шеърларимда ҳам қадрдонимнинг руҳлари бор, – дедилар шоирамиз.

Буюк истиқлолимиз ижодкорлар учун яна ҳам кенг имкониятлар берди. Эркин фикрлаш, ижод қилиш, айниқса, миллий аънаналар, одатларимизга эътибор-эътиқод ошди. Ҳақиқий тарихимиз тикланди. Зулфия опанинг муборак саксон йиллиги «Туркистон» саройида зўр тантана билан нишонланди. Ҳурмат-эътибор, айниқса, Президентимизнинг шоирага йўллаган меҳрли табриги унинг руҳиятини яна ҳам кўтариб юборди. Ўша кезлари шоиранинг ўзига сифмай, саодатли кунлари яна қайтиб келгандай қувонганларини кўрсангиз эди. Тантанали йиғин сўнгида шоирамизнинг сўзлаган оқилона нутқи ва шеърий сатрлари ҳамон ёдимизда.

Мана, ўша йиғинда шоира дилидан чиққан меҳрли мисралар:

Бу оқшом пориллар дил нурингизда,  
Дийдор бахти насиб яна Сиз билан.  
Турибман, азизлар, ҳузурингизда  
Ҳамон ўтлиф кўнгил, ёруғ юз билан.

Ҳамон мулкимдаги сийму зарим – шеър.  
Сочимда, чехрамда йиллардан нишон,  
Саждагоҳим танҳо Ватан, Она-Ер,  
Орзуларим карвон, сарбоним – ишонч.

Ҳамон ота-онам, икки жаҳоним  
Азиз ёди аро шикаста, бутман.  
Ишқим – алангадир, қордир ҳижроним,  
Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.

Иккита кўзимга икки қорачиғ –  
Мунисим Ҳулкарим, алпим Омоним,  
Ширин набиралар ҳаётдан тортиғ,  
Ҳар бири жонига пайванддир жоним.

Номлари, ёдлари пайғамбар монанд,  
Ҳазрат устозларим – теран илдизлар,  
Мен ундан жон олиб кўкарган дарахт,  
Меваси – қалбимдан отилган сўзлар.

Ҳикматлар бағрида дур, марваридим,  
Аждодларим менга ифтихор, ғурур.  
Шу мавжлардан томган нуқра умидим  
Шоира қизларим бахш этган сурур.

Бу назм боғига киролмас хазон,  
Бизни маҳв этолмас завол лашкари,  
Мен кетсам мунғаймас умрим ҳеч қачон,  
Бу боғлар... бир боғлар бўлади ҳали...

Ҳамон эътиқодим – ҳақиқат, ҳақдир,  
Сўзлайман, юзимни тутиб Каъбага,  
Емира олмайди ўткинчи тақдир,  
Осуда ўтади руҳим абадга.

Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур,  
Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.  
Тонгларингиз кулсин дориломон, хур,  
Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.

Зулфия опанинг шогирдлари юбилей кунлари «Эҳтиром» деган тўплам чиқардилар. Унда севимли шоирамизни билган, ҳурмат ва эҳтиром этган оламга машҳур шоиру фузалоларнинг, содиқ шогирдларининг эсдаликлари, мақолалари жамланган.

«Эҳтиром» тўпламини Зулфия опа ўз муборак дастхатлари билан менга ҳам тақдим этган эдилар. Уни китоб жавонимнинг энг кўримли жойига эҳтиётлаб сақлаб қўйганман. Ўша дастхатда шундай дейилган:

«Шоира қизларим бизга ажойиб тухфа қилдилар. Уни мен Сизга ҳам тақдим этгим келди... Омон бўлинг. Зулфия, 20.VI. 95 йил».

Баъзан «Эҳтиром» тўпламини қўлга олганимда юрагим узилиб кетгандай бўлади. Шоирамизни, дона-дона сўзларини, меҳрли қарашларини, «Саодат»даги муҳаррирлик ўриндигига ярашиб ўтиришларини эслайман. Зулфия опа доимий ишловчан, жонкуяр, ўта талабчан муҳаррир, раҳбар эдилар. «Саодат» қачон саёз, ўқиса ҳам, ўқимаса ҳам бўладиган «ўрта» мақола ё бадиий асар босилмасди.

Сўнгги марта шоирамиз касалхонада бетоб ётганларида борганман. Қўлимда бир сават оппоқ гуллар. Аммо кўриш насиб этмади. Хулқар чиқди, кўзларида ёш...

— Аямнинг соғлиқлари яхши эмас. Кирмай қўяқолинг...

— Бўлмаса мана шу гулларни олиб кириб хоналарига қўйинг, Зулфия опам гулларни яхши кўрар эдилар, — дедим.

Ҳар йили баҳор фасли биз ардоқли шоирамиз, назм мулкининг маликасини ёдга оламиз.

Ҳа, Зулфия опа биз учун ҳамиша ҳаётлар. Баҳор билан, ёруғ тонг билан, биз билан бирга, ёнимизда, қалбимиз тўридалар.





**Гулчеҳра Жўраева,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган*  
*маданият ходими*

## **ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН**

*Салқин саҳарларда, бодом гулида,  
Бинафша лабида, ерларда баҳор...*

\* \* \*

*Қаҳратонда ерга тўшалганда қор  
Менинг кўнглим тусаб қолар бинафша...*

### **Зулфия**

Устознинг ушбу сатрларини ўқиб, бир воқеа эсимга тушди. Ҳар йили эрта баҳорда мухлислардан бир мўйсафид киши икки бойламча бинафшани тўғри таҳририятга, яъни ишхонамизга олиб келар эди: «Мен гулни атайлаб сизлар учун қирлардан териб келдим. Бирини азиз Зулфия опамизга тақдим этдим, бири эса сизга». Ва мўъжазгина баҳор элчиси бўлмиш – бинафша Опанинг иш столлари устида узоқ муддатгача сўлмай, савлат тўкиб турарди. Мен бу нотаниш оддий инсоннинг шеърини тўғри муҳаббати, ижодкорга чексиз ҳурматини ҳис этиб, ҳайратга тушардим. Зулфия опанинг қорлар тагидан бош кўтарган бинафшага нечун шу қадар меҳр қўйиб шеърлар битганини ўйладим. Қор – изтироб, ҳижронларда ҳам ҳамиша тетик, бардам, букилмас, сўлмас бинафша – темир иродали лирик қаҳрамон бўлиб кўз олдимга келаверади...

Ҳа, замин юзидан ҳали кумуш нурлар кўчмаган, оқ, яшил майсалар қиров остидан мўралаб, салқин шабада жонингизга роҳат бағишлаган кезларда навбаҳорларнинг биринчи кунига эгизак – шоира Зулфияхоним дунёга келганлар. Яна юртимизга баҳор ташриф буюрди. Бодом ва ўриклар гуллаб, «оқ аланга»си билан тонглари ёритмоқда.

Зулфия опанинг руҳлари, яъни шеърлари оқ алангага, шарқираган шаршарага, тоза, беғубор нафасга, севгидай ол лолазорга айланиб, яна қалбимизга, онгимизга кириб келди. Биз Зулфиянинг теран сўзлари билан, чарос ва меҳрибон кўзларининг жозибаси билан, фариштали гўзал чеҳраси билан, қундуз қошлари, сарвдек барваста бўй-бастларию мағрур ва вазмин сийратлари билан яна учрашгандек ҳис этмоқдамиз ўзимизни, яна «Ассалом, Устоз», дея таъзим қилмоқдамиз.

«Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман..» Ана шу саксон йиллик умрнинг қоқ ярмида биз Зулфия опа билан илк мартаба дийдор кўришдик, «ловуллаб» туғилган шеърларидан баҳраманд бўлдик, маслаҳат ва ўғитларидан маънан озик олдик.

Мен денгизнинг лабида турдим,  
Денгиз бўлиб чайқалди юрак...

Дарҳақиқат, Зулфия опанинг юраги бамисли ҳудудсиз денгиз. Унинг сатҳи мовий, тинч кўринса-да, тубида ҳаёт қайнар эди. Бу ҳаёт сатрларга, яъни тўлқинларга сиғмаса пўртанадек қирғоққа тошиб чиқарди. Ҳа, денгиз тубида яралган дуру марваридларга айланган назм доналари ҳар бир қалбга руҳан бойлик олиб кирди. Ҳақиқий ижодкор мулки ҳар қачон ва ҳар қандай замонда ҳам замонавий бўлиб қолаверади. Шоиранинг дастлабки тўпламларидан бири — «Ҳижрон кунлари» ўша даврда ҳам, ҳозирда ҳам ва келажакда ҳам ҳаёт кўшиғи, дарду алам кўшиғи, муҳаббат ва садоқат мадҳияси бўлиб янгради ва янграйверади. Назаримда, ҳали ҳеч ким севгининг дардли кўшиғини бу қадар чуқур изтироб, назокат ва одоб, нидо ва ғусса билан айтолмаган. Шоиранинг ҳар бир мисрасида, ҳар бир шеърида ўз қиёфасини, ички оламини, ирода ва идрокини, тугён ва ҳаяжонларини, бетин кечинмаларини мукамал ифодалай олиш қудрати биз учун маҳорат дорилфунуни вазифасини ўтади.

Бир суҳбатда Зулфия опа «Эҳтимол бошимга тушган мусибат мени шоир қилгандир. Аммо ёзган барча шеърларимни Ҳамидимни, ақалли бир кунгина бўлса-да, тирик кўрмоққа алмашардим», деган эдилар...

Баҳорга буркалган сен севган элда  
Овозинг янгради, жўшқин, забардаст,  
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,  
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас...

Шоирадаги бу дард изтиробни, изтироб шеърни, шеър Зулфияни, Зулфия эса қувонч ва мангуликни яратди. Бирор суҳбат ўтмаганки, Зулфия опа Ҳамид Олимжонни эсга олмаган бўлсалар. Ҳам устоз, ҳам умр йўлдошининг ниҳоятда эътиборли, меҳрибон, ғамхўр, ҳамфикр, ҳамкор, садоқатли фазилатларидан беҳад мамнун, бахтиёр эканликларини бот-бот таъкидлаб ўтадилар. Буни ҳам ўз навбатида биз — шоиралар ҳам ҳаёт мактабидан сабоқлар каби қабул қилар эдик.

Бугун манглайимга ой нури тушди,  
Ҳайратдан титради ажинлар узра...

Зулфия опа ўз ижодий тамойиллари, яъни услубларидан ҳеч қачон чекинмадилар, ўзликдан узоққа чиқиб кетмадилар. Манглайига тушган ой нури рамзида мустақиллик бахтига муяссар кексаликнинг ҳайратомуз қувончини англаш қийин эмасди.

Зулфия опа кенг кўламли ижодкор эдилар. «Саждагоҳим танҳо Ватан», Она-ер ҳақида ёзилган, «Юрагимга яқин кишилар»га бахшида шеърини туркумлари, дostonлари халқимиз маънавий хазинасидан муносиб ўрин олган. «Аёл бахтининг лиммо-лим косаси насиб қилмаган» бўлса-да, бошқа томондан «Мен ўтган умримга ачинмай қўйдим», чунки иззатни ҳам кўрдим, деганларида Зулфия опа мутлақо ҳақ эдилар.

Шоира «Юртим харитаси — менинг юрагим», деб бежиз ёзмаган эди. Зулфия юрагининг харитаси дунё харитасига тушади ва унинг ҳосиласи бўлиб машҳур «Мушоира» дунёга келди. Опанинг шеърлари бугун барчамизнинг қалбимиздан жой олган экан, «О, эртам, энг гўзал афсонам менинг» дея башорат қилган шу юртда яшаяпмизми, демакки, Зулфия ҳамиша биз билан ёнма-ёнди.

Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур,  
Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.  
Тонглариңгиз кулсин, дориломон, ҳур,  
Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.

Бу тарихий шеър шоиранинг ўз умрига, ўз ижодига берган баҳоси бўлди.

Ҳар йили 1 март – биз учун кўшалок байрам эди. Опанинг ранг-баранг шеърлари каби гулу гулзорга айланган табаррук хонадонларида барча шогирдлари, яқин мухлислари йиғилишарди. «Алпим» деб эъзозлаган ўғиллари Омонжон, «Мунисам» дея эркалаган қизлари Ҳулкаржон, дилбар келинлари Риояхонлар саъй-ҳаракатлари ила ташкил қилинган байрам дастурхони ўзгача кайфият, ўзгача файз бағишларди. Барчамиз янги шеърларимизни ўқиб, худди шу ерда кўриқдан ўтказардик. Шундай қилиб, мушоира бошланарди ва бундан сўнг ҳам «Мушоира» давом этаверади:

Салқин саҳарларда гуллади ўрик,  
Қайда деб Ҳамидим, қани Зулфиям?  
Баҳор садо берди: Шоирлар тирик,  
Ўзбек ҳаёт экан, ҳаёт улар ҳам!

### **Шеър каби мунис, шеър каби мардона қалб...**

Ўзбек халқининг Қаҳрамон қизи, ардоқли ва севимли шоираси Зулфия ҳақида лутф қилиш мен учун бағоят фахрли ва масъулиятлидир. Улуғлар ҳақида улуғ сўз айтмоққа жасорат керак, унга муносиб бўлмоқ даркор...

Зулфия опа менинг ҳаётимга қачон кириб келдилар?

Мен ҳали мактаб ўқувчиси эдим. Собиқ «Ўзбекистон хотин-қизлари» («Саодат») ойномасига юборган илк машқларимга шахсан Устознинг ўзлари қуйидагича мактуб йўллабдилар:

«Сизнинг шеъриятга бўлган қизиқишингиз мени қувонтирди. Аммо олдиндан айтиб қўяй: шоиранинг йўли беҳад сермашаққат йўл. Бунинг уддасидан чиқасиз, деган умиддаман».

«Уддасидан чиқасиз»... Мана шу рағбат билан айтилган мухтасаргина икки дона сўз менинг тақдиримда бурилиш ясади, ҳаёт йўлимни, яшаш тарзимни белгилади, юрагимдаги учқунларни алангалантирди, ижодий қанот боғлади.

Устоз шоирани «юрагимга яқин» қилган яна бир сабаб унинг нозиктаъб ва теран, дардли ва нурли, руҳан бардам ва



маънавий бой, ўрик гулларининг атриддек нафис шеърияти бўлди.

Дастлаб Зулфия опанинг умр йўлдоши, ўзбек адабиётининг дарғаларидан бири улкан шоир Ҳамид Олимжонга бағишлаб ёзган асарлари мени оҳанрабодай ўзига тортди. У пайтларда мен энди вояга етган ўсмир, лирик шеърларни қўймай ўқиб юрадиган чоғларим эди. Чуқур меҳр-муҳаббат ила суғорилган, чўғдек ёниб турган самимий шеърларини ўқиган одам назаримда олов юракли, покдомон, садоқатли бўлиб қайтадан дунёга келади ва соф севгини нечоғлик эъозлашга, қадрлашга, уни оламдаги барча нарсадан устун тутишга ўргатади. Шундан сўнг Зулфия имзоси билан чиқадиغان ҳар бир шеър мен учун азиз ва қувончли бўлиб қолди.

Университетда ўқиб юрган талабалик йилларимда эса шоира билан яна яқиндан мулоқот қила бошладим. Ойнома даргоҳи биз ёш қаламкашлар учун Олийгоҳ вазифасини ўтарди. Бунда Зулфия опа раҳбарликларида тез-тез машғулотлар ўтказилар, машқларимиз муҳокамаси жараёнида биз аста-секин яхши шеър нимаю, ёмони қайси, нимага эътибор қилиш лозиму нимани ёзмаслик керак, бадий ташбиҳ, бадийлаштириш, шу каби маҳорат масалаларига оид узоқ-узоқ суҳбатлашардик.

Ойнома саҳифаларида рангли суратим билан машқларим тез-тез босилиб турадиган бўлди. Мен нима учун ойнома ҳақида эслаяпман. Чунки Зулфия опанинг 35 йиллар чамаси умрлари ва фаолиятлари шу журнал ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Уларни бир-биридан ажратиш тасаввурга мутлақо сиғмас ҳол. Бу даврда қанча-қанча ижодкор аёлларнинг етишиб чиққани, бу макон — ижод манбаи ва бунда бош муҳаррирнинг фидойи меҳнати нақадар буюк эканлигини сезмаслик мумкин эмас.

Шундай қилиб, ойнома орқали устоз Зулфия опа билан ҳамкорлигим тобора теран илдиз ота берди. Ҳар гал бирор машқим матбуот саҳифасида чоп этилса, хаёлимдан «Зулфия опа кўрикларидан ўтдимикан, нима деркинлар» деган бир қийноқ, ҳадик қалбимни тўлқинлантирадиган бўлди. Чунки опа шеъриятга катта муҳаббат ва ҳурмат билан қараганлари туфайли ўта талабчанлик, қаттиққўлликлари биз ёшларни ҳамиша яхши маънода бироз чўчитиб турарди.

Устоз дарҳақиқат ҳар биримизнинг матбуотда эълон қилинган машқларимизни диққат билан кузатар ва ўз таассуротларини дарҳол билдирардилар. Айниқса, кўнгилбоп шеър ўқиган кунлари кайфиятлари ҳам ўзгача, кўтаринки бўлиб унинг муаллифини чорлаб табриклар, ўпиб иссиқ бағирларида она каби эркалардилар.

Албатта бундай эъзоздан кейин кимнинг яхши шеър, яхши асар ёзгиси келмайди дейсиз... Бинобарин, биз кўпчилик эдик. Эътибор Охунова, Ойдин Ҳожиева, Нилуфар, Дилбар Саидова, Умида Абдуазимова, Олмос, Муҳтарама Улуғова, Турсуной Содиқова, Бибисора Отаева, Санобар Ҳасанова, Бибисора Туробова, Ҳакима Ҳасанова ва бу рўйхатни ҳали давом эттирса бўлавереди. Бундай бағрикенглик ва ўта меҳрибонлик барча устозларга ҳам насиб этавермайди, деб ўйлайман. Кейинчалик Зулфия опа ўз шогирдлари ютуқларидан бошлари кўкка етиб, шоира Увайсий тилидан шундай сатрлар битдилар:

Неча Гулчеҳралар озод, кўйинга жўр бўлиб кетса,  
Бу хил мумтоз шуҳратдин кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди...

Маржондай тизилиб йил кетидан йил ўтди. Неча баҳор, неча ёз, неча қиш келиб кетди. Собиқ ниҳол чўзилиб, барваста дарахт бўлди. Чеҳрадан чирой кетиб, сочимиз оққа тўлди. Бир кўз очиб юмгунча адабиётга кириб келганимизга ҳам ўттиз йил бўлиб қолибди. Аммо ҳанузгача рўзнома саҳифаларида чоп этилган шеърларимга кўзим тушиши биланоқ ёшликдаги ҳадик ҳамон менга ҳамоҳанг бўлиб келаётганини сезиб қоламан. «Зулфия опа назарларидан ўтдимикан...» Фавқулодда устоз биринчи бўлиб кўнғироқ қиладилар: «Гулчеҳражон, – дейдилар ўта мулойимлик ва ёқимтой овоз билан – яхши шеърлар ёзибсиз, кўзимда ёшим билан ўқидим. Шунақасидан кўпроқ ёзинг...» Сўнгсиз дуо ва илтифотдан сўнг ўзимнинг ҳаяжонларим ҳам кўзларимга дув-дув қалқиб чиқади-да, ёзишда ҳали-бери давом этсам бўлавераркан, деган умидли далда мени янада рағбатлантиради, ижод чаманзорига етаклайди.

Шоира бўлиш мумкин, устозлик ҳам қилиш мумкин. Аммо мукамал ҳазрати инсон бўлмоқни Оллоҳ ҳамма бандасига ҳам насиб этавермайди.

Зулфия опанинг оқилона боқишларидан ҳам, расо бўй-бастларидан ҳам фариштамисол нур ёғилиб туради. Кимдир

Опани мағрур дейди, кимдир камтар, дейди. Ҳар иккаласи ҳам Зулфия опага ярашиб, фазилатга айланади. Мағрурлик – улуғворлик, камтарлик – олижаноблик касб этади.

Жисмоний гўзаллик, маънавий чирой, нурунийлик, латофат, ақл-заковат, нозиктаъблик, мустаҳкам эътиқод, букилмас ирода, меҳр-оқибат сифатлари жамулжам инсон баркамол шахсни яратади. Кийинишдан тортиб қадам босишгача, сўзлашдан бошлаб хатти-ҳаракатгача эътибор берадиган ва ўзи ҳам шунга риоя қиладиган бу Аёл барча ўзбек аёлларига ибрат бўлишга лойиқ.

Зулфия опа одамгарчилик бобида ҳам бекаму кўст инсон. Кенжабой ўғлим туғилганидан сўнг ҳали чилладан чиқмагандим. Кунлардан бир кун эшигим жиринглаб қолди. Не кўз билан кўрайки, остонамда машҳур шоира Зулфия билан таржимон журналист Холида Аҳроровалар туришибди. Шундоқ улуғ одамнинг ёш шоира хонадонига йўқлаб ташриф буюрганидан суюниб довдираб қолдим. Бир пиёла чой устида аёллик, оналик бурчлари, ижодий изланишлар ҳақида бир соат чамаси гаплашдик. Азиз меҳмоним кетатуриб, қўлимга совға-салом топширдилар ва шундай дедилар:

«Сарваржон бир ёшга тўлганида мана бу тўнча, қийиқча ва дўппичани кийдириб суратга туширасиз-да, менга кўрсатишга олиб келасиз!» дедилар. Мен шундай қилдим. Зулфия опа ўзбекона миллий либосда тушган паҳлавон бола суратининг орқасига қуйидагича дастхат ёзиб бердилар:

Сарвар – икки шоир ишқининг шеъри,  
Ҳар тун эшитади янги бир алла.  
Менинг арзимаган сарпони кийиб  
Ёш ўзбек дунёга боқар баралла.

Янги асрларга ишонч-ла боққан  
Ҳамма набирамга дунё бўлсин кенг.  
Аждод томирида ёшариб оққан  
Қонда биз ҳам ҳаёт – мангуликка тенг.

Ўғлим айна пайтда ўн саккизга тўлди. Лекин бу сурат унинг учун ҳам, биз учун ҳам ноёб ва азиз бир хотира сифатида қалбимиз тўрида сақланмоқда.

Зулфия опа билан учрашувга мен одатда узоқ тайёрланаман. Уйларида «юракларига яқин» шоира, бастакор, адиба, олималар

қатори мен ҳам тез-тез меҳмон бўлиб тураман. Бориб келган куним ўзимни қушдек сезаман, фикрим тиниқлашади, йўлим ойдинлашади, хуллас, руҳимда байрамона кайфият чарх уради.

Сўхбатимиз мавзуи ранг-баранг. Энг аввало ҳол-аҳволдан сўнг қандай янги шеърлар ёзганимни сўроқлайдилар. Адабий ҳаётдаги янгиликлар билан ўртоқлашамиз, фикрлашамиз. Кези келганда турмуш, оила, яшаш тарзи борасида ҳам сирлашамиз. Шуниси таажжубланарлики, ўғил-қизларим, невараларимнинг барчасини номи билан атаб, ҳар бирининг тарбиясига, ҳаётига қизиқадилар, худди ўз жигарбанадларидек суюб ардоқлайдилар. Фарзандларим ҳам бундай эъзозга ўрганиб қолишган. «Зулфия аямларни Дўрмонда кўрдик, Сизга салом айтдилар», дея менга хушxabарни ўз вақтида етказадилар.

Зулфия опа билан кўп ижодий сафарларда бирга бўлганимдан суюнаман. Ёдимда, Сурхондарё вилоятида Ҳамид Олимжон ҳайкалининг очилиши маросимига кетяпмиз. Машинада қизлари Хулкар опа ҳам ҳамроҳ эди. Зулфия опанинг субҳидамдаги кайфиятларини субҳидамда очилган атиргул ҳуснига қиёс қилгудек эди. Аммо ҳайкал майдонига йўл олган сари опа чехрасидан қувонч йўқолиб, булутли осмон қўнгандек туюлди. Бир маҳал опа унсизгина йиғлай бошладилар. Билмадим, озурда дилларидан, бетин хаёлларидан нималар кечмоқда, нималар ўртамоқда эди. Мен аввалига индамадим, майли, кўнгил бўшаганда одам ўзини бироз енгил тортади, деб ўйладим. Қарасам, дув-дув ёш ҳамон Зулфия опа юзларини биллурдек ялтиратиб бормоқда. Мен «Зулфия опажон, Сиз ҳозир яна бир карра абадиятга айланган Ҳамид Олимжон руҳлари билан учрашасиз. Ўзингизни бардам тутишга ҳаракат қилинг...» Шундоқ дейману ҳар икки улуғ шоир ўртасидаги беназир муҳаббатни олқишлагим, «яшасин афсонавий муҳаббат!» дея овозим борича баралла ҳайқиргим келарди, озгинаю созгина умр кечган, аммо йиллар давомида қуёшдек чарақлаган севги-вафо менинг ҳавасимни уйғотарди ва устознинг сиёҳга, тўлқинга айланиб, юракдан томган самимий, оташнафас сатрларини эслаб кетаман.

Қардош ўлкалар ва диёримизнинг турли вилоятларида бўлиб ўтган адабиёт байрамларида Зулфия опанинг миллионлаб мухлислари борлиги ва уларнинг нечоғлик катта муҳаббат билан кутиб олганларининг шоҳиди бўлганман.

Ҳа, улуғ зотларни яратган юрт ҳамиша эъзоз ва ҳурматда, буюкларнинг ўзлари эса бутун Олами кабирнинг юлдузларидир.



**Суйима Ғаниева,**  
*филология фанлари*  
*номзоди, профессор*

## **ЗУЛФИЯБЕГИМНИ ЁДГА ОЛИБ...**

*Бир умр кўзимда турасан.*  
**Зулфия**

Мен Зулфия опа билан кўп учрашганман, сафарларда бирга бўлганман, бу нозиктабиат, саришта аёл, шуҳратли шоира, қайноқ меҳрли устоз ва мураббия билан бўлган суҳбатлардан кўп нарса уққанман, ўрганганман. Ёниқ ҳавас билан қарар эдим Зулфиябегимга. Бир неча мақолаларимни Зулфия опа хоҳишларига кўра ёзган ҳам эдим.

Зулфия опа билан ҳар мавзуда — илмийми, адабийми, ярашиқли либосларми, лаззатли таомларми, шоирлар ҳақидами ё олимлар, устозларми ё шогирдлар, дўстларми ё бошқалар ҳақидами суҳбатлашар эдик. Лекин бирор марта зардали ёки салбий маънодаги таъкид эшитмаганман. Зулфия опа тоғдек бардошли, дилкаш, заҳматкаш ва ўта некбин инсон эдилар.

Шоирамининг барча унвонлару мукофотлар, эл-юртнинг юксак эҳтиромига қарамай, сийрат ва сувратан ғоят камтарона бўлганлиги, айни чоқда, Комил Яшин таърифлаган «Маликалардек ўзларини тутишлари»ни ҳамма билар ва фахрланар эди.

Зулфия опа менга бир китобларида шундай дастхат бахшида ёзиб берган эдилар: «Ширинсухан, теран туйғули Суйимахонимга унча ҳам чақноқ, ширин қувончлар билан яшнамаган бу мажмуани жоним билан тақдим этаман. Начора, ҳаётнинг бир саҳифаси тонг, бири оқшом туйғулари ранги билан ёзиқ экан».

Чиндан ҳам начора. Зулфия опа ҳақидаги хотираларим жонли, ўчмас ва қалашиқли. Баъзиларини, севимли шоирамининг азиз мухлислари, сизлар билан баҳам кўриш истаги туғён урди...

**1957 йил 9 февраль.** Навоий ҳаёти, ижодини ўрганиш бўйича тузилган Навоий қўмитасининг биринчи мажлиси

ЎзФАнинг Абдулла Тўқай кўчаси (ҳозирги Марказий майдон ва Гагарин боғи туташган жойда эди)даги бош бино мажлислар залида биринчи марта сўзлашган эдим. «Ленинградда ўқиб келибсиз, илмий изланишларда муваффақиятлар тилайман», – деган сўзлари, майин овозлари ҳануз қулоғимда.

\* \* \*

### **1967 йил, май.**

Мен Чилонзорда яшар эдим. Бир куни эрталаб Зулфия опа телефон қилиб: «Ҳозир бораман, кийиниб тулинг. Мен зилзиладан кейинги Чилонзордаги қурилишлар ҳақида мақола ёзмоқчиман. Биргаликда Чилонзорни айланамиз», – дедилар. Мен атир сураётган пайтимда Зулфия опа келдилар. Зулфия опа, «Атирингиз «Шанель» эмасми?» – деб сўрадилар. «Ҳа, «Шанель-5», яқинда Москвада илмий сафарда бўлган эдим. Бирор-бир устки либос оларман деб йиғиб қўйган пулимга шу атирни харид қилиб эдим», – дедим ва Зулфия опанинг яна бир қобилиятларидан лол қолганимни билдирдим. Аввал машинада, сўнг эса пиёда Чилонзорни кезиб чиқа бошладик. Ортимиздан анчайин улуғ ёшдаги бир рус аёл келаверди. Жуда истараси иссиқ, ўртача кийинган, лекин озодагина бу аёл ёнимизга келди ва узр сўраб саломлашди. Ўзини таништириб, деди: «Сиздан «Шанель» атри таралаётгани учун орқангиздан келавердим. Турмуш ўртоғим Ленинграддан Тошкентга ишга юборилди. Бу ер иккинчи ватанимиз бўлиб қолди. У киши оламдан ўтди. Қабри шу ерда. Биз турмуш қурганимизда ҳеч нарсамиз йўқ эди. Менга биргина совға «Шанель» атрини олиб берган эди: «Азизим, бу сенга келин сарупоси ўрнида, узукка қарздорман, муҳаббатим, меҳрим рамзи деб қабул этасан», – деган эди. Бугун сизлар менга ёшлигимни, қувончли ва армонли кунларимни ёдимга солдингиз...» Аёл кўзларига ёш балқиди. Бизлар унга тасалли бергандек бўлдик, бағримизга босдик, хайрлашдик. Зулфия опани ажиб бир ҳаяжон оғушида кўрдим. Кўчаларни кездик, янги уйлар, очилган йўллар ва келажак ҳақида сўзлашдик. Кўп вақт ўтмай – бу мавзу бир шеърларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. «Хотира сатрлари» деб аталади бу шеър:

Унутилар тўйлар, севинчлар,  
мақсад йўлидаги заҳмат унутилар.  
Лекин севги унутилмас,  
Унутилмас ўлим,  
Унутилмас уйинг вайрон бўлгани –  
Қолар дилда доғдай мангу сирқираб!  
Унутилмас сени вайроналикдан,  
Тақдирнинг зарбидан, ҳайронликдан  
Меҳрибон бир қўлнинг суяб олгани...  
Сенинг музлаётган мажруҳ жонингга  
Қайта ҳаёт бериб офтоб солгани.

Нигоҳни сеҳрлаган, нурга тўлган уйлар шаҳарда қад кўтараётгани шоиранинг қалбини яйратиб, ажиб илҳом бағишлаган эди!

**1968 йил, августнинг авваллари.** Зулфия опа телефон қилиб, «Саодат»нинг 9-сонига Навоий ҳақида материаллар тайёрлаб беришим кераклигини уқдирдилар. Мен Ҳусайн Бойқаро рисоласи ва девонини нашрга топширган эдим. Зулфия опага Ҳусайнийнинг бир ғазалини ўқиб бердим. «Бу ғазал ривоятлардаги Гули ва Навоий ораларидаги севгилари ва Ҳусайн Бойқаронинг ўзига маънодор бир ишора эмасми?» – деб Зулфия опа шунга ҳам бир мақола бағишланг, – деган хоҳишни билдириб эдилар.

«Бир ғазал устида ўйлар...» деб номланган мақолам «Саодат»нинг ўша йили 9-сонида эълон қилинди.

**1980 йил март ойларининг охирлари.** «Курсдошингиз, дўстингиз Лазизхон Қаюмов 50 ёшга кирапти экан. Сиз бир мақола ёзиб, мен эса «Саодат»га чиқариб, бир табрикласак». Мақола ўша йили журналнинг 5-сонида босилиб чиққан эди. Мен «Саодат» ўқувчиларига мослаб «Адолатхон аянинг ўғли» деб атаган эдим ёзганларимни, Зулфия опам ўз қўллари билан «Баркамол олим» деб сарлавҳа қўйдилар. Шу, бир ибора билан мақола мазмунини ҳам, олимнинг баҳосини ҳам баландроқ поғонага кўтарган эдилар. «Саодат» учун ёзиш мен учун ҳам саодат, ҳам мактаб эди, шубҳасиз...

**1983 йил 1 июль.** Шоира Увайсийнинг 200 йиллиги «Баҳор» концерт залида ўтди. Зулфия опа раислигида ўтадиган бу гўзал тадбир тадориғи бошланганда Ёзувчилар уюшмасидан шундай бир таклиф бўлган эди: раиса ҳам аёл, президиумда фақат аёллар, маърузачилар ҳам аёл, концерт иштирокчилари

ҳам аёллар, чолғучи эркаклар эса парда ортида... шундай бўлди ҳам... Пастда биринчи қаторда Комил Яшин, Сарвар Азимов, Ўктам Усмонов, Иброҳим Раҳим, Мирмуҳсин, Лазизхон Қаюмовлар ўтиришган эди.

Йиғинда Зулфия опа аёллар шеърятининг ўзига хос жиҳатлари, Увайсий ижодининг ўзбек мумтоз адбиётидаги ўрни ҳақида дилкаш бир эҳтирос билан баён этиб, маъруза учун сўзни олима Маҳбуба Қодировага бердилар. Мен эса шоиранинг «Анор» чистони, унинг иккита русча таржимаси ва рассом Т.Жамолиддиновнинг «Анор» деб номланган асари ҳақида сўзлаган эдим.

Зулфия бу жуда гўзал ўтган адабий-муסיқий кечани Увайсийнинг 11 байтли ғазалига тавр усулида битган жавобия мухаммасларини ўқиш билан яқунлаганлари ҳамон кўз ўнгимда. Шеър ёзилишининг сабабини шундай изоҳлаган эдилар: «Жаҳонотин Увайсий ўз таваллудларининг 200 йиллиги кунинда шундай барҳаётлик назмини айтган бўлур эдилар».

Шу мухаммасдан икки банди:

Дилимни шамъ қилиб эрдим, бу даврон минг чароғ ўлди,  
Ўғул-қиздин жудо эрдим, менга авлод қароғ ўлди,  
Ки, рўзгорим хароб эрди, элим бошга паноҳ ўлди,  
Не сўз айтдим, қаро ўтмишни фош этган яроғ ўлди,  
Замон берган бу қудратдан кўнгул тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Увайсий, боқ, бугун юрда назм – толеъ, зако қонун,  
Муҳаббатга адо қонун, садоқатга вафо қонун,  
Ки, булбул чаҳ-чаҳи янглиғ қўшиқларга садо қонун,  
Ташаккур қадр ардоққа, сенга умри бақо қонун,  
Ажаб камёб бу қисматдин кўнгул тоғ ўлди, тоғ ўлди.

1989 йил ёз охирлари. Дўрмон. Ёзувчилар боғи. Зулфияхоним билан кун-кунора учрашиб турамиз. Баъзан сукутда, баъзан қизғин суҳбатда катта боғни айланиб-айланиб чиқамиз. Бир кун Зулфия опа боғларига меҳмонга чақирдилар. Яқиндагина адабиётшунос олим Наимжон Каримов билан бирга таклиф этилган эдик. Зулфия опа: «Муножот»ни ола чиқинг, бугун фақат Навоий ҳақида сўзлашамиз», – дедилар. «Муножот»ни ўқидик, ҳар бир жумла устида фикрлар ўртага ташланди. Опанинг ҳайратлари чексиз эди. «Ўзбек адабиётида бундай асарга дуч келмаган эдим. Ажаб, во ажаб!...»



Мен Тошкент Дават консерваториясининг ёнида яшар эдим. Халқимизнинг «Кўшнининг кўшнида ҳаққи бор», – деган мақолига кўра озгина дарс беришга жалб қилинган, консерватория тадбирлари, концертларида қатнашиб турар эдим. Устозлар, ёш ўқитувчилар билан мулоқотда бўлар эдик. Кунларнинг бирида ёш композиторлардан Рустам Абдуллаев Зулфия опа шеърлари ҳақида сўз очиб: «Баъзи шеърларидаги теранлик, эзгуликка даъват, ватанпарварлик туйғуси мени лол қолдиради. Бир шеърларини мусиқада талқин этишга ҳаракат қилдим. Шунини эшитиб кўрсангиз», – деб қолди.

Назаримда жуда яхши, шеър мазмуни мусиқада янада очилгандек таассурот қолдирди. Мусиқадаги жўшқинлик, пафос «нақарот»ни тақозо қилади. «Шунини биргаликда яратсак», – деди Рустам. Мен: «Нақаротни Зулфия опадан ахтарайлик, тушмаса ўзларига мурожаат қиласиз», – дедим ва шеърларини ўқий бошладик, топилгандек бўлди. Рустам фортепьяно жўрлигида ўзи айтиб кўрди. Яна, яна айтди. Анчайин ҳаяжонланиб: «Узукка кўз қўйгандек чиқди-а?!» – деди.

Уйимизда шу мусиқа асбоби бор эди, яна бошқа асарларидан чашиб берди. Охирига пайтларда Рустам Зулфия опа шеърларини кўп мутолаа қилаётгани, тобора янги нарсалар яратиш иштиёқи пайдо бўлаётгани ҳақида сўзлади. «Рустам, бугунги кўшигингизни Зулфия опага айтиб беринг. Агар уларга маъкул бўлса, «нақарот» жумбоғи ҳам ечилган бўлади. Зулфия опанинг таъблари ниҳоятда нозик, олдиларидан ўтиш керак», – дедим.

Рустам «Саодат» таҳририятига бориб, асбоб йўқ экан, стол чертиб, зарб бера туриб кўшиқни айтиб берибди. Зулфия опа таҳсин ўқибдилар, табриклардилар. «Суйима опангиз билан учрашгансиз-а, бошқа шеъримдан «нақарот»ни опангиз топиб берган-а?!» – дебдилар. Рустам эътироф этиб, хурсанд бўлиб чиқибди.

Кейинги суҳбатларда Рустам Зулфия опа шеърлари асосида бир вокал туркум яратсам, деган фикрни айтди. «Рустам, Нодирабегимни шоира сифатида машҳур қилиб юборган ғазаллари Амир Умархонга ёзганлари бўлган. Зулфия опанинг ҳам Ҳамид Олимжонга атаб ёзган ҳижрон аламли, юраклари тубига чўккан абадий бир дардлари, сўлим, дилбар ҳиссиётлари сўз билан ифода этилган шеърлари ҳар бир юракка, хусусан, аёллар қалбига кириб борди, шоирамизни шуҳратлигина эмас, севимли, ардоқли қилди», – дедим.

Рустам «Ҳижрон» вокал туркуми билан Зулфия опани таништирганида: «Гражданлик руҳидаги оптимистик шеърлар билан тугатсангиз, жуда дардчил, маъюс бўлиб чиқибди, шекилли», — деган эканлар.

Телевизорда «Ҳижрон» ҳақида (қўшиқларни Гулгина Зокирова ижро қилган) махсус адабий-муסיқий эшиттириш кўрсатганимизда шоиранинг шеърларига бир тантанавор руҳдаги Рустам басталаган қўшиғини С.Беньяминов ижроси билан якунлаган эдик.

Буюк Навоий айтган эдики, инсоният тожининг зийнати, асл гавҳари бу ишқ ва садоқатдир. Агар жаҳон чаманида вафо гули унмаса, у гўзал бўла олмайди. Агар башарият гулида вафо бўйи — атри бўлмаса, у оромбахш бўла олмайди.

Рустам Абдуллаев ва шоир Омон Матчон яратган «Садоқат» операсида Зулфияхонимнинг янги давр ўзбек шеърятининг яловбардори, фаҳри ва ғурури бўлган шоир Ҳамид Олимжон билан биринчи учрашувлари, турмуш қуришлари, шеърятнинг мафтункор оламига киришлари, дўстлари, шоира бошига ёпирилиб тушган жудолик мусибати ва бошқалар сўз ва муסיқа сеҳри билан нафис, тиниқ, таъсирли ифодасини топган.

1981 йил баҳорида Самарқандда Рустам Абдуллаев, Отаназар Матёқубов, Омон Матчон, Сотимхон Иномхўжаевлар билан бирга «Садоқат» операси премьерасига бордик. Операнинг эпитафи:

Бу бир уйқу, беҳуда бир туш,  
Охир бу бир алдоқчи рўё,  
Билармисан, севган кишига  
Содиқ бўлиш ўзи саодат.

Опера Зулфияхоним овози билан бошланганининг ўзида залда қарсақлар бошланиб, ҳамма ўрнидан туриб кетгани худди кечагидек қулоғимда, кўз ўнгимда...

«Самарқандга кетаяпмиз. Сиз ҳам юринг!» — деганимда, «Йўқ, йўқ, сиз қайтганингиз замоноқ менга айтиб берасиз. Телефонда эмас, учрашамиз», — дедилар.

Самарқанд таассуротларимни айтиб берганимда, Зулфия ним табассум билан жимгина тинглаган эдилар. 1981 йил «Совет Ўзбекистони» газетасининг 14 апрель сонидида босилган таниқли композитор, санъат арбоби, профессор Б.Зейдман билан бирга «Садоқат» операсига тақризимни Зулфия опага етказган эдим.

**1996 йил 2 август.** Киночилар уйи зали. Ўзбекистон аёллар кўмитаси «Темурилар тарихи – буюк меросимиз» номи остида ўтказилган илмий-амалий конференцияга йиғилдик. Раиса – Д.Фуломова иккинчи маърузачига сўз бераётганида уни чақириб олдилар. Қайтганларида маъруза тугаган эди: «Зулфияхоним оламдан ўтибдилар. Биргина маъруза эшитгач, ҳаммамиз Опанинг уйларига борамиз», – дедилар ва менга сўз бердилар. Маъруза Нуржаҳонбегим ҳаёти ва ижоди ҳақида эди, шоиранинг қуйидаги:

Эй обшор, навҳагар аз баҳри чисти?  
Чин бар жабин фиғанда зи андуҳи кисти?  
Дардат чи дард будки, чун ман тамоми шаб,  
Сарро басанг мизади ва мигиристи?

(яъни, «Эй шалола, овоз чиқариб нола қиласан, қайси дарёдансан? Чехранга ажин тушириб, кимнинг ғамини чекасан? Дардинг қандай дард эдики, мен каби тун бўйи бошингни тошларга уриб, йиғлаб чиқасан?») – рубойиси таҳлилига келганда мен сўзимни давом эттира олмадим... Наздимда Зулфия опа қиёфалари, қулоғимда дардчил овозлари эди. Гап шундаки, бир ой-бир ярим ойлар аввал анчайин кеч дамда Зулфия опа менга телефон қилиб, одатдагидек савол бериб эдилар: «Янги шеърлардан борми? Эшитилмаган бир шеър истар кўнгил... Форсийда бўлса ҳам майли, бирга «мағзини чақишамиз». Мен Нуржаҳонбегимни ўқиб бера бошладим. Мазкур рубойини Зулфия опа такроран ўқитдилар. «Обшор»ни «шаршара» дебми ё «шалоло» деб ўгирсаммикан?» – деб сўрадим. Зулфия опа: «Шалола» яхшироқ, лекин «шаршара»да овоз ҳам, зарб ҳам бор, бу рубой мазмунига мосроқ. Суйимахон, бу рубойий гўё мен ҳақимда битилгандек... Шаршара дарддан бошини тошларга урса, мен ёстиқларни тош қилиб юборганман...» – дедилар.

Опа чарчагандек гўё шеър таъсиридан эзилгандек бир ҳолда суҳбатни тугатдилар, телефонда хайрлашдик. Бу охириги сўзлашувимиз бўлди.

Конференцияни ҳам шу рубойий билан тугатдик. Мен уни Зулфия опага ўқиб берганимни юқоридаги тафсиллар билан анжуман иштирокчиларига айтиб берган эдим...

Зулфия опа шеърларида «Бир умр кўзимда турасан» деб ёзганларида у ким эди, ҳаммамиз билар эдик. Зулфия опа ҳам бир умр ёдимизда, дилимизда бўладилар.



**Хулкар Олимжонова,**  
*филология фанлари номзоди*

## **ЯНА БАҲОР КЕЛДИ...**

Шоир севган тупроқ кўксида  
Хушбўй баҳор кезиб юради...

Бу сўзларни баҳорда таваллуд топган ва 80 баҳорни қаршилаб, илҳоми жўшиб, баҳорга қувончли ва изтиробли сўзларни айтган Зулфия аямиз ёзганлар.

Аям баҳорни яхши кўрар эдилар, «Қиш тўқиган муз ҳисли қафас» синиб, яна қушлар чуғуллаб қолган фаслни, «Жажжи бинафшалар сафсарранг гулханни сочганини ийманиб» орзиқиб кутар эдилар. Аямиз учун баҳор ҳаёт бахш этувчи янги фасл, азиз дадамиз Ҳамид Олимжонсиз, лекин унинг ёди билан ўтган яна бир йил баҳори эди. Шеърый тўпламларини варақласангиз, баҳорга аталган талай шеърларни топасиз: «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Яна баҳор келди», «Кел, баҳор», «Ўриклар гуллар», «Салом, тансиқ баҳор», «Яна бугун баҳорга зорман...»

Сарғаймас баҳордек диёрим  
Қадамин ларзасин илғай мен.  
Яшартиб бу кўҳна дунёни  
Довруғлар солганин билай мен.

Ҳеч баҳор, тупроқда уйғониш  
Ўтдими қалбимнинг ёнидан?  
Баҳорда тугилдим! Унга эш  
Яшашнинг қонуни қонимда...

Яна баҳор келмоқда, лекин биз, мана, иккинчи баҳорни аямизсиз, аммо атрофга аямиз кўзлари билан боқиб, аямиз сўзларини такрорлаб, аямизнинг оқ орзулари билан кутиб оламиз. Зеро, бир шеърларида ёзган эдилар:

Кел, баҳор! Ҳар гал сен янги...  
Фарзандлар кутар,  
мен этсам тарк...

1995 йил баҳори. Халқимиз айрича меҳр билан ўзининг фарзанди Зулфиянинг 80 йиллик таваллуд тўйини нишонлади. Ҳароратли табриклар, тилаклар, дуолар, «Туркистон» саройининг муҳташам залида эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур айта туриб, шоира шеър ўқийди, халқига айтар сўзларида фахр билан «Бахтим шул, Ўзбекнинг Зулфиясиман!» дейди энг юксак минбардан.

Саксон йил. Аям ўзлари «Худойим менга жуда катта умр берди, бу ёшга отам, онам ҳам етмаган эдилар», деган гапни кўп такрорлар эдилар. Босиб ўтилган узун йўл — шодлик, бахт ва йўқотишлар, дўстлар, устоз ва шогирдлар, қилинган ишлар ва амалга ошмаган режалар, сафар ва таассуротларга бой умр йўли. Ва хотиралар... Улар йил сайин ортиб бориб, тинчлик бермасди, ўзига тортар, қоғозга туширишни талаб этарди. Аям сўнгги йилларда уларни бир тартибга солишга ҳаракат қилдилар, айрим лаҳзалар, лавҳалар ёзилди, 1995 йил баҳорида сиз «Хотирам синиқлари» номли дostonни ўқидингиз. Лекин уларни бир хотира китобига айлантиришга улгурмадилар.

Азиз шеърхон, Зулфия аямиз ижодининг мухлиси! 1998 йил юртимизда «Оила йили» деб эълон этилгани учун мен сизни шеърый тўпламлар саҳифаларини варақлаб, шу сатрларда акс этган ҳаётга, аниқроғи, Зулфия оиласига олиб кирмоқчиман. Бу — аямиз учун энг муқаддас даргоҳ, энг ёрқин хотирот маскани эди. Бу оила, ундаги муҳит ҳақида аямиз нигоҳи, аямиз сўзлари билан ҳикоя қилмоқчиман, дилдан, қалбдан шалоладек отилиб чиққан ёки оғриқ бўлиб тинчлик бермаган сатрларни ёдингизга солмоқчиман. Ўзим эса юрган йўлимда бу азиз сатрларни такрорлайвериб, ҳатто фикрларимни улар билан ифодалайдиган бўлиб қолдим.

\* \* \*

Ҳамон ота-онам, икки жаҳоним  
Азиз ёди аро шикаста, бутман,  
Ишқим алангадир, қордир ҳижроним,  
Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.

Бу шеър – ўша 80 ёшга тўлишлари муносабати билан ўтказилган кечада ўқилган шеър кўплаб шеърхонлар хотирасида. Уни эшитган дўстларимиздан бири ҳайрат билан «Тавба! Саксон ёшида ҳам одам ота-онам дер экан» дегани эсимда. Шу-шу «ловуллаб сўнмаган ўт»нинг ибтидоси ҳақида ўй, савол фикримни олди, таниш, азиз сатрларни ўқиб, жавобини топишга интилдим.

Аср бошида Тошкентнинг қоқ марказида Дегрез, Ўқчи номли маҳаллалар бўлган. Ўзбекистонга кўп заҳматкаш ишчи, ҳунармандлар етказиб берган Дегрез маҳалласи кейинчалик Зиё Саид, Аброр Ҳидоятлов, Файратий, Ойдин Собирова, Малик Қаюмов каби зиёлилар номи билан ҳам машҳур бўлди. Шу ерда Муслим дегрез оиласи ҳам истиқомат қиларди. 80-йилларда ёзила бошлаган хотираларда аямиз боболари, оталари, амакилари ҳақида анчагина қизиқарли лавҳаларни қоғозга туширганлар.

Лекин турли йилларда шеърлар, мақолаларда аям оилалари ҳақида талайгина ҳароратли гапларни айтганлар. Қатор шеърлар яратилди. «Онам боғи», «Менинг меҳрибон онагинам», «Онам, сенинг иссиқ, азиз жонингни...» Лекин энг меҳрли сўзларни, тинчлик бермаган хотираларини оилалари ҳақида аям 80 ёшга тўлган баҳорда ёздилар. Уларни ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди.

\* \* \*

Ҳамид Олимжон ва Зулфия. «Энг гуллаган ёшлик чоғимда, сен очилдинг кўнгил боғимда...» Бу шеър ва бу оиланинг бахту шодликлари, фожа, ғам, алам-изтиробларининг ҳаммаси халқимизга таниш. Улар ҳақида ўзларининг шеърлари, кейинчалик эса дўсту мухлислари шеърларида баён этилган.

Ватан, баҳор ва севгининг куйчиси Ҳамид Олимжон, вафо ва садоқатнинг рамзи ва ифодаси бўлган аямиз ҳаёти ва шеърлари ҳақида ниҳоятда кўп дил сўзлари айтилган:

Ҳижронинг қалбимда, созинг кўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан Сен ҳам!

Оиламизнинг азиз аъзоларидан бири бўлган, тўғрироғи, унинг бешигини тебратган шахслардан бири бизнинг бувимиз Комила она эдилар. Аям доимо қандайдир меҳр, илиқлик билан улар ҳақида сўзлардилар. Балки ўзларининг оналари ва оталари анча олдин ҳаётдан кўз юмганлари, Комила она эса энг оғир, мусибатли ва изтиробли кунларда, йиллар давомида ёнларида бўлганлари учунми, балки жуда нозиктаъб, юксак дидли, меҳрибон ва меҳнаткаш ОНА бўлганлари учунми, биз, фарзандларни ўстиришда асосий вазифани ўтаганлари учунми, улар ҳақида «аям, бечора аям, қадрдон аям» деб гапирар эдилар, бирон марта ранжитмаган, дилини оғритмаган, қаттиқ гапирмаган онамиз ҳаммамиз учун қадрли эдилар.

Оллоҳ бахтимизга Комила онамизга узоқ умр берди. Шунинг учун ҳам меҳр, фахр билан «Ҳамид Олимжон бешигини тебратган қўллар бизни ҳам бағрига босган, дадам эшитган алла, эртақларни «болалик йилларимизда, уйқусиз тунларимизда» биз ҳам тинглаганимизни айтиб юраман. Комила онанинг ҳақиқий ғамхўрлигини, ҳамдардликни аям сезган эдилар. Деярли қирқ йил бирга яшаб, бир-бирини авайлаб, ардоқлаб, меҳр кўрсатиб ҳамфикр бўлиш – бу жуда катта бахт.

Хотиралар ёзиш ниятида аям дафтарларига айрим лавҳаларни ёзиб қўйганларини айтган эдим. Шулардан бирини Сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчиман:

«Тақдир мендан зое кўрмаган энг даҳшатли зарбалардан даҳшатлиси мени шолу гунг қилиб қўйганидан бир неча ой ўтгач, қалбимдаги айрилиқ шарораси қуйилиб-қуйилиб ўзига йўл топди шекилли, қаламдан алам бўлиб мисраларга қуйила бошлади. Ҳар бир сўз чўғдай, йўқ, яллиғланиб турган қўрошиндай, мен уларни ёза бошладим:

Бахтли муҳаббатни қуйлаган созим  
Ўлим ханжарига тегди-ю, синди...

Кейин «Уйда бўғилдим-у, эшикка чиқдим» ёзилди, кейин «Бу кун янги йилмиш... демак, ажиб тун»... ёзилди, кейин ёзилаверди, ёзилаверди. Айрилиқнинг қаҳратон қиши менинг ёнишимга совиш бағишламади, бир қадар тоблади, чоғи.

Энди у шеърларни эълон қила бошладим. Ҳамид Олимжонсиз ҳам баҳор келаверди, ҳамма ёқ янгилана бошлади, зилол, оқ, пушти ранглар Тошкентнинг ичкари ҳовлиларига ҳам кириб, гул сочиб юрди. Биринчи баҳор... Ҳар новда, ҳар майса ўзича уйғониб, баҳор келди – менинг дарду армоним ошгандан ошиб кетди.

Бир кун хизматдан қайтиб, ётоғимга кириб, оқшомгача чиқмай қоғоз, қаламга мук тушганим эсимда. Вақт ўтганини, хонам тунга кирганини сезмай қолдим. Хонам эшиги секин очилиб, меҳрибон ва мунисгинам, қайнанам кирганларини сезмабман.

– Болам, нима бўлди, дам оляпсиз деб кирмадим, – деб чироқни ёқдилар, – тулинг, овқатга чиқинг, болалар кутиб қолди, – дедилар.

– Ҳўп, аяжон, – деб қаламимни қоғоз устига ташлаб, кийимимни ҳам алмаштирмай болаларим олдига чиқдим. Сўнг... яна қоғозга мук тушдим. Қайғудан музлаб қолган юрак ва туйғулар савалаётганини ҳозир ҳам томир-томиримдан ҳис қилаяпман...

Ташқарида тонг отаяпти... Яна меҳрибонгинам, ғарибликдаги ҳабибим қайнанам кирадилар:

– Болам! Тун бўйи ўтириб энди ишга қандай борасиз? Тун бўйи ёздингиз, болам! Бундай қилманг, юринг, нонушта тайёр...

Шу тунда «Баҳор келди сени сўроқлаб» деган шеър ёзилган эди»...

Ҳамид Олимжонсиз ўтган ярим аср – 50 баҳорни шоира янги шеър билан кутиб олган бўлса ҳам («қаламинг қўлимда, созинг қалбимда») бир шеърларида шундай сатрларни ўқийман:

Ўзни фидо этиб яшадим узоқ,  
Номингга муносиб фарзандлар ўсди,  
Менга шамолни ҳам кўрмайин раво  
Ўшалар ажаллар йўлини тўсди.

Мук тушиб тилимиз сажадоҳиға  
Ҳар бир калимага изладим сайқал...  
Ярим аср қалам деҳқони бўлиб,  
Кечир, қўёлмадим шеъримдан Ҳайкал!



Иккита кўзимга икки қорачиғ —  
Мунисим Ҳулкарим, алпим Омоним,  
Ширин набиралар ҳаётдан тортиғ,  
Ҳар бири жонига пайванддир жоним.

Бу яна, ўша саксон йиллик тўй арафасида ёзилган сатрлар.  
Ўша кунларда Зулфия аямиз: «Оила ва жамият»  
газетасининг мухбири саволига жавобан ҳазил билан «Ҳозир,  
айтишларидек, кексалик гаштини сураяпман, неваралар,  
эваралар билан...» деганлари эсимда. Бизнинг оилада ҳам  
невара, эваралар ўсмоқда ва «ҳар бири жонига пайванддир»  
аяжон, катта аяжон жонлари...

Аямнинг «Ўғлим сира бўлмайди уруш» шеърлари ўрта  
мактаб дастуридан ўрин олгани учун ҳам кўпларга таниш.  
Оналик бахти, она меҳри ва она тилаги — «Менинг ўғлим  
керак ҳаётга» — ифодаланган унда:

Бўйи ошиб кетди бўйимдан,  
Боса олар кўксига бошим.  
Севгим қуриб берган уйимда  
Ўсди менинг катта йўлдошим.

Биз оилада икки фарзанд эдик. Туғилган кунларимиз  
арафасида оладиган энг азиз туҳфа — шеър эди. Бир гал  
«Олти ёшга тўламан мен арча байрамида» деб ёзган бўлсалар,  
кейинроқ қуйидаги сатрлар яратилди:

Эрта сенинг туғилган кунинг,  
Ўн ёш тўлар шу тонготарда,  
Йиллар ўтгач онгли ва қодир  
Кўрсам дейман миллион қаторда...

Биз улғайдик, ҳар биримиз имконимиз даражасида ўз  
касбимиз билан хизмат бурчимизни адо этиб юрдик. Лекин  
ҳар бир босган қадамимиз, қилган ишимиз аямиз назарида  
бўлди. Билмадим, қанчалик уддалай олдик, лекин аямизни  
хафа қилмасликка интилар эдик. Билмадим, балки акси ҳам  
бўлгандир, «ёшлик — гўрлик» деганларидек. Лекин доимо  
«Лойиқми мен эккан ниҳол ҳаётга?» деб бизни кузатишларига,

ёнимизда бўлиб, маслаҳатлар беришларига жуда ҳам ўрганиб қолган эканмиз. Биздан хурсанд бўлиб, оқ орзулар тилаб ёзган сатрлари жуда кўп, у бизнинг бойлигимиз — азиз туйғулар.

Ҳаёт давом этаверди, янги баҳорлар янги шодликларни олиб келди. Бирин-кетин набиралар туғилди. Энди шеърларга янги мавзулар, янгича руҳ кириб келди.

Невараларни ардоқлаб, иқболига катта умидлар боғлаб, яхши ниятлар билан халқимиз учун азиз исмлар билан атадилар: Гулшодбегим, Улуғбек, Фарруҳбек, Отабек... Болаларни она-юртга, заминга, маданиятимизга муҳаббат, қизиқиш ва ҳурмат руҳида тарбиялашга уриндилар ва ундадилар...

Эсимда. Биринчи қизим туғилганида менга киритган хатларида ёзган эдилар: «Гўдакни олдинга олиб келишганда қулоғига шеър айт, она сути билан дилига, танига шеър кирсин!» (Билмадим, кимгадир бу ҳолат баландпарвоздек, ғайритабиий туюлар, лекин «дили шоир ҳассос бир элга фарзанд» бўлган онамиз бошқаларда ҳам шу туйғулар бўлишини истарди...) Кейинчалик, қизим келин бўлганида, шу дақиқаларни эслаб, яна шеър битдилар:

Хотирда: дунёга келган илк тонгда  
Қулоғига айтдик Навоийдан шеър...  
Ҳай қиз, биз беролган энг қимматли сеп —  
Меҳр қонингдами, дилдами вафо?  
Тақдирлар бирлашди кўркам толе деб,  
Толе берар шодлик бўлмасин адо!

Эътибор беринг, гап яна меҳр ҳақида. Энг қимматли сеп — меҳр, вафо. Янги уйга набиралари меҳрдан пояндоз тўшаб кириб боришини орзу қилардилар аямиз. Оиламизда шу нарсаларни азиз туйғулар, бебаҳо қадрият деб билар эдик...

Баҳорнинг биринчи куни аямиз таваллуд топган кун. Бу кунни биз билан бирга эслайдиган, нишонлайдиган қариндошларимиз, аямиз дўстлари бор.

Уларнинг ёнида аямизни она деган шоира қизлари ва ая, катта ая, дейдиган азиз набиралар бор. Аямизнинг бу катта оилалари ҳақида алоҳида ёзиш керак...

## «КЕЧИР, ҚЎЁЛМАДИМ ШЕЪРИМДАН ҲАЙКАЛ...»

Мени аямнинг бу сатрлари анчадан бери ўйлантириб келади. Улар ўзидан кейин юзлаб бошқа сатрларни чорлаб, хотирага солиб етаклаб келаверади. Эслайман, ўқийман, ўзимда раддим ошади: наҳотки? Наҳотки ярим аср давомида қилган ишлари билан аямлар қониқмаган бўлса? Наҳотки қарз ҳисси, бурч туйғуси ўртаса, армон бўлиб, азоб берса?

Эсимда, бир кун раҳматли аямлар билан сўзлашиб ўтирибмиз. Гап янги чоп этилган ва, табиийки, биринчилардан бўлиб аямиз қўлларига етиб келган «Ойбегим менинг» китоби ҳақида. Оилаларимиз ниҳоятда яқин бўлгани учун Зарифа опа ёзаётган хотиралар ҳақида, қўйингки, у хонадонда бўлаётган ишлар, гаплардан хабардор Зулфия опа: «Ойбек домлага ҳавасим келади. Ёнларида Зарифа опадай шахс бўлган киши ниҳоятда бахтли экан» (Бу ўринда яшаб ўтилган узоқ умр, вояга етказилган фарзандлар, умуман, шодлик ва катта қийинчиликлар билан кечган умр назарда тутилмаган эди. Бу ҳақда аям 1970 йилда Ойбек домлага бағишланган «Қуёшли қалам» достонида ёзганлар). Йўқ, бу гал гап ижод, ёзилган, сақланаётган саҳифалар, «қуёшли қаламдан» тўкилган ҳар бир сатрга муносабат ҳақида эди.— Мана, Зарифа опа ҳаммасини кўз қорачиғидай асраб, сақлаб, тиклаб, нашрга тайёрлашга ёрдам бердилар. Зарифа опа меҳнатисиз домланинг йигирма жилдли асарлар тўпламини чиқариб бўлармиди?

Уй-музейни ташкил этишда ўзлари бош-қош бўлдилар. Мана энди хотира китоби чиқди. Бир киши бундан ортигини қилолмас ҳам деб ўйлайман...»

Яна бир гал Кибриёхоним Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» номли китобларини эслаб, шундай ҳамдардлик ва ҳамкорлик ҳақида сўзладилар.

«Мен эса даданг ҳақида бир китоб ёзмадим, ҳатто бир дostonимни тугатолмай юрибман...» Чехралари, овозларида қанча афсус, алам борлигини тасаввур этиш осон эмас...

Мен юпатишга тушдим. «Аяжон, ундай деманг. Сизнинг шеърларингиз қайси китобдан кам? Йиллар давомида ёзган шеърларингиз туфайли дадамиз сиймоси, сатрлари одамлар қалбида яшаб келаяпти-ку. Дадам ҳақида Сизнинг сатрларингиз билан сўзлаш мумкин-ку».

Қаранг, ҳар баҳорни ярим аср давомида шеър билан қарши олишга одатланган аямиз ёзганларини дадамиз руҳи, хотирасисиз тасаввур қилиб бўлмаса ҳам, ёзибдилар:

Ярим аср қалам деҳқони бўлиб,  
Кечир, қўёлмадим шеъримдан Ҳайкал!

Ростми? Шундай дейишга шоира ҳақлими? Хотираларни ўз ичига олган мақола ёки китобдан бу шеърларнинг салмоғи камми?

Шу саволларга жавоб топиб, кечиккан бўлсам ҳам аямнинг руҳларини тинчлантиришни бурчим деб билдим.

\* \* \*

Икки шоирона, илҳоми жўш урган қалб энг гуллаган ёшлик чоғида учрашди. Улар баҳор, севги, бахт нашидасидан маст эдилар ва икки дил достони яратила бошлади. «Мафтунингман», «Палак» шеърларининг лирик қаҳрамони

Сенинг ёдинг билан нафас олганим,  
Номинг такрорлашга ўрганганим рост,

деб севгисини изҳор этади.

Лекин ҳаёт — ҳаёт экан. Бахтиёр севгини куйлаган соз совуқ ўлим ханжарига тегиб синади. 1944 йилнинг жазирама ёзи, фожиали кунларидан сўнг яна баҳор, Ҳамид Олимжон севиб куйлаган баҳор келади. Алам, ғам оғушида бўлган шоира қалбини чертиб, қўлига қалам тутқзади, гўзал шеър, «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеъри туғилади:

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.

Шоира ижодига ўша йиллари кетаётган даҳшатли Иккинчи жаҳон уруши ташвишлари билан бир қаторда Ҳамид Олимжоннинг фожиали тақдири севги, садоқат, вафо, сабр каби абадий мавзуларни олиб киради.

Ҳар баҳорни шеър билан кутиб олиш Зулфияга одат бўлди, дедик. Уларни бир тўплам қилиб кузатсангиз, бир қалбнинг бутун ҳаёти манзараси билан танишасиз.

Йиллар ўтди. 35 ёшида ҳаётдан кўз юмган шоир таваллудининг 50, 60 йиллиги муносабати билан Жиззах ва Қаршида, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида Ҳамид Олимжонга ҳайкал қўйилди. Мактаблар, хўжаликлар, маданият масканларига шоир номи берилди.

Ана шундай маросимларнинг бирида шоира шеър ўқийди:

Боқ, деб, қуёш, юлдуз, тоғ, далаларга,  
Ўлим йиқитганин кўтарди халқи.  
Энди мен ҳам фарзанд, невараларга  
Кўрсата оламан тоғдай тик қадин.

Азиз ўқувчи! Сиз бу шеърларни тўлалигича шоира тўпламларидан топиб ўқишингиз мумкин. Бу сўзлар абадият ҳақида, «шуҳратни ўйламай тебранган қалам авлодга хизматдан толмаслиги» ҳақида. Халқимиз ўз куйчиларини эъзозлаб, номларини абадийлаштириб, ҳайкаллари кайфиятда кўтариб юрадиган халқ. Ҳамид Олимжон ҳайкаллари кейинчалик Фарғона ва Наманган, Сурхондарё ва Тошкент марказида қад кўтарди.

Мағрур кўтарилдинг бошоқдай ўсиб,  
Сен билан сафимиз яна зич, азим.  
Мангулик-чун тақдир, шеъримни тутиб,  
Халқингга ва Сенга қиламан таъзим...

Аям тўпламларини варақлашда давом этаман. «Кўрганмидинг кўзларимда ёш», «Сенсиз», «Ўрик гуллаганда», «Излайман» каби шеърлар сатрлари дилни куйдиради, лекин барибир, асосий фикр — Ҳамид Олимжон шеърятининг бош ғояси бўлган фикр — «Сени куйлайман, ҳаёт» давом этади, Ҳамид Олимжон сиймоси, руҳи доимо шоира қалбида бўлади:

Излайман!  
Биламан, топмайман уни.  
Зотан, ўзим уни қачон йўқотдим?  
Фарзанд,  
Набиралар туғилган куни  
Мен уни ҳар сафар Абадга топдим...

Тўрт-беш йилдан кейин Ҳамид Олимжоннинг 100 ёшга тўлгани нишонланади. Шоира сўзи билан айтганда, «орамизда уни мўйсафид кўрганларнинг билмам номини», чунки ёшлик куйчиси бўлган шоир «мангу қолди ёшлик фаслида» ва ўтган йиллар давомида «неча жилд ва неча минглаб сатрдан» чиқиб тер тўкади, халқига йўлдош!

Не-не гўзал ёшликлар келар,  
Умри боқий ҳаёт йўлида.  
Ўшанда ҳам ўриклар гуллар,  
Сен бўласан диллар тўрида.

Айтинг-чи, гўзал Ўзбекистонимиз тупроғида, кафтида қўйилган ҳайкаллар қаторида Зулфияхоним асарлари ҳам шоирга бир ҳайкал эмасми?!





**Холида Аҳророва,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган*  
*маданият ходими*

### **ДОЛҒАЛИ БИР ҲАЁТ...**

Бу сатрлар шоира Зулфияники. 1974 йилда ёзган шеърининг бир сатри. Сўнгги чоқларда негадир ўз-ўзидан, тез-тез тилимда айланадиган бўлиб қолди.

– Нега? Нега? – деб сўроқлайман ўзимдан. Нега? – дейман-да, кимдандир жавоб кутаман. Кўз ўнгимда Зулфия опамлар намоён бўладилар.

1950 йил октябрида «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали ташкил этилди ва икковимизни ҳам шу таҳририятга ишга йўладилар. Зулфия опам таҳририятда адабиёт ва санъат бўлими бошлиғи ва камина шу бўлим адабий ходими бўлиб ишлай бошладик ва шу-шу кейинчалик улар журналнинг бош муҳаррири ва мен муҳаррир ўринбосари бўлиб ўттиз йил мобайнида ёнма-ён ишладик. Ўттиз йилдан ортиқ ҳамкорлик давомида таҳрир қилиш, журнал чиқариш сабоғинигина эмас, инсонгарчилик сабоғини ҳам олдим. Бу йиллар давомида Зулфия опамдан сабр-тоқат, меҳр ва саодатни ўргандим. Уларнинг ифодалари билан сўзлайдиган бўлсам, ёлғиз мени эмас, балки бутун бир жамоани она бўлиб йўлга солдилар. Шунисини қайд этиб ўтишни истардимки, Зулфия опамлар фақат ўз таҳририятимиз ходимларигагина эмас, балки кўшни «Гулхан» ва «Фунча» ходимларига ҳам меҳр-оқибат кўрсатардилар. Бу таҳририятларнинг ходимлари Зулфия опамларни «онамиз», «онахонимиз» деб эъзозладилар. Дарҳақиқат, инсонга меҳр Зулфия опамларнинг бутун ўзликларида ҳам, шеъриятларида ҳам балқиб туради.

Агарда бирон ўқувчи мендан: «Зулфия ким эди?» деб сўрайдиган бўлса, мен унга, «Жавобни у кишининг шеърлари сатрларидан изланг», – деб жавоб берган бўлардим:

... Долғали бир ҳаёт ёр қисматли у:  
Ишқига табиат ўзи ҳавасдан  
Ҳасад қиличи-ла ташлади чопиб.  
У ишқдан девона, ҳижронда ёна,  
Ёна бағри куйиб,  
Оташи тошиб,  
Кўзларин ҳаётга каттароқ очиб,  
Нақ жароҳатли жайрон қайтадан турди.  
Афсонали жондай чопса чопилмасдан,  
Ажал ахтарса ҳам ҳеч топилмасдан  
Туғилмоқ маъносин яшашда кўрди.

Шеърда куйланган бу куйган жон нақ Зулфиянинг ўзгинаси.  
Ушбу сатрларда ифода этилган алам-изгиробларнинг азобини шоира  
қай тариқа бошидан кечирганини ўз кўзим билан кўрганман.

Ишқ ва ҳижрон аламларидан  
Омон чиққан қайноқ дилим бор...

Бу ҳам шоира Зулфия.

Орта қолган — олтиндай хирмон,  
Бутун мулким берсам, етмас олгани.  
Қуш шодлигин англаш ўзи ҳам бир бахт...  
Ҳаёт яна гўзал мисли озодлик...

Булар ҳам Зулфия сатрларидан. Унинг ҳис-туйғулари,  
унинг дунёқарашини, унинг борлигини, йиллар оша йиққан олтин  
хирмони.

Шундай ажойиб шеърлар муаллифи Зулфия опанинг ҳар  
бир янги ёзган шеърларини «тандирдан эндигина чиққан»  
кезларида ўқиб, ошно бўлиш насиб этарди биз таҳририят  
ходимларига. Аммо шахсан менинг ўзимга келсак, ўзим учун  
Зулфияни шоир деб кашф этганим «Баҳор келди сени  
сўроқлаб»дан бошланган. Бу шеър, айниқса, юрагимга яқин.  
Бунда шоиранинг жароҳатли қалби нақ жарроҳ тиғи билан  
ёриб қўйилгандай яққол кўз ўнгимизда намоён.

... Салқин саҳарларда, бодом гулида,  
Бинафша лабида, ерларда баҳор.  
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,  
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...—



дея бошланадиган бу шеърни ёзганда бетакрор хусн соҳиби шоира Зулфия ўттиз ёшда эди. У шеърда битилган аламизтироб ва фожиани шу ёшда бошдан кечирришга ҳар қандай одам ҳам дош беролмайди.

Зулфия опамнинг иродасига доим ҳавас қилардим. Шундай сабр-бардошли, қаноатли ва матонатли бўлишни орзу қилардим. Зулфия опамларнинг шоир Ҳамид Олимжоннинг фожиали ҳалокатидан икки йил ўтиб, 1946 йилларда битилган шеърларини ҳали-ҳануз йиғлаб ўқийман. Ўша чоқларда жароҳат ҳали янги бўлганлиги учун, у ҳақдаги битиклар ҳам аламзада қалбдан вулқондайин отилиб чиққани учун ҳам сизни ўз домига тортади. Икки шоирнинг ниҳоятда гўзал муҳаббатининг барбод бўлиши, чил-чил синиши ҳар қандай тўнг қалбни ҳам ларзага солмай қолмайди.

Зулфия опанинг мана бу шеърларини ҳаяжонсиз ўқий олмайман:

Мана, бир умрни яшадим сенсиз,  
Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб,  
Тобутинг бошида чўкканимда тиз,  
Фарзандлар кўтарди қўлимдан тутиб.

Шундан бери тикман, ҳар нега қалқон,  
Бахтга, баҳорга ҳам, қишга, қайгуга.  
Биров азасида йиғлайман қон-қон,  
Тўйида яйрайман, ўхшаб охуга...

Мен худди шундайликларини биламан Зулфия опамларнинг. Бу манзаралар нақ менинг кўз олдимда ўтган. Яқинларнинг тўйида мадаккор бўлишни, бошига кулфат тушганда дардига шерик бўлишни ҳам мен Зулфия опамлардан ўрганганман. Шу нуқтаи назардан қараганда, Зулфия шеърлари ҳаётий муаммоларни ҳал этишда шеърхонларга кўмакдош.

Зулфия опа ижодининг яна бир қиррасини айтиб ўтишни лозим кўраман. Зулфия опа муҳаррирнинг вазифасини журнални ўқишли, муштарийлар талабига мос қилиб чиқаришдангина иборат деб билмас, ёшлар масаласига алоҳида аҳамият берардилар. Муҳаррирнинг таклифи билан журнал саҳифасида намоён бўлган «Қизлар дафтаридан» рукни неча-неча йиллар давомида қанчадан-қанча ёш шоирларни тарбият этиб, катта ҳаёт йўлига солиб юборди. Улар Ўзбекистон радиоси

ва телевидениясида катта куч бўлиб қолдилар, газета ва журналларга билимдонлик билан муҳаррирлик қилаётирлар. Айниқса, Президентимиз фармонида кўра, мустақил Ўзбекистонда таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотида қизлар орасидан адабиёт, санъат, фаннинг турли соҳаларидан ҳақиқий истеъдодларни танлаб олиб, рағбатлантириб йўлга солишда асосий омил бўлаётир ва ижод тафаккур оламига ҳамон гурас-гурас қизлар кириб келаётир.

Ростини айтсам, неча-неча йиллар давомида бирга ишлаш жараёнида мен уларнинг ғайрат-шижоатига, қувваи ҳофизасига маҳлиё бўлиб келганман: фарзандлар тарбияси-ю, Ҳамид Олимжоннинг катта оиласини бошқаришнинг ўзи қанча куч-қувват талаб қилишига қарамай, халқ депутати сифатида жамоатчиликнинг аллақанча топшириқларини адо этиш, журнални бошқариш билан бир пайтда бир-биридан гўзал бақувват шеърлар битиб, республикаимизнинг ёшу қарисини ўзининг инсоний фазилатлари билан ром этди.

Ана шундай ажойиб, меҳрибон соҳиба эдилар менинг суюкли Зулфия опам.





**Ойдин Ҳожиёва,**  
*Ўзбекистон халқ шоири*

## **СИЗ – ЭЗГУЛИК**

*Табассум ўрнида кулдим чарақлаб...  
Зулфия*

Сиз ҳаётни севиб жон-жондан,  
Аталдингиз жондан суюклик.  
Оловланди нозик туғёнлар,  
Шеърга тонгдай кириб буюклик.

Муҳаббатнинг етук достони  
Жаранглади тилларда такрор.  
Яйраб, яшнаб, севгида ёниб  
Куйладингиз мағрур, бахтиёр.

Тошқинларнинг шамолларидан  
Шунда музлар синиб қолдилар.  
Чаманларнинг шамолларидан  
Кўзлар тиниб-тиниб қолдилар.

Сиз – эзгулик, бармоқларингиз  
Зар сўз билан палаклар битган.  
Сиз дарёсиз, ирмоқларингиз  
Боғу роғлар оралаб кетган.

Шеърятнинг олтин тахтида  
Бўстонларга айланди меҳнат.  
Қалб аталган дарднинг бахтидан  
Қанотланди сўнмас муҳаббат!

Сўз шалола бўлди тоғларда,  
Камалакдай порлади чунон.  
Дардлиларни асраб доғлардан,  
Бахтлиларга жўр бўлди шодон.

Сиз – Муҳаббат, гўзал, баркамол  
Куйлаб ўтди Ҳамид Олимжон.  
Сиз – Садоқат, муҳтарам Аёл  
Матонатни этган намоён.

Иродани шарафлай бугун,  
Олқишлайин гўзал ҳижронни,  
Чин вафога бахш этиб ҳусн,  
Буюк тимсол этди Инсонни.

Сўздан дилга кўприклар ташлаб,  
Не манзилдан, не йироқлардан,  
Қўп қўшиқлар терарсиз ташна,  
Йўлдан, дилдан, дўст нигоҳлардан.

Улуғ элнинг келажагига  
Юрагини пайваста этган  
Сиз – дарёсиз, ирмоқларингиз  
Боғу роғлар оралаб кетган...

## ЗУЛФИЯ ЁҒДУЛАРИ

*Ҳаво кезиб чарчаган қушдай  
Учиб, қўниб кезгум Ватанни,  
Ва меҳнатдан нақ ипак қуртдай,  
Тўхтамасман, тинмаса қалбим.*

*Зулфия*

### Биринчи қувонч

Ўқчи кўчасидаги катта боғ ҳовли. Қотмагина, буғдойранг чехрали, шахдамгина бир қиз техникумдан қайтиб, қувониб она олдига кирди. Унинг қўлида янги китобча. Муқовада логинча қилиб «Зулфия Исроил қизи», «Ҳаёт варақлари» («Ўздавнашр», 1932 йил) деб ёзилганди. Асил ўзбек аёлларига хос босиқлик ва ички қувонч билан она қизини кўзи билан эркалади. Бу бир кичкина хонадонда дунёга келган қизчанинг жаҳонга машҳур шоира бўлиши онанинг хаёлига келганмикан ўшанда? Фақат она янги ҳаётнинг фаол курашчилари бўлган ўғиллари изидан ёлғиз қизининг ҳам дадил овоз билан эргашганидан мамнун эди, холос.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, қизи унга бир даста пул келтириб берди. Бу илк шеърини китобчанинг қалам ҳақи эди. Она ҳайрон, савол берди:

– Вой, болам, биз ҳали пул тўламадик-ку бу китобчага? Қанча қоғоз, меҳнат сарф қилинган ахир бунга?

– Мен сўраб борганим йўқ. Илёс акам олиб келиб бердилар (Илёс Муслим шоиранинг амакисининг ўғли бўлади). Шеърларимга давлат тўлаган гонорар экан.

Меҳнатқаш, саводхон, доно она ҳали ўз қизининг умр йўлларида шеърнинг камёб шуҳрат гуллари, халқ меҳрини кўражагини ҳам ўйламагандир? Бу бутун ҳашаами гулу боғ бўлган хонадон дарвозаси остонасидан бошланган йўл Ер юзининг жуда кўп эллари, одамлари қалби билан туташажагини Она ўшанда ҳис қилганмикан?

### Шамга парвона

1943 йил. Ҳаёт-мамот жанглари дунёни ларзага солиб турган суронли давр. Халқ қурол ясар, завод-фабрикаларда уйқусиз дастгоҳ юргизар, бир тишлам нонни ҳам, ташвишни ҳам фронт билан баҳам кўрарди. Госпиталларда ҳамширалар малҳами билан бир қаторда санъаткорлар кўшиқ билан ярадорларни даволар эдилар. Юрт ёзувчи ва шоирларнинг сўзига илҳақ эди. Тошкентда адабий ҳаёт қайнар, бу ерда яшаётган таниқли шоирларнинг асарлари ўзбек тилида чоп этилар, ўзбек жангчиларининг кўкрак чўнтагида «Кўлингга қурол ол», «Сен етим эмассан» билан бирга «Мени кутгил» каби ноёб шеърларнинг ўзбекча таржимаси ҳам юрарди.

Белорус шоири Якуб Коласнинг юбилейини ўтказиш керак бўлиб қолди. Китобини зудлик билан ўзбек тилида чиқариш даркор эди. Буни дўстлик бурчи ҳам талаб этарди. Хонадоннинг энг катта хонаси икки шоирнинг ижодхонасига айланди. Ўртада икки юракни бирлаштириб шам ёнади. Бир шам ёруғида икки дил, сафдош шоир ярим тунгача Я.Колас билан суҳбатда. Китобга сўзбошини Ҳамид Олимжон ёзар, шеърларини Зулфия ўзбек тилига ўғирарди. Уч кунда сўзбоши ҳам, Зулфияга тегишли таржима ҳам тайёр бўлди. Шамнинг хира ёруғида бир хона кенг жаҳондай бўлиб, битта столнинг икки қаноти илҳом ва меҳнатда эди. Улар битта нафасга айланиб бахтиёр яшар, ишлар эдилар. Қийин шароитни пайқамас эдилар, ҳамма шундай яшарди. Меҳнат, меҳнат қилиш керак эди. Уруш борарди ахир. Халққа таянч сўз керак эди. Ўша машаққатли кезларда нозикниҳол Зулфиянинг қудратли таянчи – Ҳамид Олимжон ёнида ёниқ сўзларни излаш ва топиш осондек эди.

## Туш

– Ҳамид Олимжон ҳалок бўлганда (1944 йил) кўру кар эдим. Халқ уни елкасида олиб борарди. Ўша мудҳиш кун унинг бошида турибману, хиноли бармоқларимни қаёққа қўйишни билмайман. Кесиб ташланглар, дейман...

Қайнанам Комила ая иродали эдилар. Мен ва Саҳобат йиғлаб-йиғлаб икки ёқда чўзилишиб қолардик. Шакарчойга нон ивитиб, оғзимизга солардилар. Орадан кўп ўтмай, лағмон пишириб, устига кўклар солиб, дастурхонга тортдилар.

– Олинг, болам, энг. Абдулҳамид яхши кўрарди буни. Авваллари икковингизга қилиб берардим, – дердилар. – Мотам ақлсизни – жинни, ақлини – доно қилади.

Оҳ она, она! Сенинг борлигинг сабр-тоқат ва мадад эди!

Ўша кунлари тушимга Ҳамид Олимжон кирибди. Шундай зинадан тушиб кетаётса, йиғлаб орқасидан эргашибман, югурибман.

– Қаёққа борасиз, ана, онамдан ўрнак олсангиз-чи! Йиғламанг, болаларга қаранг, менинг дунём бошқа. Бўлди, қолинг, йиғламанг! – Шундай деб чиқиб кетиб қолдилар, – сўзлаб берардилар устоз...

Бу башорат – мунис йўлдошини тирик ҳаёт бағрига, катта шеърят, элга хизмат йўлига ундаган эди. Ўша бедод айрилиқнинг тоғдай юкига қаламга таяниб, одамларга суянибгина, шоира тоб берди. Ҳижроннинг оловли чиғириғидан порлаб, жароҳатли жайрон дардига эм топиб, ёниб шеър ёзди.

## Меҳмонлар

*Гавҳар орттирмадим дўстликдан бошқа...*

### *Зулфия*

Таҳририятга Зулфия чақнаб келди. Узун йўлакда унинг шаҳдам, энгил қадамларини дарров билиб қоламиз.

«Эй, дил» янги шеърларини диктовка қилиб ўтирган эканлар, кўришгач, «келинг, шеър ўқиймиз», дедилар.

– Эрталаб соат 5 дан 9 гача ўтирдим. Бирданига битди.

Ҳамиша шундай. Одатда у шеърни узоқ дилда кўтариб юрар, эҳтирос, тошқин илҳом билан бир ўтиришдаёқ, қоғозга туширарди.

Тожикистон адабиёти ва санъати кунлари. Адабиёт кечаси «Мушоира»сида Зулфия аввало Мирзо Турсунзоданинг «Эй,

Ватан» шеърдан сўнг ўзларининг «Эй, дил» шеърларини ўқидилар.

Шу кунларнинг бирида Жалол Икромий билан бўлган бир суҳбатни айтиб бердилар.

– Фотеҳ Ниёзий эсимга солди. Шундай бўлган экан, менинг ёдимда ҳам йўқ. Ундай ҳодисалар кўп бўлар эди.

Москвага учаётган Душанбе самолёти Тошкентга кўнибди-ю, рейс тонготаргача қолдирилибди. Бир пайт телефон жиринглади. Ҳамма ухлаган. Гўшакни кўтарсам — Мирзо Турсунзода:

– Зулфияхоним! Мен Мирзоман! Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом! — Қаердан сўзлаяпсиз? Тошкентданми?

– Мусофирлар дарвозангизда турибмиз, кир, дейдиган одам борми, деб!

– Тошкентда дарвоза кўп. Қайси биридасизлар?

– Осмон дарвозасидамиз. Ҳозир борамиз Сизникига!

– Қандай бўларкин? Соат бир бўлаяпти-ку! Ҳамма ухлаган!

– Ухлаган бўлса, майли, уйқулари оромли бўлсин. Шоир халқи ҳамиша бедор. Биз ухламаганда, энди Сиз ҳам ухламайсиз-да, азизим!

– Йўлдошларингиз борми?

– Ҳа, ҳаммаси ўзингиз билган мусофирлар — мен, Фотеҳ, Жалол Икромий...

Бирдан Жалол Икромий овози эшитилди:

– Кечирасиз, Зулфияхоним, Мирзо Сизларникига борамиз деб туриб олган. Ойбекникига борақолайлик десам, тинчини бузмайлик дейди. Фафур Фуломникени айтсам, Фафур зиёфат қилади, самолётдан қолиб кетамиз, дейди.

– Бўпти, марҳамат, келинглар, — дедим.

Уйга кирдим. Аямларни уйғотдим.

– Аяжон, турасизми?! Тожиклар меҳмон бўлиб келишяпти уйимизга. Ўғлингизнинг ўртоқлари бор-ку, Турсунзода, Икромий, Тошкентда яшаган Фотеҳ Ниёзийни биласиз!

– Туришга ҳеч ҳолим йўқ. Саҳобатни уйғотинг. Ўзларинг меҳмон қилиб, жўната қолинглар, — дедилар.

Зум ўтмай етиб келишди.

Уйда сабзи йўқ экан, қўшним уйида чироқни кўриб югуриб чиқдим. Аҳволни айтдим.

– Гўштингизни чиқариб юборинг-да, бемалол меҳмонларингиз билан ўтираверинг. Тайёр бўлгач, Саҳобатойни чақираман.

Ўшанда кириб-чиқиб юрган сингилларимиз бўй етиб қолишган қизлар эди. Дарров уларга тожиклардан куёв топишди. Шу ерда режа тузишди. Тепада ой балқирди. Ҳовлида Ҳамид Олимжон қўллари билан экилган ток тагидаги столда тузалган дастурхон атрофида ўлтиришди. Кузда тўй ҳам ўтказиладиган бўлди. Бу адабиётчилар дўстлигини ҳам мустаҳкамлайди, деди кимдир. Шеърхонлик ҳам қиёмига етди. Гира-шира тонгда аэропортга жўнаб кетишди. Дўстлар учун бу хонадон эшиклари доим очиқлигини билишарди.

Мен яна бир ўша суҳбат сурурини ҳис қилиб севиндим. Сажжод Зоҳир, Файз Аҳмад Файз, Степан Шчипачёв, Қайсин Қулиев, Марварид Дилбозий, Мустай Карим – буларнинг ҳар бири ўз уйига, Тошкентдаги ўз манзилига тушгандай кириб келишарди. Шоиранинг қадрдонлари – халқимизнинг дўстлари эди.

Дўстлик, қардошлик туйғулари шу сабабли ҳам Зулфия ижодида битмас ҳарорат, «Мокомото дури»дан қиймат улуғланади. Халқининг меҳмоннавозлик фазилатлари унинг табиатига сингиб кетган эди. Бу фазилат ҳар сафар Тошкент анжуманлари чоғида, икки улуғ шоир дастурхони теварагида жам бўлган дўстлар даврасида доим намоён бўлган.

1976 йил шоира яна катта бир гуруҳ ёзувчиларни уйига таклиф қилди. Осиё ва Африка мамлакатлари ёш ёзувчилари симпозиумида непаллик ёш шоира Банира Гири ҳам бор эди. У ҳовлида сайр этиб юраркан, кийикдай чаққонлик билан тиз чўкди-да, Зулфиянинг этакларини кўзига суртди:

– Сиз мен учун шеърят тимсолидирсиз.

Комилик шоира Антонина Кимитвал:

– Сиз бизнинг момақайимиз (онамиз) бўласиз адабиётда.

Тожик шоираси Озод Аминзода сўзлари қулоғимда янграйди:

– Сизлар бахтлисизлар, – дейди у бизга, – мумтоз хазинангиз бор. Бу – Зулфия. Ундан баҳрамандсизлар...

Шоирларни бир-бирига яқин, азиз қилган шеъргина эмас, инсонийлик хислати, маънавий улуғворлик ҳам. Мана шу икки ёрқин нуқта Зулфияга дўст тутинган барча эл-элатлар иждокорлари меҳрида ҳам намоёндр...



## Ҳайрат

*Ҳозир устоз турган соҳилда туриб,  
Гўё имтиҳондан ўтмоғим даркор...  
... Мен ҳам нам қирғоқ узра  
Меҳробга киргандай аста тушаман.*

## Зулфия

Ойбекнинг 80 йиллиги юбилеи таратқуларидан олтидан суҳбат очилиб кетди. Зулфия сўнгсиз ҳурмат ва ўқинч билан сўзлайди:  
– Сўзлаш ҳам оғир. Абдулла Қаҳҳор дафн этилапти. Тумонот одам. Ойбек акага кўзим тушди. Жуда эзилиб кетган. Унинг катта-катта кўзларида бир жаҳон мунг. Назаримда букчайиб қолгандай кўринади. Юрагим зирқираб кетди...

Ойбек ва унинг рафиқаси билан сафарда бўлганмиз. Қаршидан самолётга чиқиб кетаётганларида қаллари букилгандай кўриниб, дилим зир кетди яна.

Саксондара... Бу ерга Бухоро ва Навоий шаҳрида бўлиб келганмиз. Йўл шу қадар гўзал. Гуллаган Ўзбекистон кафтдагидай эди. Навоий йўлида ҳам, Бухоро йўлида ҳам ҳамроҳимиз Тошпўлат Ҳамид эди. Соҳилда тўхтадик. Сув бир дунё нурни эркалаб оқиб ётарди. Ойбек қирғоққа тушиб икки ҳовучлаб Зарафшондан сув олиб ичдилар. Сув бармоқлари орасидан ирмоқлардай тўкиларди.

«Бир ҳовуч сув» деб ёзиб қўйдим ён дафтарчамга. Кейин Таллимаржонда эшак минган қизча, мунчоқдай қизалоқ эди, бувиси билан борарди. «Ҳурилиққо» деб ёзиб қўйдим.

Бухородаги янги тушган меҳмонхонада Ойбек ака қаттиқ ишладилар. Ҳаво иссиқ, дим. Жон сақлаш қийин эди. Турли одамлар билан суҳбатни Зарифа опа ёзиб оларди. Ойбек ака тер тўкиб, тинимсиз ишлардилар. У беҳад гўзал илҳом дақиқаларига ғарқ эди. Унинг ишлаганини кўриб, «Во-ей, биз бутун умр ўйнаб ўтдик-а! Ёзиш бунақа бўларкан!» дедим ўшанда...

... Оға адибларимиз ҳаётдан бирин-кетин кетишди. Юраклар увишиб қолди. Қандайдир бурч – ўталмаган бурч дилингни эзиб қоларкан.

Мақсуд Шайхзода... Мен у ҳурматли ажойиб инсон ва катта шоиримизнинг Москвада хастахонада ёзган бир мактубларига жавоб ёзиб улгурмай оламдан ўтдилар. Дарҳол

кейинга сурмасдан ёзсам, мактубим етиб борганида кичик бир шодлик берармидим, деб ўйлайман! Йўқ. Мен у мактубни ёзаман. Тирик шеърларига йўллайман у мактубни!

Мана, шоиранинг армонлари, бурчлари. Ўтганлар хотираси олдида ҳам, бугунимиз олдида ҳам бурчли деб ҳисобларди ўзини.

Фафур Фулом ва Миртемирни эслаганда ҳам нафис бир ҳурмат, шоирлик эҳтироми билан сўзлаганларига кўп бор гувоҳ бўлганман.

Зулфия бу пурҳикмат, аллома халқ шоирларини ўзига, ижодига, ҳаётига таянч билиб яшаган. Шу таянчлар билан ўзини қудратли ҳис этган.

### **Шоирлик – мафтунликдир**

Тожик адабиётининг Ўзбекистондаги байрам кунлари эди.

Саҳнада «Зебо» қизлари. Улар алвон нимча, оппоқ шимда «Эй, санам» ашуласига рақсга тушишди. Майда ўрилган сочлари қора тўлқиндай тўлғанарди.

– Гўзал қизларнинг гўзал ёшлигига монанд гўзал рақс. Инсон қадди-қоматининг гўзаллиги.

– Мана, гўзалликни аёллардай ҳис қилиш керак экан, – деди ҳайратланиб тожик ёзувчиси Фазлиддин Муҳаммадиев.

Эсингиздами:

Сендек санами кўрмади Лутфий Чигатойда...

Чин сўйла, Хито хўбларига не бўлурсен?

– Ўйлайманки, гўзаллик туйғуси ҳақида гап борганда унга эркак ёки хотин кўзи билан қараш деган тушунчанинг ўзи хато.

Гўзаллик – баркамоллик. У кучли ва қудратлидир.

Бу суҳбатлар, хотиралар шуъласида кўнглим исийди.

Ҳаётни шундай устозлар хотираси, ўчмас ёди билан тўлиқ, мукамал деб биламан.

### **Зулфия нури**

Москва. 1980 йил саратони. Ёзувчилар анжуманида шоира Зулфия қатнашди. Марказий Адабиётчилар уйида адабиёт шўъбасининг йиғини бўлди. Зулфия рус тилида жуда ёрқин

маъруза қилди. Йиғилганларда бу шоирона нутқ катта таассурот қолдирди. Тушлик пайти барча ўзи қўнган меҳмонхонага отланди.

Йўлга тушдик. Автобус бекатидамиз. Шаҳарнинг тунд, гунгурт ҳавоси. Ёз бўлишига қарамай, қуёш неча кунлар кўринмайди. Бекатда машҳур шоирлар гурунг қилишади. Ҳазил, лутф, қаҳқаҳа. Бирдан қўнғир булутлар орасидан офтоб чарақлаб чиқиб қолди.

Тўладан келган, паст бўйли грузин шоири хурсанд бўлиб, қуёшни кўрсатди.

– На небе – солнце, на земле – Зулфия светит.

Майин қаҳқаҳа, лутфдан шодмонлик, қувноқлик бекатни тутди. Зулфияхоним ним табассум ила ёқимли жилмайиб, ташаккур айтди.

Мен ва Ҳулкар опа сўз санъаткорлари –Қайсин оға, Муса Гали, Мустай Каримнинг беҳад гўзал дўстона суҳбатидан ўзимизда йўқ шод эдик. Зулфияга ихлос, эҳтиром – ўзбек аёлига, меҳнаткаш халқимизга, ўзбек шеъриятига бўлган чексиз ҳурмат ифодаси эканидан бахтиёр эдик...

Зулфия нури эллардан элларга, диллардан дилларга тушиб меҳр, дўстлик гулларини яшнатгани биз учун ноёб байрам эди...

### **Шундай кун келди**

Москва Ёзувчилар анжумани сўнгида катта зиёфат берилди. Улкан шоирлар, ёзувчилар, адабиёт муҳиблари, анжуман меҳмонлари билан гавжум кошона. Барча дўст-ёрлар тўпига қўшилар, бир-бирига меҳр-ихлос изҳор қилар, адабиёт шарафи, дўстлик шаънига қадаҳ сўзи айтишарди. Анжуманнинг барча иштирокчилари Зулфияхоним ўтрусига шошар, бир оғиз ширин сўз айтишга ошиқар, ўз халқи номидан ўзбекнинг Зулфиясига дилидагини баён қиларди.

– Шарқнинг юлдузи шарафига, – деб лутф қиларди Қайсин оға.

Расул Ҳамзатов, Мустай Карим, Римма Казакова, Оқжамол Омарова, Гулрухсор, Евтушенко... барчаси Зулфия юлдуз буржи шуъласига интиларди. Ҳулкар опа, мен бу илтифотлардан яйраб, томоша қилардик.

Бир пайт Рамз Бобожон Зулфияхонимга дедилар:

– Зулфия опа! «Зулфия» деган журнал чиқиши учун қадаҳ кўтарайлик.

Сезгир ва закий Зулфияхоним бир лаҳза хаёлга чўмди ва кулимсираб жавоб қайтарди:

– Шундай бўлади! Фақат кўп йиллардан кейин...

Бу сўзлар заминидида кўп маъно бор эди...

Мамлакат Президенти Фармони билан таъсис этилган Зулфия номидаги мукофот бугун ўзбек қизларини ижодга, илҳомли меҳнатга, мушоирага чорлаётганидан суюнаман.

Навниҳол, бағоят истеъдодли қизларимиз Зулфия деган буюк номни, жўшқин меҳрни, вафо тимсолини, дўстлик куйчиси рамзини, она-Ватан эътирофини кўксида офтобдай тақиб юргани мустақилликнинг инжа мевасидир.

Ёш Зулфиялар тимсолида азиз Зулфияхоним яна сафларга қайтди. Ўзбек қизлари учун меҳнат, муҳаббат, ижод, Ватанга эътиқод рамзи бўлиб қайта яшамоқда.

### **Баҳор билан учрашув**

Зулфияхоним таваллудининг 80 йиллиги арафаси эди. Республика хотин-қизлар қўмитаси Тошкент аграр университетида шоиранинг ижодий кечасини ташкил қилди.

Дорилфунун дарвозасида меҳмонларни олим Эркин Шайхов кутиб олди.

– Зулфия опа, ҳозир мўъжиза рўй беради. Сизни 80 та баҳорингиз қаршилайди...

Дарҳақиқат, икки саф тизилган атлас кўйлакли навниҳол талаба қизлар тирик камалакдай товланар, қўлларида бир донадан қизил чиннигул бор эди...

– Ассалом, мен биринчи баҳорингизман.

– Мен ўн саккизинчи баҳорингиз.

– Мен йигирма тўққизинчи...

Шоира шахдам келар, ҳар бир «баҳори»ни кучоқлаб, пешонасидан ўпар, юзларида самимий виқор, эрка табассум бор эди... Ногоҳ у бир лаҳза тўхтаб қолди... Йигирма тўққизида қор остида қолган баҳори, бир кечада оппоқ оқарган сочлари, тушимми-ўнгимми, деб жудолик ичра ёнганлари... Ҳамид Олимжон ёди.

Сени бирдан жонсиз кўрдим,  
Жоним чиқди менинг-да.

Қаршисида «баҳорлар» қўлида гул тутиб, шоирани кутарди. Ҳаёт ва муҳаббатнинг буюк қувончлари, ижоднинг завқли лаҳзалари.

– Мен қирқинчи баҳорингизман.

– Саксонинчи баҳорингизга хуш келибсиз...

Баҳор камалаклари оралаб шоира саҳнага кўтарилди... Учрашув қарийб уч соат давом этди...

«Зулфияхоним қизлари» кўрик-танлови ғолибаларини ардоқлаб, устоз уларга оқ йўл тилади. Шеърлар ўқиди. Яйраб кетди:

– Юбилей ўтказиш ниятим йўқ эди. Бу файзли учрашувдан сўнг, қарасам, ижод байрами яхши экан. Одамга куч-қувват берар экан. Шундай садоқатли мухлислар билан дийдорлашув мен учун бахт, катта байрам, – деди шоира.

Зулфия опа яхши сўздан, тилақдан, самимий иқрордан, қутловлардан ёш боладай суюнардилар.

Президентимизнинг табрикномалари матбуотда чиққан куни табриклар қўнғироқ қилдим.

– Ойдинжон, ўқидингизми? Бунча теран, ёрқин сўзлар! Бунча лутф! Бунча самимий... Қаранг-а, Зебуннисобегим, Нодирабегим анъаналарининг давомчиси дебдилар... Бундай қутловга қандай сўзлар топиб, жавоб ёзсам-а, – гўдакдай қувониб, шодлигини яширолмай ҳаяжонланарди устозим... Шоир одам ҳам бундай залворли сўзларни топиб ёзолмайди...

... Муҳташам «Туркистон» саройи. Ўзбекистон раҳбари номидан қутловни ўқиб, топшириларкан, Зулфияхоним қутловномани уч бор пешонасига теккизиб, тавоф қилди...

Бу чинакам шарқона назокат, миннатдорчилик, олий эҳтиромга муносиб эъзоз белгиси эди...

Зулфияхоним сарой деворларини гумбурлатиб, юракларни титратиб, «Бу оқшом» шеърини ўқиди.

Саҳна гулларга тўлиб кетди...

Концертни шоира томошабинлар қаторида ўтириб томоша қилди. Хонандалар саҳнадан тушиб, кучоқ-кучоқ гулларни шоирага туҳфа этишар, ардоқли шоира эса гулларни бир-бир томошабин – мухлисларга улашарди. Сарой гулхонага, шеърятнинг мўъжиза гулшанига айланди. Кечанинг поёнида томоша залидан чиққан ҳар бир аёл-қиз қўлида биттадан гулдаста – Зулфия деган ноёб баҳор чаманидан туҳфа билан уйига қайтди.





**Музейна Алавия,**  
*Беруний номидаги Давлат*  
*мукофоти лауреати*

## **ЧЎҚКИДАН ЙИРОҚЛАР КЎРИНАДИ...**

Сийратдаги гўзаллик инсоннинг доимий фазилатидир. Андиша, ҳаё, ибo, вафо бoбида нимаики билсак, бу хислатларнинг ҳаммаси халққа, ҳаётга бўлган муҳаббатдан эканини яхши тушунамиз.

Маънавий тайёрлиги бор киши шоирдан ҳиссиёт ва самимият кутади. Шеърдан завқ ва билим талаб қилади. Зулфия табиатидаги бир сифат шуки, шавқ ўти алангаланмаса, самимият ёғдусини сочмаса шеър ҳам ёзмайди, сўзга ҳам чиқмайди.

Адабиёт муҳиблари шеърда ҳаловат берадиган санъатча латифлик, завқ, ўйлатиб қўядиган янгилик кўргилари келади. Халқ, кўнглидаги ҳислар Зулфия шеърлятида доим бор, шунинг учун бу шеърлар севиб ўқилади.

Зулфия ёзишни тарафсиз талантагина топшириб қўймай, бутун сиёсий билими ва заковати билан меҳнат қилади. У ҳаёт тажрибасига эга, илғор фикр эгаси, элига манзур ва марғубдир.

Шоира ўзини халқ кўзгусида кўргани учун ҳеч қачон изҳори фазл қилмайди. Чиндан ҳам, сувга куёш нури тушса, тошиб кетмаганидек, орифларга қанча файз тушса ҳам ҳаддиларидан ошиб кетмайдилар. Буни биз Зулфия сиймосида яққол кўрамиз. Ҳақиқатан, одам юқорига чиққан сари йироқни аён кўради-да!

Мен Зулфияни техникумда ўқиб юрган, деворий газеталарга шеърлар ёзиб, адабиёт тўгаракларига қатнашиб юрган чоғидаёқ таниб олганман. Уйларига бориб онасининг суҳбатларидан баҳраманд бўлганман, маъсум кўзлари ҳалигача кўз ўнгимда. Мана йиллар ўтди, энди уйига борсам шоиранинг неваралари қуршаб олади. Унинг болаларга қилган навозиши ҳам ўзига хос, ифодали.

Қайси куни борганимда у: «Опа, талантли ёшлар кўп, улар яхши асарлар ёзмоқдалар, нима учундир адабиёт-шуносларимиз шу ёшларга ёрдам берадиган, халқимизга танитадиган фикрлар билан кам чиқадилар. Шеър ҳақида, шеърятнинг нозик сирлари ҳақида кўпроқ ёзсалар яхши бўларди», деди. Ёш талантларга астойдил оқ йўл тиловчи катта қалб эгаси, бошқалар саодатидан маънавий лаззатланувчи Зулфия ҳаққоний талабни қўйди.

Кўп ота-оналар яхши ният билан қизчаларининг отини Зулфия қўйишибди. Қурама тоғларининг Чинор қишлоғида халқ ижоди асарларини тўплаб юрганимда Зулфия исми қизни учратдим. Отаси ўқитувчи экан. «Шоира бўлсин, деб яхши от қўйибсиз», десам, у: «Шоира ҳам бўлсин, иззату ҳурматли, бурчига вафоли бўлсин, деб шоира опамизнинг отларини қўйдик», деди. Мен қаттиқ, таъсирландим. Зийрак, соғлом халқ билади. Зулфия Алишер Навоий айтган «Пок васлига керакдир поклик!» деганлардан.







**Тўра Сулаймон,**  
*Ўзбекистон халқ шоири*

## **ШАМСИҚАМАР**

Ўн саккиз минг олам ичра бани башарни мукаррам ва муҳтарам қилиб яратган Маоликул мулк шаънига ҳамду санолар айтиб бўлгач, эндиги гапни нимадан бошласам экан дея довдираб турган ерим. Сабаби: мавзу мураккаб. Вазифа – масъулиятли. Ошиқ-маъшуклар ҳаёти – ҳали очилмаган бир кўриқ.

### **I ризвон**

Номлари тилга туша бошлаган, ҳам Хизр, ҳам эл назар қилган бир йигитнинг кўзига бир қиз ой бўлиб кўриниб, кўнглини ёритади, Офтоб бўлиб кўриниб, кўзларини қамаштиради. Бирларда Ёруғ Юлдуз бўлиб кўриниб, йўлларини ёритиб тургандай бўлаверади.

“Ишим бордир ўша оҳуда”, дея шаънларига шеърлар битиб, байту бандлар, ғазаллар бағишлайди. Бора-бора бу ғазаллар муҳаббат мадҳиясига айланиб, атоқли ҳофизларнинг севимли кўшиқларига айлана бормишдир:

Кўзинг осмонга тушганда ловиллаб офтоб куйгай,  
Денгизлар, дарёлар, ҳаттоки кўлларда хубоб куйгай...

Қиз томон Йигит томонни, Йигит томон Қиз тарафни суриштириб-синаб ҳам бўлдилар. Эндиги гап ота-оналар маслаҳатига келиб қўним топди. Эндиги қилинадиган, битадиган ишнинг ибтидоси, ғолибо, мамлакат элчиси бўлишдек масъулиятли иш ҳам қўлларидан келадиган обрў-этиборли совчилар зиммасига юклатилди. Расмий тил билан айтганда, икки ўртада мунозара-маслаҳатлар олиб борилди.





келин ҳақида алёр айтсалар, шеърый мажмуалари аллақачон қўлма-қўл бўлиб кетган келинпошшонинг дугоналари — шоиралар эса куёв «бола» ҳақида оғизларидан бол томиб, ҳавасланиб... Алёрлар мушоирага айланиб... Даврабоши кимга гап беришини билмай, довдираб қолгандай бўлади. Бир томонда ҳукумат аъзолари, бир томонда эса фан ва маданият арбоблари. Сўз сўраган ундан кўп. Ҳали кети узилмай келиб турган меҳмонлар бундан кўп. Қуда-қудағайларнинг кўнгилларини олиб, иззатларини жойига қўйиб, кутиб-кузатиш эса ҳаммасидан ҳам муҳимроққа ўхшаб кўринади. Сабаби, ўртада қудачилик — минг йилчилик деган гап турибди. Тўй, голибо, тўйдек ўтиб, тўйнинг ўзига яраша ташвишлари унутилиб...

### III ризвон

«ШАМСИҚАМАР» номли бу китобнинг биринчи саҳифаси никоҳ хутбаси ила бошланиб, никоҳ гувоҳномаси сўнгига муҳр босилиб: “25 асад, 1935 йил” санаси қайд этилиши билан очилар эди. Бадъаз, боғбон боғсиз, булбул чамансиз яшай олмаганидек, осмонни ойсиз, оламни офтобсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, шу қутлуғ кундан эътиборан икки тана бир жонга, икки жон бир танага айланган эдилар. Шамс қамарлашиб, Қамар шамслашиб бир бутун жисму жонга — ШАМСИҚАМАРга айланган эдилар. Орадан ҳафталар, ойлар ўтиши билан қуш уяси билан дегандек, келин-куёв ўз манзил, масканларига эга бўлдилар. Эл қатори ўз араваларини ўзлари тортишга, ҳам оила юмушлари, ҳам давлат ишлари билан машғул бўлишга киришдилар. Кичик бир ҳужрани ижарага олиб, ўз қазноқ, ўз қозонларига эга бўлдилар. Митти хонадон соҳиблари назарларида масканлари кичик бўлгани билан у Кавкабистон мисоли қўламсиз, осмон қадар кенг кўринар эди. Ўзлари учун Оқсаройдан афзал туюлар эди. Диллар шод, кўнгиллар равшан, олам нурафшон эди. Қон-қариндошлар қадами аримас, тенгқур-тенгдошлар изи узилмас, дастурхон деярли йиғилмас, қозонлари қайновдан қолмас эди.

— Бир куни қайнанам бир ўғил, бир қизчалари билан келиб қолдилар. Қувонганимиздан ўтиргизгани жой тополмай, довдираб қолдик. Бир кеча меҳмон бўлиб, эрталаб йўлга

тушмоқчи, Жиззахга қайтиб кетмоқчи бўлиб қолдилар. Ҳамид ака менга, мен Ҳамид акага қарадим. Ҳамид ака сукут сақладилар. Чунки турар жойимиз қуш уясидай тор эди. Сўнг мен қайнанамга, ойижон, шу кундан бошлаб биз билан бирга яшайсизлар, қайтиб кетишларингизга Ҳамид ака рози бўлсалар ҳам мен рози эмасман. Кулбамиз кичик бўлгани билан феълимиз, даргоҳимиз кенг. Сизлардан айро яшашимиз – ақлга тўғри келмайдиган гап. Насиб қилса, ҳали ўз уй, ўз ҳовли-жойимизга ҳам эга бўлармиз, дея туриб олдим. Шу-шу қайнанам, қайним ва қайнсингилларим билан бирга яшай бошладик. Энди у киши менинг учун қайнана эмас ая, мен эса келин эмас, қизлари бўлиб қолгандим. Шу йўсин биз энди эт билан тирноққа айланиб қолгандик. Кўпда барака, иноқчиликда файз, аҳилликда ҳикмат, сахийликда файз борлигига ўшанда инонгандим.

(Зулфияхоним хотираларидан).

Ҳақлар Ҳақдан топар ё қаноатдин,  
Йигит синоатдин, лочин қанотдин.  
Меҳнатсиз ким топмиш ризқ самовотдин,  
Магар икки яхши бир бўла билса,  
Кўрган куни бўлур Хоқондин ортиқ.  
Қадами етган ер Ризвондин ортиқ.

Шу йўсин янги рўзғор тирикчиликлари кун-бакун тиниқлашиб бормоқда эди. Кунлари эмас, ҳар соат, ҳар сониялари шодмонлик бирла ўтиб, кўпнинг кўз ўнгида ёруғликка туташиб бормоқда эдилар. Номлари жумҳурият бўйлаб тилга тушиб, чиққан тоғлари буюклашиб бормоқда эдилар. Бирларининг гапларини бирлари ерда қолдирмай, кўзларига сурмай Сулаймон қилиб суртсалар, бирларининг гапларини бирлари амри вожиб ўрнида қабул қилардилар.

«Ҳамид аканинг кўйлаklarини ювиб, дорга осгудек бўлсам, ирим учун, ёнига тоза рўмолчаларидан бирини кўшиб кўярдим. Кўйлақлари ёлғиз турмасин деб».

(Зулфияхоним суҳбатларидан).

Сайёралар айланишининг, ҳаракат ҳолатларининг мувозанати заррача ўзгариб номутаносиблик содир бўлса фалакиёт оламида бир фалокат рўй бериши, хавфу хатар зоҳир бўлиши мумкин бўлгандай оила БЕГИ ва БЕКАси

Ўрталаридаги одоб-ахлоқ, шарму ҳаё, меҳру муҳаббат, вафосадоқат мезони соф олтин мисоли бошдан-бошга муқимлигича қолди. Соф тилло мисоли занг нелигини билмади. Соф олмос каби ғуборлардин холи бўлди. Қўшалоқ умр қўш бўлиб, бир-бирларига эш бўлиб, авлиё ҳам меҳнатдан, ҳам риёзатдан етишади деганларидай, ўзларига бўлган ўзгача меҳрлари, элга қилган хизматлари, беминнат меҳнатлари туфайли нуфузлари кун сайин, ой сайин ошиб бормоқда эди.

\* \* \*

Гап асосан Зулфияхонимнинг муборак ёшлари, тўйлари, тўйларига кўрилаётган тайёргарликлар борасида кетаётгани учун ўша мудҳиш, мунгли, қорли-қабохатли қора кунлар ҳақида тўхталишни, битмаган ва битиши мумкин бўлмаган ярага қайта туз сепишни, гапни чўзиб ўтиришни шу ўринда эп кўрмадик.

Фақат: 1944 йил июль ойининг учинчи санасида

Ер ёрилиб, осмон узила тушди,  
Кўкнинг авзои ҳам бузила тушди.  
Тоғлар ҳам тебраниб, дарёлар тошиб,  
Кўнгил вайрон бўлиб эзила тушди.

Самовот тундлашиб, ёмғир қуйилди,  
Фалакнинг қабоғи-қоши уйилди.  
Қиёмат қўпганга ўхшаб туюлди,  
Мустаҳкам бир Қалъа бузила тушди.

Бўзлашнинг нелигин мен шунда туйдим,  
Мунгли ун олдида музтар туюлдим,  
Селга айланиб, сўнг сойга қуйилдим...  
Кимнинг кимлиги сезила тушди.

Оғоч отга БИР ЗОТ минар бўлдилар,  
Тақдирга тан бериб кўнар бўлдилар.  
Қора ўтовига кўнар бўлдилар,  
Қаро Ер бирма-бир қазила тушди.

Офтоб ҳам шу куни ботди бўзариб,  
Қабристондин қайтди барча мунгайиб.  
Одамзот табиат олдида ғариб,  
Деган бир нома ҳам ёзила тушди.

«Бир мўъжиза рўй бериб, Ҳамид Олимжон дунёга қайта келгудай бўлганларида эди, борлиқ, шаъну шавкатимни, орттирган иззат-эътиборларимни, борлиқ-бисотимни, жисму жонимни изларига пояндоз қилган бўлар эдим».

(Зулфияхоним армонларидан).

Ва яна ёзадилар:

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.

(Изоҳ талаб қилмайдиган қасамёд)

\* \* \*

Ҳамма замонларда ҳам буюк ШАХСларнинг ҳаётлари бир текис, сип-силлиқ кечган эмас. Дарвоқе...

#### IV ризвон

Биз «Шамсиқамар» номли китоб саҳифаларининг айрим лавҳаларини, тўй тантаналари тайёргарликлари билан банд бўлиб, шошиб, шунчаки бир кўздан кечириб чиқдик, холос. Аслида, бу – дарёдан бир томчи. Китоб қаҳрамонларининг таржимаи ҳоллари, борлиқ кечмиш-кечирмишларини кунт билан ўқир бўлсангиз... Унингсиз ҳам ўз Ватанимиз, қардош жумҳуриятлар ҳамда чет элнинг машҳур ёзувчилари, давлат арбоблари, турли касб эгалари, миллионлаб мухлислари, Фафур Фулом, Ойбек, Миртемир, Марварид Дилбози, Эди Огнецвет, Қайсин Қулиев, Мустай Карим, Чингиз Айтматов, Константин Симонов, Иракий Абашидзе... каби буюк замондошларнинг дил сўзлари ўзи бир мажмуа бўлади. Гап асосан Зулфияхоним (Қамар) ҳақида бораётгани учун шу ерда энди бироз нафасни ростлаб олиб, у киши ҳақида

айтилажак алқов-олқишлар борасида келишиб-кенгашиб олсак ва бу хусусдаги ният-орзуларимизни сиз азизларга баён этиб қўйсак, деб эдим.

Зулфияхонимнинг босиб ўтган йўлларига бағишлаб «Янги даврнинг янги қаҳрамони» номли дoston ёзишга бел боғлаб киришиб, уни шундай:

«Шамсиқамар» — ёзилажак шоҳ  
асар дебочаси,  
Ҳеч ким кўриб, эшитмаган ўзга  
олам кўзгуси.  
Афсоналар тўқиб, ғайри машруъ сўз  
лоф этмаям —  
Еру осмон, ой қуёшнинг узилмас  
бир парчаси,

сингари сатрлар билан бошлаган бўлар эдим.

Урушнинг энди бошланиб, тўп саслари жаҳонни ларзага келтириб, кўпларнинг кўзи ёшланиб, эл-улус тақдири қил устида турган йиллари «Мен ўзбек халқи номидан куйлайман», дея кўпнинг кўнглини кўк қадар кўтаргач, бизнинг душман устидан сўзсиз ғалаба қозонишимизни башорат қилган Ҳамид Олимжоннинг чироқларини бир сония ҳам сўндирмасдин ёқиб келаётган, ўғил-қизларини ҳам ота, ҳам она ўрнида тарбия қилиб, камолга етказиб, катта карвон сафига қўшиб, муборак хонадонларини тунлар Қамар, кундузлари Шамс мисоли ёритиб келаётганликлари учун Зулфияхоним эгниларига тўн, бошларига дўппи кийдириб, белларига белбоғ боғлаб, арабий арғумоқ миндириб истиқболига юкиниб, элда орттирган иззат-эътиборларига яраша тушган мана бу:

Ерда Омон, осмонда Ҳулқари бор,  
Кўлларида ажаб сози, тори бор.  
Бир армони: Қарчиғайдан бошқа  
Бу дунёда не истаса бари бор,

деган тизмалар билан сўзимни тугатган бўлардим.



## СИЗНИ ЭСЛАЙМАН

*Ўзбекистон халқ шоири Зулфияга*

Қарчиғай учқурлиги,  
жайрон бола соқлиги,  
Чашмалар тиниқлиги,  
дарёлар уйғоқлиги,  
Эзгуликнинг ҳамиша  
Кўнгилга қўноқлиги  
Борасида бирма-бир  
Айтилса тавсиф, таъбир,  
Сизни эслайман.

Бўйга тўлган не қизлар  
шеър ишқида ёнсалар,  
Тушларида, ўнгида  
кимнидир соғинсалар,  
Биринчи севгисига  
суяниб, сиғинсалар...  
Туз-намак, нон ҳурмати,  
Жону жаҳон ҳурмати  
Сизни эслайман.

Қопланар бўлса магар  
боғ-роғлар ифор билан,  
Ёзда, кузда, аёзда  
қирлар лолазор билан,  
Ҳар бир дилни забт этиш  
мумкин бўлса тор билан,  
Фозил отадай тошиб,  
Бир шошмай, бирда шошиб,  
Сизни эслайман.

Не қолар, қабоҳатли,  
Не бир армонли кунлар,  
Ёрдан айрила тушмиш –  
машғум, ҳижронли кунлар,  
Азалик, таъзиялик  
қонталаш қонли кунлар,

Қай маҳал ёдга тушса —  
Юрак-бағрим уюшса,  
Сизни эслайман.

«Тонг қўшиғи» чалинса  
тонг чоғлари қулоққа,  
Қўйилгандай бўлиб чек  
умрлик айрилиққа,  
«Бахт куйчиси» келгандай  
бўладир берироққа...  
Шундай бир сирли кезде  
Ёшлар қалқиса кўзда,  
Сизни эслайман.

Саодатли кунларда  
«Қуёшли қалам» билан,  
Бирда бардош, бирларда  
дард, ҳижрон, алам билан  
Гоҳи тенгсиз жасорат,  
гоҳида карам билан,  
Қуйласа кимдир ёниб,  
Ўртаниб, оловланиб,  
Сизни эслайман.

Биби, Гулчехраларнинг  
мунг не билмас созидан,  
Ойдин, Зебохонимнинг  
бехатар парвозидан,  
Баҳор, Ўйтиборларнинг  
иззат, имтиёздан  
Сўз кетса давраларда,  
Тўй-томоша, қурларда,  
Сизни эслайман.

«Мушоира» кетидан  
мушоира уланса,  
Оқшом тонгга тутшиб,  
диллар дилга боғланса,  
Ҳеч тузалмас дардлар ҳам  
шеър билан даволанса...

Терма, қўшиқни бошлаб,  
Ўлмасликни олқишлаб,  
Сизни эслайман.

«Кашфиёт» сиз дамларин  
    ҳеч дам санамасларни,  
Орсизларни ҳеч қачон  
    ҳамдам санамасларни,  
Шуъласиз юлдузларни  
    бир шам санамасларни  
Кўриб, кўришганимда,  
Дилдан, сўрашганимда,  
Сизни эслайман.

Кўринмас мисқол билан  
    умр ўлчанар бўлса,  
Унинг ҳар бир фурсати  
    нурдай беғубор бўлса,  
Ўрик гуллаган ердан  
    ўлим чекинара бўлса...  
Тан бериб табиатга,  
Сигиниб шеъриятга,  
Сизни эслайман.

Шеърий чаман қопламиш  
    ҳар қадам, изингизни,  
Ким ҳам ҳавас қилмайди  
    эл аро мавқенгизни.  
«Умр ўтмоқда» — дебсиз,  
    умрингиз боқий Сизнинг,  
Қайда кўрсам чинорни,  
Ё бахти барқарорни,  
Сизни эслайман.





**Санъат Маҳмудова,**  
журналист

## **ДУНЁ ИЧРА ТОПГАН ДУНЁМСАН, ХАЛҚИМ!**

Устоз Зулфияхоним илтимосимга биноан менга кўзингни, қалбингни нурга чулғайдиган гўзал бир суврат тақдим этган эдилар. Унда Зулфияхоним Ҳамид Олимжон билан бирга шеърхонлик қилишаётгани тасвирланган. Ҳар гал бу сувратга қараб, севгининг, садоқатнинг буюклигини ҳис этаман. Муҳаббатни, никоҳни муқаддас билган, оилани улғуф неъмат, энг иссиқ гўша деб тушунган шундай одамлар яшаб ўтдилар-а, дейман.

Суврат қирқ-қирқ биринчи йиллари олинган бўлса, Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг турмуш қурганларига беш-олти йил тўлган. Ҳулқар ва Омон туғилиб, чопқиллаб ўйнаб юришган чоғларидир.

– 1932 йил... Бу сана менга ёш ва ўтли, шиддатли бўлиб кўринаверади, – дердилар Зулфия опа ўйчан ва кўзлари сўзгун бир қиёфада. – Мен Ҳамид Олимжонни илк дафъа ўша йили кўрганман. Биз... адабиёт ихлосмандлари ёзувчилар уюшмасидаги машғулотларга борардик. Машғулотларни Ҳамид Олимжон ва Уйғун бошқарарди... Яшириб ўтирмайман, Ҳамид Олимжон илк учрашувларданоқ кўзимдан қалбимга ўтди. Мен жуда ёш ҳиссиётим билан (*17 ёшда эдилар. –С.М.*) унинг кенг қалби, улкан иқтидорини кўрдим. 1934 йили журналлардан бирида шеърим эълон қилинди. Қарангки, эртасига Ҳамид Олимжонга дуч келдим. «Шеърингизни ўқидим, – деди у ошкора меҳр билан. – Яхши! Нималигини айтайми? Шеърда қалбингизнинг суврати бор!» Ўшанда биласизми, уйимизга юриб эмас, учиб келдим. Келибоқ, йўл бўйи туғилган туйғуларимни шеърга солдим. Мен бу шеърни шундай енгил, тўлиб-тошиб ёздим-ки, юрагимга аллақандай афсонавий бир қудрат кириб олиб, фикрларимга, қўлларимга куч бахш этаётгандай эди...

1935 йили тўйимиз бўлди. Мен яйраб яшар эдим...

Яна сувратга тикиламан. Эҳ! Мен буларнинг яйраб яшаган йилларини асрларга узайтириб қўйгим келади. Девордаги палак хаёлимни олади. Палакнинг гардиши бор. Куёши, ойи, юлдузи бор. Наздимда гардиши — бу гўзал оила тимсоли, қуёш, ой, юлдузлар эса мусаффо севги-вафо рамзидир.

Бу палакни Зулфияхонимнинг оналари — муҳтарам Хадича буви ўз қўллари билан тикканлар. Ҳа, қадим-қадимдан оналар қизларига атаб, кўзларининг нуруни, дилларининг орзу умидларини тўкиб палак тикканлар. «Энг яхши туҳфа сифатида бериладиган ушбу палакни онам янгам билан биргаликда тикканлар,— дегандилар Зулфия опа. — Ўзлари ипак курти боқдилар, пилладан ипак толалари ажратиб олиб, бўятдилар. Палак ана шу тариқа яратилди, ундаги қуёш тасвири кўнглимиз, уйимизга ёруғлик соларди...»

Ана, Зулфия шеър ўқияпти. Талабчан устозим, умр йўлдошим, болаларимнинг отаси деб аталган азиз кишимга шеърларим маъқул бўлармикан, деган нозик бир андиша бор унинг вужудида. Нафис, беозор чехрасида эса ибo, ҳаё яширин! Силлиқ таралиб, иккита ўрилган соч, оддий матодан тикилган кўйлак, камтаринлик, пир ҳузурда кўзни, ҳатто киприкни ҳам кўтармаслик одоби...

Ўзбегим қизлари, келинларига хос бўлиб келган бу гўзал одоб нақадар қадимий, нақадар азиздир.

Ҳамид Олимжонга қаранг. Бахтни, баҳорни, тоза муҳаббатни ёниб куйлаган ва қалби шундайин тоза туйғуларга тўлиқ бўлган шоир сулув маҳбубасининг шеърларини кўзларида гурурифтхор, бахтиёрлик нашъаси билан тинглаяпти. Ва наздимда юрагининг туб-тубида шундай сатрларни ёзаяпти:

Кечир мени, нозли малагим,  
Сени мақтай олмасим тайин.  
Сенга шунча чирой берган ким,  
Айтиб бергин, уни мақтайин...

Энтикиб, кўзларимда ёш билан ўқийман бу сатрларни. Ҳа, хотиржам, меҳрли, бир-бирини тушунган, бир-бирини ҳаётнинг зарбаларида қўллаб-қувватлаган гўзал бу оилага кўз тегди. Ҳамид Олимжон бевақт вафот этди. Улар бор-йўғи ўн йил (1935—1944) бирга яшашди. Лекин руҳий биргалик абадий қолди.

Севги-ҳаяжонда ёнингда юриб,  
Берган гулларингни дасталаб олдим.  
Ҳаёдан кўзингга боқолмайин тик,  
Ранго-ранг гулларга нигоҳим солдим.

Тасаввур этаман, Зулфияхоним умр йулдошига тик қараб, сўз қайтармагандир. Рўзгор муаммоларидан нолимагандир. Академик шоир Фафур Гулом Зулфия ҳақида «Муаззам шарқ намоёнди сенинг покиза жонингда», деб баралла айтганида, аввало, шоиранинг ана ўша ҳаё-ибосини эътироф этган бўлса не ажаб.

«Ўн йил ўн кундек туюлди, — дегандилар Зулфия опа яна бир суҳбатимизда, — шеър баҳси, Ҳулкар ва Омон қувончи, севиш-севилиш, меҳнат ва ижод билан ўтди. Ҳамид Олимжон жуда қаттиқ ишларди. У аниқ мақсадли, собит ишончли, қатъий интизомли инсон эди. У ижодга ҳам, оилага ҳам, дўстлари асарларини ўқиб, фикр айтишга ҳам, ёрдам керак одамларга кўмак беришга ҳам — ҳамма-ҳамма эзгу ишларга улгурарди...»

Дарвоқе, ўн йил давомида буларнинг ҳаётида қийинчиликлар, муаммолар бўлмаган, дейсизми? Бўлган. Масалан, улар тўйдан сўнг Жиззахдан кўчиб келишган Комила бувилар билан кичик-кичик учта хонадан иборат коммунал уйда яшашган. Яна денг, бу хоналарнинг бири ошхона учун ажратилди. Ҳеч қандай шарт-шароити йўқ бу уйга ташқаридан сув ташиб келинар, керогаз ёқиб биргина хонани иситиш мумкин эди. Ҳозирги ёшлар керосин билан липиллаб ёнадиган қора керогазни, иккита кичкина хонада етти кишининг ётиб-туришини тасаввур этолмайдилар. Зулфия, Ҳамид Олимжон, Комила буви ва унинг ўғил-қизлари Сарвар ака, Роҳат, Саҳобат ва Муҳаббат... Ҳулкар, Омон. Ҳай, кўнгил кенглиги, ўртада иззат-ҳурмат бўлгани учун қийинчиликлар деярлик сезилмаган. 1941 йили эса улар Ҳамид Олимжон қурган янги уйга кўчиб ўтадилар. Кейин эса — Ҳижрон!

Зулфия Ҳамид Олимжонни соғинганида яйраб яшаган азиз кунларни қўмсаб, излаб, ўша таниш уйга кириб борарди:

Бунча иссиқ, бунча ҳам шинам,  
Ёшлик кечган торгина шу жой.  
Бунда яшар ажиб онлардан,  
Ишқ-ла ўтган тунлардан чирой.

Бу азиз хонанинг ҳар бир бурчаги шоира ҳушини элитади. Ижодга, меҳнатга тўлиқ кунларни, шўх-шаън табассумли онларни ёдга солади. Ва бундайин мусаффо, қадрли туйғу, азиз хотира шоирани яшашга, шоир учун ҳам яшаб, куйлашга даъват этади:

Баҳорга бурканган сен севган элда,  
Овозинг янгради жўшқин, забардаст.  
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,  
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.

Ҳа, шоира қалбида ҳижрони, қўлида сози билан ҳаётни куйлади. Аламни енгди. Ҳам ота, ҳам она бўлиб, фарзандларини вояга етказди. Бир умр «Саодат» журналига бош муҳаррир бўлиб, журналнинг кенг оммалашувига катта ҳисса қўшди. Юзлаб бўлғуси шоираларга мураббийлик қилди. Дўстлар, мухлислар ортгирди...

Кейинги йилларда мен устоз Зулфия суҳбатини, шеърларини соғинсам Ҳулкар опа ҳузурига ошиқаман. Ва у билан учрашувимиз нақадар фойзли, ҳузурли ўтади. Ҳулкар опа дадаси ва аяси шеърларини муҳаббат ва соғинч билан ўқийди... Бу гал Ҳулкар опа ҳузурига қўлимдаги ўша азиз суврат билан кириб бораман.

— Ҳулкар опа, — дейман, — сиз мана шу катта шоирларнинг биттагина қизи, академик ёзувчи Ойбек хонадонининг суюкли келини бўлатуриб, олима, университет ўқитувчиси сифатида бир умр фаолият кўрсатиб, барибир жуда камтар, камсуқум ва оилада ҳам бир умр меҳнаткаш, яхши пазанда, меҳрибон она бўлгансиз. Ўз оилангизга ҳам ва албатта Зулфия опамизга ҳам парвона бўлишга улгургансиз.

Ҳулкар опа бироз ўйлаб, мақтовдан ўзини анча ноқулай ҳис этиб, жавоб беради.

— Болалиқдан ўша керегазда сув иситиб, идиш-товоқ ювиб, кир ювиб, уйларни ва бир қанча оилалар учун умумий бўлган катта ҳовлини супуриб-сидириб улғайдим. Бизнинг оилада камтар яшаб, камтар кийиниш, покизаликка ва озодаликка қаттиқ риоя қилиш одати бор эди. Дадам шундай талаб қилардилар. Аям бир марта кўйлақларига чиройли тўғноғич тақсалар, дадамга маъқул бўлмаган. Шу-шу аям бир умр зирак ҳам, узук ҳам тақмадилар. Упа-элик ёки лаб бўёғини ҳатто кўлларига ушламадилар. Сипо, одми кийиндилар...

— Ҳа, Ҳулкар опа, устоз билан йигирма йил бирга ишлаб, бирон марта ялтироқ кийимда ё бирон зеби-зийнат

таққанларини кўрмадим. Табиий гўзаллик, сарвқомат, сузук кўзлар, пайваста қора қошлар — ҳар қандай зеби-зийнату пардоздан устун эди Зулфия опамизда...

Мен устознинг қатор қайнсингиллар, қайнука ва Комила буви билан бирга яшаган йилларида ўзларини қандай тутганларига ҳам қизиқаман.

— Раҳматли Комила бувимни аям ҳам қаттиқ севардилар, иззат-ҳурмат қилардилар. Бувингдек оқила аёл бошқа бўлмаган. Мен бувингдан ота-она меҳрини, ардоғини кўрдим. Мен бувингнинг сира қалқмас ишончига сазовор бўлдим, дедилар. Бувим ҳам аямни қизларидан ортиқ севиб, нимаики яхши нарса бўлса аямга илиниб, аям ишга кетсалар, дарвоза ёнига чиқиб кутиб ўтирардилар. Аям қайнсингиллари ва қайин-укаларининг ўқишига, ҳаётда йўл топиб олишларига, тўйларига меҳр билан бош-қош бўлиб, қўлларидан келган ёрдамни аямадилар...

Зулфия машҳур «Мушоира» шеърида жаҳон шоирлари мушоира даврасига пойафзалларини ечиб, тозаланиб кирганларини ёзади. Демак, шеъриятга, севги оламига, оила эҳромига ҳам бор қусурларни мисоли оёқ кийимидек ечиб, покиза қалб, покиза ният билан кирмоқ нақадар жоиз ва улуғ саодатдир. Ана шунинг учун ҳам Зулфия улуғ инсон, табаррук аёл, атоқли шоира бўлиб, халқ ардоғида 82 йил яшади. Жаҳон мушоираларида овози баланд жаранглади. Халқаро мукофотлар, совринлар соҳибаси бўлди. Катта анжуманларнинг энг тўридан ва юзлаб жаҳонгашта шоирларнинг қалбидан жой олди.

Суҳбатлари мухтасар, сўзлари мунаввар, муҳаббатига, халқига садоқатли шоирамиз ўз халқининг дилида, тилида яшаб қолди. Шоир Миртемир Зулфияни «Тонгнинг ўзидай рост ва ёрқин!» деб таърифлаганида нақадар гўзал маъно бор. Демак, аёл, у ким бўлишидан қатъи назар Зулфиядек пок бўлсин, ибо-ҳаёни, ҳалолликни, сўзига садоқатни шиор қилсин. Зулфиядек эътиқоди, имони бутун, Зулфиядек халқига айтар сўзи, севгиси бўлсин!

Ўзинг ташна этдинг, ўзинг сув тутдинг,  
Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим.  
Сени сева-сева мен бойиб кетдим,  
Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!





**Раҳима Шомансурова,**  
*Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист*

## ИХЛОС

Ҳаммамизнинг Устоз билан биринчи учрашувимиз, албатта, сиртдан: у кишининг шеърларини ўқиб, шеър сеҳрига «ғарқ бўлишдан», ғойибдан уларнинг муаллифига «кўнгил қўйишдан» бошлангани рост.

Зулфияхонимнинг тор сатрларида жой талашган кенг фикрли, ҳар банди кўпни кўрган, кўпни туйган, аммо ҳамиша ҳар қадами инсоннинг кўнгил отлиқ, нозик оламини кашф қилишидан ўзи ҳам ҳайратланиб, ўзгаларни ҳам ҳайратга солган, ҳамиша ўзига ўзи ҳайрат, ҳаяжон излаб топган шеъриятига мен ҳам таъзим қиламан. Бунинг улуғ шеърият, буюк шеърият эканига жичча гумоним йўқ, сабабики ўн беш ёшимда бу булоқдан қанчалик баҳра олган бўлсам, элик ёшимда ҳам ҳайрат ва ихлос ўти заррача сўнгани йўқ. Аксинча, бу ҳайрат, бу ихлос бўлмаганида қандай яшардим, деган саволнинг ўзидангина томирларим музлаб қолай деганини ҳис қиламан.

Улуғ ҳайрат ва ихлоснинг илдизи, жон булоқлари қайда, деб ўзимдан ўзим сўраган вақтларим кўп бўлган.

Ҳаётнинг пасти-баландини кўрган, иссиқ-совуғини туйган, қаттиқчилик кўрган донишмандгина ҳақиқий донишманд бўлиши, оғзидан чиққан ҳар бир сўзи ҳикматдек талқин қилиниши мумкин деган гапни кўп эшитганман. Зулфия опанинг шеърияти ўз чўққисига «Осонгина кўтарилган» ёки (худо асрасин!) «олиб чиқиб қўйилган» шеърият эмас. Бу – ўтга ҳам, сувга ҳам тушган қалб шеърияти!

Зулфиянинг юраги ҳеч қачон гипсга солиб, атрофдан муҳофаза қилинмаган, шамол ва бўронлардан тўсилмаган, зардоб чашмасининг кўзи атай беркитилиб, қувонч-шодлик чашмасининг кўзи атай очиб турилган эмас:

Чорладинг, жонимни ташладинг тенгсиз куч, жасорат  
жангига,  
Англадим: Лутфийдек куйласам буюк дард ва қудрат  
борлигин!

Ёки яна:

Аёзинг, ўтинга кўксимни бериб,  
Армонни танидим, бахтни танидим!

Шунинг учун ҳам Зулфиянинг шеърларини ўқиганингда ўзингни гоҳ ўтта, гоҳ сувга тушгандек ҳис қиласан. Лекин унисидан ҳам, бунисидан ҳам омон чиқасан. Омон чиққанда ҳам томирларингда умидворлик тўлқинларини ҳис қиласан. Зулматдан сўнг ёруғликнинг келишига, бир ёмонликдан сўнг икки яхшилик бўлишига ишонасан!

На масъуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу,  
Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар!

Мен бир мухлис сифатида, аёл сифатида айнан Зулфиянинг шеърлари умидсизлик оламидан (оҳ, неча бор!) олиб чиққанини ўзимда ҳис қилганим учун ҳам ишонч билан айтаман — бундай шеъриятга бош эгсанг арзийди! Агар менга ижозат беришса эди, Зулфия шеъриятини ҳамда унинг ўзини шуҳрат чўққисига олиб чиққан пиллапоярларнинг ҳар бирига бирма-бир ном қўйиб чиқардим: Истеъдод, Меҳнат, Ростлик, Поклик, Қатъият, Фидойижонлик, Жасорат, Садоқат, Қарздорлик... Ҳа-ҳа, Қарздорлик, яъни «Божлиман элиму, юртга бир умр!» деб баралла айтиш...

Чунки саксонга кириб ҳам, бир дунё девонлар, бир дунё шогирд, бир дунё мукофотлар, бир дунё обрў ва бир олам меҳрга эга бўлиб туриб ҳам:

Мулки лак-лак дилни этмакман аён,  
Биласиз, яшадим риёдан олис,  
Шеърият кечирсин, кечирсин шеърхон,  
Замона зуғмидан бўлмадим холис.

Гоҳ товушим етмаса санаманг сукут,  
Шояд тарк этмаса дийдаларни нур,

Шеърият санъати бўлмади унут,  
Божлиман элиму, юртга бир умр.

деб ёзиш учун айнан Зулфия бўлиб дунёга келиш, айнан Зулфия бўлиб яшаш керакдир! Шундай устозимиз борлигидан ҳаммамиз ҳам гурурланамиз.

Республикамиздаги бир гуруҳ хотин-қиз ижодкорларни Зулфия мактабининг қизлари деб аташади. Булар хоҳ шоира, хоҳ журналист, хоҳ ёзувчи, хоҳ бастакор (мен бу ерда ижод қилмасалар ҳам Зулфияни чин Аёл деб билиб, унга ўхшашни орзу қилганлар, унга эргашганлар ҳақида айтмаяпман) бўлишидан қатъи назар, Зулфия мактабида сабоқ олганларидан бахтиёрлар.

Устозимиз истеъдоди шундай буюк уммонки, ундан биримиз Ёниқликни, биримиз Ҳассосликни, биримиз Жасоратни, биримиз Енгувчанликни, биримиз Ростгўйликни, биримиз Қатъиятни, биримиз Фидойиликни, биримиз Меҳридарёликни олдик. Ҳамон кўп нарса олаяпмиз... Борини шеъриятга, шогирдларига, халқига бахшида этган, Зулфия опа эса бундан асло кам бўлганлари йўқ. Аксинча, уларнинг ўзлари туганмас, шукуҳли ва шуурли мавзуга айланиб бораптилар.

Шогирдлари камолатининг бир қаноти устознинг уларга меҳри бўлса, иккинчи қаноти шогирдларнинг устоз билан бўлган учрашувда юракларига жо бўлиб, йиллар оша ҳатто сочларига оқ оралаганда ҳам сақланиб қолган, тобора меҳрга тўлиб борган Ҳавас ва сўнмас Ихлосдир.

\* \* \*

Кишилар билан учрашув, танишув ҳар хил бўлади. Ҳар сонияси хотирамда муҳрланиб қолган Зулфия опа билан биринчи марта учрашиб, юзма-юз суҳбатлашишга муяссар бўлганимга ҳам қирқ йилдан ошибди. Шу йиллар ичида қанча ўзгаришлар бўлмади, дарёю ирмоқлардан қанча сувлар оқиб ўтмади. Аммо у кишига нисбатан самимий, биринчи муҳаббатдек бокира меҳрим, ихлосим асло камайгани йўқ. Аксинча, ўша илк туйғу тобора ўсиб, камолга етиб борганини сезаман, шундай инсонни таниш, билишга мушарраф этганидан тақдирга шукурлар айтаман.

...1962 йилнинг апрель оии эди. Ўрта Осиё дорил-фунунлари талабалари илмий жамиятларининг навбатдаги анжумани Душанбе шаҳрида ўтказилиши керак эди. Анжуманда иштирок этадиган талабалар тайёргарлиги тугаб қолганда мени факультет декани Лазиз Қаюмов хузурига чақириб қолишди.

– Нима учун Душанбега борадиганлар рўйхатида сен йўқсан? Бошқалардан қаеринг кам? – дедилар хонага киришим билан.

– Домла, мен талабалар илмий жамиятига аъзо эмасман. Келажакда мендан олим чиқишига ҳам ишончим йўқроқ, – дедим ҳайратимни ҳазилга йўйиб.

Талабалар билан сенлаб гаплашаверадиган домла улар орасида «ўз одам» ҳисобланарди.

– Олим бўлиш – сен ўйлаганчалик қийин иш эмас. Бошқалардан кам жойинг йўқ. Русча сўзлашишда русларни қолдирасан. Анжуманда рус тилида маъруза қилинади. Тезда мавзу олгин-да, тайёрлан! Аввал маърузангни менга кўрсатасан. Машилкада ўн варақдан ошмасин. Мавзуси... Зулфиянинг янги шеърларига шарҳ ёзақол... Икки кун кутубхонада ўтириб жиддий шуғулланасан, мен кўриб чиққандан сўнг Зулфия опанинг ўзига ҳам кўрсатсанг яхши бўларди.

Катта анжуманда ўқилиши керак бўлган маърузани ёзишим кераклиги бир сари, яна уни Зулфиянинг ўзига кўрсатишим кераклиги юрагимни ҳаприқтириб юборди. Шундай буюк одам билан қандай учрашаман!?

Ҳолбуки, унда ҳали Зулфия опа эллик ёшга ҳам тўлмаган, қатор-қатор унвон ва мукофотларнинг кўпи ҳали йўқ эди.

Зулфиянинг ўшандаги янги чиққан тўплами, Москвада нашр қилинган «Лирика» асосида маъруза ёздим. Домла айтган муддатда келтириб кўрсатдим. Маъкул кўриб:

– Опанинг ўзларига ҳам кўрсатиб ол! – дедилар.

«Навоий кўчаси, 30-уй» деса республикадаги жамики қаламкаш яхши биладиган бу улкан бинога мактабда ўқиб юрган чоғларимда ҳам кўп келганман.

Шу муҳташам бинонинг учинчи қаватига кўтарилиб, Зулфия опа хоналари қаршисида тўхтадим. Қани энди журъат этиб эшикни оча олсам...

Ўша куни маърузамни ўқиб бера олмадим. Зулфия опа иш билан қаергадир шошиб турган эканлар. Эртаси куни

эрта билан уйларига боришимни, бафуржа биргаликда кўриб чиқишларини айтиб узр сўрадилар.

Эртасига Зулфия опаникига курсдошим Мукаррама Аҳмарова билан бирга бордик. Мукаррама ўша маҳаллада турарди. Яна бир томони адабиёт аҳлига яқинроқдек эди: акаси Ҳожи Аҳмар ёзувчи, киносценарийчи, бир неча фильм кўйган режиссёр дейишарди.

Икковимиз пештоқига «Композиторлар кўчаси, 10-уй» деб ёзилган дарвозага яқинлашдик. Дарвозага туташ уй бурчагига «Бу уйда 1941 – 1944 йилларда атоқли адиб Ҳамид Олимжон яшаб ижод этган» деган ёзувли мармар тахта ўрнатилган экан.

Мукаррама негадир эшикни тақиллатмай кираверди. Мен эса оёғимда титроқ тураётганини ҳис қилардим. Аста ҳовлига кирдик. Биринчи кўзим тушгани – қийғос очилиб турган лолалар бўлди. Қизил, сариқ, атлас лолалар!

Орада Мукаррама зинадан кўтарилиб деразаними, эшикними чертди. Айвон четидаги эшик очилди. Зулфия опа!

Аммо улар кеча таҳририятда кўрганим аёлга ҳам ўхшар, ҳам ўхшамасдилар. Эгниларида майда тароқ атлас кўйлак, узун сочлари елкалари узра орқалари билан битта эди. Ҳар бир аёлда самовийлик бўлади, дейишарди. Зулфия опа ҳозир кўпроқ, қандайдир мен тасвирлашга ожиз «самовийлардан» эдилар.

– Кечирасизлар, сочимни қуритаётган эдим, - дедилар, – қани, ичкарига киринглар!

Уйда бошқа ҳеч ким йўқ экан. Зулфия опа бизни столга таклиф қилиб, ўзлари чой дамлаб келдилар. Чойнакни ликопча устига қўйиб, – салфетка-дастурхончани кўтардилар. Унинг остида тўрт-беш нафис биллур идишларда конфет, бодом, ёнғоқ, хандонписта, майиз бор экан. Зулфия опа уларни бизга яқинроқ, суриб қўйдилар, нон ушатдилар. Пахта гулли пиёлаларда чой узатдилар. Мен ҳамон ҳаяжонимни босолмасдим.

Кейин маърузамни ўқидик. Диққат билан тингладилар. Бир-икки ерига тузатиш киритдилар.

– Оз бўлса-да, Шарқ поэзиясида хотин-қиз шоираларнинг ўрни ҳақида гапириб яхши қилибсиз, – дедилар, – аммо Зебуннисони ўзбек шоираси десангиз, тожик биродарлар қаттиқ мунозара бошлашади. Сиз ҳали бу мураккаб масалада

мунозара қилишга ёшлик, кучсизлик қиласиз. Яхшиси, тортишувни катта олимларга қўйиб беринг! Аслида қадимги катта шоирларимиз бир эмас, бир неча тилни мукамал билиб, кўп тилда ижод қилишни шараф ҳисоблаганлар. Кўп Шарқ шоирларини дунё миқёсига олиб чиққан нарса ҳам кўп тилни эркин билишлиги бўлган.

Суҳбатимиз мен кутгандан узоқроққа чўзилди. Аммо вақт қандай ўтганини сезмай ҳам қолдим. Шеърларнинг, хусусан, Зулфия опа шеърларининг русчага таржимаси хусусида тортишиб кетдик. Маърузам рус тилида ёзилган бўлгани учун мисол тариқасида келтиришга мажбур бўлган таржималарнинг бўшлигини, уларда Зулфияга хос лиризм пастроқ пардада ифодалангани ҳақида қуюниб гапирибман. Орада беш-олти тўртликни мисол тариқасида ўзбекча, кейин унинг Светлана Сомова таржимасидаги русча вариантыни ёддан ўқиб бердим.

– Русчани шундай яхши билар экансиз, қандай қилиб аслидан пастроқ савиядаги таржималарнинг нашр этилишига рухсат бердингиз!? – деб ҳайратимни яшира олмадим.

Зулфия опа анчагача жим қолдилар. Кейин эса у кишини яқин билган вақтларимда азиз бўлиб қолган ҳаракат – хаёлотнинг оғир пардасини сидириб ташлаётгандай кафтлари билан кўзлари, юзларини сийпаб қўйдилар.

– Ҳа, шеърни яхши кўрар, яхши тушунар экансиз. Шеърни яхши кўрган одамдан ёмонлик чиқмайди. Шеър учун, унинг бошқа халқлар тилида ҳам муносиб жаранглаши учун шунча қуюнишингиз ҳам ёқди менга. Инсон умри давомида, биласизми, ҳар хил синовларга дуч келаркан. Тўғри айтдингиз: рус тилини яхши тушунаман, гарчи жуда-жуда яхши гапира олмасам ҳам (кейинчалик Зулфия опанинг катта-катта анжуманларда, шеърият кечаларида рус тилида сўзлаганларини кўрганимда, ҳам чиройли, ҳам нозик иборалар топиб ҳаммани ўзларига қаратганларида, ўша кунги камтарликларига кўп тан бердим).

Яна назаримда хаёл у кишини биздан узоқ олиб кетди. Чакки айтдим шу гапни, хафа қилиб қўйган бўлсам-а, деб қийнала бошладим.

– Ҳозирги ёшларимиз анча кучли, – дедилар улар мамнуният билан. Зулфия опанинг ёшлар билан ғурурланишларини ўшанда биринчи бор ҳис қилганман.

Ўша куни Зулфия опадан энг янги шеърларидан ўқиб беришларини илтимос қилдим. Ўзлари ҳам янги битилган шеърлар ҳаяжонида юрган эканларми, кўндилар. Ҳали ҳеч қаерда эълон қилинмаган «Қатра», «Океанда»ни ўқиб бердилар. Мен бу шеърларнинг ҳар мисрасига жо қилинган катта кечинмаларни унда ҳали тушуна олмасдим. Ёш эдим. Шеърни тушуниш учун ҳам одам маълум даражада етилиши, ички кечинмалари ўшанга яқинроқ бўлиши керак. Шундай бўлса ҳам, Зулфия опанинг ўзлари ўқиб берган бу шеърлар мени қаттиқ ҳаяжонга солган эди. Улардан бир нусхадан сўрадим. Тожикистонда, маърузамни тугатгач бу шеърларни она тилимда ўқиб бериш истаги туғилган эди.

– Одатим, ҳали эълон қилинмаган шеърларни бермасдим. Бир-икки ўртоқларга ўқиб берган эдим, маъқул бўлди. Эртага радиода эшиттиришади. Шунинг учун майли, ола қолинг, – дедилар Зулфия опа.

Фақат шу шеърларнигина эмас, ўша куни Зулфия опамлардан яна бир китоб ҳам олиб кетганим эсимда. Москвада эълон қилинган китобларини топа олмаётганимни, тожик ўртоқларга ўзимдаги китобни беришга қизғанаётганимни айтдим. Китобни «қизғанаётганимни» эшитиб кўзлари нурланиб кулиб қўйдилар-да, ичкаридан худди шундай бошқа китоб олиб чиқдилар. Тожикистон дорилфунуни талабаларига чиройли дастхат ёздилар. Кейин «ўз» китобимни узатдим. Унга қуйидагиларни ёзиб бердилар: «Раҳимажон! Қалбингиздаги муҳаббат, шеърга бўлган муҳаббатни сезиб турибман. У шеърят ирмоғига айланиб, шеър бўлиб кишилар дилига қувонч бағишласин. Опангиз Зулфия. 14.IV.62 йил».

Ўша, 1962 йилнинг апрелида Зулфия хонадонидан чиқиб кетаётганимизда менга ва дугонамга ўз қўллари билан бир даста лола узиб бердилар. Биринчи кўзим тушганидаёқ, қалбимга лов этиб кирган қизил, сариқ, атлас лолалар!

Устоз мени, билмам, нечанчи шоғирларини беназир меҳрилари билан шу тариқа қайноқ бағриларига олдилару, жавоб меҳрим, ихлосимни ҳам оловли, ҳам беадад қилдилар.





**Муҳтарама Улугова,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган*  
*маданият ходими*

**БАҲОРДАЙ САХОВАТЛИ ЭДИ**

1 март — баҳорнинг илк куни. Неча-неча йиллар давомида қалбимизда айна шу кун қувончларига яна бир катта ҳаяжон муштарак эди — 1 март азиз Зулфия опанинг таваллуд кунлари. Қизил чиннигулларни яхши кўрардилар. Ҳеч биримизнинг кўнглимизга ортиқча ҳозирлигу ҳашам ташвиши тушмасди. Уч киши бўламлими, ўнта қизу аёлларми — бир даста қизил чиннигул билан Зулфия опанинг мунаввар бағридан меҳру эъзоз уфуриб турган хонадонларига кириб борардик.

Бугун қалбларимиздан сизиб чиққан соғинч қатралари мукаррам, муаззам Зулфия опанинг мангулик хобгоҳлари узра унган илк гулу гиёҳларга томди. Илоҳи, раҳматига фарқ айласин.

Неча ўн йилликлар давомида адабиётга кириб келган қизлар, аёллар учун ҳақиқий ғамхўр инсон, кимнинг қаламидан чиққанидан қатъи назар (у ёшми, кексами), унга тан бергувчи шеърхон, бошқаларга ёрдам беришга ҳамиша тайёр-у, аммо бу ҳақда ҳар қандай оқибат шароитида ҳам оғиз очмайдиган меҳрибон... эдилар Зулфия опа. Шундай фазилатларни рўзи азалда Оллоҳ, руҳу жонларига омухта қилган бўлса керак. Ўз шахсий манфаатлари йўлида инсонийликка заррача ғубор тушириши мумкин бўлган барча ожизликлардан еру осмон қадар юксакда яшардилар. «Зулфиядек дунё таниган шоира, арбоб» олдида ўзгаларнинг ҳам қадр-қиммати, кўнгли, иззат-нафсига озор етишига зинҳор йўл қўймас эдилар.

Зулфия опанинг меҳрлари, ишончларини қозониб, катта умидларига, қай фурсатлар бағриларини тўлдирган ғурурларига сабаб бўлгач, еттинчи осмонларда учиб юрдик. Олдинма-кетин



у кишига атаб шеърлар ёздик. «Устоз» деб атадик. Бугун мундоқ ортга ўгирилсак, эҳ-ҳе, умрнинг кўпи ўтиб, ози қолдим ёки аксинчани — Оллоҳ билади, лекин ёш эмасмиз. Ҳаётда ҳақиқий устозлар Зулфия опа каби ўзига ихлос қўйган ёшларга фақат шеърят сирларинигина англамайдилар. Ҳақиқий устоз ҳар жиҳатдан ибрат, муаллим.

Ҳақиқий шогирд-чи? У ўзи танлаган соҳа ёки йўлга мустаҳкам тушиб олса, шунинг ўзи басми?

Инсон боласи гофилликка мойил. Лекин қачондир кўнгилик кўзлари очилиши керак. Бугун кўзимиздан сизаётган ёшлар фақатгина Зулфия опани қўмсаган дил соғинчларими? У кишидек маънавий таянчга ташналигимиз учунми? Балким пайти келганда катта-катта минбарлардан бағримизни тўлдириб «Устозим!» — деб шеърлар ўқиган эсак-да, ҳаёт саҳифаларини варақлашда, турмуш китобини ўқишда ҳаминша ҳам Зулфия опадек бўлолмаганимиз аччиқ армондир...

Зулфия опанинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари, хотиралари кўнглимдан такрор-такрор ўтаркан, бу сиймо яна ҳам юксаклашиб бораверади. Ўзининг ожизликларинг, худпарастлигинг, иккиюзламачиликларинг лошингни яна ҳам пастга судрайди. Эй, Парвардигори олам, ўзинг шафқат қил! Бир умр шундоқ яшаб бўлмайди. Ана, қаттиқ ерни ёриб чиққан нимжонгина гиёҳлар ҳам офтобга интиляпти. Кўнгилик мулкида улуғ инсонлар ибрати бўлган кимса учун бу ҳам Оллоҳнинг бир инояти эмасми? Бу ҳаётинг мактабдан ибрат олмай ўтиб кетмоқ... Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек, баайни ҳаммомдин нопок чиқмоқ билан тенг эмасми?

\* \* \*

Хонада ишлаб ўтирардим. Зулфия опа қўлларида уч дона митти гуллар билан кириб келдилар. Ердан қор кетар-кетмас очиладиган ангишвонадеккина гуллар бор-ку!

— Бу — сизга! — дедилар кўзларида ҳаминша ўзларига ярашимли ифода билан. — Марказқўмга мажлисга боргандик. Пиёда қайтсак, йўл четларида очилибди. «Бугун Муҳтараманинг туғилган куни», — деб териб олдим.

Бу воқеага неча йиллар бўлди. Каттаю кичик гулдасталар насиб этди. Бироқ...

Зулфия опа ўша мунчоқдек гулларни қўлимга берганларида, дилимдан: «Шундай обрўли, машхур одам оддийгина ходими учун эгилиб йўл четидан гуллар терса!» — деган ўй хаёл ўтган эди. Кейин бу туйғу умрбод кўнглимни кўтарадиган миннатдорчиликка, эҳтиромга айланиб қолди.

\* \* \*

Зулфия опа муҳаббат туйғусини ҳар бир кўнглининг пинҳоний бойлиги деб, ўз қалбларидаги катта севги ҳақида фақатгина шеърлар ёзардилар.

Кунлардан бирида мен у кишидан Ҳамид Олимжон билан кечирган йиллари хотираларидан сўзлаб беришларини сўрадим. Ҳар доимгидек:

— Улар маним ўзимнинг бойлигим, — деган жавоб қайтардилар. Шунда:

— Зулфия опа, биз китобий қаҳрамонларнинг муҳаббатини ибрат қилиб гапириб юрамиз. Сизларнинг севги, садоқатингиз эса ҳаётнинг ўзи-ку! Бу ҳақда билишга кўпчилик қизиқади, — дедим.

Энди... ушалмас армон бўлиб қолди. Нега шу журъат, қатъият аввалроқ келмаган экан?..

Айни ўша кунлари бир туш кўргандим: катта гулдор кўрпа. Жуда ҳам чиройли. Устига беҳисоб марваридлар сочилган. Марваридларнинг кўпи қўшалок-қўшалок, худди буғдой бошоғига ўхшаб ғужум-ғужум эмиш. Мен уларни тераяпман. Аввал қўшалокларини термоқчи эмишман. Лекин марваридлар шу қадар кўп эдики, бир қисмгинасини кафтимга олдим, холос. Уйғониб кетдим...

Бу рамзий туш Зулфия опанинг севги хотираларига тааллуқли эмасмиди? Мана, ўша хотиралардан бир қатрасини ёзай. Зеро, беҳисоб марваридлар ул нурли қалб дарёсининг тубида ярақлаганча кетмадимикин?

...Акалари ўша даврнинг ўқимишли кишиларидан бўлганликлари учунми ёки ўзларидан катта опалари куёвга узатилиш арафасида беҳос дардга чалиниб вафот этганидан куйиб қолган ота-она тақдирларига насиб этиб турган ёлғизгина қизларининг бахту саодатли бўлишини тилаганликлариданми, Зулфия опанинг ўқишлари, юриш-туришларига анча эркинлик берадилар. Балким, у ҳам эмас, бу ҳам эмас,

улар қизларининг ахлоқи, одоби, ўзини тута билишига қаттиқ ишонишгандир.

—Ҳамид Олимжон кўчамизнинг бошигача кузатиб келарди, — дея сўзлаб бергандилар Зулфия опа. — Кўчанинг бир тарафида мен, иккинчи томонида Ҳамид ака келаверардик. Баъзан шом туша бошласа, дарвозамизнинг олдигача кузатиб келардилар. Ҳовлимиз катта, гулзору мевазор эди.

«Қанийди, мана шу ҳовлидаги бир гулнинг тагида ўтириб тонг отгирсам», — дер эди Ҳамид Олимжон...

Гап айланиб, ўн йиллар муқаддам босилган бир асардаги Ҳамид Олимжон билан Зулфия опа муҳаббатига тааллуқли дилни хира қиладиган фикр ҳақида сўрасам: «У одам сира ҳам бунақа гап айтадиганлардан эмасдилар», — деган қисқаю қатъий жавоб бўлди.

Зулфия опанинг узоқ йиллар яқинларидан бири бўлган Холида опа Аҳророва сўзлайдилар: «Зулфия опа ҳаттоки Ҳамид Олимжоннинг бирорта ювилган кийимини дорда ёлғиз қолишини ҳам истамасдилар».

29 ёшда севган кишисидан ажралиш... Жисмнинг, руҳнинг, ҳаётнинг қарама-қаршиликларини синовларини мағрур енгиб узоқ йиллар яшаш осонми, қийинми? Чин муҳаббат билан мунаввар бўлган ўн йиллик чин маънодаги бахтли умрнинг руҳи Зулфия опани ҳаётларининг охиригача қўллаб-қувватлаган бўлса, ажабмас.

«Ҳеч ким Ҳамид Олимжонга ўхшамайди, ҳеч ким ундай бўлолмайди», — дедилар Зулфия опа.

\* \* \*

Давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов шахсига нисбатан қисқа давр ичида бўлган икки хил муносабат айрим ўзига хос табиатлилар учун кўзгу вазифасини бажарди.

Зулфия опа Рашидов на қораланган, на оқланганда у ҳақида хотиралар ёзмади. Ҳаттоки, «жабрдийда»ларнинг ҳасратлари дарёга айланган кунларда Ёзувчилар уюшмасининг минбаридан туриб: «Зулфия опа, сиз нега индамайсиз?» — деган сўроқлар ҳам бўлди.

Аёл қалбининг бу қадар матонати, мардона тан олиш керак, ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Гоҳ, адолатсиз тузумнинг сохта гуллар билан безатилган аравасига чиқиб

олиш учун жонни ҳовучлаб югурмай, гоҳ яхшию ёмонни аралаштириб устидан тухмат, бало қуядиган қора қозонига ўт қаламай улугвор яшадилар Зулфия опа. Чунки бу ҳаракатларнинг заминида энг катта ожизлик — ўз-ўзини яхши кўриш, ўз манфаати учун жонсараклик, қурбонлик ётади. Зулфия опа бундай туйғулардан жуда-жуда йироқда, юксакда яшадилар. Ўз шаънларига заррача губор тушириши мумкин бўлган каттаю кичик манфаатларни қатъиян рад этардилар.

\* \* \*

Муҳарририятнинг ички ишлари ҳақида сўз кетганда: «Асосий оғирлик бош муҳаррир ўринбосарининг зиммасига тушади», — деган гап юради.

Зулфия опа жуда масъулият билан ишлардилар. Ҳаттоки бетоб бўлиб қолсалар ҳам, «Саодат»да босиш учун тайёрланган ҳамма материалларни ўзлари кўрардилар. Кўрганда ҳам, нафақат маъноси, мақсади, бадиияти, стилистикасига эътибор берардилар, балким ҳар бир сўзнинг нечоғли ўз ўрнига тушганлигига эътибор берардилар. Халқ оғзаки нутқида ишлатилганда бошқачароқ маъноларни ҳам англатадиган сўзларни қўллашда эҳтиёткор бўлишни таъкидлардилар.

Қўл остиларида ишлайдиган ходимлардан биронта одамга муҳарририят фаолиятига тааллуқли бўлмаган вазифа топширганларини ҳеч кўрмаганман.

\* \* \*

Саксон ёшлари яқинлашиб келаётганди.

— Мундоқ ўйлаб қарасам, тугунларни тугиб-тугиб қўядиган кунларим яқинлашиб қолибди, — дедилар Зулфия опа. — Лекин менинг устозларим олдида узилмаган қарзларим кўп экан. Бизнинг тенгдош, тақдирдошларимиз оз қолдилар. Фафур Фулом, Миртемир ака, Ойбек ака, Ҳамид Олимжон, Шайх ака ҳақида айтишим керак бўлган гапларим кўп.

Зулфия опа шуларни гапирардилар-у, мен бу вазмин, салобатли, дунё таниган шахснинг “Устозларим!”— деб алоҳида эҳтиром билан сўзлашларидан яна ҳайратланиб ўтирардим. Тавба, кейинги даврда бир-иккита тўплами чиқиб, газетада у ҳақда битта-яримта мақтов мақола босилса,

«Фалончи менинг устозим», — демоққа тили келишмай қоладиганлар кўп. Зулфия опа эса шунча шону обрў билан умрларининг охиригача қалбларида ўз устозлари олдида қарздорлик, уни узиш ниятини кўтариб ўтдилар.

Ўшанда бир ой мобайнида муттасил ишлаб, Зулфия опанинг Фафур Фулом ҳақидаги хотираларини бир мақола қилгандик. Уч қайта деярли янгидан ёзилган бу мақоладаги ҳар бир сўз, ифода Фафур Фуломнинг ҳам шоир, ҳам инсон сифатида улуғлигини кўрсатиши керак эди — Зулфия опа шуни таъкидлар эдилар.

\* \* \*

Оллоҳ, Зулфия опани ҳам зоҳиран, ҳам ботинда гўзал, нозик қилиб яратган экан. Ҳамма нарсанинг чиройли, дидли бўлишини яхши кўрардилар. Ва айна шу туйғу уларнинг табиий эҳтиёжига айланган эдики, бунга кўз-кўз қилиш ва ўзларини бошқалардан ажратиш кўрсатишга уриниш одатлари йўқ эди. Кийимлари ўзларига ярашимли, атрофдагиларнинг ҳавасини келтирадиган даражада бўларди. Лекин кўпчилик аёлларга ўхшаб Зулфия опа атрофдагилар бу либосларни мақташларига, олқишлар айтишига сира йўл қўймасдилар.

Ўзгаларнинг дардини кўтариб юрардилар, ёрдамга тайёр эдилар. Лекин ўзларининг на жисмоний дардларини, на кўнгил оғриқларини айтмас, шарҳламас эдилар. Узун кечаларда шу оғриқларни енгишга умрларининг қанчаси сарф бўлдикин?.. Ҳаттоки, бетоблик оқибатида ўзларига қаролмаган бўлсалар, бундай пайтда бошқаларга кўринишни, дўсту қадрдонларнинг дилини инжитишни истамасдилар. Ҳамиша одамларнинг кўнглини кўтариш, кайфиятини чоғ этиш, умид ва ишончини мустаҳкамлаш, яхши сўз ва яхши амал билан яхши хотира қолдириш Зулфия опанинг одатлари эди. Устоз умрларининг охиригача шундай бўлиб қолдилар.

\* \* \*

Зулфия опанинг аёлларга, ижодкор хотин-қизларга муносабати ҳақида жуда кўп шоираю адибалар алоҳида-алоҳида ёзсалар арзийди. Бир гаплари сира ёдимдан чиқмайди.

«Агар аёлларга ҳақиқатан ҳам ғамхўр, сирдош, кўмакчи бўлмасак, бизларнинг биронтамизга ҳам «Саодат» журналида ишлашимиз керак эмас», — деган эдилар устоз. Бу гапларини бир умр ўзлари ҳаётда исботлаб ўтдилар. Нафақат «Саодат» журнали муҳарририяти даргоҳида, балким ҳамиша, ҳар жойда аёл шахсига муҳаббат, эҳтиром, эъзоз билан муносабатда бўлдилар. Зулфия опа олдиларида ўзгалар ҳам аёлга нисбатан бошқача бўлолмасди.

Етмиш йил давомида Шарқ аёли қадр-қимматини «ожиза, чўри, илмсиз» деб ерга урган, хўрлаган замонда Фафур Ғулом Зулфия опа ҳақларида: «Муаззам Шарқ намоёндин сенинг покиза жонингда», — деб ёзган. Шоирани бир қадар билган, қалбини анлаган одам Фафур Ғуломнинг нақадар топиб айтганига тан беради.





**Яйра Саъдуллаева,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими*

### **ЗУЛФИЯБЕГИМ**

Ажабланманг, сизга эртақ битгим келаяпти. Кўлингизга субҳидамда туггим келаяпти. Майли, энди бошлай қолай содда бўлса ҳам...

Бир бор экан, бор бўлганда ҳам оқила, зукко ва донишманд аёл бўлган экан. Барчиной келбатли, қадди-қоматли, Лайли тароватли, Шириндек иззатли, сочлари қамчиндай, юзлари-кўзларидан нур тараларкан. Шу нур ифбатли бир жозига айланиб, кишилар қалбига эзгулик улашар экан. Уни одамлар аллома аёл дерканлар. Онаси уни тўрт ўғил ичида «гулгунчам», «шоира қизим», деркан. Онанинг меҳри дарёдек тошиб, офтоб жилвасидек таралиб, халқ қалбига ҳам етиб борибди. Энди уни элу юрт ҳам «шоира қизим», деб ардоқлайдиган бўлибди. Чунки шоира шундай шеърлар битарканки, ўқиганлар мириқаркан, юрагида қувонч бўлса, тўлқин ураркан, дарди бўлса... шоира шеърлари дардига малҳам бўларкан. Муҳаббат гулларидан пояндоз ёзилган кунлар, гулдек қизғалдоғию, Алпомиш ўелонининг севинчига бахшида битиклари севгининг шароби янглиғ барқ ураркан. Назм дасталари ҳаёт юзини кўрганда янги фарзанд дунёга келгандек бахт бераркан. Шоир инсонга маҳбуб бўлмоқликнинг ўзи уни ижод гулшанида жавлон урдирар экан.

Эвоҳ, кутилмаганда бу гулшанни қаро булут босибди, бахтли ошига бахтсизлик луқмаси кўшилибди. Фожиали ўлим Фарҳодини — давлат-паноҳини олиб кетибди. Бир кечада тим қора сочлар оппоқ оқарибди. Энди унинг ҳижрон шеърлари оламни титратибди. Ўқиганлар ундаги оху нолага чидаша олмабди. Биргаликда фарёд чекишибди. Лекин аёл шунчалар қудратли эканки, икки фарзандини, фарзандлари каби азиз шеърларини бағрига босиб ўзини тутиб олибди.

Дард ўтида ёзганлари унинг шоҳ асарларига айланибди. «Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда», демиш мисралари оғиздан-оғизга кўчибди. «Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам», деган оташ сўзлари ҳақиқат эканини донишманд ҳаётнинг ўзи исботлабди-қўйибди. Шогирдларидан бирига «Мен Ҳамидни доим ёнимда олиб юрдим», деганлари рост экан.

Шоира аёлларга меҳрини бергиси келаркан. Уларни аяркан. Қадоқ қўлларига қараб, тинимсиз онларига қараб юраги эзилиб-эзилиб кетаркан. Лекин аёл зотини ҳимоялаш, руҳини кўтариш керак-ку, уни ардоқлаш, эркалаш, олқишлаш керак-ку! Шу орзу-ниятни амалга оширмоқ учун жуда кўп йиллар «Саодат» журналини бошқариб борибди.

Аёл ходимларига жуда меҳрибон экан. Ходимлар ҳам уни еру кўкка ишонмас экан. Уларнинг ҳамма кунларида — ташвишли ёки бахтли онларида ҳам устозлари ёнларида экан. Хотин-қизлар таҳририятида аёллар кўп бўлади-да. Шу боис фарзандлар билан боғлиқ таътиллар... Янги чақалоқ дунёга келганини устоз жуда севинч билан кутиб оларкан ва албатта унга ширингина совға тақдим қиларкан. Оҳ, у кунлар, у кунлар...

Қўшни таҳририятлар — болалар журналлари ҳам гўё уларнинг бағрида экан. Меҳрини улардан ҳам дариф тутмас экан. Фақат меҳримикин, ёш бош муҳаррирнинг кўнглига йўл топиб, ишларидан бохабар бўлиб, ўргатиб... Эҳе... Шоира муҳаррирликда ўзига хос мактаб яратгани ҳаммага аён. Одамларга муносабатда улар олдига тушадигани йўқ. Ҳеч қачон, ҳеч ким уларни қабулхоналарида кутиб қолмаган экан. «Кўлингиздан келганча ҳожатини чиқаринг», дер экан аёл.

Кунларнинг бирида унга катта мукофот берилиб, ҳамма табриклабди-қутлабди. Таҳририятга рухсатнома билан киритиларкан. Навбатчи олдида қўлида гул кўтарган кекса киши турганмиш. Ҳужжати йўқ экан, ҳеч қўйишмасмиш. Хабар аёлга етибди. Саккизинчи қаватдан пастга ўзи тушиб, бояги отанинг табриklarини қабул қилибди. Шаънига айтилган дуолар ижобат бўлишини жуда-жуда истабди.

Аёл узоқ яшабди. Ҳаёт ҳаёт экан-да, у вақти, соати етганда оламдан ўтибди. Еру кўк йиғлабди. Сўнг шоиранинг мангуликка айланган иккинчи умри бошланибди. Одамлар, яқинлари, шогирдлари уни қўмсашганда китобларини қўлга олишаркан. Ўрик гулларига боқишаркан. Атиргуллар орасидан



шоира қадди-бастини кўтариб, «Мен шу ердан», деяётгандек бўларкан.

Сизга айтган сўзларим эртақмикин, йўқ. У ҳақиқат. Мухтасар сўзларим буюк шоирамиз Зулфиябегим ҳақидадир. Эртақларга ошно бўлган кўнгилларим ўша аёлни кўргиси, ўша аёл сўзларини яна бир эшитгиси келади. Шунда унинг асарларини қўлимга оламан, уни варақлайман. Уммон-уммон фикр, тўлқинли-тўлқинли сўзлар... дам сокинлик, дам дарё тошқини. Лекин ҳар гал бирга бўлган дамларимиздек елкамдан қучиб, «Омонмисиз?» деяётгандек, илиқ сўзлар айтаётгандек бўладилар. Ҳа, омонман, опажон, омонмиз. Сиз кўриш насиб этган озод юртда омонмиз, лекин юрт юксалишида, эл юксалишида барибир сиз етишмайсиз. Ахир инсон улғайган сари онасини кўпроқ қўмсайдиган бўлиб қоларкан. Мана энди бундан роппа-роса ўттиз уч йил аввал баҳор фаслида бирга тушган суратимизга маҳлиё бўлиб ўтирибмиз. Бахтли эканманки, сиздек инсондан ҳаёт сабоғини олдим, бахтли эканманки, мактабингизни ўтадим. Унча-мунча битганларимга табаррук қўлингизни қўйдингиз. Бахтли эканманки, китоб жавонимда сизнинг китобларингиз, истайманки, озод гулшанимизнинг навқиронлари зеҳнини шеърингиз бойитсин. Муҳаббатнинг заҳматли ва тотли онлари уларга мададкор бўлсин.





**Кутлибека Раҳимбоева,**  
*Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими*

## **МЕНИНГ ЗУЛФИЯ ОПАМ**

Катта-кичик давраларда «Зулфия» исми тилга олинса, ҳеч ким «Қайси Зулфия?» — деб сўрамайди. Ҳамманинг кўз олдига адл қоматли, ниҳоятда хушсуврат шоира Зулфияхоним келади. У киши давраларга кирса, давра бир қалқиб оларди. Кимдир галстугини, кимдир ёқасини тўғриларди. Катта-катта лавозимларда ишлаётган кишилар ҳам Зулфия опанинг ҳузурларида ўзларини ниҳоятда жиддий тутишарди. Ҳатто ўзаро ҳам ҳазил-ҳузул қилишмасди, овозларини қўйиб юбориб кулишмасди. Балки шу қадар салобатлари улуғ бўлгани учун биз ахир — Зулфияхоним атрофида юрадиган ижодкор қизлар: Зулфия опам ундай дедилар, Зулфия опам бундай дедилар, деб гапирсак, кўпчилик: «Ростдан-а?, Зулфиянинг ўз-ўзлари билан гапиришдиларингми? Қанчалар бахтлисизлар...» дея бизга ҳавас билан қарашар эди. Ва биз бу ҳавасдан ғурурланар эдик.

Чиндан ҳам, Зулфияхонимнинг кичик эътибори ҳам биз учун катта эшикларни очиб юборар эди.

Устоз кўпчилик орасида: «Бу қиз жуда яхши шеър ёзади» ёки «Бу қиз менинг қизим» деб елкамиздан астагина қучиб қўйсалар ё рўмолимизми, сочимизними тўғрилаб қўйсалар атрофдагилар бизга бошқача қарашарди. Ишимиз чиқиб бирор идорага борсак ҳам «булар Зулфия опанинг қизлари», дея бизга алоҳида диққат билан қарашарди.

Зулфияхонимнинг бу фоний дунёдан ўтиб кетганларига ҳам ўн йил бўлди. Аммо шоира ҳақидаги хотираларимиз жонли, сўниб, сўлиб қолгани йўқ. Биз — у кишининг меҳр-муҳаббатини кўрган қизлар бир жойга йигилсак, худди кечаги бўлган воқеалар ҳақида гапиришгандай Зулфия опам ундай дегандилар, бундай дегандилар, дея эслашамиз. Қачон

танишганимиз, танбеҳ берганлари, алқаганлари — ҳаммаси ёдимизга келади.

Мен Зулфия опамни илк бор 1976 йилнинг август ойида кўрганман. Албатта, ўшангача ҳамма адабиётни севганлар каби Зулфияхоним ҳақида матбуотда эълон қилинган мақолаларни, ўзларининг асарларини ўқигандим.

Тошкентга ёзганларимни номдорроқ бирор шоирга кўрсатаман, фикрларини эшитаман, «бўлади, ёзавер» деса ёзаман, бўлмаса йиғиштираман дея келганман. Аммо Зулфияхонимдай ўзбек аёлининг номини дунё минбарларида жаранглашиб юрган машҳур шоираи замон билан учрашаман, деб етти ухлаб тушимга кирмаган эди.

...Тошкентда қолиб ижод қилаётган ҳамюртларим маслаҳатлари билан Зулфияхоним ҳузурларига борадиган бўлдим. Ўзимга ўзим қанча далда берсам ҳам: «Бунча ҳаяжонланасан, ахир ёш қизча бўлмасанг, ўқитувчи бўлсанг, ўзингни тут», десам ҳам, барибир юрагим қинидан чиққудай гупиллаб урарди. Иккилана-иккилана кечга яқин «Саодат» журнали редакциясига борсам, Зулфия опам кетган эканлар. Ходимлар бор экан. «Узоқ йўлдан келибсиз, шеърларингизни қолдириб кетинг, эртага эрталаб келинг», дейишди. Тўғриси айтсам, ўша тун деярли ухлай олмадим. Борсам, Зулфияхонимдай ажойиб шоира: «Қизимжон, сиз мактабга бориб болаларингизни ўқитаверинг...» деса... ким деган одам бўламан? Шундай фикр хаёлимга келса, қайтиб таҳририятга боргим келмасди. Аммо ич-ичимда яна бир овоз: «Бор, бор», деб ундарди.

Эрталаб «Саодат»га келиб, қоида бўйича пастдан қўнғироқ қилдим.

«Ҳа, сиз кечаги келган шоирамисиз? Зулфия опа шеърларингизни ўқиб кўйдилар, кининг», дейишди. Шу қадар ҳаяжонланаман, узундан-узоқ коридорларда адашиб кетмасин деб Зулфия опам қўшни «Гулистон» журналидан Сулаймон Раҳмон деган шоирни пастга туширган экан. Сулаймон ака менга «Сиз Қутлибекамисиз?» деса «йўқ» дебман. Яна овора бўлиб котиба тушди...

Эшикдан кирганим, Зулфия опамнинг қора атлас кўйлақда тўрда ўтиргани ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Мен Зулфияхоним ўтирган қўйи у-бу десалар керак, деб ўйлаб остонада туриб қолдим. Ўринларидан туриб келиб бағирларига босиб кўришдилар.

– Ўша шеърларни ёзган санмисан? – дея биринчи кўришдаёқ «сан»сирадилар. Ўтиришга таклиф этдилар. Рўпарама-рўпара ўтирдик. Опа мендан нималарни ўқишимни, оилам, қизиқишларим — ҳамма нарса ҳақида сўрадилар. Август оий эмасми, ҳаво роса иссиқ эди, бир ёқда ҳаяжонланиш... томоғим қақраб кетди. Зулфия опамнинг олдида тақсимчада узум турган экан, беихтиёр олиб ея бошлабман. Аввалига шу тарзда худ-бехуд ўтирсам ҳам, опамнинг саволларига жавоб бера бошлаганим сайин дадиллашдим.

– Менга сендаги ижтимоий руҳ ёқди. Қизларимиз кўпроқ маиший мавзулар атрофида ўралашиб қолишади, бу уларни шахс сифатида кичрайтириб юборади. Шеърларингга қалам теккиссам майлими, дедилар. Мен энди ўзимни анча тутиб олганим учун: майли, бутунлай ўзгартириб ташламайсизми? – дебман. Зулфия опам кулиб юбордилар. Чиройли кўзлари, ширин табассуми шундайгина кўз олдимда турибди.

«Саодат»нинг 1976 йил 11 сонида жиззахлик шоира Фароғат Камолова билан иккаламининг шеърларимиз икки бет бўлиб чиқди. Зулфия опам икковимизга: «Оқ йўл, менинг қувончларим!» дея оқ йўл тилаган эдилар. Бу — менинг ҳаётимдаги энг бахтиёр кунларимдан бири эди.

...Кейин Зулфияхоним билан хат орқали алоқа қилиб турдим. «Саодат» муҳри билан хат олган кунларим дунёларга сиғмай кетардим. Астойдил ёза бошладим.

Зулфия опамга: «Тошкентга бормоқчиман, ижодий муҳит керак менга», деб хат ёзган эдим: «Катта шаҳарда қиз бола бошинг билан қийналиб қолмасмикинсан... руҳинг синмасмикин...» деган жавобни қилдилар.

Мен кейинчалик Тошкентга келдим, ишлаб кетдим. Аммо бирор марта Зулфия опам: «Менинг айтганимни қилмадинг», дея хафа бўлмаганлар. Улар бирон нарса, воқеа-ҳодиса юзасидан ўз фикрларини билдирсалар ҳам, тингловчисининг фикрларини ҳам ҳурмат қилардилар.

Мен Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлар эдим. Биз шоира Муҳтарама Улугова билан битта факультетда ўқиган эдик. У Зулфия опамнинг таклифи билан мендан бир йил аввал Тошкентга келган, «Саодат»да ишларди. Икковимиз бирга ижара уйда яшардик, тез-тез Зулфия опамларникига бориб турардик. Опа баъзи аёлларга ўхшаб майда-чуйда гапларни гапирмас эдилар. Ҳеч қачон бировларни

гийбат қилмасдилар. «Ойдин опам, Сора опам...» дея адиба Ойдин, актриса Сора Эшонтўраева, бошқаларни эҳтиром билан гапирардилар. Биз доим Зулфия опамнинг кўзларига қараб турардик. Бирон нарсани илтимос қилсалар, жон деб қилардик. Аммо Зулфия опам биздан фақат ижодий иш билан боғлиқ илтимосларни қилишлари мумкин эди. Меҳмон келса, чиройли кийиниб ёнимда ўтиринглар, дердилар. Шеър ўқитардилар. Шоиралик — жуда улуг истезод, меҳмон келса, пешбанд тақиб жўнгина бўлиб чиқманглар, дердилар. Ўша пайтлари бу таъкидлашларнинг моҳиятини бор бўйи-эни билан у қадар англайвермас эдик. Энди билсак, булар ҳаммаси шеърияту шоирликни одамлар нигоҳида баландлатиб кўрсатиш экан. Нақадар шоирлик гурурлари баланд бўлган Зулфияхонимнинг...

Мен аёллар даврасида ҳам Зулфия опамнинг кўл кўтариб ўртага тушганини кўрган эмасман. Ўзлари гўзал рақсларниям, мумтоз оҳанглар, ашулаларни яхши кўрсалар ҳам сира ўйинга тушмасдилар. Ҳаҳолаб кулмасдилар ҳам. Ним табассум қилиб кўя қолардилар. Аммо бир-икки марта астойдил кулганларини кўрганман. Бунга менинг афандинома доводирлигим сабаб бўлган.

...Ёзда Дўрмонда Зулфия опам далаҳовлисида қизлари, неваралари билан турардилар. Мен меҳнат таътилимни Дўрмонда — Ёзувчилар ижод уйида ўтказаётган эдим. Қашқадарёлик шоира Момохол Элмуродова ҳам оиласи билан Дўрмонда эди. Биз кечқурунлари, кўпинча, Зулфия опамнинг далаҳовлисига ўтардик. Сершоҳ олма дарахтининг остига стол-стул қўйиб ўтириб узоқ-узоқ суҳбатлашардик, йўлнинг икки тарафини туташтирган войшлар остида айланиб юрардик. Бир кун Зулфия опам:

— Сен-ку, шу ердасан, аммо Момохол узоқдан келган. Бир меҳмон қилайлик, — дедилар. Биз ўзимиз туш пайти ҳеч ким йўқлигида — қизлару неваралар шаҳарга тушиб кетган кун биргалашиб овқат қилмоқчи бўлдик. Момохол Зулфия опамдан ҳадеб хижолат бўлавергач:

— Зулфия опа, биз ўзимиз сизни чақирамиз, — дедик ва у киши боғ этагига ўтиб кетдилар. Булғори дўлма қилаётган эдик, чиройли қийма қилдик, ўчоқбошидаги зираворлардан бир чимдим-бир чимдим ташладим. Бир идишчада майда юмалоқ нарса бор экан. Момохолнинг кўзи кўзойнаксиз яхши илғамасди.

– Бу нима? – деди Момохол.

– Ҳиди хушбўй, овқатга соладиган нарса бўлса керак, – деб ундан ҳам қиймага ташлаб юбордим. Тушлик тайёр бўлди, ҳидлари зўр.

– Ҳидига қараганда жаннатнинг таоми бўлганга ўхшайди, – деб қўйдилар Зулфия опам. У киши бировнинг меҳнатини жуда қадрлар, озгина меҳнат маҳсули ҳам кўнгилларига ўтиришса, роса мақтаб берардилар.

Аммо бир тишлашимни биламан, «қирс» этиб тишимга нимадир тегди – аччиқ. Яна... яна...

– Бу нима? – дедим ахийри кўзимдан ёш чиқиб. Қорамурчнинг эзилмагани экан. Мен умримда эзилмаган қорамурч кўрмаган эканман.

– Қорамурч майда бўладию... – дебман шоша-пиша...

Зулфия опам билан Момохол мазза қилиб кулишди. Шуну баъзан дастурхон устида Зулфия опамнинг кайфиятлари яхши бўлса: «Қутлибекалар томонда қорамурчнинг донаси ўсмайди, эзилгани ўсади», деб қўярдилар. Кулишиб кўярдик.

Яна бир гал Зулфия опамнинг Чимкент кўчасидаги уйлари таъмирдан чиққан эди. Опа ишхонага кўнғироқ қилдилар:

«Набирам Улуғбек мен боғда бўлганимда уйларимни ажойиб ремонт қилипти, келинлар кўрасизлар бирга тушлик қиламиз», – дедилар.

Раъно Раҳмон ҳам «Саодат»да ишларди. Зулфия опамнинг атрофидаги қизлардан эди. Бордик. Ҳулкар опам дераза пардаларни дазмоллаб қўйган эканлар, ўшанга кўзимиз тушди.

Раъно: «Зулфия опа, пардаларни илиб қўяйлик», деди. Раънонинг бўйи баланд, опам икковлари пардани ила бошладилар.

– Сенинг ишинг йўққа ўхшайди, ошхонада ҳамма нарса тайёр, столга қўйсанг бас, – дедилар. Ҳулкар опам, одатда, доим овқатларни тайёрл аб кетардилар. Меҳмонхонага кирсам, столда дастурхон ёзилган. Сал қийшиқ солинганга ўхшади. Тўғрилай десам, ғалати солинган.

«Зодагонлар уйида янги-янгича дастурхонлар солинади, янгичасидир-да», дедим-да, устига тушлик тайёрладим. Ҳаммаси тайёр бўлгач, Зулфия опам кирдилар-да:

– Дастурхонни тополмадингми? – дедилар.

Мен ҳам ҳайрон бўлиб:

— Бу нима? — дедим.

Зулфия опам кула-кула деразани кўрсатдилар. Хулкар опам меҳмонхонанинг дераза пардасини дазмоллаб, фиким бўлмасин деб столга ёзиб кетган экан. Хижолат бўлиб йиғиштирмоқчи бўлсам, Зулфия опам:

— Кўявер, жа астойдил безатибсан. Бир марта пардада тушлик қилсак қилибмиз-да, — дедилар.

...Шу-шу, «Дастурхон топилмаса, пардаям бўлаверади», деган фақат ўзимизга тегишли ибора қолган...

Зулфия опам билан боғлиқ хотираларим шу қадар кўпки... Қайси биридан бошлаб, қайси бирида якунлашни ҳам билмайман. Мен одатда Зулфия опамдан ўзим учун ҳеч нарса илтимос қилмасликка ҳаракат қилардим. Токи уларга бўлган меҳримни бирор манфаат учун деб ўйламасинлар, дердим. Аммо улар барибир гоҳ сездириб, гоҳ сездирмай яхшилик қилаверардилар.

Қизчам туғилиб уйда ўтирган пайтим эди. Дунёдан, ижоддан узилганман. Майнинг охирлари эди, эшигим тақиллади. Чиксам, Қодир ака, Омон акамнинг шофёрлари. Қўлларида бир елим челак қип-қизил гилос. Ҳайрон бўлсам:

— Аяжон (улар Зулфия опамни шундай аташарди) бериб юбордилар, — деди. Онам узоқда, кўзларимга ёш келди... Ҳар гал баҳорда гилос пишганда эсимга келади. Мен ҳам бирор марта ўз шогирдларим учун шундай иш қила олармикинман? Зулфия опамнинг саксон йилликлари арафасида Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти шоиранинг 3 жилдлик танланган асарларини чоп этадиган бўлди. 2 жилдини бемалол тайёрлаб топширдик, аммо 3-жилдига шошиб қолдик.

Мен бир ой ишдан ўз ҳисобимдан таътил олдим. Интизом қаттиқ пайтлар, келди-кетди дафтарлари бўларди. Бир ой давомида 3-жилдни тайёрлаб топширдик. Эртага ишга бораман, деб хайрлашиб чиқаётсам, қўлимга конверт бердилар.

— Бу нима? — деб ҳайрон бўлсам.

— Сенинг иш ҳақинг. Аввалгидай бўйдоқ эмассан, оиланг бор... — дедилар. Ғалати бўлиб кетдим. Онагина, онага тенг одамгина шундай қилиши мумкин. Ахир мен ҳеч қандай тамасиз қилган эдим бу юмушни. Ахир у киши билан ишлаш биз учун байрам эди-ку...

Ҳар бир инсоннинг юрагида «Мен» деган туйғу бўлади. Айниқса, бир умр иззатда, меҳр тахтида яшаган инсонларда

бу туйғу жуда кучли бўлади. Аммо ўша «мен» ни босиб ўтиб, бошқаларни олдинга чиқариш, елкага кўтариш, давраларга олиб кириш учун кучли шахс бўлиш керак. Ўзини енга оладиган, муҳаббати катта инсон бўлиши керак. Зулфия опам қанчадан-қанча ёш истеъдодларни даврага олиб чиққанлар, демак, ўзларининг «мен»ларини енга олганлар. Агар бирорта истеъдодли қиз ёзиб, сўнг кўринмай қолса «Қаерда экан, ахтариб топинглар», дердилар.

Зулфия опамнинг архивларида даста-даста хатлар бор. Дунёнинг энг буюк ёзувчилари Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатовлардан тортиб оддий қишлоқ аёлларигача шоирага хат ёзишарди. Фикрлашишар, маслаҳат сўрашарди.

...Бир воқеа эсимдан чиқмайди. Ошкоралик деб ҳамма бир-бирини «ур калтак, сур калтак» қилаётган кезлар эди. Ўзбекистонда қорақалпоқ адабиёти кунлари ўтди. Менимча, ҳамма нарса замонасига яраша бўлган бўлса керак, Зулфия опам:

– Қорақалпоқ шоирларини бир меҳмон қилайлик, хижолат бўлаяпман, – дедилар. Уйларида 10 чоғли қорақалпоқ шоирларини меҳмон қилдилар.

– ...Аямни... бериб қўйдик... – Хулкар опам тонгда телефон қилдилар. Доим йиғиладиган қизлар қанча хотиралар қолган Омон акам – шоиранинг ўғиллари хонадонига йиғилдик. Зулфия опам ҳаётсевар эдилар, ўлимдан кам гапирардилар. Аммо баъзан гап очилса, «Ўша кун Хулкарнинг ёнида турасизлар-да» деб қўярдилар. Фидойи, ниҳоятда куюнчак келинлари Риояхон келинойим, барча қиз набиралар, жиян қизлар, дўсту қадрдонлари, қудалари... Биз ҳам Зулфия опамни сўнгги йўлга узатар куни ўшалар сафида турдик.

...Йиллар ўтди. Аммо Зулфия опамни йўқотганимга гоҳ ишонгим келмайди. Гоҳ «Қизимжон, соғиндим, келасанми?» деб қўнғироқ қилаётгандай бўладилар. Дўрмонга, ишчилар шаҳарчаси ё Чимкент кўчалари атрофи – опа яшаган уйлар тарафларга йўлим тушса, бир жойдан чиқиб келаётгандай, «ялт» этиб (жуда чиройли қарардилар) қараётгандай бўлавереди... «Саодат» журнали бош муҳаррири Ойдин опам бошчилигида тез-тез гуллар кўтариб Чигатой қабристонига борамиз, тиловат қиламиз. Овозларимиз титрайди... Ҳамон улардан ўрганганларимизга амал қилиб яшасак-да, «Биздан розимикинлар...» деган бир савол келади хаёлимизга...





**Олмос,**  
*Ўзбекистонда хизмат*  
*кўрсатган маданият ходими*

## **МУАЗЗАМ ШАРҚ НАМОЁНДИР СЕНИНГ ПОКИЗА ЖОНИНГДА**

Ўзимни танибманки, оиламизнинг Зулфия опамларга бўлган катта ҳурмат, меҳрини ҳар сўзда, ҳар ишда сезаман.

Аввало бу ҳурмат Ҳамид акамларга бўлган ака-укалик меҳри ва у кишининг севикли рафиқасига бўлган эҳтиром эди.

Ҳамид аканинг ҳаётдан бевақт фожиали кетганлари дадамни ғоят эзган, ўзлари айтишларича, бир йилгача шеър ёзмаган эканлар. Ёшлиқдан бирга ўсиб-улғайган дўстдан жудо бўлиш қанчалик қийинлигини умрларининг охиригача кўзда ёш билан гапирар эдилар.

Зулфия опамларга шу туфайли меҳр қўйиб, ўз сингилларидек аяб, нима бўлса ҳам кўнгилларини олишга ҳаракат қилар эдилар. Уйларига тез-тез бориб хабар олар, Комила ая (Ҳамид Олимжоннинг волидалари) билан суҳбатлашар, онам дердилар.

Меҳр-оқибат бора-бора қариндош-уруғчиликка айланди. Ҳамид аканинг сингиллари Саҳобат опани дадам Ҳосил жиянларига олиб бердилар. Муносабатларимиз янада яқинлашди.

Аямларнинг Зулфия опамларга бўлган муносабатлари опасингиллар муносабатидек эди. Бирон тансиқ овқат қилсалар, уларга илинар, уйимизда бирор шодиёна бўлса, меҳмондорчилик бўлса, Зулфия опамсиз ўтмас, уларникида бўладиган қувончлар ҳам бизсиз ўтмасди. Ҳозир ҳам шундай.

Йиллар сайин Зулфия опамнинг ижодлари камолга етиб, шеърлардаги фалсафийлик теранлаша боради.

Улар дадамларнинг назарларидан четда қолмас, ҳар бирига ўз фикрларини айтар эдилар.

Ҳар бир муваффақият, орден, унвон, лауреатликларига уй ичимиз билан қувонардик.

Дадамлар Зулфия опамларнинг ижодларига баҳо бериб, ўтмиш ва ҳозирги замон шарқ шоирлари ичида энг ёруғ юлдуз деганлар.

Зулфия опамларга бағишлаб «Зулфияхонга», кейинчалик «Зулфиябегимга» деган шеър битдилар.

Агар вафо, оналик жасорати, нозиктаъблик, зукколик ҳақида гап борса, бизга Зулфия опамларни мисол қилар эдилар.

Зулфия опам ақл, заковатлари етилган мутафаккир эдилар. У кишининг фалсафий шеърларининг уфқи шуни даъво қилади.

Мен бутун умрим у кишига интилиб, ҳурмат қилиб келдим ва устозим деб биламан.

У кишини ўйлаганимда меҳри дарё, нозиктаъб, гулга чулганган ўрикзорларда набира, чевараларига шеър илмидан дарс бераётган гўзал шарқ аёли кўз ўнгимга келади.

## ЗИЁФАТ

*(Воқеий ҳикоя)*

Баҳор охирлаб, ёз бошланай деб қолган. Уйимизда гилосу ўриклар ғарқ пишган, ҳаммаёқ кўм-кўк, гуллар дид билан экилган, чаман бўлиб ётибди. Атиргулларнинг иси боғимизни тутиб кетган.

1957 – 58 йиллар бўлса керак.

Дадам аямга Зулфия опам шарафларига зиёфат бермоқчи эканларини айтиб, кимларни таклиф қилиш, вақтини икковларингиз белгиланглар, дептилар.

Дадамнинг Зулфия опамларга бўлган муносабатлари аканинг сингилга бўлган муносабатидек латиф эди.

Авваллари, Ҳамид ака ҳаёт вақтларида дўстининг умр йўлдошига бўлган ҳурмат-иззат, у кишидан сўнг дард уларни яна ҳам яқинлаштирган, ака-сингил қилиб қўйган эди.

Дадам кўнгилчан, меҳрибон инсон бўлганлари учун Зулфия опамни аяр, фарзандларига оталарча ғамхўрлик қилиб келардилар. Зулфия опанинг уйларига болаларидан хабар олиш учун тез-тез бориб турардилар. Уларга Ҳамид ака вафотидан кейин кўнгилларини кўтариш ва ота берадиган меҳрдан жудо бўлганларини билдирмаслик мақсадида бўш вақт топиб

болаларни телефонга чақириб, ўзлари тўқиган ҳазилкаш шеърчалар, кулгили ҳикоялар ва ашулалар айтиб берардилар. Вақт топганларида чиройли қафасларга какликми, қуёнчами, пахмоққина ит боласиними солиб Омонжонга олиб бориб, бирпас у билан ўйнаб, қайтардилар. Агар сафарларга борсалар, бизга совға олсалар, албатта, Хулкар билан Омонга ҳам қўшиб олар эдилар.

Зулфия опамлар билан сафарларга бирга боришганда ҳар доим акалик илтифоти билан ёрдам берардилар. Зулфия опам худди аммаларимдек яқин кишим эдилар.

Шундай қилиб, уйимизга ҳар галгидек меҳмон келадиган бўлди.

Бу меҳмонлар дадамизники эмас, Зулфия опамларники эди, шунинг учун бошқача кутиш керак эди. Улар замонамизнинг энг илғор, нозик дидли аёллари эди.

Уйимизда бу меҳмондорчиликка алоҳида тайёргарлик кетар эди. Оппоқ қўй олиб келиб сўйилди. Обистойлар (татар кампирлар) чақиртирилиб, Олия опа (энагамиз) раҳбарлигида чак-чак, куштили, балиш пиширтирилди. Тамарахонимнинг опалари Амалияхоним келиб торт, печенийлар пиширдилар. Аёллар ёқтирадиган ширинликлару музқаймоқлар буюртирилди.

Келинойим – исмлари жисмларига монанд Дилдорахон билан биргаликда дастурхонга зеб берамиз. Ҳар бир қилаётган ҳаракатимизни аям кузатиб, ҳеч камчилик бўлмасин, дейдилар.

Сомса, патир, лочира, норин, манти, хасип, ошни аям ҳеч кимга ишонмай бувим Ҳамрохонбегим билан қилишарди.

Дадам ҳамма ишга бош-қош, ҳатто гулдаста ясашдан тортиб, салатларга солинадиган масаллиғигача таъмини кўриб берардилар. Дадамнинг меҳмон кутишда дидлари жуда баланд, pista-бодомларнинг неча хилини Ургут, Самарқанд бозоридан кўплаб харид қилиб, ғамлаб қўяр эдилар. Дастурхоннинг безаги – суҳбат уларсиз қовушмайди, дердилар.

Уйимизнинг иккинчи қаватидаги меҳмонхонада дастурхон тахт бўлди.

Дадамларнинг ишхоналарида ўйин-кулги учун жой ташкил қилдик. Сўнг Зулфия опам келдилар, тантанавор тайёргарликларни кўриб қувониб кетдилар. Бирин-кетин айтилган меҳмонлар кела бошлашди.

Мен кўп йиллардан бери билганларим: Ҳалима Носирова, Мукаррамахоним, Ойдин опа, Музайяна опа, Сора Эшонтўраева, кўшимиз Василя Содикова, ўқитувчим — Зулфия опамнинг дугоналари, олима Саида Нарзуллаева ва яна олима — фозила, бири-биридан гўзал аёллардан 15 — 16 нафари жам бўлишди.

Дадам ҳар бирларини алоҳида иззат-эҳтиром билан кутиб олдилар. Аям ширин сўзлар, лутф билан уларни дастурхон атрофига таклиф қилдилар, биз хизматда эдик.

Дадам шунда Зулфия опамга ва меҳмонларга латофат билан қўл қовуштириб:

— Хуш келибсизлар, азиз сингилжонларим! Энди баҳузур ўтиринглар. Мен дарвоза олдида туриб, наинки эркак зоти, балки эркак пашшани ҳам ўтказмай ўзим қоровуллик қиламан. Хизматингизда бўламан, — деб чиқиб кетдилар.

Аям меҳмоннавозликни латофат, ибо тўла сўзлари билан давом эттирдилар. Ҳамма сўз, шарафлар Зулфия опам учун эканини айтиб, даврани олиб борардилар. Меҳмондорчиликка тайёрланган нозу неъматларни бирин-кетин олиб кирдик. Ҳар бир меҳмонга алоҳида эътибор, истаган ичимлигу таомидан илиниб илтифот кўрсатиш мен ва келинойимизнинг вазифамиз эди.

Ҳамма эркин, бир-бирини танийдиган, ҳамфикр аёллар дастурхондан сўнг дам олиш мақсадида ўйин-кулги учун ажратилган хонага киришди.

Зулфия опам янги ёзган шеърларидан ёд ўқиб бердилар. Зулфия опамнинг қувваи ҳофизалари кенг: Фузулий, Лутфий, Хўжандий ғазалларини ҳам ёд билар эдилар. Шулардан ўқидилар. Ҳамма меҳмонлар офарин айтишди.

Гал Ҳалимахонимга келди. У кишининг кўнғироқдай овозлари бутун Арпапоя кўчамизни тутиб кетди.

Мукаррамахоним бу кўйдан жунбушга келиб ўртага чиқиб рақсга тушиб кетдилар. Ҳамма жўр бўлиб, қийқириб чапак чалишарди. Ҳалимахоним тарелка чертадилар. Кўшиқ рақсга уланиб, аёллар роса кўнгил ёзишди.

Сора опа «Гули монологи»ни айтиб бердилар. Шу топ Зулфия опам:

— Акам ўзлари ҳам ашула айтиб берсинлар, — дедилар. Дадамни айтиб чиқдим.

— Хўп бўлади, қайси кўшиқни айтай? — десалар, Зулфия опам:





**Гулистон Матёкубова,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган*  
*маданият ходими*

## **АМУДАН КЕЛДИМ**

*Ўзбекистон халқ шоири Зулфияга*

Умр узун карвон,  
Елкада юки,  
Гоҳ хира,  
Гоҳ ёруғ  
Тонглардан ўтар.  
Шу карвон йўлида  
Бир азим дарахт,  
Баланд шохлари  
Чирмашиб ўсар.

Тупроқ тилак қилар  
Баҳор келганда,  
Куртак ёзар  
Новдаларида,  
Узун-узун қишлар  
Совуқ келганда,  
Қуёш тирак бўлар  
Гавдаларига.

Саратон ўт пуркаб  
Куйдиrolмагай,  
Совута олмагай  
Муз изғиринлар.  
Бўрон шохларни  
Синдиrolмагай,  
Оғирюк карвонга  
Мададдир улар.

Тонгларда жон бўлиб  
Тоза бир нафас,

Новдалар безагай  
Сарвдай бўйин.  
У боши устида  
Булутга эмас,  
Ёруғ уфқларга  
Айтар дард ўйин.

Очиқ кўнгли чексиз  
Кенгликлар қадар,  
Барглар шовулласа  
Ёришар осмон.  
Осмони Омондир,  
Фунчаси Ҳулкар,  
Тўрт ёғида  
Қуёш ранглари посбон.

Етти иқлим билар  
Чидам, саботин,  
Дўстлари беҳисоб  
Яқин-йироқда.  
Яхши ният билан  
Бир қизи бугун  
Салом олиб келди  
Бой Аму ёқдан.

Келди ҳар бир сўзин  
Бир умр билиб.  
Айтинг, тинглагай у  
Осмон олдида.  
Келди, мард белгиси  
Келиб Сиз каби,  
Зўр белгиси келиб  
Ҳижрон олдида.

Дераза олдида  
Гулласа ўрик.  
Ўзимизнинг Ҳамид  
Олимжон билан,  
Ҳам орқа тоғингиз  
Ўзбекистон билан  
Биз Сизни ҳар куни  
Турамиз кўриб...



**Умарали Норматов,**  
*Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган фан арбоби*

## **БАҚО БЎСАҒАСИДАГИ НИДО**

Ҳазрат Навоийнинг шундай сатрлари бор:

Кўп ўқудим Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин бул ажаброқ достоне топмадим.

Улуғ шоир ўз ҳаётини, ижодий тажрибасидан келиб чиқиб айтган бу сўзларда сўз санъатининг ғоят муҳим қонунияти, сир-синоати очилган. Биламизки, бадиий адабиётда ёзувчи-шоир ижодий фантазиясининг, малака-санъаткорлигининг аҳамияти катта. Адабиёт тарихида ўзлигини, шахсиятини тийиб, замона зуғумларидан, дунё ташвишларидан ўзини четга олиб, бошга тушган кулфатларни ичга ютиб, нуқул адабий анъаналар изидан бориб «соф санъат» асарлари яратиш билан машғул бўлган ижодкорлар кўп ўтган. Шу билан баробар, бевосита «ўз иши», ўз шахсий ҳаёти, бошдан кечирган «бул ажаб» саргузаштлар, мушкул савдолар, ҳаётини ост-уст қилиб юборган ҳодисалар таъсирида майдонга келган асарларнинг файзи-шукуҳи ўзгача бўлади. Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, шунингдек, асримизнинг аллома адiblари — Қодирий, Чўлпон, Фитрат бисотидан бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Парадоксни қарангки, сўз санъати ўта ижтимоийлашган, ижодкор шахсиятини, ўзлигини намоён этиш имконияти чекланган шўролар даврида ҳам, барибир, бадииятнинг бу сирли қонунияти амал қилишда давом этган. Ойбекнинг ўнлаб рубоий шеърлари, Фафур Фуломнинг «Сен етим эмассан» ва «Соғиниш»и, Миртемирнинг «Сурат» лирик қиссаси, «Онагинам» марсияси, М.Шайхзоданинг «Хиёбон» китоби, С.Зуннунованинг мунгли ва мардона ҳасби ҳоллари — яна бир талай шу каби асарлар XX аср ўзбек шеъриятининг дурдоналари саналади.

Бу хил асарлар сўз санъатининг яна бир ғаройиб шеvasи устида ўйлашга ундайди: бошқа соҳаларда бошга тушган шахсий кулфат киши қисматининг заволи бўлиши, бадиий



ижодда эса ижодкорнинг шахсий бахтсизлиги, қайғуси гоҳо адабиётнинг бахтига айланиши мумкин. Мана шу фаройибот ижодкорларнинг ўзларини ҳам ҳайратга солган. Чунончи, улуғ олмон шоири Ҳайнрих Ҳайне шундай ёзган:

Ҳамма эснаб турди, қулоқ солмади  
Қайғумни гапириб берган вақтимда.  
Мени алқамаган киши қолмади  
Қайғумни назмга терган вақтимда...

Чўлпон мана шу ҳолатдан ҳайратга тушиб, улуғ шоирнинг шу сатрларини 1927 йили ўзбекчага ағдарган эди.

Шу мухтасар «Дебоча»дан мақсад XX аср ўзбек, балким жаҳон шеъриятининг таниқли намояндаси Зулфия ва унинг сўнгги қалб нидоси, ҳасби ҳоли «Хотирам синиқлари» достони ҳақида сўз айтишдир. Менинг назаримда, Зулфиянинг умр бўйи яратган асарлари бир дунё бўлса, бу мўъжаз дostonнинг ўзи яна бир дунё!

Биламизки, Ҳамид Олимжон ҳалокати Зулфиянинг шахсий ҳаётида, ижодий тақдирида чуқур из қолдирди; Миртемир айтганидай, Ҳамид Олимжон оловли ва кутилмаган бир фожа туфайли гўё ёниб кетди-ю, Зулфияхоним ҳам ўша оловда баробар ёнди; Ҳамид Олимжонни соғиниб жаранлаган шеърлар кишини лол қолдиргудек, айрилиқнинг куйдирувчи, «ўша ишқ, ўша суқ, ўша вафо — Зулфияхоним шеъриятининг ўзак мотивларидан бўлиб қолди». Гапнинг очиги, айна ўша «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Гуллар очилганда», «Висол», «Не балога этдинг мубтало», «Кўрган-мидинг кўзларимда ёш», «Сенсиз» каби ҳижрон туркумини ташкил этган шеърлар Зулфияни ўзига хос шоира сифатида элга танитди, асримиз шеъриятининг кўркем намуналари қаторидан ўрин олди. Шахсий мусибат оловида туғилган бу ёниқ шеърлар яна узоқ йиллар қалбларга ҳаяжон солажак, теран баҳс-мулоҳазаларга озиқ беражак.

«Хотирам синиқлари» шоира шахсий ҳаётига дахлдор яна бир фожеий ҳодиса, 37-йилги Сталин қатағони, бу мудҳиш фалокатнинг шоира туғилиб ўсган хонадонга келтирган мусибати ҳақида баҳс этади. Йўқ, бу асар бир оила бошига тушган мусибат ҳақидаги шунчаки ахборот, мусибат тафсилотларининг шеърий баёни эмас, балки чексиз мусибатнинг поэтик сурати, бадий

таҳлили, олтмиш йил юзага чиқмай бўғизда тош бўлиб ётган йўқлов, қалб тубидаги оҳлари, мусибатдан ўртанган қалбнинг фигони, алам-армонларга тўла ўй-мушоҳадалари изҳоридир.

Адабий давраларда шундай нақл юради: улкан адиблар аввало Оллоҳ, қолаверса, тарих зиммага юклаган вазифани адо этмагунча тарих саҳнасидан, бу фоний дунёдан кетмайдилар. Қодирий гўё бу дунёга «Ўткан кунлар»ни, Чўлпон эркинлик лирикасини, «Кеча ва Кундуз»ни, Фитрат «Абулфайзхон»ни яратиш учун келгани каби Зулфия опа ҳижрон туркумини ва «Хотирам синиқлари»ни яратиш учун келгандай туюлади. «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеъри билан «Хотирам синиқлари» ёзилган муддат орасида роппа-роса ярим аср вақт ўтибди. 81 ёшлик узоқ умрни Оллоҳ шоирага шу дostonни яратиб қолдириш учун бергандек туюлади менга; бу дostonни яратмай туриб шоира опамиз бу фоний дунёдан кетиши мумкин эмас эди, дегим келади.

Бу дostonни А.Аҳматованинг «Марсия» шеърий туркумига, А.Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи» поэмасига ўхшатувчилар бўлди. Дарҳақиқат, «Хотирам синиқлари»да ўша машҳур асарлар билан муштарак жиҳатлар мавжуд. Бироқ, бу дoston адабий таъсир, анъаналар қолипига сиғмайдиган, фақатгина шоира Зулфия айтиши, ёзиши мумкин бўлган, ёзмаса бўлмайдиган асардир. Яна бир муҳим жиҳат — бу асар шоиранинг бутун ижоди давомида деярли кўринмаган, балким авваллари изҳор этиш мумкин бўлмаган нозик ва ўта самимий илоҳий-исломий руҳ билан йўғрилган. Олтмиш йил қалб тубида кўрғошиндай ётган алам-армон баҳонасида шоира ўзи босиб ўтган узоқ ва машаққатли йўл, ўзининг «Бул ажиб ишлари» ҳақида яратганининг олдида ҳисоб бераётгандай бўлади; ўзи ишонган, амал қилган эътиқод, ёлғон, таги пуч ақидалар йўлида зое кетган умид ва меҳнатлар, билиб-билмай қилган гуноҳлар хусусида афсус-надоматлар чекади, мардона турда ўз ҳаётини тафтишдан ўтказди; шу пайтга қадар «айтилмаган алам, ёзилмаган шеър, олинмаган қасос — юрак титроқлари»ни, қалб исёнини изҳор этади, сўнги энг азиз дил сўзларини тўкиб солади. Бир сўз билан айтганда, бу дoston шоиранинг умри ниҳоясидаги, бақо бўсағасидаги қалб нидоси, муножотидир.

Дostonда биринчи галда шоира қалбига яқин энг азиз одамлар — қатагон қурбони Ака, аламдийда Она, Ота, улар

табиатига хос энг муҳим хусусиятлар устида гап боради. Шоира Акадан сўз очар экан, унинг кўзидаги оташ, жонидаги қуёш, султонликка лойиқ келбат, лаёқат, сардорники янглиғ бардошга урғу беради; 30-йилларнинг «қора тун»ларида миллатнинг бундай алп ўғлонларига «ёруғ кун» йўқ эди.

Сизни-да қора тун олдилармикин,  
Қўлингизга кишан солдилармикин,  
Юкиниш, ялинчмас – гурурни кўриб,  
Ваҳший газабларда ёндилармикин?!

Бу мусибат туфайли Она, Ота не ҳолларга тушгани маълум, бироқ сингилнинг мотами уларникидан-да кам эмас, чунки сингилнинг акага меҳри ўзгача бўлади, сингилни «меҳрдан бино» бўлган дейдилар:

Ака, жоним акам – жондошим акам,  
Олтмиш йил изимга қайтиб йиғлайин,  
Бўғзимда тош бўлган йўқловларимни  
«Оҳларим эритар – айтиб йиғлайин.

На илож, ўша кезларда сингил кўнглидаги меҳрнинг кучи «кўз ёшга» етади холос, дилдаги нафрат, ўчини «гуноҳсиз жон»нинг қотилларига ўқ қилиб отишдан нарига ўтмайди, ўтолмайди.

«Қароғида меҳр шамлари ёниқ» Она ҳақида шоира авваллари ҳам эҳтиром билан ёзган; бироқ онасининг «гуллаган ўрикдай ораста отин» экани, «Сўфи Оллоёр, девона Машраб баёзларин ўпиб қўлга олиши», шу сўфий шоирларнинг шеърлари ўқилганда гўё бутун коинот шуълага тўлгани, айнаи ўша сеҳр оғушида мурғак қизалоқ, кўнглида қўшиқ айтиш ҳаваси уйғонгани тўғрисида биринчи бор сўзлайди. Рўй берган кулфат туфайли энг кўп озор чеккан шахс – Она экани аён; бироқ шоира асарда Онанинг дил фарёдлари, тўккан кўз ёшлари ҳақида ошкора гапириб ўтирмайди; унинг ўша кезларидаги ҳолати, хатти-ҳаракатини ўта ихчам тарзда шундай чизади:

Онам қўлларида муштдай тугунчак,  
Тош шаҳарни кезар авахта излаб...

Бу ҳолат, хатти-ҳаракат ошкора изҳор этилган узундан-узоқ, дод-фарёдлардан, кўз ёшлардан кўра кучлироқ, таъсирчанлик касб этади. Кейинги сатрлар Онанинг аянчли ҳолати, фожиаси миқёсини янада кенгайтиради:

Авахта нечадир, зор она неча,  
Нечалар яшарди замонни «сиз»лаб.

Сўз Ота устига кўчганда, ундаги чидам, бардош алоҳида таъкидланади; шоира «пўлат, оловдан, метиндан яралган жон» — Ота иродаси ҳақида ҳар қанча ҳайрат билан сўзламасин, бу одамнинг «кекса кўзлари»да «қотган кўз ёшлар», «бу сокин жуссани» ичдан кемираётган дардни кўнгилда туйиб туради. Мана бу ҳолат, манзарага жо бўлган «дард-аламлар» ҳам ошкора оҳ-воҳлар, кўз ёшларга кўра юз чандон таъсирчанроқ:

Куни бўйи кезиб, букчайиб, толиб,  
Кекса бағрин ерга бериб ётарди.  
Биз ночор бир-бирига эзилиб боқиб,  
Сукут денгизига оғир ботардик.

Отага ҳурмат, эҳтиром қанчалар чексиз бўлмасин, Отанинг сўнги («Ва фақат дедингиз: «Солдим худога»...) сўзидан кейин шоиранинг исёнкор қалби жим туриши мумкин эмас; «Бу қирғин дояси худосизлар-ку» дея ҳайқиради! Қирғин дояси қўли билан «Муҳташам бинода сирли, яширин Алп йигитларга» гўр қазилаётган, «Сибирнинг нур тушмас ўрмонларида» миллатнинг норғул ўғлонлари қушдай қирилаётган пайтда «сабр, қаноатдан яралган эл» ва унинг Ота каби фарзандлари бу худосизлар ишини «худога солиб» ўтираверса чидаш мумкинми! Шоира ёниб айтмоқчи, ахир ҳаётда «Сўқир ҳам ўзига сўқмоқ излар-ку!» Шоира энди Ота қолиб, ғофил эл билан баҳслашишга ўтади:

Сен эса яшардинг мисоли тушда,  
Туртиниб ғофиллик туманларида...

Достон муаллифи шу тариқа бир оила ва бутун бошли юрт бошига тушган мусибатли йиллар, ўша кезлардаги эл-юрт ва айрим шахслар руҳияти, кайфияти манзараларини

чизар экан, улар фонида ўзининг мухтасар ҳаёт йўли ва руҳий биографиясини ҳикоя қилади; «ҳикоя қилади» дейиш дostonдаги ўша образлар қудрати-ла чизилган бетакрор ва нафис манзараларни жўнлантириш бўлар эди.

Шоира ҳаёти, қарашларидаги бурилиш паллалари ифодасида ҳам, одатдагидек, мухтасар ва ўта кўркем образли иборалар қалашиб келаверади:

... Жангдан сўнг ҳорғин саркарда  
Тирик аскарларни тизгандай қатор —  
Мен тирик ҳисларим бир жойга йиғдим  
Ва кучли яшашга айладим қарор. —

шоиранинг ўша кезлардаги ҳолати, ҳаётидаги бурилиш палласи, яшаш ақидаси ҳақида бундан ошириб, муҳими, аниқ қилиб айтиш мумкинми?!

Шоиранинг бундан кейинги «кучли яшаш» шиори остида кечган ҳаёти, интилиш, курашлари манзараси янада мухтасар, шу билан баробар армон-ўкинчларга мўл:

Юртни бўрон бўлиб кездим бош-оёқ,  
Қабристонлар аро қуюндай юрдим.  
Энг кичик гиёҳ ҳам наздимда уйғоқ,  
Фақат эл-элатни сукутда кўрдим.

Шу тариқа шоира боя бошланган «ғофиллик туманларида турганиб» яшаётган эл устидаги баҳсга яна қайтади; ғафлатда, сукутда қолган шу эл-юртнинг бир фарзанди бўлмиш шоиранинг ўзи ҳам тафтиш нишонига айланади, ғоят аёвсиз, шафқатсиз мисралар бирин-кетин қуйилиб келаверади; шоира ҳукмича, кўзинг кўр бўлса — ёмон алам, «лекин сўқир диллик — ундан-да даҳшат».

Бунинг исботи шуки:

Халқ ганжин юлмоққа чўзилган қўлга  
Биз алвон гулдаста тутибмиз фақат.

Аламлар устига аламлар уланаверади:

«Янги ҳаёт» дебмиз ўша кунларни,  
Беталаб, бенолиш яшабмиз кўп йил...  
... «Ватанпарвар» дебмиз ўз-ўзимизни,

Денгизлар курибди, чирибди балиқ...  
...Бир ўйлаб кўрмабмиз бу юрт ҳоқимин,  
Лаби кулиб, нечун ранг-рўйи заҳил...  
Тожи йўқ подшодай сездими ўзин...

достон мутолааси жараёнида, аминманки, ўша йилларга шоҳид ҳар бир эсли-хушли, виждонли ўқувчи дилидан ҳам шундай аламли саволлар ўтажак... Мана у сатрлар, ўша аламли саволларга ўзига хос якун тарзида янграйди:

...Эй гумбази гардун, қолдимми гофил,  
Ишонч, эътиқодлар чиқди пучларга?!  
Суяниб нажотлар кутгандик, наҳот,  
Бизга чоҳ қазиган қора кучларга?!

Айни ана шу аламли саволлар асносида шоира энг улуғ ҳакам — Оллоҳга муножотини бошлайди, бундай кўргуликларнинг боиси эл-юртнинг Оллоҳ назаридан қолишида эмасмикин, деган тахмин-гумонларга боради:

«Инсонсан, бошингни кўтар», демабди,  
Кўнглинг қолганмиди бизлардан, холиқ?

Жаҳон адабиёти тарихидан яхши биламиз, кўп улуғ сўз усталари ўзларини Оллоҳга яқин олиб, Оллоҳ олдида бироз эркалик қилиб, баъзан у билан баҳслашишга аҳд қиладилар. Зулфия опа ҳам айни шу анъанага амал қилиб, асар давомида ўзи танқидий тафтишдан ўтказган гуноҳкор эл-юрт ва шахсан ўзининг ҳимояси йўлида сўзлар айтишга, бунинг учун мантиқий далиллар келтиришга журъат этади:

Ўзинг бергандинг-ку, поклик, ҳалоллик,  
Иймону ишончлар — бутун, беиллат.  
Қилолмас эди-ку шайтон даллоллик,  
Илму ҳикматларга ёр эди миллат.

Бевосита ўзи ҳақида ҳисоб бераркан: «Қай бири вазминроқ, савобми — гуноҳ, Яшадим-ку риё, ҳаромдан нари... Бу дунёда кўрган азоб, кўз ёшлар. Савоб посангисин хиёл босарми? Гумроҳлик палласин тўлдирса тошлар, Энг баланд дорига мени осарми?» деган саволлар кўнглидан ўтади ва достон муаллифи ўз ҳимояси учун энг асосий далил-исботини айтади:

Куйганман. Бош-оёқ куюк жисмимнинг —  
Нимасин ёқарди дўзах ўтлари...

Бу энди жаҳон шеърлятида сийрак учрайдиган исёнкорона сатрлар сирасидан. Бу сатрлардаги исёнкорона руҳ ҳар қанча кескин бўлмасин, улар ўта самимийлиги туфайли шахсан менга шаккокликдан холи туюлади. Шоиранинг ўзи ҳам одамларга мурожаат этиб: «Билмайман, савобми ё кони гуноҳ, Зинҳор шаккокликка йўйманг тилагим», дея илтижо қилади. Шоиранинг одамларга қарата айтган сўнгги сўзи, тилаги, васияти ҳам исёнкорона ва ўта самимий:

Жасадим дарёга ташланг, руҳим пок,  
Оби раҳматларда совусин таним...

Фақат виждони, дили пок суюкли бандагина бундай сўзларни айтишга журъат эта олади.

Достон «Халқ сўзи»нинг 1995 йил 1 март сонидан эълон этилган эди. Ўша йили май ойида Аграр университетидан Зулфия опанинг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий анжуманда мен ҳам иштирок этиб, «Хотирам синиқлари» достони ҳақида бироз ҳаяжонланиб сўзлаган, Республика Таълим маркази ўзбек адабиёти кенгаши раҳбари сифатида шоирадан шу достонини мактаб адабиёти дарслигига киритиш учун рухсат-изн беришларини сўраган эдим. Зулфия опа ўринларидан туриб, қўлларини кўксига қўйиб, бу таклифга розилик билдирган эдилар. Бу ноёб асар ҳозир такомиллаштирилаётган янги мактаб адабиёт дастури, дарсликларидан ўрин олишига, мустақил мамлакат миллат фарзандлари қалб мулкига айланажагига шубҳа йўқ.





**Иброҳим Ғафуров,**  
*адабиётшунос олим*

## **ЮРАКНИНГ ШУЪЛАСИ**

Зулфия Ўзбекистоннинг санъаткор шоири. Унинг ҳассос ва моҳир шоирлиги «Уни Фарҳод дер эдилар», «Ўғлим, сира бўлмайдди уруш», «Палак», «Мушоира», «Водил юлдузлари», «Сўроқлайди шоирни шеърим», «Қуёшли қалам» каби асарларида, «Шалола», «Тонг билан шом аро» сингари оригинал, мазмунан ҳамда ҳаяжонлар, фикрларнинг оқимиға кўра бир-бирига уйғун ва чамбарчас туркум-китоблари, шеъриятда ўзига хос мактаб яратган ажойиб таржималарида порлоқ бир тарзда намоён бўлгандир.

Бу санъаткорлик ўзининг бетакрор томирлари билан Чили шоираси Габриэла Мистраль, югославиялик Десанка Максимович, америкалик Эдна Миллэй, болгариялик Елизавета Багряна, арманистонлик Сильва Капутикян, Россиянинг шоиралари Марина Цветаева, Анна Ахматова, Мария Петрових ижодининг ловуллаб ётган оловларига оловдош эканлиги шеъриятимиз учун туганмас ифтихордир. Шеъриятнинг мана шу моҳирлари ва яна улар қаторида турадиган бошқа ўнлаб номлар яратган асарлар Она-Ернинг Она юрагига туташ бўлиб кетган, Она-заминнинг садосига айланган. Уларнинг шеъриятлари уч жамулжам бирликда – Ер, Она, Граждан сўзи каби ўқилади ва эъзозланади.

Санъаткорликда барча ёрқин, сўнг ўлмас бўлиб қоладиган ҳодисалар машаққат билан юзага келади. Моҳирлик умр ва сўз машаққатида қодирликдир. Зулфия санъаткорликни ана шундай тушунади. Шу тушунчадан ҳеч қачон чекинмай ижод қилади. Шунинг учун унинг маҳорат палласига кирган ижодида энгил, вазнсиз ва айни чоқда оғриқсиз, тугёнсиз сўз, сатр йўқ. Зулфия шеърияти тугал оптимистик, инсонга ва дунёга, унинг келажагига некбин ишонч билан қарайдиган шеърият.



Лекин бунда бошқаларда кам кўриладиган ўзига хослик бор. Зулфия шодлик, бахтиёрликни ҳам туғён каби англайди. Унинг шеърларида шодлик ва туғён бир шиддатли наҳр бўлиб оқади. Чамаси аёл шоиралар шодлик ва аламнинг туғёнини ҳаммадан ҳам нозикроқ, ҳаммадан ҳам теранроқ ҳис қиладилар, чамаси, ҳаммадан кўра буни ёрқинроқ ифодалаб берадилар. Улар туғёнларнинг қарама-қаршиликларидан ажиб бир уйғунлик ва санъат яратадилар. Чигал нарсаларни шунчалар содда ҳамда содда ҳодисаларни шунчалар зиддиятли ва ҳаддан ортиқ шиддатли қилиб кўрсатадилар. Ўткинчилик ва абадият билан ёки ундан кейин, унинг тўғридан-тўғри меваси ҳам ҳосиласи бўлиб келадиган зиддиятлар Зулфия шеърлятида, айниқса, унинг кейинги бир неча йил ичида яратган «Тонг билан шом аро» туркум-китобига кирган асарларида жуда қиррадор ифода топганлар. Бу шеърларини бугунги олам ҳақида ширин-азобли ўйлар ва ёхуд бахтиёрликнинг изтироблари деб аташ тўғрироқ бўлади. «Мушоира», «Сўроқлайди шоирни шеърим», «Куёшли қалам» асарларининг мағзига сингиган фалсафийлик «Тонг билан шом аро» туркум-китобининг асос йўналиши ва бош мундарижасини ташкил этади. Бу туркум-китобда Зулфиянинг санъаткорлиги янги қирралари билан намоён бўлди ва янги маҳорат чўққиларига кўтарилди. Бир-бирига ўхшамайдиган, лекин бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган бу ёрқин асарлар ҳақида ҳали танқидчилик кўп сўз айтгани йўқ. Бу шеърларни уларнинг бутун теранлигида англаш ва баҳолаш учун, балки вақт ҳам керак бўлади. Зулфия шеърлятининг шу туркумда намоён бўлган янги санъаткорлик қирраларига қисқача бўлса-да тўхталиб ўтайлик.

Мана, «Гулзор» деб аталган шеър. Сарлавҳаси айтиб турган мавзуга қараганда, бу жуда анъанавий, шеърлятимизда кўп ишланган мавзу. Шеър “Тонг билан шом аро” туркум-китоби учун умумий ва бош лейтмотив бўлган тонгни эслаш билан бошланади. Энди шеър қаҳрамонининг кайфиятларига эргашайлик. Мана шу тонг қаҳрамон учун қайси бир томонлари биландир ноёб, қимматли. Тонг уни янги ҳислар билан тўлдиради. У ўзини яшаргандай сезади: “Умримдаги куз бўлди ғойиб...” Бошқа бир ўткир шеърларидан биз бу қаҳрамон тунни севмаслигини, тун унга азоб ва ёлғизлик шиддатларини келтиришини биламиз. Шунинг учун қаҳрамоннинг борлиғимда бир кўчки сездим ва бу тун бўйи

эзиб чиққан ланжлик ҳам кўчки билан тойиб кета қолди, деганига ишонамиз, буни кўз ўнгимизга келтирамиз. Баҳор кира бошлаб, ҳаётга янгилик чечаклари сочила бошлаган чоқларда тоғларда — юксак зирвали тоғларда қор кўчкилари бўлишини, тоғлар ўз бағрини кўклам шамолларига очишларини биламиз. Лекин бу баҳор эмас, куз... шеър қаҳрамони кузги гулзор рангларига маҳлиё бўлди, кўкраклариди баҳор нафасини туйди. У гул узишни, гулни нобуд қилишни сира истамасди, лекин куз тонги бир гул узгиси келди. Вақт туйғусини унутди:

Бу ғашликми, яшашга ўчлик,  
Вақт туйғуси бир онда унут.  
Ёмғирли куз бўлди гул ислик,  
Булбул бўлиб сайради сукут...

Булбулнинг сукунат тили билан сайраши, кузнинг баҳорга айланиб қолиши — бунга жуда нозик ҳиссиётли аёл қалбигина қодир. «Тонг билан шом аро» туркум-китобининг қаҳрамони улуғ бағирлик, улуғ хаёллик инсон бўлиб гавдаланади. Тепадаги шеърда ланжлик ва тун қийноғи унинг вужудидан мисоли улкан кўчки каби тушган эди. Энди «Тунни севмай қўйдим...» шеърисида кўринадиган бағирдорликни кузатайлик:

Дала, қирни қучсам, қулочим ташлаб,  
Кўксим яйраб кетар кўлнинг сатҳидай.  
Ундан қўшиқ учар оқ кабутардай,  
Тонгги ер нафасин тўймай ичаман...

Қарангким, шоира бу сатрларда муболаға узра муболаға билан сўзлаётгандай бўлади. Лекин бу муболағалар қадим Шарқ шеършунослари айтган «балоға» билан адо этилганки, муболаға бизга муболаға бўлиб туюлмади, ҳатто бир қарашда ва бир ўқишда буни пайқамагандай бўламиз. Лекин шоиранинг бадийий услубида ва дунёга муносабатини англатишда бу жуда муҳим ҳолат. Юқорида «кўчки»ни қандай табиий қабул қилган бўлсак, бу ерда ҳам қулоч ташлаб дала, қирларни қучишликни, шоира кўксининг оз эмас, кўп эмас, баайни кўлдай яйраб кетишини саховатли шеърини образ каби тушунамиз. Сўзлар шундай ўз ўрнига тушганки, кўз ўнгимизда зилол қўл гавдаланади, унинг нари-бери уфқларга қўшилиб кетган, кўлнинг юзи майин жимириб ётибди, мавжлар

поёнсизлиги узра оқ кабутар учиб юрибди. Менга бундай ҳолатларда расом бўёқларидан сўз анча ифодавийроқ ва кенг тармоқлироқ бўлиб кўринади. Кейин шоира шу ерда «ундан кўшиқ учар оқ кабутардай» деган, бошқа шоир «чағалай» ёки «чайка» ёки «чорлоқ» деб олиши мумкин эди. Қанчалар табиий ва тўғри бўларди бу! Лекин унда булар Зулфия шеъри бўлмас эди. Зулфиянинг шеърига кабутар керак. У шу кабутарни топган ва пориллаб ётган кўл узра парвозга отлантирган. Шу кабутар кейинги мисраларда ўттиз ёшли, юраги севги лаззатларига тўлган жувоннинг дили билан ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетади.

Зулфия табиату оламини ўз вужудига, юрагига жамлаб шеър ёзади. Унинг шеърлари ичида дил қаҳинлари кезиб юрадилар, шамоллар шиддат билан елиб бўстонлар яратадилар, баҳорлар кузларга саломга келадилар, она яратган боғдан эсган насим шабадалар фарзандларининг бағрини олижаноблик ва яшаш завқлари билан тўлдирадилар, бинафшалар сўлиб туриб ҳаётнинг энг ширин, энг лазиз кўшиғини айтадилар, баҳорлар давлатларга: «Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар. Баҳор боқий қолсин!» — деб нидо соладилар, ҳосилдан бўшаган тупроқлар уммон бўлиб кўринадилар, денгизлар эса шоир пойида ҳаётнинг боқийлиги ва ўткинчилиги ҳақида куй куйлаганча йиғлаб, шу йиғиси ичра тирик ҳаёт яратиб ётадилар:

Мен денгизнинг лабида турдим,  
Денгиз бўлиб чайқалди юрак.  
Мен денгизнинг лабида турдим,  
Унут ўзим, унут теварак...

Шеърни осуда ўқиб бораркансиз, бирдан юрагингизга ботаётган куёшнинг сўнгги қирмиз нурлари тирқираб тўкилиб кетади. Денгиз — денгиз эмас дейсиз, денгиз — ҳаёт, абадий ҳаракатдаги умр. Ларзалар.. лаҳзалар... зада хаёллар...

Ҳижрон азми — гулгун кўйлагим  
Худди шундай ешилган эди...

Зулфиянинг сўзи алвон тасвирлардан изгиробли ўйларга тез, яшин суръатлар-ла кўчиб ўтади. Мавжлардан, пўртаналардан сокин соҳилларнинг мутлақ сокин тошларига олиб тушади. У Аёлнинг қудратини бежиз денгизнинг долғали қудратига қиёсламайди. Шу қудрат туфайли у доим ғафлат ва ланжлик устидан ғолиб:

Мен эсам кўзимни очмайин,  
Мадорсиз қўл билан ёқаман чирогим,  
Итқитган қаламни ахтариб топмайин,  
Сипқориб ётаман илҳомнинг булогин...

Яна бир такрорлаб айтайлик, Зулфиянинг шу каби шеърларини ўқиганда менга сўзлар картиналардан кўра юз карра ифодавийроқ бўлиб, қудратлироқ бўлиб туюлади. Сўз имкониятлари, унинг не-не маъноларини муҳрлаб ташлай олишига имон келтираман.

Зулфиянинг «Тонг билан шом аро» туркум-китобидаги ҳар бир сўз ўз қолипида, ўз равишида, ўз иқлимида, ўз такрорланмас бадиий тартиботида туғилган. Бу юрак қўймаси сўз! Чаноқ ичида дур шундай қуюлиб етилади, ороланади. Дур чаноқдан тошиб чиқдимми, йўқми – билмайман. Балки камол палласи келганда, тошса ҳам не ажаб, не ҳайронлик! Зулфиянинг шу туркум-китобидаги шеърларни уларнинг ғоявий-бадиий мундарижаси ва тугал ўзига хосликларига кўра чаноқдан тошиб чиққан дур сўзлар дегим келади.

О, ижод алами,  
Сен тушдай қоласан тун ичра.  
Мен эсам ижоднинг содиқа ҳамдами,  
Ўзимни сезаман тонгдан ҳам гулчеҳра.  
Шу асно мен шеърман!

Зулфиянинг шу шеърларида тонглар қувнатади, шомлар ўйлатади. Сўзларга эса порловчи жавҳар яшириб қўйилгандай. Лекин бу жавҳар порлаганда ҳаёт олдингидан гўзалроқ, нурафшонроқ бўлиб давом этади. Ва шу боис камолли маҳорат ва санъат соҳибасига доим ташаккур айтгинг келади.

## **ЗУЛФИЯ ҲАҚИДА СЎЗ**

Одамнинг умри хотираларга айланиб борадиган бир нарса экан. Ҳаёт хотиралардан иборат бўлгани каби адабиёт ҳам бошдан оёқ хотиралар хазинасидир.

Зулфияхоним ўз улкан умрининг хотираларини шеърга айлантирган.

Хотира бутун бўлолмайди. У доим парчалардан иборат. Парчаларда яшайди. Хотиранинг табиати ўзи шундай. У

синади, сўнади, яна чўғланади, яна аланганинг тилларига айланади, куяди, куйдиради, омонсиз жароҳатларга, юракнинг дардларига малҳам бўлади.

Зулфияхоним ўз шарафли умрининг хотираларини шеърга айлантирган.

Шеърга айланган хотиранинг битта сири бор.

Шеърга айланган хотиралар сўнмайди, синмайди, вақтнинг шиддатли аёвсиз тегирмонида янчилиб кетмайди.

Шеърга айланган хотиралар асилланади.

Абадиятга ошно тутинади.

Асрлар қаъридан яна янгидан-янги асрларга кириб боради.

Албатта, хотиралар доим зиддиятли. Шоир Туроб Тўлага ўхшатиб айтадиган бўлсак, ярми офтоб – ярми соя, ярми довул – ярми мавж, ярми сариқ – ярми яшил...

Лекин одамнинг умри шундай бўлар эканки, довуллар ўтади, мавжлар қолади.

Ва фақат шеъргина довулларнинг шиддатидан мавжларнинг гўзаллигини ва абадий битмас симфониясини ярата олади.

Зулфияхонимнинг шеърятти ўз даврининг, шу севги, иқбол, садоқат ва рўшноликка ташна қиз қалбининг ҳаёт оҳангларига беҳад бой симфониясидир.

Зулфияхоним XX аср ўзбек адабиётининг катта авлодига мансуб санъаткорлардан. У ҳаммамизнинг хотирамиз ва дид-фаросатимизни тарбиялаган ўша катта авлоднинг улуг номларига издошлик қилди, уларга жўр бўлди, ўз такрорланмас созини топди ва улар сафида елкадош бориш ҳуқуқини қозонди. Фафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон билан баробар бўйлашиб, шеър ёзиш осон эмасди.

Лекин Яратган шу ўзбек қизига буюк бир интилиш, завқ ва истеъдод ато қилдики, шонли булбуллар оҳанрабо овозлари ичида ҳамиша Зулфиянинг ҳам жарангдор саси янграб эшитилиб турди.

Зулфияхонимни садоқат тимсоли дейишади. Ростдан ҳам, барча шеърлари, дostonларининг замири шу туйғу, шу олижаноб туйғуга қурилган.

Қадимдан қолган нақл борким, одам қандай бўлса, шеър ҳам шундай.

Табиат Зулфиянинг хамирини садоқат кимёси билан қорган.

У ҳар қандай шароитда ўз халқининг садоқатли қизи бўлолди. Ҳар қандай шароитда суюкли Ватан – Ўзбекистонга садоқат сақлади.

Унинг садоқати комил эътиқод даражасига етишди.

Зулфия шахси ва ижодиёти жозибасининг сири ҳам фақат мана шунда — эътиқоднинг комил нуқтага кўтарилганида.

Коинот ҳам бизга марҳаматли эгамиздан хотира.

Одам боласи ҳам бизга унинг марҳаматидан хотира.

Бағоят ноёб хотира.

Зулфия ўттизинчи йиллар бошида қўлига қалам олгандан бери олам ва одамнинг шундай ноёблигини бутун вужуди, қалби билан ҳис қилди.

Ҳар сафар унинг ипакдай пишиқ сатрларига кўз югуртирганда кўрамир:

Ер, осмон, одам, садоқат, меҳр, эътиқод унинг учун муқаддас.

Ҳар сатрида ибодат бор, сиғиниш бор: баҳорга, тонгларга, шаффоф нурларга.

У ўз ибодатида сиғиниб соғинади.

Соғиниб сиғинади.

Унинг бари шеърлари ибодат.

Завқи йўқ одамнинг, эҳтироси йўқ одамнинг, эътиқоди йўқ одамнинг ибодати ўтмагай.

Зулфиянинг шеърида завқ, эҳтирос, эътиқод ажиб бир ҳарир пардага чулгангандир.

Бугун ҳеч кимга сир эмас. Муқаддас мустақилликкача бўлган оғир тузумнинг мафкураси одамларни, одамлар орқали миллат ва миллатларни тиз чўктириш, миллатларнинг шаън-шавкатини сўндириш, ғурурини синдиришни асосий мақсади қилиб қўйди. Бунга ақл бовар қилмайдиган доғули, маккорона йўллар билан эришди. Расмий эзувчи мафкура миллатларнинг шоирларини ҳам тиз чўктириш пайида бўлди. Мафкуравий зўравонлик шоир сўзини енгиши мумкин экан.

Лекин табиатнинг адолатини қарангким, ҳар қандай зўравонлик асосида ожизлик яшириниб, пайт пойлаб ётади.

Ўша расмий зўравон мафкура миллий шоирларнинг қалбларини енголмади. Асл орзу-аъмолларини енголмади. Шоирларнинг оёқларини букди, синдирди, лекин қалбларини тиз чўктиролмади. У қалбларни эгаллай олмади. Ўша даврларнинг энг яхши асарлари ва шоирларининг кейинги гувоҳликлари буни исботлаб турибди.

Зулфия саксон ёши арафасида «Хотирам синиқлари» достонини бизга тортиқ этди.

Ўша давр ҳақида гувоҳлик бўлса, шунчалар бўлар.

Ростгўй сўз бўлса, шунчалар бўлар.

Эътироф бўлса, шунчалар бўлар.

Тазарру бўлса шунчалар бўлар.

Даҳшатли машинага қарши турулмаганларнинг қалблари фарёдларга тўлиб ётарди. Армонларга тўлиб ётарди.

Ҳар сўз, ҳар сатрдан фарёд саси, армон саси келади.

Бу улуғ ёшда шунчалар сернаво асар яратиш ажиб жасоратдир.

Зулфияхонимнинг шоир овози, ер юзида тинчлик-омонлик тилаги — барча софдил кишиларнинг овозига ҳамдам, ҳамнафас янграйди.

У доим катта нафас билан ижод қилди. Жаҳон шоирларини шеърий мусобақага чорлади. Мушоираларда озодлик ғояси етилади деб эътиқод қилди. Дунё шоирлари унинг овозини эшитдилар. Зулфия шеърининг ёрқин чироғи атрофига жаҳон шоирларининг гўзал шеърлари жам бўлди.

Зулфиянинг шеърояти дунё шеърятининг ҳамма нуқталаридан баралла кўзга ташланиб туради.





**Машраб Бобоев,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими*

## **ЗУЛФИЯ ЧИЗГАН СУРАТЛАР**

*Мен бир жонки, борлигим туйғу,  
Ҳамма билан ишим бор.  
Зулфия*

Зулфия опа илк баҳорда таваллуд топган. Демак, баҳорнинг тенгдоши.

Баҳорга тенгдош инсоннинг шоир бўлиши — ҳеч кимни ажаблантирмайдиган, табиий бир ҳол.

Аммо, барчага суюкли, эл ардоғида юрадиган шоир бўлиш — Оллоҳ таоло ҳаммага ҳам ҳадя этаверадиган насиба эмас.

Зулфия опа ана шу насибадан баҳраманд.

Халқ меҳрида, ёрман эл шуҳратига,  
Бахтли аёл деса ҳақли халойиқ...

Ҳа, Зулфия опа бахтли аёл, бахтли шоира.

Хўш, ўзбек халқининг Зулфия исмли фарзанди ким, унинг бахти нимадан иборат?

Зулфия — нафақат она Ўзбекистонда, балки дунёнинг жуда кўп пучмоғида давраларга файз бағишлаган, мўътабар минбарларда туриб шеър ўқиган шоира.

Зулфия — Пушкин, Некрасов, Мустай Карим, Қайсин Қулиев, Сильва Капутикян сингари жуда кўп шоирларни ўзбекча ҳам сайрата олган таржимон.

Зулфия — Осиё, Африка мамлакатлари ёзувчиларининг бошини бириктириш ишига фаол ҳисса қўшган, бу бириктирувнинг катта кучга айланиши учун бор кучини аямаган халқаро арбоб.

Зулфия — ўзбек маданияти, ўзбек хотин-қизлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этган «Саодат» журналининг муҳаррири, Олий Кенгаш депутати сифатида узоқ йиллар давомида халқ ҳаётига аралашиб, уни яхшилаш учун курашиб келган жамоат арбоби.



Зулфия — неча-неча қизнинг қўлидан тутиб, адабиёт даргоҳига бошлаб келган, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб турган меҳрибон, беминнат, аммо талабчан устоз.

Зулфия — билимдон, нозиктаъб, зукко суҳбатдош.

Зулфия — меҳрибон она, буви...

Энг муҳим, энг ғалати томони шунда-ки...

Эндигина камолга етган баравж навниҳолни тасаввур қилинг. Кейин унинг яшин уриб кетган, қоп-қора, шип-шийдам танасини кўз олдингизга келтиринг. Ниҳолнинг «одам бўлиши» нақадар қийинлигини биласиз.

Эриб кетмагандим севгингдан  
Бўлмаслик-чун бахтингдан жудо,  
Бирга қолиш учун сен билан  
Қуяман-у, бўлмайман адо.

Зулфия опа ана шу навниҳол фожиасини бошидан кечирган. Қайтадан «одам бўлган». Ҳамда бугунги кундаги барча эҳтирому мартабасига ана шу қаҳрамонона «қайта туғилган»дан кейин эришган. Бу жараённи кечириш учун инсон зоти қандай кучга эга бўлиши керак!

Зулфия опа узоқ умри давомида зоҳирий ва ботиний гўзаллиги, идроки, меҳри, истеъдоди билан бирга ана шу кучни ҳам намойиш қилиб келди.

Зулфия опа бу кучни қаердан олгани маълум, албатта:

Ватандош, сен бахтиёрлигим,  
Сенсиз на куй, на ҳаёт бутун.

Зулфия опа бир шеърини «Мен чизолмаган сурат» деб номлаган. Халқимизда «камтарга камол» деган нақл бор. Бунинг устига, санъаткор ҳар доим ўз ишидан қоникмаслик ҳисси билан яшайди. Тажрибали, устоз шоира ҳар доим «Жасоратнинг баёни қай ранг, Доноликнинг белгиси қай сўз» эканини қидиради. Аммо, унинг шеърларида биз ҳаётнинг, инсон ҳолатининг турли-туман рангин суратларини кўрамиз.

Мана, уларнинг айримлари:

Беланчакда булутдай гўдак...  
Чавандозлар қиличларидай  
Жўякдаги сувда ётар ой...

Паға булут изларини  
Ушлаб кўрмагандим ҳеч.  
Бунда қолсам юзларимни  
Ювар эмиш эрта-кеч.

Ҳарир рўмол бўлиб майин,  
Ўралармиш бўйнимга.  
Тутқазармиш само найин,  
Ел қанотин куйимга.

Қуёш нурин ҳовучида  
Ичирармиш чанқасам.  
Кийгизармиш камалақдан  
Камзул тикиб беқасам...

Зулфия опанинг ижодий хазинасида бундай суратлар озми?

Бу рангин суратлар манбаини шоирага она юртнинг ҳассос куйчиси устоз Ҳамид Олимжон кўрсатиб кетган. Улар, чизилажак бўёқлар ҳам ўша ерда, яъни ўша манбада:

Мафтун этганидай мени оқ тонлар,  
Куй олиб киради гўзал оқшомлар...

Бу гўзал борлиқ, макон — табиат. Бироқ ҳар қандай гўзал тасвир гўзаллик намунаси бўлавермайди. Ҳар бир табиат унсурига «жон ато» этилганидагина, у ҳаракатда бўлганидагина ҳақиқий гўзаллик касб этади. Зулфия опа чизган гўзал суратлар, она-Ўзбекистонимизнинг ҳар бир манзараси жонли, ҳаракатда. Чунки:

Одамлар дарёси оқар ёнимдан,  
Қарайман:  
Ҳаммаси-ҳаммаси таниш.  
Билмайман исмин ҳам, касбин ҳам, аммо  
Биламан, барида буюк интилиш:  
Эртани бугунга келтириш учун  
Бугундан гўзалроқ дамга шошади.  
Ҳаётда ҳали ҳеч тарих кўрмаган  
Зафар китобидан варақ очади.

(Бу шеърнинг ёзилганига анча бўлган — қирқ йилдан ошган. Аммо, мазкур сатрлар кўз олдинга бугунги кун манзарасини келтирмайдими, ундаги ҳаракатда бугунги —

мустақил юрт кишиларининг ҳаракати акс этмаганми? Яхши асарнинг эскирмаслиги, ҳар доим долзарб бўлиб қолаверишига бир кичкина мисол бу...)

Ўзининг камтарона эътирофи ила айтганда «қалам деҳқони» Зулфия опанинг ижодий ҳазинаси — сирли бир олам: унинг на чек-чегараси бор, на... Бу оламда адашгандан-адашиб кезиб юраверасиз, аммо чиқиб кетиш хаёлингизга ҳам келмайди. Чунки бу оламда шоира она юрти ва жаҳонни кезиб кашф этган дунё ва инсон манзаралари сизни сеҳрлаб қўяди. Ўша сеҳр бу оламда сизни гўзал Фарғона ва олис Миср, Ҳиндистоннинг афсонавий гўшаларига сайрга олиб чиқади, қайноқ давраларга олиб киради, жаҳон маданиятининг улкан арбоблари билан таништиради. Бу оламда сиз гўзаллик, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий узвий муносабатни кўрасиз, амин бўласизки, баҳор, садоқат, меҳнат, таянч, орзу, ватан...бўлмаганида, уларни «Одамзод албат ўзи кашф этарди, Кашф этгандай бахт».

Зулфия опанинг ижодий ҳазинаси шеърӣй жавоҳирларидангина иборат эмас. Унда юқорида тилга олинган таржималар, ҳамюртларимиз сурати чизилган очерклар, сафдош шоирларнинг ижодий қиёфаларига чизгилар, ҳам маданий ҳаётдаги улкан воқеа, ҳам устоз Ҳамид Олимжон хотирасига кўрсатилган яна бир эҳтиром — «Зайнаб ва Омон» опера либреттоси... Хуллас, таъбингизга нима маъкул бўлса, ўша нарсани топасиз. Табиатингиз равшанлашади, аллақандай бир қониқиш, қаноат туясиз.

Аммо, шуни ҳам туясизки, сизга бу лаззатни инъом этаётган шоиранинг ўзи безовта, ғалати бир таҳликада яшайди:

Ўғирламанг қаламим бир кун,  
Мени этманг соқов ва чўлоқ...

Яна шунга амин бўласизки, сизга бу лаззатни инъом этаётган шоира — ҳаётнинг, ижоднинг барча иссиқ-совуғини кўрган инсон — қанчалик фожеий, қанчалик машаққатли бўлмасин, кечирган умридан нолимайди, ундан мусулмон фарзандига хос оддий, инсоний хулоса чиқаради:

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,  
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:  
Суйдим,  
Эркаландим,

Айрилдим,  
Куйдим,  
Иззат нима билдим,  
Шу-да бир яшаш!

Аслида ҳам инсонга шундан ортиқ нима керак?

Бироқ шоиранинг яна бир ўтинчи бор. Гарчи бу ўтинч Зулфиядек шоира учун ортиқчадек туюлади, аммо, донишлик инсон ўз тақдирида бирон-бир вазиятни истисно қилмаслиги кераклигини ҳам тақозо этар экан.

Қайноқ суйгум,  
Куйим,  
Совуқ жасадим,  
Она-Ватан, ўтинч, бағрингдан қўйма!

Барча учун ибрат бўлгулик гаплар. Барчамизнинг энг олий бахтимиз, энг олий ниятимиз шу. Оллоҳ барчамиздан ана шу неъматини дариф тутмасин!

Халқимиз суюкли фарзандларини ардоқлаб, эъозлашни билади. Бу йил ана шундай суюкли фарзандларидан бири — мустақил республикамизнинг олий нишони бўлмиш «Дўстлик» орденини биринчилардан бўлиб кўксига таққан халқ шоири Зулфиянинг тўйи мамлакатимизда кенг нишонланади. Ҳозир ана шу улкан воқеага тайёргарлик қизиб кетган.

Фасллар ичида одамлар қувонч билан кутиб оладигани — баҳор. Чунки бу фасл янги ҳаво, янги ҳаёт олиб келади. Бу йил эса, у алоҳида эҳтиром билан кутиб олинади. Сабаби — у бу йил юртимизга муқаддас Рамазон Ҳайити билан бир пайтда ташриф буюрмоқда.

Зулфия опа баҳорнинг бошида таваллуд топган. Демак, опанинг бу йилги мавлуд айёми ҳам Муқаддас Ҳайит кунига тўғри келяпти...

Сен ўзинг кун сари ўсган фарзандим,  
Гоҳ чанқоқ шодлигим, гоҳ аччиқ зардим.  
Меҳнат зафарларим, бешифо дардим.  
Дўстдан меҳр мактуб кутмоқ азмида  
Сени куйлайман, Ҳаёт!



**Нормурод Нарзуллаев,**  
*Ўзбекистон халқ шоири*

## **СЎНМАС ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ**

*Дили шоир ҳассос бир элга,  
Фарзандлигим нақл этар бурчим.  
Халқ қалбида бир гўзал шеърга,  
Етармикан ҳеч қачон кучим!*

**Зулфия**

Осмонни Ой ва Қуёшсиз тасаввур этиб бўлмайди. Дарвоқе, ўзбек адабиётини ҳам Ҳамид Олимжон ва Зулфиясиз мутлақо тасаввур этиш асло мумкин эмас. Ҳамид Олимжон ўзбек шеърятининг қуёши бўлса, Зулфия опамиз назмимизнинг ойи эди. Ой ва Қуёш бир-бирларига талпиниб, тунигимиз ва кундузимизни эзгулик ёғдулари билан ёритиб, бизни яшаш ва курашга, ҳаётни севишга чорладилар. Устозимиз Ҳамид Олимжонга Президентимиз фармони билан «Буюк хизматлари учун» орденининг берилиши ҳам адабиётимиз, санъатимизнинг улуг сиймоларига кўрсатилган юксак эҳтиромнинг олий нишонасидир.

Инсон зоти борки, ҳамиша юлдузларга талпинади, еру кўкдан ўз юлдузини излайди, ўша юлдуз шуъласидан баҳраманд бўлишга интилади. Зулфия опамиз ҳам шеърятимизнинг ёрқин юлдузи, адабиётимизнинг онахони эди ва шундай бўлиб тарихимиз, тақдиримизда муҳрланиб қолдилар, десам ҳақ гапни айтган бўламан.

«Шоир қалби дунёни тинглар» — деган эди устоз шоиримиз Мақсуд Шайхзода. Бу оташин сатр Зулфия опамизнинг ёрқин шеъряти, жўшқин фаолиятига бевосита дахлдордир. Зулфия опа дунё таниган, ўз юртини — ўзбек элини оламга танитган адабиётимиз фидойиларидан эдилар. Эллигинчи йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ёзувчиларининг тарихий анжумани ўтказилган ва маданий ҳаётимизга «Тошкент руҳи»ни олиб келганлигини биз яхши биламиз. Ҳиндистон пойтахти — Деҳлида дунё қалам аҳлининг катта конференциясида Зулфия опамизнинг қалб даъвати, таклифи

Тошкентда акс-садо берди, уч қитъа адибларини ўзбек элининг қадрдонига айлантирди, дунё билан сўз санъати орқали дўстлаштирди, бу тадбир Зулфия опамиз номини янада улуғлади, шеърятига қанот бағишлади. Нозим Ҳикмат, Жорж Амаду, Алекс Ла Гума, Файз Аҳмад Файз каби дунё адабиётининг устунлари, Расул Ҳамзатов, Мирзо Турсунзода, Берди Кербобоев, Николай Тихонов, Анатолий Сафронов каби қардош адабиёт намояндалари ўзбек халқи, адабиётимизнинг дўстлари бўлиб қолдилар. Расул Ҳамзатов, Давид Кўғултинов, Қайсин Қулиев, Мустай Каримлар Зулфия опамиз шеърятининг жонкуяр мухлислари, Сильва Капутикян, Марварид Дилбозий, Соломея Нерислар билан Зулфия опамиз ўртасидаги дугоналарча яқинликка, дўстона ижодий ҳамкорликка қалам аҳли ҳавас билан қараганлигининг гувоҳи бўлганмиз.

Жаҳонгашта, меҳри дарё, мурувватли Зулфия опамиз «Шоира» сўзидан кўра «Шоир» атамасини хуш кўрардилар ва истеъмолда ҳам ундан унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилардилар. Яхши инсонларга бағрилари ҳамиша очиқ, уларга меҳр кўрғазишдан чарчамасдилар. Бу ҳақиқатни у кишининг меҳри билан адабиётдан ўрин олган садоқатли шогирдлари минг чандон тасдиқлашлари мумкин. Зулфияхоним яратган адабий мактабдан қанчадан-қанча қалдирғочлар униб-ўсиб, парвоз қилиб кетишди.

Ёзувчилар уюшмасида масъул вазифада хизмат қилиб юрган пайтларимда иқтидорли рус шоираси Римма Казаковани Ўзбекистонга, Тошкентга таклиф этиб, истеъдодли шоира ва адиба қизларимиз – Эътибор Охунова, Ойдин Ҳожиева, Гулчехра Жўраеваларнинг сара шеърларини таржима қилдиришга бош-қош бўлганлигининг гувоҳи бўлганман. Зулфия опамиз «Оқ йўл»и билан дастлаб «Дружба народов» журналида, кейинчалик «Советский писатель» нашриётида ҳар қайсиси алоҳида китоб ҳолида рус тилида босилиб чиққанлигини адабий жамоатчилик яхши билишади. Гулистон Матёкубова, Санъат Маҳмудова, Дилбар Саидова, Шарифа Салимова, Фарида Афрўз, Қутлибека Раҳимбоева, Хосият Бобомуродова каби адиба ва шоираларимиз Зулфия опамизнинг катта қалби билан адабиётимиздан муносиб ўрин олдилар, эл-юрт назарига тушдилар.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилганлиги маданий ҳаётимизда унутилмас воқеага айландики, бу аввало буюк шоирамиз номини улуғлади, унга сўнмас обида бўлди, шу орқали ҳар йили қанчадан-қанча истеъдодлар кашф этилиб, «Зулфия қизлари» сони кўпайди. Улар ўзбек шеърияти хиёбонида янги-янги гулдасталар бўй таратишига, ҳаётда ва ижодда ўз ўрнини топишига, ўз сўзини айтишига ишонаман.

Бизнинг авлод адабиётга Шароф Рашидов, Комил Яшин, Зулфияхоним, Миртемир домла, Шухрат ака, Туроб Тўладай бағри кенг инсонлар — устозлар меҳри билан дадил кириб келганлигимизни яхши англаймиз ва ана шу диёнатли сўз усталари руҳи олдида бир умр қарздор ва бурчдоримиз.

«Орзуга айб йўқ», дейди доно халқимиз. Худди Жиззаҳда Ҳамид Олимжон, Тошкентда Фафур Фулом, Ойбек домла, Мухтор Ашрафийлар номида музейлар бўлганидек, шеъриятимиз маликаси — Зулфия онамиз номида ҳам уй-музейига асос солинишига имоним комил. Буни давр талаб қилиб турибди.

Зулфия опамизнинг қуйидаги қалб сатрлари:

Шукур, дунё ичра  
яшамадим кам  
Ва ҳеч дард, ҳеч  
жумбоқ этолмади танг! —

дилларимизда акс-садо бериб турибди.

## ШОИРАМ — МЕНИНГ МУШОИРАМ

*Ўзбекистон халқ шоири Зулфияга*

Офтоб зиёсидан мунаввар олам,  
Нурга интилади ташна нигоҳлар,  
Иқболидан мамнун, бахтиёр одам,  
Чапак чалиб қутлар гуллар, гиёҳлар.  
Гулгун саодатим сизсиз, шоирам!

Меҳнатдир ҳамиша умрга мезбон,  
У — обрў, у — шуҳрат, мангу обида.

Олтин қалам берди қўлларга замон,  
Ўзни кўриб хушнуд бахт китобида.  
Бу — ҳалол меҳнатим сизсиз, шоирам!

Тоза туйғулардан ҳаёт туғилар,  
Яратиш ишқида туғёнли юрак.  
Қўшиққа исёнкор меҳрни улар,  
Имлар ўз қўйнига рангин камалак.  
Туғёнли юрагим сизсиз, шоирам!

Эътиқод бўлмаса — кечар қандай кун?!  
Сохталиқ, лоқайдлик умрга эгов!  
Йўқ, севги бўлмайди безабон, беун,  
Умрбоқийликка ишончдир гаров.  
Ўтли эътиқодим сизсиз, шоирам!

Вафо ва садоқат тантанаси бу,  
Буюк шоирамнинг чироғи ёниқ.  
Шеър бўлиб оқади кўзларда ёғду,  
Баҳорни сўроқлаб турибди аниқ.  
Вафо, садоқатим сизсиз, шоирам!

Имон билан бутун ҳаёт илдизи,  
Имон бор — кафтларда ўйнайди қуёш.  
Тупроқда ниш урар табаррук изи,  
Сўнмас бу оташ нур — юракка туташ.  
Қуёшли имоним сизсиз, шоирам!

Қитъадан қитъага учар мисралар,  
Фазогир инсоним сизсиз, шоирам!  
Орзусидай инсон мағрур юксалар,  
Сўз билан дунёни асир айлар ишқ.  
Фазогир инсоним сизсиз, шоирам!

Фарзандлар камоли шеърингиз янглиғ,  
Умр тўйингизни олқишлар яқдил.  
Шогирдлар киприкда ёлқинли бир чўғ,  
Имонимиз бутун, ишончлар комил,  
Менинг мушоирам сизсиз, шоирам!





**Омон Мухтор,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган*  
*санъат арбоби*

**НУРГА ТЎЙМАГАН ДУНЁ**

Зулфия опа ёзган гўзал-мукаммал шеърлар орасида шундай сатрлар бор:

Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,  
Юрагимдан узган сингари...

Қачон Зулфия опани эласам, бу сатрлар ёдимга тушади. Бундан кўп йил муқаддам шу тўғрида, Зулфия опага бағишлаб ёзган шеърим ҳам ёдимга тушади:

«Қуёшдан нур олиб менга бергин, ё  
Юракдан ёғду бер!» — сўради дунё.

У — еру кўк аро беором юзди,  
У — ҳар кун қуёшдан парчалар узди.

Ўзи — ўз кўксида очиб дарчалар,  
Юракдан ҳам узди ҳар кун парчалар.

Бўлди зулмат йўли кундан-кунга тор,  
Бўлди кундан-кунга ҳаёт шуълавор.

У — тиним билмади умрида, аммо  
Тўймади, барибир, ёғдуга дунё...

Булар хотирамда сақланиб қолганига сабаб, менга шуҳратли шоира ва арбоб Зулфия опанинг бутун қиёфаси тасвири «қуёш билан юрак»ни одамларга парча-парча «узиб бериш» ҳолатидан иборат бўлиб туюлади. Унинг доимий куюнчаклиги, серташвиш хатти-ҳаракатлари, баъзан муло-йим, баъзан кескинлиги ўша тасвирнинг бўёқларидир, холос.

Адашмасам, 70-йиллар бошлари эди.

Қиш куни. Ерни қалин қор қоплаган, совуқ.

Радиода ишлардим. Қандайдир ташвиш билан юрган эдим, навбатчи турган эшик олдида, йўлакда Зулфия опага кўзим тушди. У — эгни юпқа, оёғида пошнаги туфли — совуқдан сал жунжикиб, сал саросималанган эди.

Югуриб бордим. Сўрашдим.

— Машинага жавоб берувдим. Ярим соатдан кейин келади. Бу ерда рухсатнома ёзишмаган экан, — деди Зулфия опа ўзи-ўзидан хижолат чеккан ҳолда.

Навбатчига гапиришнинг фойдаси йўқ. Мен оддий бир одобни билмаган, Зулфия опани чақириб қўйиб, ўз хонасида ялпайиб чой ичиб ўтирган муҳаррирдан хафа бўлиб кетдим. Табиийки, Зулфия опани тезда студияга бошлаб, ёзиб олиш тараддудига тушдим.

Лекин бу — муҳим эмас.

Муҳими, шу куни Зулфия опанинг «тиш-тирноғига» АЁЛ эканлиги, унинг назокатига қойил қолган эдим.

Яшириб нима қилдик, аёллар мавқе эгаллашгани яхшику, арбоб бўлишгач улардан айримлари «эркакшода» қиёфага киришади. Шон-шавкатга бурканган айрим ижодкор аёлларимиз орасида ҳам оёқ кериб, қўлини белига тираб, кўпинча осмондан келганларини кўрганмиз.

Зулфия опанинг пўстини билан этикчасини машинада қолдириб, «енгилроқ» намойишда ичкарига кирганининг ўзида алланечук нафосат сезиларди. Унинг совуқ ҳавода қисиниб турганида ҳам! Ахир, у бор мавқеидан фойдаланиб, мабодо овозини «бир парда» кўтарса бас, радионинг «катта»лари ўзи чопқиллашиб, қаршисида рўйи-рост таъзимда бўлишарди. Зулфия опа эса ўзини ИНСОН ва АЁЛ сифатида тутган эди!

Йиллар давомида ҳар хил пайт, шароитда Зулфия опа муносиб ва самимий, содда тутумга риоя қилганини неча бора кузатганман. Баъзан ҳатто ажабланганман. Бировнинг шунчаки хат ёзиб муҳлис эканлигини билдиргани ёки унга ўз дардини айтиш учун атай бир ёқдан келгани Зулфия опани ҳаяжонлантирар, у аксар қаттиқ таъсирланар эди. Умуман, эҳтиросли, шиддатли эди ва қизиқ жойи, ҳеч қачон

сокинликни йўқотмагандек таассурот уйғотарди. Умри охиригача жисмида тетиклик, юзида чинакам ўзбек аёлига хос кўркамлик асраниб қолган эди. Унинг кўзлари — алоҳида олам. Кўзларида ҳорғинлик, ҳасратми-қайғу, шунинг баробарида, улар шўхчан, ажиб бир завқ, беркиниб-қоришиб ётгандек эди. Табассум қилганида, эътибор берсангиз, юз-кўзида ҳаммага ҳам буюрмайдиган қандайдир НУР ярқ этиб кўринар эди.

\* \* \*

Бизнинг авлодимизда менга ўхшаб Зулфия опани таниган, у билан суҳбатлашган, ундан нимадир сабоқ олган ижодкор кўп! Уни кунда кўриб турганман, яқин шогирди эдим, деган даъводан узоқ эканлигимни айтмоқчиман.

Зулфия опа билан менинг учрашув, суҳбатларим адабий жараёнда бўлган одатдаги муносабат эди. Таъбир жоиз бўлса, адабиёт қозонига тушиб қолган ўшанда ёш бир ижодкорнинг уста-санъаткор билан тасодиф юзланишлари эди.

Дорилфунунни тугатиб-тугатмаган пайтдан шеърлар, ҳикоялар ёзиб, редакцияларга қатнар эдим. «Саодат» журнали ҳам менга бегона эмас. Аммо бу ерда, асосан, бош муҳаррир ўринбосари Холида Аҳророва, бўлим мудири Марва Жалолидинова деган опаларим билан кўришардим. Улар самимий суҳбатлашиб, маслаҳат беришарди. Кейин, бир куни кутилмаганда Зулфия опага рўпара келиб қолдим.

Қаёққадир шошиб чиқиб кетаётган Зулфия опа ўз йўлида бехос тўхтаб, негадир афтимга қаради. Бирон ерда ҳикоямни ўқиган бўлса керак, жилмайиб:

— Бизга қачон ҳикоя берасиз, йигит? — деди.

Мен довдираб қолиб, арзийдиган бир нарса ёза олсам, деб чайналдим.

— Сизга бир ҳафта муҳлат. Ҳикоя олиб келасиз! — деди Зулфия опа қатъий.

Шу кундан «Саодат» журналида менинг муаллифлигим бошланди. Опанинг олдида хижолат чекмаслик, масъулият ҳисси мени маълум даражада «пишитган»дек бўлди. Ўша йиллари журналда бир қатор ҳикояларим босилди. Уч-тўрт ой «узоқлашиб» кетсам, қаерда бўлсин, Зулфия опа дуч келганда янги бир нарса ёзишга даъват этар эди. У фақат мен

эмас, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимовларни ҳам шундай «ишлатган» дейиш мумкин.

Мана, шу даврда Аёллар мавзуига эътибор бериш кераклиги хаёлимга ўрнашганидан, кейинчалик бу мавзуда бир даста шеърлар, яна ҳикоялар ёздим. Қисса ва романларимда Аёллар образига меҳр билан ёндашишни ўргандим. Бу – мен учун Зулфия опадан бевосита олинган сабоқдир.

Адабий давраларда Зулфия опани учратишдан ташқари, унинг хонадонида бўлган, дастурхонидан туз тотган пайтларим бор. Айниқса, 70 – 80-йиллар яқин мамлакатларга ижодий сафарларга бориб турганимда, у ерлардан таниш ижодкорлар баъзан Ўзбекистонга келганларида, Зулфия опа билан хабарлашиб, фикрлашганман. Бу кўришувлардан ҳар бирида ўзимни Зулфия опа мактабининг оддий ўқувчиси каби сезганман. Ундан қайсидир жиҳатлардан сабоқ олганман.

\* \* \*

Бундай воқеани ҳам эслайман.

Бир куни Зулфия опанинг уйига қўнғироқ қилдим.

«Шарқ юлдузи» журнали учун янги шеърлар ундирмоқчи эдим. Илтимосимни айтдим.

Зулфия опа анча сукутга чўмди. Ниҳоят:

– Журнал меники бўлмай қолди, – деди ўпкалангандек оҳангла.

Мен паришонланиб, бу гап мағзини чақишга уриндим.

Журналимизда, мендан кўпроқ Зулфия опа даврасида бўлган, меҳрини кўрган, маълум истеъдодга ҳам эга ижодкорлардан бирининг яқинда асари босилган эди. Зулфия опа асарни ўқиб, ўзига тегишли «белгилар»ни топган, уни «туртиб ўтган» муаллифдан ҳам, журналдан ҳам шу кунлар ранжиб юрган экан.

Мен бирон инсон-бандани илоҳийлаштириш тарафдори эмасман. Зулфия опани ҳам ҳеч бир одамий ожизликлари йўқ эди, деб «ғариб ҳолга» солиш диёнатдан бўлмайди. Зулфия опа кечаги кун фарзанди эди. Фаолиятида, ижодидида «камарбасталик» бор эди. Лекин у оғир, ҳатто фоже қисматни бошдан кечирган АЁЛ, кичик бир қайиқда тўфонли хаёл денгизини ёриб ўтган кучли ШАХС эди. Бир шеърида, мен қалб аталган дардни бошлаб юраман, деган гапни бекорга

ёзмаган... Ҳалиги асар муаллифи Зулфия опага чиндан хиёнат, нонкўрлик қилганми?! Ёки Зулфия опага шундай туюлганми?! — то ҳозир мен бу борада аниқ фикр айтилмайман. Вақтида эса, журнал таҳририяти қайсидир «белгилар» борлигини хаёлига келтирмаган, эҳтимолки, «сув остидаги тош»ни кўрмаган эди. Асар савиясига қараб эълон қилинган эди.

Қандай бўлмасин, ўшанда мен журнал ва муаллиф учун Зулфия опадан узр сўрадим.

Орадан икки-уч ой ўтгач, касалхонада ётишимга тўғри келди.

Ҳовлида айланиб юрган эдим, Зулфия опа шу ерда, айвончада ёлғиз ўйланиб ўтирганини кўрдим.

Биз ундан-бундан сўзлашаётиб, гап беихтиёр журнал ва ҳалиги муаллифга бориб тақалди.

Зулфия опа бироз зорлангандек бўлди.

Кейин... кейин...

Адабиёт, ҳаёт ҳақида менга нималарнидир тўлиб-тошиб гапира бошлади.

Мен, Зулфия опа журнални ҳам, муаллифни ҳам аллақачон кечириб юборганини ҳис этдим.

Тушундимки, асосий иши одамларга «қуёш ва юрак»ни парча-парча «узиб бериш»дан иборат бўлган ИНСОНнинг кимдан, нимадандир узоқ озорланиб юришга вақти йўқ...





**Барот Бойқобилов,**  
*Ўзбекистон халқ шоири*

## **МЕҲР КЎП КЎРГИЗДИ...**

Улуғ шоиримиз Ҳамид Олимжон ибораси билан айтганда Зулфия опа «ўхшаши йўқ» шоира эди. У киши одамлар назарига тушган кунданоқ Ҳамид Олимжон билан бирга эди ва умрининг охиригача мартабали шоиримизнинг ёди билан яшади. Зулфия опа – Ишқ ва Вафо тимсоли эди!

Камина ўқиган биринчи шоирим Ҳамид Олимжон бўлса, Зулфия опа эса устоз сифатида меҳр кўрсатган биринчи шоира эди. Миртемир домла ва Зулфия опанинг тавсияси билан талабалик йилларимда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига (1960) қабул қилинган ва биринчи шеърый китобим – «Самарқанд сатрлари» (1962) нашр этилгани бир умр эсда қоларлик воқеа бўлган эди. Бунгача – 1959 йилда Ҳамид Олимжоннинг опаси Асалат аянинг тўнғич ўғли, Самарқанд Давлат университетининг муҳтарам алломаси, устоз Орифжон Икромов билан Зулфия опанинг уйида меҳмон бўлган эдик.

Фурсати келганда Зулфия опа билан боғлиқ бир воқеани сўзлаб беришга эҳтиёж сездим.

Ёшлигимдан меҳр кўйиб ўқиб юрган шоирларимдан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари эди. Бобур шеърояти мени сеҳрли бир дунёга бошлаб кирган бўлса, унинг қисмати – кун ва тундан иборат ҳаёти, Ватан соғинчи, «ғурбатда ғариб»нинг шодумон бўлмаганлиги менинг кўлимга қалам тутқазди ва Бобур ҳақида «Кун ва тун» достонини (1966) ёзишга даъват этди. Достон Ёзувчилар уюшмасининг шеъроят кенгашида (1967) Миртемир, Мамарасул Бобоев, Ҳамид Ғулом, Шуҳрат, Мирмуҳсин, Шукрулло, Рамз Бобожон, Султон Акбарий, тенгқурларим Хайриддин Салоҳ, Сайёр, Эркин Воҳидов, Тўлқин, Абдулла Ориповлар иштирокида муҳокама қилинди ва нашрга тавсия этилди. «Шарқ юлдузи» журнали босмага тайёрлаган (1968) бир пайтда Бобур ҳақида таъқибий гаплар тарқалди.

Шу йўсин достон босилмай қолди. Ҳамид Фулом «Шарқ юлдузи» журналининг масъул муҳаррири эди. У киши, достонингизни Зулфия опангиз ўқиб берсалар, деб маслаҳат берди. Достонни кўтариб, «Саодат» журнали таҳририятига бордим, Зулфия опа яхши кутиб олди, мени диққат билан тинглади ва асаримни олиб қолди. Бир неча кундан кейин чақириб, ўз фикрини айтди ва Ҳиндистонга бир бориб келинг, мен ёрдам бераман, Бобур изидан юрган шоир бахтли шоирдир, деди, менга оқ йўл тилагандек. Ўша пайтда Зулфия опа Ўзбекистон ва Ҳиндистон дўстлик жамиятининг раиси эди.

Ҳиндистон ва Покистонга (1970) сафар қилдим. Бобур ва унинг авлодлари ҳаёт кечирган элу юртларни кўрдим, Деҳли, Агра, Лоҳурдаги буюк санъат обидаларидан ҳайратда қолдим. Сафар таассуротлари натижаси ўлароқ «Шарқ гулдастаси» шеърлар туркуми ва «Тожмаҳал» достони юзага келди. Бу асарларни ҳам Зулфия опа диққат билан кўлига қалам олиб ўқиб, қимматли маслаҳат берганлари ҳамон эсимда. «Кун ва тун» (Бобур ҳақидаги достон) ўн беш йилдан сўнг босилди. Бошқа тилларга ҳам таржима қилинди. Бунда Зулфия опанинг ҳам хизматлари бор. Миннатдорман! Зулфия опа менга хориж дарвозасини очган раҳнамодир. У кишининг покиза руҳлари қошида бул фақир таъзим қилади.

Дарҳақиқат, Зулфия опа меҳрибон устоз, мунис она, фозил олима, оқида раҳбар эдилар. У кишининг меҳридан баҳраманд бўлмаган шоиру адиб кам. Зулфия опа элу юртимизга Ҳамид Олимжон бўлиб ҳам астойдил ва ҳалол хизмат қилди. Халқ ва Ватан Зулфия опани Ҳамид Олимжон шарафи учун ҳам ўз бошига кўтарди. Зулфия опа Ҳамид Олимжон тириклигида муяссар бўлолмаган обрў ва эътиборга, иззату икромга сазовор бўлди. Зулфия опа Ҳамид Олимжон яшай олмаган умрни ҳам яшади ва улуғ шоиримиз барҳаёт руҳини доимо шод этди. Илоҳо, жойлари жаннатда бўлсин!

Зулфия опани эслаганимда ушбу етти тўртлик субҳидамда қоғозга тушди:

## 1

Икки тоза булоқ кўрдим назмда,  
“Ўхшаши йўқ» экан мулки азимда.  
Ҳамид Олимжону Зулфиябегим,  
Булоғи бу — сув ичганлар таъзимда.

## 2

Энг аввал билганим Ҳамид Олимжон,  
Шууримда очди янги бир жаҳон.  
Шу жаҳон бекаси экан Зулфия,  
Шоирлар ичида шоири замон.

## 3

Ўзбек шеъриятин бокира этган,  
Авлоддан авлодга хотира этган.  
Зулфия опадир — тимсолда танҳо,  
Фикрни Сўз билан соҳира этган.

## 4

Зулфия опа бир ўғил ўстирди,  
Омон бўлсин дебон шердил ўстирди.  
Ота зурёдини асраб қароғдек,  
Элу юрт олдида кўнгил ўстирди.

## 5

Зебуннисо билан Нодирабегим  
Сингари — Зулфия бокира бегим.  
Айрилиқ ўтида ёнган Маҳзуна,  
Вафодор наслга хотира бегим!

## 6

Ишқ аҳлин зийнати Фарҳод ва Ширин,  
Лайли-Мажнун ишқин сири яширин.  
Ҳамид Олимжону Зулфиябегим,  
Қай қалам битади, ишқи тасвирин?

## 7

Зулфия опамиз яшар барҳаёт,  
Токи ўзбек эли айтаркан абёт.  
Ўзини юртига фидо қилганни,  
Ватану Миллати унутмаги ёт!





**Маҳкам Камолов,**  
*меҳнат фахрийси*

## **СИЙРАТИЮ СУВРАТИ ГЎЗАЛ АЁЛ**

Мен болалигимдан адабиётга жуда ўч бўлганман. Эртақ, ҳикоя, шеър, қисса ва романларни севиб ўқирдим. Бирорта янги асар чиқибди, деб эшитсам, китоб дўконига югурардим.

Халқимизнинг сеvimли шоираси Зулфия опа билан танишувимга ҳам аслида адабиётга шайдолигим сабабчи бўлган. Ўқувчилик йилларимда унинг шеърларини ўқиб, ўзини жудажуда кўргим келарди. Назаримда у осмондаги юлдуздек чарақлаб турарди.

Зулфия опани биринчи марта урушдан кейинги йилларда кўрганман. Кўрганман-у катта шоира деган шунчалик ҳам оддий ва камтар бўладими, деб ҳайрон қолганман. Кўп вақтгача бошқа одамни кўрдим шекилли, деб ҳам юрдим. Унинг жилмайиб туришлари, суҳбатдоши билан оҳиста, лекин аниқ-тиниқ сўзлашиши, қаддини ғоз тутиб шеър ўқишлари, борингки, ҳазрат Навоий таърифлаганидек, «бошдан-оёғи гўзал» эди. Кейинчалик эса шоира билан опа-ука бўлиб кетдик. Бунинг учун адабиётга жуда катта миннатдорчилигим бор.

1966 – 67 йилларда мен Тошкент вилояти Зангиота тумани раҳбари бўлиб ишлардим. Зулфия опанинг депутатликка номзоди Назарбек сайлов округидан кўрсатилди. Сайловчилар билан учрашувга ўзим олиб бордим. Аввало шундай таниқли шоирани кўрган халқ шодланиб, иккимизни ўраб олишди. Ҳамма у билан саломлашишга, ҳол-аҳвол сўрашишга ошиқарди. Опа уларнинг барчаси билан битта-битта сўрашиб чиқди. Сўнг талабларга биноан шеърлар ўқиб берди. Табиийки, Зулфия опа бор жойда Ҳамид Олимжондан гап кетмай илож йўқ эди. Сайловчилар ҳар икки ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди, туриш-турмуши билан беҳад қизиқишиб, шоирани саволларга кўмиб ташлашди. Мен ҳам бир чеккада қолиб кетдим. Тушда

бошланган учрашув кечгача давом этди. Қоронғи тушиб қолса ҳамки, одамларнинг ундан ажралгиси келмасди.

Учрашувдан қайтиб кетаётганимизда опа: “Маҳкамбой, сайловчиларим мактаб, ҳаммом қуриб беринг дейишди, эшитдингиз. Энди бу ишларни бажаролмай, уларни ранжитиб қўймасам бўлди”, – деди хижолатлик билан.

– Опа, сиз яхши-яхши шеърлар ёзиб, бизни илҳомлантириб турсангиз етади. Қурилиш ишларига ўзим бош-қош бўламан, мактабни ҳам, ҳаммомни ҳам қуриб берамиз.

Менинг ишонч билан айтган ушбу сўзларим шоирага катта далда бўлди. Ҳам гўзал шеърлар яратди, ҳам сайловчилар билан тез-тез учрашиб, уларга жуда катта маънавий мадад бериб турди. У, айниқса, аёллар ҳаёти билан қизиқар, уларнинг меҳнатини энгиллаштириш, қулайликлар яратиш ҳақида кўп бош қотирарди. Ўшанда халқаро хотин-қизлар байрами – 8 март арафаси эди. Котибам сизни телефонда Зулфия опа йўқлапти, деб қолди. Гўшакни кўтариб, «Сиз мени эмас, мен сизни табриклашим керак эди-ку», деб ҳазиллашдим.

– Албатта, – деган овоз келди гўшакнинг у томонидан. – Фақат бир ўзимни эмас. Туманингизнинг илғор аёлларини ҳам қўшиб табриклайсиз. Биласиз-ку, қишлоқ аёлининг камиди 4-5 нафардан фарзанди бор. Бир кир ювишга тушиб кетса кунни кеч қилади. Байрамда уларга кир ювиш машинаси совға қилсак дегандим. Шундай қилсак, уларнинг вақти тежалиб, шеър ўқишга ярам етар-а, Маҳкамбой.

Зулфия опанинг шундай бир одати бор эди. Кўп болали, камхаржроқ оилалар унинг эътиборидан сира четда қолмасди. Шоира ойда бир марта фақат улар учун ташриф буюрар ва албатта топган-тутганини олиб келарди. Болаларга кийим-кечак, бадиий адабиётлар, ота-оналарга рўзғор анжомлари. Шундай пайтларда опага ҳамроҳ бўлиб келган номдор шоирлару ёзувчилар билан учрашув, савол-жавоб ва шеърят кечалари уюштириларди.

Кўпинча опанинг вужуди ғайратдан яралганми, деб ўйлаб қолардим. Қачон қарамай тек ўтирмайди, шеър ёзади, ишхонада раҳбар, сайловчилар билан доимий мулоқотда. Қолаверса, ўзининг оиласи, икки нафар фарзанди бор. Устига-устак, уй-рўзғор ишлари, келди-кетди дегандай бир дунё юмуш. У эса ҳаммасига улгурарди, наинки улгурарди, балки қойиллатиб бажарарди.

Бизнинг туманимиздан депутатликка кўрсатилгани учун опа ўзини тумандаги ҳар бир воқеа-ҳодисага дахлдор ҳисоблар ва озми-кўпми ҳисса қўшишга интиларди. Ўша йиллари туманимиз давлатга юз минг тонна сабзаёт топшириши керак эди. Бундан хабардор шоира пайкал бошига келиб, ҳосилни кўз билан чамалаб кўрди-да, ҳаммаси жойида бўлади, деди. Айтганидек, мажбуриятни ҳам бажардик, деҳқонларга ҳам тарқатдик.

1966 йил баҳоридаги кучли зилзила маркази Назарбекка яқин бўлганлиги учун кўплаб одамларимиз кўчада қолди. Шоира эса билмадим, қайларгадир, кимларгадир учраб, чодирлар олиб келган ва бошпанасиз қолганларга улашганди. Туманинг янги марказини қуришда эса мен билан бирга юриб, лойиҳа ишларини амалга оширишда қатнашган.

Хуллас, шоира туманимиз аҳлининг яқин бир одамига айланиб қолганди. Ҳаттоки тўй-тўйчиқларимизга ҳам таклиф этардик. У ҳеч бир оғринмасдан, аксинча, севиниб, шодланиб келарди ҳузуримизга.

Зулфия опа билан менинг аёлим Саодатхон иккови (илоё, жойи жаннатда бўлсин) жуда қадрдон, дейиш мумкинки, туғишган опа-сингилдек яқин эдилар. Бир муддат Наманганда яшаганимизда ҳам опа қачон Наманганга борса, аввал бизнинг уйга тушарди. Ўзи бош муҳаррирлик қилган «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали номини «Саодат»га алмаштиришида ҳам уларнинг ўзаро яқинлиги акс этган бўлиши мумкин. Бири шоира, бири мусиқашунос бўлган икки аёлнинг латиф суҳбатлари тонгларга уланиб кетарди. Мунис онагинам эса уларга ҳавас билан боққанича, ёмон нафасдан асрасин, дея кўксига туфларди.

Бутун оиламиз билан опани жуда яхши кўрардик. Учрашишга имкон топилмай қолса, дарров қўнғироқлашардик. Ҳали-ҳали эслаймани, у киши овозим ўхшагани учун мени Ҳамид Фулом билан кўп адаштирарди.

— Ҳамиджон, — дерди ўктам овоз билан.

— Яна адаштирингиз-а, опагон, мен Маҳкамбойман, — дердим мен.

Бу дунё ўткинчи экан. Инсондан яхши ном, яхши фарзандлар ва хотиралар қоларкан.

Бугун ана шу хотираларга суяниб яшайман. Зулфия опани кўргим келса, китоб жавонимдаги шеърый тўпламларини қўлга

оламан. «Демак, баҳор келди...» шеърини қайта-қайта ўқийман.  
Ҳар сафар янги бир фалсафа уққандай бўламан:

Ўқ отган кемалар денгизга ботиб,  
Чирисин!  
Тин олсин эллар, оламлар.  
Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,  
Баҳор каби қайтиб келмас одамлар!  
Баҳор боқий келсин!

Бу билан ҳам таскин топмасам, ўғли Омон Ҳамидовичга қўнгироқ қиламан, Ҳулкарни дараклайман.

Зулфия опа гўзал аёл, гўзал шоира ва гўзал она эди. Сийрати билан суврати, ички маданияти ва маънавияти монанд ва уйғун эди унинг. Ундаги нафосату назокатни тасвирлашда ҳеч ким Фафур Фуломнинг олдига тушолмайди: “Муаззам Шарқ намоёнди сенинг покиза жисмингда”.

Зулфия опанинг яна бир номи Садоқатдир. У шоиранинг ҳар бир шеъридан мўралаб туради. Сўнгра юрагингизга кўчиб ўтади. Ушбу садоқатнинг сувратини ҳаттоки моҳир рассом ҳам чизолмайди, қўлидан келмайди. Унинг суврати шоиранинг шеъридир.

Биз оилада олтига ўғил эдик. Катта акам Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Хотини — кеннойим Марям опа жиянимиз — битта-ю битта қизи билан қолса-да, бошқа турмуш қилмади. У онамга келин эмас, балки ҳақиқий қиз эди. Онам унга бир неча бор, ўғлим пешанамга сиғмади, сиз ҳали ёшсиз, бошқа оила қуринг, деб айтса ҳамки, Марям опам биз билан яшайверди. Киригимизни ювди, овқатимизни пиширди, ҳаттоки онамнинг ўрнига мактабга ота-оналар мажлисига ҳам борарди. Оиламизда қиз бола бўлмагани учун, қолаверса, акам туфайли бизга меҳр кўрсатгани учун уни бағоят ҳурматлардим. Айни пайтда у билан Зулфия опанинг ўртасида қандайдир ўхшашлик бордай туюларди менга. Кейин билсам, уларни садоқат, меҳр ва муҳаббат туйғулари боғлаб тураркан.

Зулфия опа шеърият маликаси эди ва шундай бўлиб қолади:

Илтифотли диллар тафтидан  
Илҳом қайнар мисоли булоқ.

Шеърятнинг ёрқин тахтида  
Кўринишдан бахт борми зўрроқ?

Мен уни ана шундай хотирлайман. Шоира «Дарахт» номли шеърини шундай яқунлаган:

Биламан, дарахтдай қуласам агар,  
Менинг ҳаёт боғим қолмас ҳувиллаб.

Шоира ҳақ. Унинг ишларини фарзандлари, набиралари ва шогирдлари давом эттиришмоқда.

Ҳар баҳор кириши билан бирга унинг туғилган кунини нишонлаймиз. Ёдга оламиз, хотирлаймиз. Яхши инсон эди, деймиз. Хотиралар ичра энг муҳими ана шу.

Зулфия опа бир умр меҳнат қилиб яшади, чарчамади, толиқиш нималигини билмади. Халқининг, элининг юкини кўтарди, одамлар дардига қулоқ тутди, ташвишига шерик бўлди. Шеърларига кўшиб юрагини ҳам одамларга тутди. Бундай инсонларни эл-юрт ҳеч қачон унутмайди.

Шоира менинг ҳаётимнинг бир парчасига айланиб қолгандай. Унга боққан сари боққим келаверади. Унда Аёл деган сирли олам, покиза хилқат яшайди. Ўзининг жозибаси билан дунёни, одамларни гўзаллаштиради, меҳр улашади.

Бир донишманддан сўрабдилар.

– Кимларни бахтли деб аташ мумкин?

– Ўлганда ҳам ўлмаганларни!

Мен Зулфия опани шундай хотирлайман.





**Ислом Шоғуломов,**  
*Ўзбекистонда хизмат*  
*кўрсатган маданият ходими*

**ГУРУРИ ҚАДДИДЕК ТИК...**

Олтмиш йилдан ортиқ умрим нашриётда ўтди. 15 ёшимда босмахонада ҳарф терувчига шогирд бўлиб иш бошлаганман. Шундан бери босмахонанинг, балки айримлар тасодифан кириб қолса бурнини беркитадиган ўзига хос, ажабтовур ҳавоси, газета саҳифаларининг, эндигина чоп этилган китобларнинг бўёқ ҳиди мен учун янги туғилган фарзанд ҳидидек азиз, қадрли...

Ана ўша 15 ёшли чоғимдаёқ босмахонада ишлай бошлаганимда биринчи бўлиб кулоғимга ўрнашиб қолган сўз — «редактор» деган сўз эди (у вақтда муҳаррир сўзи ишлатилмасди). Ишчилар бу сўзни фахр, гурур, ҳатто бир оз ҳайиқиш билан айтишарди. Шу мурғак тасаввурим билан ҳам редактор дегани катта раҳбар, ўта илмли, доно одам эканлигини ичдан ҳис қилардим. Мен уларга айрича ҳавас билан қарардим.

Не бахтки, меҳнат фаолиятим улкан раҳбар, ажойиб ижодкор ва доно инсон Шароф Рашидов «Қизил Ўзбекистон» газетасига бош редакторлик қилган даргоҳда ҳарф терувчиликдан бошланди. Таъбир жоиз бўлса, бундай беқиёс тақдир менинг ҳаёт йўлимни ёритиб турган чироқ бўлди. У зотдан жуда кўп нарса ўргандим. Бу эса кейин мен ҳам баҳоли қудрат бир раҳбар бўлганимда кўп асқотди.

У кишидан кейин шу кунгача бу бош не-не редакторлару, бош муҳаррирларни кўрмади. Кўплари билан узоқ йиллар елкама-елка ишлашдик, юлдузимиз-юлдузимизга тўғри келмаганлари ҳам бўлди. Лекин шу 60 йил мобайнида неча юзлаб муҳаррирларни кўрган бўлсам, Шароф Рашидовдан кейин ҳамиша тан олиб, ҳурмат қилиб, ҳам раҳбар, ҳам инсон сифатида таҳсинлар ўқиб, у кишидан кўп нарса ўрганганим — Зулфияхоним эдилар.

Зулфияхон Исроилова каби оқила, меҳр-оқибатли, саховатли зотни асло ёддан чиқариб бўлмайди. Бундай сиймолар хотираси одамларнинг ёдида абадий сақланиб қолади.

Зулфияхонимнинг шогирди, издоши, худди жигар-гўшасидек яқинлашиб кетган бош муҳаррир ўринбосари адиба, журналист Холидахон Аҳророва эди.

Таниқли журналист, адиб Салоҳ Ҳасан «Саодат»да масъул котиб бўлиб ишлардилар. Бу инсон ўзларига юклатилган вазифа масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда, бировни ранжитмай, ишни ўз вақтида усталик билан адо этардилар. Шунинг учун ҳам бўлса керак, ҳамкасблари Салоҳ Ҳасанни чуқур ҳурмат қилишарди. Чўрткесар, доим ўзиникини маъқуллайдиган сураткаш Борис Мизрохин ҳам Салоҳ Ҳасан билан мулоқотда бўлганда, худди Зулфияхоним билан бўладиган муомаладек у кишининг ҳам сўзини бўлмай тинглар ва шу билан унга бўлган ҳурматини билдирарди.

Зулфияхон опа Олий Мажлис депутати бўлганликлари учун ҳам кўпинча катта йиғинларда, жамоат ишларида, тadbирларда қатнашардилар. Таҳририятнинг ҳамма ишларини ўша кунлари Салоҳ Ҳасан билан редактор ўринбосари Холидахон Аҳророва олиб боришарди. Бу икки инсон Зулфияхонимнинг талабларини ҳар доим кўнгилдагидек адо этиб боришарди. Зулфия опа меҳнат интизомига қаттиқ риоя этишларини қўл остидаги ходимлар яхши билишарди.

Таҳририят ходимларидан ёзувчи Неъмат Тошпўлат, журналистлар Роза Сайфиева, Насима Юсупова каби барча ходим ва мутахассислар доим интизом ва масъулиятни ҳис этиб ишлашарди. Шунинг учун ҳам «Саодат» журналининг дизайни, саҳифаларни тузиш, техник ва босма сифати доим юқори ўринда бўлиб, гўзаллиги билан муштарийларни қувонтирарди. Шу сабабдан ҳам Зулфияхоним атрофида нафақат «Саодат» журналининг ходимлари, балки етук ёзувчи-шоирлар, бошқа нашрлар редакторлари ҳам мужассам бўлишарди. Шунақа пайтлар Зулфияхонимнинг хонасида ўтадиган ижодий суҳбатлар ўз-ўзидан мушоирага ҳам айланиб кетарди.

Таҳририятга келган ёш қаламкаш шоирларнинг олиб келган шеърларини опа ўзларига ўқитардилар. Бундан мақсад янги шеърнинг муаллиф тилида қандай жаранглаши, тилда ифодаланишини билиш истаги эди. Шоира қизлар шеърларини ўқиб бўлишгач, опа шеърлар муаллиф тилида қандай жаранг-

дорликка эга эканлигини муҳокамага қўярдилар. Мушоира ниҳоясига етгач, мулоқот бошланарди. Йиғилганларнинг ҳар бири ёш ижодкорларга ўз фикрини билдириб, шеърнинг ижобий томонини қўллаб, ютуқлари ва ёки саёз томонларига ҳам тўхталиб, ёшларга ижодий маслаҳатлар беришарди. Зулфияхоним шу каби нозик, мазмунли маслаҳатлари билан ёш шоираларга шеър ёзиш ва етук ижодкор бўлиб етишишдек муҳим жараённинг сир-асрорларини ҳам ўргатардилар.

Ижодий баркамол бўлиб етишаётган ёш шоир ва журналистларга ўз мақсадларига интилишларида Зулфия опанинг қўллаётган амалий иш услублари жуда маъқул келарди. Таҳририятдаги мажлис ёки мушоиралар Зулфияхонимнинг иштирокисиз ўтмасди. Чунки ёшлар учун Зулфияхоним илҳом парисидай ижобий намуналари билан уларни мақсад сари руҳлантириш кучига эга эдилар. Йиғилишларнинг кўпида ёшларга устоз шоир ва ёзувчилардан Фафур Фулом, Ойбек, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Шухрат каби устозларнинг ҳам иштирокини уюштирардилар. «Беназир сўз усталарининг панд-насиҳатлари ёшларга катта мактаб», дердилар опа.

Шунинг учун ҳам бошқа нашрларга нисбатан «Саодат» журналининг галдаги сони учун мақола ва шеърлар излаб юрилмасди, зеро ўнлаб муаллифларнинг ўзлари олиб келишарди. Бу материаллар келаси сонлар учун ҳам асосан тайёрлаб қўйиларди. Мажлис ва мушоираларда доим иштирок этадиган устозлар ҳам, ёш ижодкорлар ҳам ўз асарларини мунтазам равишда таҳрир ҳайъатига юбориб туришарди. Таҳририятга келаётган асар ва мақолаларнинг беътибор қолмаслигига муаллифлар тўла ишонишарди. Зулфияхонимдан ўртак олган редакция ходимлари ишнинг ижобий натижаси учун катта масъулият сезишарди. Бу эса ходимлар ҳамжиҳатлигининг айни ифодаси эди. Шунинг учун бўлса керак, «Саодат» бошқа журналларга нисбатан гўзал безакли, журналда чоп этилган материаллар доимо сермазмунлилиги билан ажралиб турарди.

Зулфияхон опа бош муҳаррир бўлган «Саодат» журналидан ташқари ўша даврдаги «Гулистон», «Ўзбекистон» ва шунга ўхшаш кўпгина журналлар нашр этилса ҳам «Саодат»нинг матбуотчиликдаги ўрни залворли эди. Зулфияхоним таҳририят ходимлари билан биргаликда ҳар бир асар, мақола, шеърни қайта-қайта ўқиб, меъёрига етказиб, журнал саҳифасидаги ўз жойига



қўйиб чоп эттирарди. Айрим журналларнинг у сони билан бу сони чиққанини кўпчилик сезмай қолар, эътиборсиз ўтиб кетарди. Лекин «Саодат»нинг ҳар бир янги сони адабий жамоатчиликда воқеага айланар, ўқувчилар қўлма-қўл қилиб ўқишарди.

Журнал ижодкорлари билан матбаачилар доимо ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда иш юритишга одатлангандилар. Зеро ишда ҳамжиҳатлик бўлмаса, нашрнинг графикдан орқада қолиши, матнда хато ўтиб кетиши, турли рангларда чалкашликларга йўл қўйилиш хавфи туғиларди. «Саодат» журналида эса бундай салбий ҳол деярли юз бермасди. Чунки Зулфияхон опа ўз таъсирларини нафақат ижод аҳлига ўтказа олардилар, балки босмахона ишчи-хизматчиларини ҳам журнални чоп этиш жараёнида ижодий ҳамжиҳатликка чорлай билардилар.

Зулфияхоним ҳар ҳафта ўтказиладиган йиғилишларда матбаа корхонаси мутахассисларини ҳам бир жойга йиғиб, уларга ҳам худди редакция ходимларидек бир кўз билан қарардилар. Босмахона ишчи-хизматчиларини журнални чоп этиш жараёнида графикда белгиланган вақтда четга чиқмасликка чорлардилар. «Саодат» ўқувчиларга ўз вақтида етказилмаса иш кўнгилдагидек бўлмаслиги, журнал саҳифасидаги турли янгилик ва хабарлар эскириб, кечикиб етказилиши оқибатида журнал обуначиларининг камайиб кетиши мумкинлигини қайта-қайта таъкидлардилар.

Ўша пайтларда журнал номи узундан-узун «Ўзбекистон хотин-қизлари» деб аталарди. Зулфияхоним «Бизнинг журналимиз йил сайин эмас, балки ой сайин ўз мақсадига эришиб, саодат манзили сари интилмоқда. Ўзбекистонимизнинг нафақат хотин-қизлари, балки эркаклари ҳам обуна бўлишмоқда. Шунинг учун журналимизни «Саодат» деб номлаймиз», деган ташаббус билан чиқдилар. Журналнинг янги номи ҳаммага маъқул бўлди.

Ўша даврларда Свердлов номли концерт зали бўларди (ҳозирги «Биржа маркази»). «Саодат» журналига «Дўстлик» орденини топшириш маросими мана шу концерт залида бўлиб ўтди. Маросим бошланишидан аввал барча таклиф этилганлар йиғилгунга қадар Шароф Рашидов билан Зулфияхоним бирмунча суҳбатлашиб туришди. Уларнинг суҳбатида қатнашишга камина ҳам мушарраф бўлганман ва шундан буён бу суратни кўрганда ўша унутилмас дами эслаб, ҳали-ҳануз энтикиб кетаман.

Шароф Рашидов Зулфияхонимдан «Саодат»ни эркаклар ҳам ўқийдими ё фақатгина хотин-қизлар ўқийдими? Бундан беҳабарман-у, ammo журналингизнинг ҳар янги сонини доим кузатиб бораман. Менимча эркаклар ҳам ўқиб туришса керак, деган фикрга келдим. Чунки журнал саҳифалари жуда қизиқарли ҳикоя, шеър, очерк ва мақолалардан иборат», деб ҳазиломуз кўшиб кўйдилар.

«Саодат» жамоасини «Дўстлик» ордени билан тақдирлаб, ижодий ишда алоҳида хизмат кўрсатган журналистларга, ёзувчи-адибларга ҳам турли унвон ва фахрий ёрликлар топширилди.

Ишхонамиз катта даргоҳ, баъзида ҳар хил кутилмаган воқеалар бўлиб туриши табиий эди. Кунларнинг бирида хонамга котиба хат олиб кириб қолди. Унга кўзим тушдию хушёр тортдим. Мактуб Зулфияхоним муҳаррирлик қилаётган «Саодат» журналидан. Унда шундай сатрлар бор эди: «Саодат»нинг навбатдаги сонини ўз вақтида сифатли чоп этиб берганлари учун босмахона жамоасига миннатдорчилигимизни етказишингизни сўраймиз. Иноқ жамоага омад тилаб, Зулфия».

Ўша кезлар кўнгилдагидек бажарилмаётган бир ишдан дилим ғаш эди. Хат чуқур ўйга толдирди. Беихтиёр опанинг «Бир нарсадан хафа бўлишга ҳеч қачон шошилманг, салда ўрнига тушиб кетадию бекорга асабийлашганингиз қолади», деганларини эсладим. Унда ёш эдим. Ҳарф терувчиликдан босмахонанинг вақтли нашрларни тарқатиш бўлимига раҳбарликка эндигина ўтказишганди. Асосий эътибор матбуот нашрларининг ўз вақтида чоп этилиши ва жойларга кечикмай этиб боришини таъминлашга қаратилганди. Газеталарда кечикиш унчалик кўп бўлмасди-ю, журналларда онда-сонда шундай ҳол юз бериб турарди. Кўп рангли машинада қандайдир фотоальбом босилар, шу сабабдан «Саодат» журнали уч-тўрт кунга кечикаётганди. Ўша фотоальбомни бир-икки кун ушлаб турилса, ҳеч нарса ўзгармасди. Шу фикрни раҳбарларга айтишга истиҳола қилардим. Сабаби бу ишнинг бошида ёши улуғ, хизмат кўрсатган кишилар туришарди. Кечагина келиб, бугун ақл ўргатаяпсанми, деган фикрга боришлари мумкин эди. Ўшанда отамнинг бир ҳикматли сўзларини эсладим. «Болам, олдинга икки хил таом кўйишди. Бири совисаям хуштаъмлигини йўқотмайди, иккинчиси аксинча. Овқатланишни албатта иккинчисидан бошлайсан. Янглишма, ишда ҳам худди шунақа бўлади». Ўғит

далда бўлиб, устозларга фикримни айтдим. Масала директоргача чиқди. Раҳбар ёши улуг кишиларнинг ҳурмати қилди. Ёш мутахассис ҳақ, деб уларни ноқулай аҳволга қўйгиси келмади. Ўйлаб кўриб, бир қарорга келамиз, деб бизларга рухсат берди.

Ўзимни ноқулай сезиб, ўнғайсизланардим. Шунда йўлакда опага дуч келдим. Зулфияхоним ниҳоятда зийрак инсон эдилар. Бир қарашдаёқ ҳаммасини сездилар. Ва самимий табассум ила «мен билан юринг» деб иш жойларига бошладилар. Бор гапни айтдим. «Ҳали биз ҳақимизда қайғуриб юрибсизми, ўргилай сиздан», дедилар-да, юқорида баён этилган панд-насиҳатни айтдилар.

Анча енгил тортдим. Кечга бориб ҳамма нарса ўзгарди. Директор қўнғироқ қилиб, «сен айтгандай бўлди, журнал вақтида чиқишини муҳарририятга айтиб қўй», деди.

— Айтмабмидим, Исломжон, — деди опа хурсанд бўлиб. — Мен ҳам сабр қилиб турган эдим. Бир нарса десам, сиз шикоят қилган бўлиб қолманг, кимлардир буни нотўғри тушуниши мумкин, деб ўйладим...

Зулфия дейилса ҳали ҳам кўз олдимда ғоятда зийрак, камтарин, оққўнгил, қадди-басти ғуруридек тик, айна пайтда самимияти кучли инсон намоён бўлади. Зулфияхон опа одам шаъни, қадр-қимматини ҳамиша биринчи ўринга қўяр эдилар. Ёшлар орасида баъзи оилавий келишмовчиликлар юз берганда корхонамиз ходимларидан ёрдамларини аямасдилар. Нозик дамларда опанинг ҳаётий тажрибаси, донолиги муаммони ҳал этишда жуда асқотарди. Опа билан турли вақтларда кўпдан-кўп қалам аҳли бирга меҳнат қилишган. Зулфияхоним ҳамиша уларнинг ҳурмати жойига қўяр, зарур бўлганида амалий ёрдамини аямасди. Кунларнинг бирида: «Опа, шу қизларингизни кўп эркалатасиз-да», дея гап очувдим, «Сабабини биласизми?» дедилар. Савол назари билан юзландим.

— Айримларининг кўнгли ярим... Эрлари йўқ. Мен бундай ёлғиз аёлларнинг кўнглини, оғриқ кайфиятини сезиб тураман, — дегандек бош силкиб қўйдилар.

Ўйланиб қолдим. Ахир сеvimли шоирамизнинг ўз кўнгли бутунми? Умр мобайнида кимнидир қўмсаб, “Саодат” соҳибаси бўлиб яшаб келаяптилар-ку?! Аммо ўзидан ўтганини ўзгага билдирмасдилар. Ғурур билан, ҳаётга ташналик билан яшардилар. Табаррук номи мангуга битилган бундай инсонлар ҳаёти биз учун ҳамиша ўрнак ва намунадир.



**Адибахон Шокирова,**  
*меҳнат фахрийси*

## **ҚУДАЖОНИМИЗ**

Тақдирнинг тақозоси ила етмишинчи йилларда Зулфия опа билан куда бўлдик. Дунё таниган, дунёга танилган аёл бўлганлари учун юрагимда қиз узатаётган ҳамма оналарда бўлгани каби ҳаяжоним чексиз эди. Бир томондан, шундай табаррук хонадонга қиз бераётганимдан жуда-жуда севинсам, иккинчи томондан, қизимиз шу хонадоннинг файзини оширадиган суюкли келин бўлиб кетармикин, деган ўй ҳам йўқ эмасди...

Яратганга шукурлар бўлсинки, кўп ўтмаёқ халқимизда айтиладиган «Қудачилик – минг йилчилик» деган гаплар рост эканига ишондик. Мана, жуда кўп йиллар ўтдики, икки томон ҳамон бир-биримизни иззатлашиб, ҳурматлашиб, борди-келдини жойига қўйишиб келаяпмиз. Фарзандларимиз ўзларининг ёрқин бахтида улғайишди. Кўша-кўша фарзандлар кўришиб, мана худога шукур, ўзлари ҳам куда-андалик, талай набиралик бўлиб ўтиришибди. Буларнинг ҳаммасига Зулфия опамларнинг бир хонадоннинг соҳибаси сифатида оқилона йўриқ тутганларию самимий дуолари сабаблигини бугун мамнуният билан қайта-қайта эслаймиз.

Зулфияхон опам кишиларнинг кўнглини тоғдек кўтариб юрадиган саховатли инсон эканларини куда бўлганимиздан кўп ўтмаёқ ҳис қилганмиз.

1975 йилнинг кузида Зулфияхонимнинг 60 йиллик тўйлари нишонланди. Муҳташам саройда одам кўп, ҳамманинг лабида табассум, қўлида гул! Биз – янги қариндошлар ҳам уй ичимиз билан тантаналарда қатнашдик. Тантанага ҳатто саксон беш ёшли онамиз ҳам ташриф буюрдилар. Эсимда, тантаналардан сўнг онажоним театр фойесида Зулфия опамларни бағриларига босиб, узоқ умр тилаганларида, Зулфия опам тўлқинланиб, келаси галги мана шундай

тўйларида онамни саҳнада, ўз ёнларида олиб ўтиришга ваъда бердилар. Шу лутф билан ҳаммамизнинг кўнглимизни тоғдек кўтардилар.

Кудамиз Зулфияхон опанинг суҳбатларига тўйиб бўлмасди. Бу суҳбатлар хоҳ аёллар ҳақида бўлсин, хоҳ турмушнинг баланд-пасти ҳақида бўлсин, кишининг кўнгли ёришиб, эртанги кунга умидли боқадиган бўларди. Кишини сеҳрлаб, қалбини тўлқинлантирадиган донишманд аёл эдилар кудамиз.

Зулфияхон опамлар билан ёшимиздаги фарқ беш ёшлар чамаси эди. У кишининг Ҳамид Олимжонга садоқатлари ҳақидаги шеърлари сеҳрида улғайганмиз. Аммо суҳбатларда гарчи сатрлар камдан-кам келтирилса-да, ўша улкан муҳаббатнинг оташи кишининг қалбига қувват бериб турарди. Назаримда кўз олдимизда Ҳамид аканинг ёрқин қиёфалари, чақнаган кўзлари намоён бўлгандек, ҳаяжонли овозлари қулоғим остида қайта жаранглаётгандек бўларди. Бизнинг авлод адабий кечаларда у кишини бир неча бор кўришга, шеърларининг ҳаяжонли тўлқинига шўнғишга муяссар бўлганмиз. Икковларининг афсонавий муҳаббатлари бизга ҳар жиҳатдан намуна эди.

Аяжон Адибахоним деб шоирона қараш билан сўз бошласалар, ўргулсин жоним деб, айтганларини жон қулоғим билан эшитар ва маъқуллаб бажарар эдим.

Ўтаётган кунларимизда тез-тез кўришиб турардик, гоҳо соғиниб қолсак, телефон орқали узоқ суҳбатлар қурар эдик. Аяжонимиз имконлари бўлиб қолганда қизиқ воқеалар, янгиликлар, ибратли ҳикоялардан сўзлаб диққатимни тортар эдилар. Бир куни телефонда узоқ суҳбатлашиб туриб, «бир оз тўхтанг, мен ошхонадан хабар олай», деб гўшакни қўйдилар, оз вақт ўтмай кулиб: «Газ устидаги чойнак эриб тушибди», деб сўзларини давом эттирдилар. Шу даражада мириқиб сўзлашар эдик.

Менинг умр йўлдошим, бешта фарзандим отаси Йўлдошбек ака аяжонни жуда ҳурмат қилардилар, «тор пешанамга сиғиб юрсинлар» дер эдилар. Улар бир-бирларини ўта қадрлашарди, мириқиб суҳбатлашардилар.

Ҳамид Олимжон – Зулфияхоним зурриёдларидан дунёга татигудек набира фарзандларга эга бўлиб, адалари Бек ака умрларининг охиригача Яратгандан миннатдор бўлиб оламдан ўтдилар.

Бир куни болаларимиз саёҳатга кетишган вақтда Бек аканинг мазалари бўлмай қолди, юраклари ножўя уриб, бошларини ёстиққа қўя олмай қолдилар. Зулфияхоним хабар топиб қолиб, дарров иложини қидирдилар, тезроқ ёрдам беришни ўйладилар. Профессор Нозимахоним Деҳқонхўжаевага мурожаат қилиб, институт профессори Нишон Раҳимовични бизникига юбордилар. У киши Бек акани кўриб, дарров муолажалар буюрдилар ва Бек ака тез кунда тузалиб, юрак дардидан қутулдилар. Аяжон ҳар куни ҳеч бўлмаганда телефон орқали бўлса ҳам Бек аканинг аҳволларидан хабар олар ва яхши гаплар билан кайфиятларини кўтариб турардилар. Болажонларим келгунча дадалари соғайиб қолдилар. Кейинчалик аяжон ҳар гал Бек акани кўрганларида албатта уларнинг ҳол-аҳволларини сўраб суриштирардилар, «Бек ака, Сиз соғлиғингизга яхши қаранг, Сиз жуда яхши одамсиз, кўп ва узоқ яшашингиз керак», – дер эдилар. Аяжон кишиларнинг гамига ва тақдирига бефарқ эмасдилар.

Зулфияхоним ҳар қандай кишининг ёш ёки қарилигига қарамай ўз ўрнида ҳурмат билан қарар эдилар. Менинг учта ўғлим ва яна бир қизим бор. Аяжон ҳар бирини ўз фарзандларидек кўрардилар ва уларнинг тақдиридан хабардор бўлиб, керак бўлса, ёрдам беришга ҳаракат қилардилар. Айниқса, қизим Хотирахоннинг ўғиллари ўқишлари ва ютуқларидан кўп қизиқиб, сўраб турардилар.

Менинг катта ўғлим Шуҳратбек физика фани оламида кўзга кўринган олим, маданиятли ва ўқимишли, ҳар томонлама етук йигит эди. Аяжон уни алалхусус ҳурмат қилардилар ва ҳурматларини ўзига сездирардилар. Вақтларини аямай у билан икковлашиб узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўлтирар ва унинг фикрларини қувватлардилар. Аяжон билан суҳбатдан кейин Шуҳратбек болам яхши кайфиятда қайтиб келарди ва шу суҳбатлар таассуротида анча вақт мағрурланиб, кўтаринки руҳда юрарди ва ижод қиларди. Менинг назаримда гўёки икки қанот ҳосил қилардию ва учиб юргандай бўларди.

Шуҳратбек узоқ вақтли беморликдан тузалди ва ниҳоят уйланишга қарор қилди. Унинг кўнгилдан танлаган суюклиси арман қизи эди. Тўй кечасида онасига деб менга сўз беришди. Мен эса оғир операцияларни бошидан кечирган боламнинг тўйида ўзимни ушлай олмай, овозим ўзгарганини сезган Зулфияхоним қўлимдан микрофонни олиб, шаҳдам сўзлаб

кетдилар. Менга таянч бўлдилар шу дамда. Сўзлари жуда чиройлик, самимий, келин-куёвни Алишер Навоий дostonининг қаҳрамонлари ўзбек йигити Фарҳод ва арман қизи Ширинга ўхшатиб, уларга катта бахт ва боқий севги-муҳаббат тиладилар. Аяжоннинг сўзларидан кейин тўй кечаси шу даражада гавжумлашиб, файзга тўлиб кетди. Аяжоннинг дуоларини олган болаларим жуда иноқ, ширин ҳаёт қурдилар ва иккита чиройли ва ақлли фарзандлик бўлдилар.

Риояхон қизимиз Аяжоннинг кўнгилларига мос тушди шекилли, она-бола жуда иноқ, бир-бирларига меҳрибон яшадилар. Қизим врач бўлгани аъло нур бўлиб, соғликларининг посбони бўлибми, сирлашиб, кўнгилларини кўтариб, парваришлар қилди ва уларнинг кўплаб дуоларини олди.

Зулфияхонимнинг маданий-маърифий, шоирона тарбияларидан баҳраманд бўлганимдан бахтиёрман. У киши айниқса қизлар ва аёлларга меҳрибон, мураббий, муаллима, дўст эдилар. Мураббий, муаллимагина эмас, ўзларини тутишлари, кийинишлари, одамлар билан муомалалари, хуллас, ҳар томонлама аёллар учун намуна эдилар. Аёлларнинг илм-маърифатли бўлишлари ҳақида ғамхўрлик қилардилар ва ёрдамларини аямасдилар. Шу билан бир қаторда аёлларни улуғлардилар. Қаранг-а, менинг шу фикримни бу тўртликда қандай шоирона таърифлаганлар:

Кимки аёл дилига ҳоким,  
Идрокидан сезади устун,  
У олмаган чўққи йўқ, неки,  
Аёл ўзи чўққидир бу кун.

Зулфияхонимнинг яхши кунларида хотин-қизлар журналидаги қизлари билан кўп марта ўлтириш насиб этган менга. Бу гавжум ўлтиришларда шоира қизлар шеърлар ўқишиб, аяжонга тақдим этар эдилар. Мен эса мушоиралардан мириқиб мазза қилардим ва шу кўтаринки кайфиятда қанча-қанча кун парвоз қилгандек юрардим.

Аяжоннинг туғилган кунлари 1 мартда дўстлари, болалари, қариндошлари, ҳаммамиз эрта баҳор гулларини кўтариб табриклашга келар эдик. Баҳор гуллари ичида бинафшани аяжон жуда севардилар. Мен доимо шу гул билан табриклашни ихтиёр этардим.

Табиатнинг, яъни тақдирнинг хоҳиши экан, мана шундай оламга машҳур — азиз аяжонимиздан жудо бўлдик. Кўнмай иложимиз қанча?

Шукурлар бўлсинки, қимматли болаларимиз билан биргамиз. Вақти-вақтида қабрларига бориб, уйларида йиғилишиб эслашамиз, дуолар ўқиймиз.

Бу буюк — яхши инсонларнинг давомчилари — қизлари олима, адабиётчи, дилбар Ҳулкархон, ўғиллари олижаноб, мард, ҳимматли, суюкли куёвимиз Омонжон ва уларнинг фарзандлари — набираларимиз тез-тез йиғилишиб, қабрларига бориб, Аяжон ва Дадажонларининг бошларида ўлтириб, эслаб, дуолар қиладилар.

Омонжонимиз аяжоннинг дўстларини тез-тез йўқлаб меҳмон қиладилар. Қабрларини жамбулу райҳонлар, гуллар билан гулистон қилганлар. Умрлари узун бўлиб, ҳимматлари фарзандларидан қайтсин. Омин!







**Раҳимахон Назарова,**  
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган*  
*маданият ходими*

## **ТОНГНИ КУЙЛАБ, ИНСОННИ УЛУҒЛАБ**

Кўлимда ҳассос шоир Зулфиянинг 1975 йили чоп этилган шеърлар тўплами. Унга ўша йили 14 ноябрда дастхат битиб берган эдилар.

Зулфияхонимнинг 60 йиллиги шарафига Ўзбекистон Давлат филармонияси биносида, собиқ иттифоқдан ташриф буюрган кўпгина машҳур шоирлар иштирокида ўтказилган ўша тантанали кеча яхши эсимда.

Ўшанда довруғи оламни тутган шоирнинг ўз қўли билан дастхат битилган китобга эга бўлганимдан ўзимда йўқ бахтиёр эдим. Мана бугун, орадан қарийб қирқ йил ўтиб, тақдир тақозоси билан Аяжоннинг оиласи билан қариндош бўлиб, у кишини яқиндан таниш шарафига мушарраф бўлгандан кейин ўшандай тифиз кунларда, юбилей ҳаракатларининг авж палласида шоираи замонанинг вақтини олишга, уни ўзимга жалб этишга қандай журъат қилган эканман-а, деб ўйлайман. Ҳар қалай, юрак ютиб, у кишининг олдига тикка борганлигим рост. Чунки Зулфия опа бир менга эмас, кўпчилик учун ҳам шунчаки суюкли шоира, сурати китоб ва плакатлардан ўрин олган, мухлислар ардоғидаги назмгўй, қолаверса, депутатгина эмас, исталган пайтда ёнига бориб, суҳбатини олиш, меҳмонлар даврасидан четга тортиб дастхат ёзиб беришни илтимос қилиш мумкин бўлган оддий шахс эдилар.

Ўша-ўша Зулфияхонимнинг нақадар юксак ички маданият соҳибаси эканига, ниҳоятда нозиктаъб ва назокатли эканлигига, у кишидан ҳеч қачон суҳбатдошининг кўнглига оғир ботадиган гап чиқмаслигига мафтун бўлиб келаман.

Улуғ инсон ҳақида, айниқса, ўзим учун бениҳоя суюкли адиба ҳақида ёзиш мушкул иш экан. Негаки, уни ҳар биримиз дил-дилимиздан эъзозлаймиз. Эъзозлаш асосида

эҳтиромни шу қадар ошириб юборамизки, баъзан уни реал воқеликдан узилиб қолган сиймога айлантирганлигимизни ҳам сезмай қоламиз. Мен Аяжон ҳақида турли ҳаётий воқеалар асносида сўз юритишга берилиб кетишдан ўзимни тийиб, нима сабабдан у киши ҳаммага керакли эди ва шундайлигича қолди, деган ўй атрофида фикрларимни жамлаш билан чекланаман.

Ҳамиша меҳр билан, бош ҳарф-ла эзулик Шоира (Аяжон) билан тез-тез кўришиш бахтига мушарраф бўлдим. У кишидаги одамийлик ва камтарлик, ҳар қандай суҳбатдошни ўзига тенг кўриб, тенг муомала қилиш, тингловчи, дардкаш сифатида намоён бўладиган бетакрор инсоний фазилат ҳар сафар мени лол қолдирарди.

Сокин, дўстона ва дилдор овоз, босиқлик, улуғворлик уфуриб турувчи ташқи кўриниш, Аяжоннинг ўзигагина хос хушмуомалалик унинг суҳбатига оҳанрабодек чорлар ва у кишини атрофдагилар учун беназир ва бетакрор сиймо рутбасига кўтарар эди.

Аяжон моҳипора, фариштамонанд очиқ чеҳрасидан ҳамиша нур таралиб турарди. Қалб кўридан чиқувчи илиқлик, бетимсол самимият унинг гўзал кўзларида ҳам жилоланарди. Унинг нигоҳидан хайрихоҳлик, мафтункор ишонч ва одамийлик шундоққина уфуриб турарди.

Одамлар билан ҳар кунги мулоқотдаги улуғворлик ва меҳрибонлик фазилати Аяжоннинг ижодиётда масъулиятни чуқур ҳис этиш ва букилмас қатъиятида ажиб уйғунлик касб этганди. Биргина мисол. Ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида Аяжон Мустай Каримнинг Ҳамза номли театр (ҳозирги Ўзбекистон Миллий театри) саҳналаштирмоқчи бўлаётган «Ой тутилган тунда» трагедиясини таржима қилдилар. Асар шунчалар ўзбекона тажассум топдики, бунинг учун таржимон қаҳрамонларнинг романтик руҳига ички яқинлик ҳис этиши керак эди. Спектакль театрда муваффақият билан ўйналди. Маданият вазирлигидаги хизмат тақозоси билан Мустай Каримнинг яна бир — «Оловни ташлама, Прометей» деган асарини худди шу театр учун таржима қилиб бериш илтимоси билан яна Аяжонга мурожат этишга тўғри келганлиги ҳам эсимда.

Аяжон пьесани ўқиб чиқиб, асардаги афсонавий ва фалсафий йўналиш унинг ижодий усулига мос эмаслигини рўй-рост айтиб қўя қолдилар ва асарни таржима қилишга

унамадилар. Лекин мушкулимизни осон қилиб, бизни хижолатдан чиқарди. Асқад Мухторга учрашишни маслаҳат берди ва ўзи бу хусусда у киши билан гаплашди. Ўша йиллари Асқад Мухторнинг афсона, ривоят ва ҳикоятларни ўз ичига олган «Чинор» романи босилиб чиққан бўлиб, у мазмунан Мустай Карим асарига анча яқин эди. Биз мамнуният билан бу маслаҳатдан фойдаландик.

Аяжон давр тақозоси, қалб амри билан публицистикага кўп қўл урганини биламиз.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, унинг публицистика жанрида тил забони чаққон воиз сифатида эмас, балки кўпроқ муштарий билан фикрини ўртоқлашаётган лирик ҳикоячига ўхшаб кетгани сабабли ҳам шеърдек ўқувчи қалбини ром этарди.

Бизга шунчаки ўткинчи ва муваққат туюлувчи ҳолатлар Аяжон учун ташвиш уйғотувчи кўламдор воқеага айланарди. Бундай идрок этиш ёлғиз Аяжоннинг ўзигагина маълум бўлган қанчадан-қанча уйқусиз тунлар ва асаб қақшашларига олиб келмадийкин?!

Мен чинакам шоирона қалб эгаси бўлган инсоннинг ички дунёси оддий одамнинг ички дунёсидан нимаси билан фарқ қилиши хусусидаги фикримни тўғри ифода эта олармиканман? Ҳаёт ҳақида, ўтмиш ва бугунги кун ҳақида Аяжон билан қилган суҳбатларни эслар эканман, шоиранинг ижтимоий шарт-шароит, турмушнинг айрим жиҳатлари хусусида фикр юритиб, одамлар сажиясидаги салбий чизмалар ҳақида мулоҳаза қилиб, айтиш вақтда бу борадаги оғирликларни бутун залвори билан ушоққина зиммасига олиши, жавобгарликдан тап тортмай камчиликларга елка тутиши кўз ўнгимда намоён бўлди, ийманиш ва маҳзунлик туғён ураётган уммонга борлиги билан ўзини отгандек туюлаверади нуқул.

Бундай оғир юкка, шак-шубҳасиз, унча-мунча одам дош беролмайди. Беихтиёр А.П.Чеховнинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: «Умум фаровонлиги ва бахт-саодати учун хизмат қилиш истаги муқаррар равишда қалб ва юрак эҳтиёжига айланган бўлмоғи керак». Аяжонда эса айтиш шу қалб ва юрак эҳтиёжи шахсий бахтининг шарти сифатида мужассам бўлди. Зотан у курраи заминимиздаги барча қизиқарли нарсаларга нисбатан ўзида муштараклик ва дахлдорлик ришталарини ҳис этарди. Бир куни эрталаб Аяжонни одатдагидан мутлақо бўлакча, ҳали ҳеч қачон кўрмаган алфозда кўрдим. Унинг

оқила, олижаноб ва зебо чеҳрасидан нур тараларди. Бироздан кейин хотиржам, аммо жўшиб айтилган сўзларидан шуни билдимки, у киши жаҳоннинг учта беназир овоз соҳиблари — италиялик Лючано Паваротти, испаниялик Пласидо Доминго билан Хосе Карерроснинг ҳозиргина телевидение орқали концертини тинглаб, уларнинг мусиқий олами сеҳрида мутаассир эканлар. Аяжон италиялик опера юлдузи Монтсеррат Кабальенинг ижодидан ўзгача завқ олишини ҳам кўп айтардилар.

«Табиатнинг нақадар чевар, закий ва саховатли эканлигига қаранг, ер юзида тинчлик ва бахтиёрлик яратишга қодир шундай мўъжизакор шахсларни яратиб қўйибди», — деган шоира ўз ҳолати, ички тугўнини ифода этгандек. Опера хонандаси, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Муяссар Раззоқованинг яккахон концертидан кейин унинг санъати олдида бош эгиб, қалб ҳаяжонларини янада ёрқинроқ бўёқларда бундай баён этган эдилар: «Жаҳонга машҳур опера санъати усталарининг ижроларидан қандай завқланган бўлсам, ёш хондамиз куйларидан ҳам шундай ифтихор қилдим. Муяссарнинг овози жуда кучли, товланишли овоз. Концерт давомида у табиат ато этган нодир овозининг ҳамма имкониятлари ва гўзаллигини намойиш этади».

Чиндан ҳам, Аяжон ҳамиша тонгни куйлаб, инсонни олқишлаб ва улуглаб ўтдилар.

Биз учун у киши нима қилган бўлса, нималар яратган бўлса, ҳамма-ҳаммаси хайрли ишлар маёғи сифатида хотирамизда бир умрга муҳрланиб қолганлигини ботинан ва зоҳиран ички туйғу билан туюб, бу кўҳна дунёни бизга қолдириб кетган Аяжоннинг хотираси олдида ҳамиша таъзим бажо этамиз.





**Фотиҳ Тешабоев,**  
*ҳиндишунос, Неру мукофоти*  
*лауреати*

## **ЗУЛФИЯ ВА ҲИНДИСТОН**

Зулфия ва Ҳиндистон... Ушбу мавзу анча-мунча салобатли мавзу, чунки унинг нафақат адабиёт ва ёки сиёсатга алоқаси бор, балки у икки буюк халқ муносабатлари тарихида шахс ва адабиётнинг ўрни ҳақидаги мавзу ҳамдир. Шу сабабдан уни келажакда машхуру маъруф адиблар, истеъдодли адабий наққодлар ҳамда кўзи ўткир сиёсий тадқиқотчилар, шахс ва тарих сирларини биладиган кишилар чуқурроқ ёритар деган умидда Зулфия билан бўлган бир неча илиқ ва самимий учрашувлар хотираларини жонлантириб, уларни қаламга олишга журъат этдим.

Зулфияни болалигимдан билсам-да, бу ажойиб инсон билан бевосита учрашувларим университет талабалигим даврида бошланган эди. Ўшанда ҳинд, урду ва бошқа чет тилларни ўрганаётган талаба сифатида чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти фаолиятида қатнашиб, илк бор Зулфиянинг халқаро алоқалар ва халқ дипломатияси соҳаларида олиб борган, кўринишдан осон, аммо ўта мураккаб ва машаққатли ишларининг яқиндан гувоҳи бўлиш ҳамда ундан, энг асосийси, одамийликни ўрганиш имкониятига эга бўлганлигим, ўрганганларим кейинчалик шу жамият бошлиғи бўлиб ишлаган йилларимда, чет эллардаги дипломатик ва элчилик фаолиятимда менга жуда кўл келди.

### **Болалик эҳтиромлари**

Қирқинчи йилларнинг охирларида учинчими ёки тўртинчими синфда ўқиб юрган пайтларимда ўқитувчимиз Султонпошша опа ҳаммага биттадан шеър ёдлаб келишни топширган эди. Мен Ҳамид Олимжоннинг ўша даврлари жуда севиб ўқиладиган шеърларидан бирини яхшилаб ёдлаб, уни

худди ашулага ўхшатиб ўқиб берганим ҳаммага жуда ёққан шекилли, ўқитувчимиз дарсни яхши тайёрлаб келганим учун ўз хурсандчилигини раҳматли дадам Фуломаҳмад акага ва онам Ҳожинисо опага айтган экан. Шу гап бўлган куни кечқурун уйда ўқиган шеърингни қаердан олдинг, унинг кимники эканлигини биласанми, деб сўрашди. Мен радиода бериладиган болалар эшиттиришида эшитган эдим, дедим.

— Бу шеър Ҳамид Олимжонники, — дедилар дадам.— Унинг одамни ром қилувчи ва ўзига тортувчи асарлари жуда кўп.

— У жуда нодир истеъдод эгаси, аммо ҳаётдан жуда ёш кетди, — дедилар онам. — Унинг рафиқаси Зулфия ҳам катта шоира, уларнинг бир қиз, бир ўғли бор, қизининг оти Ҳулкар, ўғлининг оти эса Омон.

Бу бир оддийгина суҳбат эди, аммо шеърга, шоирларга ва шеърятга самимий ҳурмат билан суғорилган ушбу оилавий суҳбат кейинчалик Зулфия билан кўп йиллар давомида бўладиган менинг беҳисоб учрашувларим учун катта аҳамиятга эга бўлишини ўшанда фақат ёш бола эканлигим сабабли сезмаган эдим.

### **Ўзбекларнинг тўрт буюк шоираси**

Зулфия мен каби минглаб, ҳатто миллионлаб кишиларнинг ҳаёт йўлида нафақат ўз шеърлари, балки ўзининг борлиғи билан доим намоён бўлиб келди.

Ўрта мактабни тугатгач, Тошкент давлат университетининг Шарқ факультетида урду ва ҳинд тилларини ўрганаётган кезларимизда факультет тарихида биринчи марта унинг уч талабасини Ҳиндистоннинг Деҳли университетига бир йилга ўқишга юборишган эди. Бу воқеа ҳамма ерда зўр қизиқиш билан кузатиб борилар эди. Айниқса, Ҳиндистонга келганимизда университет профессорларию талабалари, урду ва ҳинд тилида ижод қиладиган ҳамма тараққийпарвар ёзувчи ва адиблар бизни қаерга қўйишларини билмай, ич-ичларидан севинаётганлари уларнинг сўзларида ҳам, кўзларида ҳам намоён бўлиб турарди.

1960 йилнинг охирлари эди. Ҳиндистон тараққийпарвар шоир ва адиблари уч тошкентлик ва уч москвалик талабалар билан Деҳли шаҳрининг Коннот плейс майдонидаги муҳташам Венжерс ресторанида учрашув уюштиришганди. Учрашувда ҳинд ва урду адабиётининг юзга яқин буюк намояндалари, жумладан,

Хўжа Аҳмад Аббос, Кришан Чандр, Сардор Жаъфарий, Ражендра Сингх Бедий, Сохир Лудхианвий, Мажруҳ Султонпурий, Исмаат Чигатой, Хўжа Аҳмад Фаруқий, Қамар Раис каби буюк инсонлар билан бевосита мулоқотда бўлиш нақадар ҳаяжонли бўлган эди. Самимий ва жуда файзли кечган учрашув жараёнида мени Хўжа Аҳмад Аббос, Исмаат Чигатой ва бир неча бошқа аёл адибалар даврасига тортди.

— Биласизларми, — деди у аёлларга мурожаат қилиб. — Ўзбекларнинг тўртта буюк шоираси бор. Улар Зебуннисо, Нодира, Увайсий ва Зулфиялардир. Бу талабалар, — сўзини давом эттирди Аббос биз томонга ишора қилиб, — ана шу буюк шоиралар ватани Ўзбекистондан келишган.

Исмаат опа бизни меҳр билан ўз бағрига босди.

Аббосни мен бадиий маҳоратда тенгсиз адиб ва камтарликда бемисол инсон, таниқли халқаро шахсият сифатида таниб, кўп йиллар мобайнида, ҳатто ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача учрашиб турдим. У Зулфияни доим эслаб турарди. Унинг Зулфия ҳақидаги камтар ва самимий сўзлари ўзбек адабиётидаги, умуман ўзбеклар тарихидаги Зулфиянинг ўрнини халқаро миқёсда тан олиб айтилган ва буюк бир ижодкоргина бера оладиган баҳо бўлиб, қалбимга қуюлиб қолган эди.

### **Шеърят мулкининг маликалари**

Мен учун Зулфия нодир шоира бўлиш билан бирга жуда серқирра, жозибадор шахс ва кенг қамровли тарихий воқелиқдир. У ўзининг нафақат ранг-баранг ижоди, балки жуда самарали ижтимоий фаолияти билан кўз ўнгимда доим чинакамига XX аср Ўзбекистонининг намояндаси — халқ элчиси, Шарқ аёлининг тимсоли сифатида абадий қараб тургандек бўлади. У ҳар доим — Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги суронли йиллар бўладими, 90-йилларгача давом этган шўроларнинг зиддиятли даври бўладими, Ўзбекистон мустақилликка етиб келган кунлари бўладими — доим ҳаётни севди ва садоқатни ардоқлади. Ҳар бир даврда у давр нафасини сергаклик билан сеза билди, аммо ҳар доим ўз шеъриятига ва ўз ишончига содиқ қолди. Шунинг учун ҳам нафақат ватандошлари, балки бегона узоқ-узоқ юртлардан келган чет элликлар у билан учрашганда унинг сўзларини тинглаб, чеҳрасига қараб тўймас эдилар.

У кўпгина мамлакатларнинг нафақат адабий доиралари, машхур ва маъруф адиблари орасида, балки кўзга кўринган сиёсий арбоблари орасида ҳам сеvimли инсон саналар эди. Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Неру ва унинг қизи, кейинчалик Ҳиндистон бош вазири бўлган Индира Ганди Зулфияни яқиндан билишлари ва жуда ҳурмат қилишларига ўзим бир неча марта гувоҳ бўлганман. Ўтган асрнинг етмишинчи ва саксонинчи йиллари Ҳиндистондаги элчихонада олиб борган дипломатик фаолиятим жараёнида Индира Ганди билан бир неча бор учрашиш имкониятига эга бўлгандим. Ҳиндистоннинг Боқаро шаҳридаги металлургия корхонасининг очилишига бағишланган учрашувдан сўнг менинг нотиқларнинг сўзини ҳинд тилига қилган таржимам тўғрисида қизиқиб қолиб, кимлигимни сўрабди. Менинг Ўзбекистонданлигимни билгач, мийиғида табассум билан бир назар ташлади-да, расмий тadbир орасида пайт топиб:

– Мен сизларнинг мамлакатингиз ҳаётини яқиндан кузатиб бораман. Сизлар қўлга киритган нарсалар, айниқса, аёлларнинг ҳаёти мени жуда қизиқтиради. Ўзбек аёлларидан бири – Зулфияни яхши биламан. Уни мен аёллар вафодорлиги куйчиси, деган бўлардим, – деди у худди фақат менгагина эмас, балки бутун Ўзбекистонга мурожаат қилаётгандай бўлиб.

Зулфия ва Индира Ганди XX асрнинг буюк аёллари эди. Бири шеър мулкининг маликаси бўлса, иккинчиси сиёсат мулкининг маликаси эди. Лекин иккаласи ҳам аёлликка содиқ қолган эди. Шунинг учун ҳам улар ўртасидаги инсоний алоқа, бир-бирига ҳурмат икки халқ ўртасидаги дўстлик ипларига мустаҳкам куч ва садоқат бағишлаган омиллардан бирига айланган эди.

Бу қандайдир тасодиф ёки ўткинчи бир нарса эмас эди. Зулфия билан ҳинд шоираси Амрита Притам ўртасидаги адабий алоқалар, инсоний муносабатлар тўғрисида жуда кўп ёзилган ва айтилган ҳамдир.

Зулфиянинг Ҳиндистонга, унинг тарихига, адабиётига, маданияти ва халқига бўлган муносабати ҳурмат-иззат билан йўғрилганлиги доимо сезилиб турарди. Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик жамиятининг раиси сифатида Зулфия юртимизга ташриф буюрган ҳар бир ҳинд делегациясини қабул қилиб, улар билан унутилмас суҳбатлар ўтказарди. Машхур ҳинд кино юлдузларидан тортиб, катта сиёсий арбоблар, Ҳиндистон озодлик ҳаракати қатнашчиларидан тортиб, ёш насл вакиллари, оддий деҳдонлардан тортиб, ишчилар, ҳаммаси Зулфиянинг суҳбатларидан чуқур



таассуротлар олар эдилар. Ташвиқот жарчилари жаранглатиб жар соладиган пайтларда опа суҳбатни самимият, ҳақиқат ва эътиқод мезонида бичарди. Шунинг учун ҳам чет элликлар, айниқса, ҳиндистонликлар Зулфияни улуғ шоира ва катта жамоат арбоби сифатида самимий эъзозларди. Зулфия Ўзбекистонда биринчи бўлиб, Ҳиндистонда таъсис этилган халқаро Неру мукофоти билан тақдирланганди. Бу мукофотнинг берилиши аслида икки халқ дўстлигини ривожлантиришга қўшилган ҳисса учун кўрсатиладиган эъзоз, иззат-икромнинг жуда нодир намунаси бўлган.

Зулфия ҳаёти давомида жуда кўп юксак ва хилма-хил мукофотларга сазовор бўлган. Ҳар бир инсон сингари у ҳам ўз меҳнати натижаларини кўриб қувонарди, албатта. Бу табиий бир ҳол. Аммо унинг мукофотларга бўлган муносабатини 1972 йили Деҳлида бўлган бир халқаро анжуман жараёнида мушоҳада қилган эдим. Ўша йили Ҳиндистоннинг пойтахтида Осиё ва Африка ёзувчиларининг халқаро анжумани бўлиб ўтган эди. Унинг юзга яқин мамлакатлар намояндаларидан ташкил топган қатнашчилари Осиё ва Африка мамлакатлари адибларига бериладиган мукофот — «Нилуфар» мукофотини Зулфияга беришга яқдиллик билан овоз беришган эди. Бу воқеа ҳаммани, жумладан, Зулфияни жуда қувонтирган эди. Мен табриклагани меҳмонхонага борганимда, у киши беҳад тўлқинланиб:

— Фаттоҳжон, бу мукофот фақат мен учун эмас, балки менинг Ватаним учун берилган мукофотдир, — дедилар. — Бу мукофотнинг эвази сифатида Осиё ва Африка ёзувчилари ташкилоти нимани ажратса, ҳаммасини Гинчлик фондига ўтказишга қарор қилдим, — деб қўшиб қўйдилар охирида жуда камтарлик билан.

Мен шунча шон-шухратга қарамасдан Зулфиянинг камтарлиги ўз ҳақиқийлиги билан кучли эканлигини ўшанда сезган эдим.

Зулфиянинг ижодини бугунги кунда билиш зарурлиги бир неча сабабларга кўра муҳимдир. Зулфия ўз ижоди билан ўзбек адабиёти тарихидаги буюк сиймолар қаторидан ўрин олган. Зулфия янги ўзбек аёли тимсолига айланган. Зулфия адабиёт сиёсатнинг бақироқ хизматкорига айланган даврларда ҳам инсон қалби туйғуларини ифодалашга содиқ қолган, чунки у ўз қалбидаги туйғуларга ишонган. Бугун нафақат ўзбек адабиёти, балки бутун дунёда адабиёт чуқур ўзгаришларни ўз бошидан кечираётган даврларда Зулфия ҳам, тарих ҳам, замон ҳам, жамият ҳам, инсон ҳам, ҳиссиёт ҳам, туғён, қўйингки, ҳаёт-мамонтнинг энг мураккаб жараёнида жавлон урган шоир, аёл ва инсон бўлиб қолади.



**Қамар Раис,**  
*профессор, шоир ва адиб,*  
*Ҳиндистон*

## **ЗУЛФИЯХОНИМ**

Ўзбекистон сарзаминининг кўплаб мумтоз ва баркамол шоирлари Ҳиндистон қитъасида шуҳрат қозониб, катта мақбулият ҳосил қилишган. Улар орасида Зулфияхонимнинг номи алоҳида намоён бўлиб туради. Ўрта аср шоирларидан Алишер Навоий, Жомий, Бобур Мирзоларнинг номлари Ҳиндистонда катта эҳтиром билан тилга олинар эди. XX аср шоирларидан Мирзо Турсунзода ва Мирсаид Миршакарларнинг форс тилида ёзилган шеърлари анча маъқул бўлган эди. Ўзбек шоирларидан Фафур Фулом, Ойбекдан ташқари Зулфияхонимгина Ҳиндистонда катта шуҳрат қозонган эди. 1958 йили Жавоҳарлаъл Неру раҳнамолигида Осиё ва Африка адибларининг Конференцияси ташкил этилган эди. Унда Зулфияхоним ҳам қатнашган. У ўзининг жозибали шахсияти, олий ахлоқ намунаси ва лирик шеърляти билан ҳиндистонлик шоирлару адибларнинг дилини ром қилиб олган. Амрита Притам, Али Сардор Жаъфарий, Разия Сажжод Зоҳир каби адиблар у билан чинакамига дўстлашиб кетишганди. Кейинроқ бориб Файз Аҳмад Файз ва Сажжод Зоҳир Зулфияхонимни қадрловчилар қаторига қўшилишган. Мана шу конференциядан қайтгач, у ўзининг «Мушоира» деган назмини ёзиб, унда дунёнинг ҳамма тинчликсевар халқлари ва адибларининг ўзаро бирдамлигини жуда дилкаш сатрларда куйлаган эди.

1962 йили мен Тошкентга меҳмон-профессор бўлиб келганимда Зулфия билан бевосита учрашиш иштиёқи туғилди. Ниҳоят 1963 йили жаноб Фотиҳ Тешабоев билан бирга Зулфия билан учрашиш шарафига муяссар бўлдим. У киши ўзининг ҳиндистонлик дўстлари ҳақида анча гапириб берди. Ўзбек анъанавий меҳмондўстлигига кўра лазиз таомлар билан меҳмон қилди.

Тошкент зилзиласидан кейин шаҳарга атоқли шоир Файз Аҳмад Файз келиши муносабати билан шоир Ҳамид Ғулом уйида зиёфат берилганда Зулфия билан яна бир бор учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Ўша зиёфат кечасида Файз жанобларининг илтимосига биноан Зулфия ўзининг бир неча шеърларини ўқиб берди.

1972 йили мен Тошкентга учинчи маротаба келганимда яна бир бор Зулфияхоним билан учрашдим. Мени жуда самимий ва илиқ кутиб олган Зулфия билан ҳинд адабиёти, адиблари, уларнинг ижодий фаолиятлари тўғрисида узоқ суҳбатлашдик.

Ўша йиллари мен Ғафур Ғулом номидаги нашриётнинг буюртмасига биноан Ўзбекистоннинг машҳур шоирлари асарларидан айримларини урду тилига таржима қилдим. Бу тўпламда Зулфияхонимнинг ҳам қатор шеърлари ўрин олди. Масалан, «Мен чизолмаган сурат», «Ҳижрон кунлари» ва ҳоказолар. Улар нафақат Ҳиндистон, балки Покистонда ҳам катта муваффақият қозонди. Сўнгра мен «XX аср ўзбек шеърляти» деб аталган ўзбек шоирларининг ижодидан намуналар мажмуасини нашр эттирдим. Унга ҳам Зулфияхонимнинг шеърлари киритилди. Шу давр ичида яна бир ҳиндистонлик адиб Манзар Салим «Прогресс» нашриётининг йўли билан Зулфия шеърларининг таржимасини нашр эттирди. Шундай қилиб, Зулфиянинг ижоди Ҳиндистон ва Покистон ўқувчиларининг кенг доираларига етиб борди ва бениҳоя мақбул бўлди.

Зулфия ижоди билан танишар эканман, мен бошдаёқ унинг шеърляти оҳанги ва услуби бошқаларникидан ажралиб туришини сезиб олган эдим. Унинг шеърляри ўқувчига шундай таъсир қиладики, бошқа ҳеч қандай шеър бундайин хусусиятга эга эмас. Шубҳасиз, у ўзбек мумтоз адабиёти анъаналаридан кўп фойдаланган. Шу билан бир қаторда, у форс ва рус адабиётининг услубларини ҳам яхши билган. Ана шу сарчашмалар билан бирга ўзининг зеҳну заковати орқали ўз шеърлятини яратиб, унга янги овоз ва янги тарз бахш этди. У айрим махсус ҳолларда ёзган шеърлярни социалистик реализм доирасида ёзилган, дейилиши ҳам мумкин. Лекин ўз даврининг мавзуларини ва муаммоларини ўзига хос услубда талқин қилди. Шунинг учун унинг шеърля тафаккури янги тафаккур андозасида намоён бўлди. Бу хусусият социализм даврининг яқдил шеърлятидан ажралиб туради. Унинг

асарларида аёл масаласи алоҳида ўрин эгаллаб туради. Худди шундай йўлда Зулфия талқинида она-Ватанга бўлган муҳаббат мавзуси ҳам шоирона ҳусн билан куйланди. Бундан ташқари, жаҳон тинчлиги масаласини олсак ҳам бу мавзуда Зулфия ёзган шеърлар фақат наърабозлик эмас эди, балки уларда ижодий гўзалликнинг фаровонлигини кўриш мумкин.

Зулфия шеърларида инсоний меҳр-муҳаббат билан бирга ғам-алам туйғулари ҳам шундай ифодаланганки, у ўқувчига шиддатли таъсир кўрсатади. Айниқса, унинг турмуш ўртоғи, буюк шоир Ҳамид Олимжон билан жудолик изтироблари ва ғам-аламларини ифодалаш учун ёзган шеърлари шулар жумласидандир. Шубҳасиз, Зулфияхоним ўзбек адабиётининг машҳур ва бокамол шоирлари сафида юксак мақом эгаллаб туради. Унинг шеърлари чуқур қайғулар таъсири ва олам тушунган тилда яратилганлиги сабабли ҳамиша дилларга илиқлик бахш этиб қолажак.





**Амир Пардаев,**  
*меҳнат фахрийси*

## **ЗУЛФИЯ ОПА ҲАҚИДА СЎЗ**

Ўзбек халқи азалдан адабиёт ва санъатни эъзозлаб келади бу соҳа вакилларига ҳурмат қонимизга сингиб кетгани бор гап. Ўзим иқтисодчилик соҳасининг этагини тутган бўлсам-да, ёшлиқдан адабиётга ихлос қўйганман. Мен халқимизнинг севимли ижодкорлари қатори шоира Зулфияхонимнинг асарларини кўп мутолаа қилган эдим. У кишини матбуот, радио-телевидениедаги чиқишлари орқали яхши билардим. Шодлик ва бахт куйчиси Ҳамид Олимжоннинг шеър ва дostonлари эса бизга мактаб давримиздан қадрдон бўлиб қолганди.

1990 йил январ ойида мен турли вазифаларда ишлаб келаётган Булунғур туманидаги Алишер Навоий номли хўжалик икки хўжаликка айлантирилди ва 1700 га ер майдонига эга бўлган Ҳамид Олимжон хўжалиги ташкил этилди. Мени Ҳамид Олимжон хўжалигига директор этиб тайинлашди.

Навоий хўжалиги маркази бошқа жойга кўчирилди, Навоий бобомизнинг ҳайкали ҳам янги марказга кўчириб кетилди.

Ҳаммамизга маълум, ўша йиллари халқимизнинг миллий қадриятлари тикланиб, кўп асрлик анъаналаримиз, Наврўз сингари байрамларимиз, урф-одатларимиз турмушимизга кириб келаётган бир давр эди.

Янги ташкил топган хўжаликнинг янги раҳбари сифатида ишни нимадан бошлашни кўп ўйладим. Халқнинг кўнглига йўл топиш, баҳорги экин тадбирларига меҳнаткашларни кўтаринки кайфият билан жалб этиш, буюк шоир номи билан аталган янги хўжаликни илғор хўжаликлар қаторига қўшишга ҳаракат қилишимиз керак эди.

Хўжалик марказини ободонлаштиришни раҳбарлар билан келишиб олдик. Ишни эски клубни таъмирлашдан бошладик, марказий кўчаларга гуллар экиб, ёритгичлар ўрнатдик. Таъмирдан чиқиб янгидай бўлиб қолган клубга Андижондан 500 дона янги ўриндиқ олиб келиб ўрнатдик. Бу бошлаган ишларимиз аҳолимизга ҳам маъқул келди ва улар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Хўжалигимиз марказидаги майдонга ҳашар йўли билан катта фаввора қуришни бошладик. Яқингача бобомиз Алишер Навоийнинг ҳайкали турган супача қурилажак фавворанинг шундоққина ёнида эди. Супачанинг ортида эса 5-6 йиллик бир туп ўрик ўсиб турибди. Фаввора қурилиши борар экан, бир-икки киши супачани бузиб, ўрик дарахтини кўчириб ташлашни маслаҳат беришди. Мен бу жойга хўжалигимиз номини олган шоир Ҳамид Олимжон ҳайкалини ўрнатиш ниятимиз борлигини айтдим.

«Наврўз байрамига икки ой муддат қолган. Хўжаликни ободонлаштириш бўйича жуда кўп ишлар бошлаб юборилган, уларнинг ҳаммасини якунига етказиш керак. Шундай бир шароитда, 2 ой ичида бюст ўрнатиш ҳақида ўйлашнинг ўзи хомхаёллик», деб танбеҳ беришди раҳбарлар. Мен яхши ният қилдим, яхши ишга марҳум шоирнинг руҳи ҳам мадакор деб юборибман.

Улар кетишди, мен ўйланиб қолдим. Ўйлай-ўйлай, икки мутахассисни ёрдам сўраб Тошкентга, Зулфия опанинг олдига юборишга қарор қилдим.

Улар боришга тайёр бўлишди, бироқ таниқли шоира, жамоат арбоби бизни қабул қилишга вақт топадими, йўқми, қолаверса, бизнинг таклифимизни қандай тушунади деб ҳайрон эдилар. Менда Зулфия опанинг адреси йўқлигини, аслида у киши билан таниш эмаслигимни айтганимда, уларнинг ҳайронлиги баттар ошди. Уларга Тошкентга боргач, Ёзувчилар уюшмасига ёки «Саодат» журнаliga мурожаат қилишларини тайинлаб, йўлга чиқардим. Очигини айтсам, уларга далда бериб шошилтирганим билан, ўзим ҳам худди шундай ўй-хаёлда эдим.

Улар кетишди, мен икки кун ўйланиб юрдим.

Учинчи куни «элчилар» яхши кайфиятда қайтиб келишди. Уларни Зулфия опа яхши кутиб олибди.

Ўша йили май ойида Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжоннинг 90 йиллиги тантаналари ўтказилиши мўлжалланган экан

ва шу муносабат билан ўрнатиш учун бюст буюртма берилган экан.

Зулфия опа мана шу ишга бош-қош бўлган ҳайкалтарошлар билан гаплашиб, 15 мартга бизга ҳам шоирнинг шундай бюстини тайёрлаб беришга кўндирибди.

Хуллас, 20 март куни шоирнинг бюстини ўрнатдик. Наврўз байрамининг энг асосий тантанаси — туман бўйича катта кўпқари айнан бизнинг хўжалигимизда ўтказилди. Хўжалигимиз марказида янги клубнинг очилиши, катта майдон ободонлаштирилиб, шоир ҳайкали ўрнатилгани халқимизнинг кайфиятини чоғ қилиб юборди.

Май ойида шоирнинг 90 йиллиги тадбирлари доирасида Тошкентдан 50 дан ортиқ меҳмон келиб, Ҳамид Олимжон бюсти атрофида туманимиз аҳолиси иштирокида мушоира ўтказилганида қанчалик хурсанд бўлганимизни сўз билан таърифлаш қийин.

Орадан бироз вақт ўтиб, Зулфия опага миннатдорчилик билдириш учун Тошкентга йўл олдим. Шунча йўл босиб келдим, эшик қоқиб боришга яна журъатим етмади. Таваккал деб, бир даста гул билан уйига кириб бордим. Хонадон соҳиблари мени очиқ юз билан кутиб олишди.

Келишимда қишлоғимиз манзараларини, яқинда ўрнатилган шоир бюстини суратга тушириб келгандим. Зулфия опага айниқса шоирнинг шундоққина боши устида қийғос гуллаб турган ўрик шохлари туширилган сурат жуда ёқди. Анча суҳбатлашиб ўтиргач, яна бир бор раҳмат айтиб, кетишга чоғландим. Зулфия опа шоирнинг руҳлари ҳамиша қўллаб-қувватлаб юрсин, деб дуо қилди.

Кейинчалик опанинг уйига тез-тез бориб турадиган бўлдим. Зулфия опа мени фарзандлари Омон ака, Ҳулқар опалар билан, уларнинг оила аъзолари билан таништирди. Зулфия опанинг, «менинг ўғлим битта эди, сен билан иккита бўлди, Омон иккаланг ака-ука тутининглар, бир-бирларинг билан борди-келди қилиб юринглар», деган гаплари кечагидек эсимда.

Зулфия опанинг васиятини ерда қолдирмасдан, ҳозиргача у кишининг фарзандлари билан борди-келдини узмасликка ҳаракат қиламан.



**Дилбар Фуломова,**  
*Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими*

## **ЗУЛФИЯХОНИМ МАКТАБИ**

Зулфия опа шеърларини ўқувчилик йилларимда ўзбек адабиёти дарслиги ва ўша йилларда чиққан янги китоблар орқали таниганман ва кўпгина шеърларини суйиб ёд олганман. Аниқроғи, Зулфияхонимнинг инсон, она ва ёр сифатидаги фазилатларини аввало унинг шеърияти орқали кашф қилганман.

Зулфияхоним шеъриятдан атрофга теран кўз билан қарашни, Она-Заминга, Ватанимизга, элга бўлган муҳаббатни, ҳаёт гўзаллигига ҳамоҳанг яшашни ўргандим, десам асло муболаға бўлмайди.

Сўнгра бутун ҳаётим давомида бу доно жамоат арбобига ҳавас қилиб яшадим. Чунки Зулфия опа деярли ярим аср «Ўзбекистон хотин-қизлари», яъни бугунги «Саодат» журнали жамоасига раҳбарлик қилиб, атрофларига ижодкор ва фидойи аёлларни тўплаб, «Зулфия мактаби»ни яратдилар. Опа аввало бутун куч-гайратларини журналнинг ғоявий ҳамда бадиий жиҳатдан юксак савияда чоп этилишига бағишладилар, бунга юксак даражада эришдилар. Шу билан бирга, Зулфия опа тажрибали ташкилотчи ва сергайрат раҳбар сифатида элга танилдилар.

Мақолаларнинг мазмун-моҳияти ва йўналиши эл дилига яқинлиги туфайли журнал республикамиздаги ҳар бир хонадонга, ҳатто, энг чеккада жойлашган қишлоқ аёлларининг ҳаётига кириб борди. Ўша пайтларда «Саодат» журнали ҳатто эркакларнинг севимли нашрига айланган эди, десак муболаға бўлмайди.

Зулфия опа билимдон муҳаррир, ўз касбининг устаси, меҳнатсевар ва камтарин инсон, ходимларга гамхўр устоз эдилар. Улар ўзларининг ана шу инсоний фазилатлари билан ҳақли равишда нафақат ўз жамоаларида, бутун республика аёллари ўртасида муҳаббат қозондилар.

Зулфияхонимнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб равишда тақдирланди. Уларга берилган қатор



давлат мукофотлари одамларга дилини нурлантириш йўлида сидқидилдан қилинган меҳнатларининг маҳсулидир.

Бугунги кунда қайси даврада гўзаллик, зукколик, вафо, садоқат ҳақида гап кетса, албатта, Зулфия опамиз тўғрисида энг яхши хопиралар эса олинади. Уларни энг олижаноб инсон, бағри кенг аёл, гўзаллик ва назокат намояндаси ва албатта, намунали оила бекаси, асл фарзандлар онаси бўлганликлари қайта-қайта эътироф этилади.

Мамлакатимиздаги забардаст журналист, шоира, бастакор, ёзувчи, рассом хотин-қиз ижодкорларни «Зулфия мактаби»нинг қизлари дейишади. Улар ўзларини ижодий юксаклик томон поғонама-поғона етаклаган ана шу «маҳорат мактаби»да сабоқ олганлари билан ғурурланадилар.

«Аёллар йили» Давлат дастурида кўрсатиб ўтилган чоратадбирларни амалга ошириш бўйича Президентимиз Ислом Каримовнинг 1999 йил 10 июнда «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилинди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади. Давлат мукофоти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакилларига биттадан ҳар йили Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида топширилади. Мукофот комиссияси кенг жамоатчилик фикрини атрофлича ўрганиб, талабгорлар фаолиятини ҳар томонлама муҳокама қилиб хулоса чиқаради ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида берилади. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига киришда имтиҳонларсиз қабул қилинадилар ва энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида мукофотланадилар ва кўкрак нишони ҳамда Диплом билан тақдирланадилар.

Ҳар йили Зулфия номидаги Давлат мукофотини олиш учун 700 – 800 нафар талабгорлар беллашадилар. Лекин улардан фақат 14 нафаригина, яъни энг истеъдоддилари бу мукофотни олишга муяссар бўлади.

Бу мукофотнинг таъсис этилиши элнинг суюкли қизи Зулфияхонимга қўйилган энг муносиб ҳайкал, деса арзийди.

Ҳозирги ўсиб келаётган ёш авлод, айниқса, қизларимиз оиласига садоқатни ва касбига меҳр-муҳаббатни, ён-атрофидаги одамларга мурувватни, ватанига сидқидилдан хизмат қилишни ва она-юртини кўз қорачиғидек эъзозлашни Зулфия опадек улуғ инсоннинг катта ҳаётий тажрибасидан ўрганадилар.



**Алишер Юнусов,**  
*Фарғона давлат*  
*университетининг доценти*

## **ТҮРТ ДАСТХАТ**

1 март, баҳорнинг илк куни... Йиллар давомида менинг шу кунги қувончларимга яна бир кўтаринки туйғу ва беқиёс ҳаяжон муштарак — Аяжоннинг таваллуд кунлари...

Айни шу кунлари Аямнинг латиф, сеҳрли, жарангдор, лекин маъюсона овозлари қайта-қайта қулоғимга келаверади:

Салқин саҳарларда, бодом гулида,  
Бинафша лабида, ерларда баҳор...

Қалб-қалбга сингиб кетган шеър сатрларини ҳар доим ҳайрат ила ўқир эканман, бир воқеа эсимга тушади.

50 йиллик таваллудларидан аввал — 1965 йилнинг июлида — Аяжон Водилга ижодий сафарга борганларида, у мўътабар инсон билан мени, бир дунё орзу-умид ва беғуборликка тўла 15 яшар йигитчани менинг бувим таништирдилар. Ўша лаҳзалар мен учун нақадар бахтли эканини ва кейинчалик ҳам ҳаётимни ёрқин нурдек ёритиб туришини ўша пайтда англаб етолмаганман, албатта.

1966 йилнинг кузида бувим билан Тошкентга — тўғри Аяжоннинг мунаввар, бағридан меҳру эъзоз уфуриб турган хонадонларига келдик. Қўлимизда Аяжоннинг «Ўйлар» деб номланган китоблари, уни Водилда ёзганлар. Китоб чиққач, мен учун энг қадрли бўлган дастхат битиб совға қилиб юборган эдилар. Ўшанда мен Омон акам, Хулкар опам билан, уч яшар ажойиб бола набиралари Улуғбек билан танишдим.

Завқ-шавқ ва қувончга тўлиб, суҳбатлашиб ўтириб:

— Москвага «Костёр» журнаliga бу йил ёзда чизган расмларимни юборсам, ҳеч қандай жавоб келмади. Афсус, асл шедеврларимни юборган эдим-а, — деб юборибман.

Аяжон индамадилар, фақат кулиб қўйдилар.

Анча вақт ўтгандан сўнг университетда ўқиётган пайтимда Холида опам Аҳророва — у пайтда «Саодат» журналида бош муҳаррир ўринбосари эдилар ва Аяжон билан жуда яқин эдилар — бир гапга қўшиб, Аяжоннинг «Қаранг, Холидахон, 50 дан ошибману, бирорта шедевр яратишни ўйламабман-а», деганларини айтдилар. Қаранг, бу афсусликни — Зулфиядек дунё таниган шоира — «Баҳор келди сени сўроқлаб...», «Палак», кейинроқ эса «Мушоира», «Ўғирламанг қаламим бир кун», «Рашк», «Хотирам синиқлари» каби ҳар бир сатри шедевр бўладиган шеърларни ёзган инсон айтсалар-а? «Келажак» шеърлари ҳақида Степан Шчипачев «илҳомингиз шедевр деган бўлса-да, Аяжонда «шоҳ асар яратиб қўйдим» деган фикр ҳеч қачон бўлмаган . Бу борада Аяжоннинг:

Дили шоир ҳассос бир элга  
Фарзандлигим нақл этар бурчим,  
Халқ қалбидай бир гўзал шеърга  
Етармикан ҳеч қачон кучим...

деган сўзларини эслаш кифоядир.

*Алишержон!*

*Табиат Сенга берган гўзалликдан зиёд сифатлар бор:  
Ҳалоллик, Инсофлик, Олижаноблик. Онадан тортиб барча  
эзгулик ва гўзаллик олдида тиз чўкмоқ, унинг қадрига етмоқ.  
Бу сени яна ҳам безайди, Камолот деб аталадиган чўққига  
меҳнат билан бир қаторда кўтаради.*

*Бахтли тақдир ва узоқ умрли бўл, ўғлим!*

*Зулфия, 12.04.76*

1996 йилнинг апрелида Аяжонни кўргани Тошкентга келсам, уйда ўзлари эканлар. Ниҳоятда самимий кутиб олдилар — бувим раҳматли ўтиб кетганларидан сўнг Аяжон менга аввалгидан ҳам меҳрибон бўлиб қолган эдилар. Мен «Аяжон, рухсат беринг, ошхонада ўтира қолайлик — фақат иккаламиз-ку?» — десам, «Йўқ, сиз — меҳмонсиз, йигит кишисиз, сизнинг жойингиз — меҳмонхонада, ҳов анави тўрдаги курсида», — деб дастурхон тузалган столга таклиф

қилдилар. Бунинг ўзи ҳар бир инсон учун ибрат эмасми? Ўшанда Аяжон билан гапларимиз, қувонч-ташвишларимиз анча йиғилиб қолган экан. Аяжон «Хотирам синиқлари» достони ҳақида фақат ўзларига хос бўлган сеҳрли ифода билан сўзлар эканлар, жисм, руҳ, ҳаёт синовларини матонат ила енган улуғвор инсоннинг сўзларини қалбим тўла ҳайрат, кўзларим тўла жиққа ёш билан тинглаганман.

Аяжоннинг мунис, латиф овозларини сўнгги марта эшитаётганимни билсам эдим...

Аксинча, адабиётга келаётган ёшлар билан суҳбатлашишдан завқ олардилар, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашар эдилар, улар қаламидан чиққан шеърларга тан берувчи шеърхон эдилар. Қанча шогирдларга вақтини, умрини, шеърят ҳақидаги қимматли сабоқларини бағишлабгина қолмасдан, шеърятнинг заҳматли сўқмоқларидан эринмай етаклаган эдилар.

Лекин инсон боласи турли тоифада, турли табиатда бўлар экан. «Бу йўлни ўзим топдим, ўзим машаққат чекканман» дегувчиларнинг бирортаси ҳақида аяжондан норозилик оҳангда, уларнинг кадр-қимматига озор етказувчи сўз эшитмаганман. Назаримда, аяжон табиатларида одамларни ёмон кўриш одатлари йўқ эди, бошқаларга чин дилдан ёрдам беришга тайёр, аммо бу ҳақда ҳар қандай шароитда ҳам айтмас эдилар. Аяжоннинг ушбу фазилатларини Хулкар опамда ҳам, Омон акамда ҳам кузатаман.

Аяжондек ажойиб, бетакрор инсон билан она-бола тутиниш мен учун бахтдир. Талабалик пайтимда аям, «тез-тез келиб тур, сенинг шу уйда ризқинг бор, тортиниб ўтирма», деб тайинлаганлари мен учун рўйи-рост гаплар эди. Шу туфайли бўлса керак, у табаррук хонадонга ўз уйига келгандек келар эдим ва Аямнинг, Хулкар опамнинг ва Омон акамнинг меҳрибонликларидан мамнун бўлиб, юксалиб, ётоқхонамга қайтар эдим. Ҳозир ҳам Тошкентга борганимда Риояхон келин аям Улуғбек, Фарруҳбек ва Отабекларнинг фарзандларига: «Бу киши – Алишер аканг, катта амакинг бўладилар, оиламиз аъзоси», – деб уқтирадилар. Аям, Хулкар опам ва Омон акамларнинг самимий маслаҳатлари туфайли ўғилларимнинг исмини ҳам Бунёд, Сайёд, Шамшод ва Зиёд қўйганман.

Аяжондан «Дастхат ёзиб беринг», – деб илтимос қилишга тортинардим – назаримда, узоқлашиб, бегоналашиб қолаётгандек

туюлардилар менга, агар ўзлари лозим топсаларгина, ёзиб берардилар. Уйимиздаги тўрт дастхатни нур каби авайлайман, аямнинг қадрдон ёзувларини кўзимга суртгиларим келади. Мана улардан бири: — асл нусхани келтиришга ҳаракат қилдим — Аяжонни ардоқлаган ҳар бир инсон учун ҳар бир чизгилари азиз бўлса керак, деб ўйлайман:

*«Алишер! Мана, бугун қўлингда аъло диплом билан бизникига кириб келдинг. Беҳад қувондим, фахрландим.*

*Яхши ўқидинг, яхши яшадинг. Мен ҳамиша кузатиб, севиниб юрдим.*

*Водилда бу кунни, дақиқаларни санаб кутдилар. Албатта Водилда яшаб ишлаш шарт эмас. Энг муҳими, Водилдагиларнинг, айниқса, мушфиқ онангинг ишончини оқлаш.*

*Яна ўқирсан, ишларсан — ҳаммаси элга, юртга хизмат деб аталади. Сенга, шахсан Ўзингга ўхшаш ўктам ҳақиқий муҳаббат, садоқат, бахт ёр бўлсин.*

*Сени ўпиб,  
Зулфия. 30.06.72»*

Вақт ўтган сари мундоқ ортга ўгирилиб қарасам, ҳар бир дастхат — ҳаётимнинг маълум бир даврига берилган баҳо экан, Аяжоннинг меҳрлари, ишончлари ва умидларига сабаб бўлган экан. Менга улар машаққатли пайтларда йўл кўрсатгандек, менга маънавий таянч нуқтаси вазифасини ўтагандек, ҳаётдаги турли хил нохушликлардан қалқон мисоли сақлаб тургандек туюлади.





**Анвар Жўрабоев,**  
*журналист*

## **О, ИЖОД ДАРДГИНАМ...**

Зулфия Ўзбекистонни дунёга танитган ижодкор. Унинг шеърлари жаҳондаги қатор мамлакатларнинг энг нуфузли минбарларидан кўп бор янграган. Шоира қатор-қатор мукофотларга сазовор бўлган: Давлат мукофоти, «Неру», «Нилуфар» халқаро мукофотлари... Унга Меҳнат Қаҳрамони унвони, Болгариянинг биринчи даражали «Кирилл ва Мефодий» орденлари берилган.

«Аммо — деганди шоира, — мен учун энг олий ва муқаддас мукофот мустақил Ўзбекистонимизнинг мана шу «Дўстлик» орденидир!»

Биз ўшанда опа билан анча суҳбатлашгандик.

— Катта авлод вакилларига мансуб шоирлар ҳақида гап кетганда: «Улар осонгина ёзишади, чунки тажрибали-да», дейишади...

— Ўша, «дейишаётганлар» шуни билишсинки, шоирлик касб эмас. Ҳақиқий шоир ёшидан қатъи назар, «Мана ниҳоят мен шеър ёзишни мукамал эгаллаб олдим», — деб айтмайди. У ҳар гал қўлига қалам олганида, биринчи марта шеър ёзаётган одамдек ҳаяжонга тушаверади. Шахсан менда доимо ана шундай ҳолат юз беради.

— Йўқса, айтинг-чи, шоирликнинг бош «сири» нимада? Янги ташбеҳлардами, метафоралардами?

— Фикрда, ғояда! Бутун вужудини туғёнга солиб: «Бугун айтмасанг, кеч бўлади!» деб қалбингда ҳайқариб турган фикрда. Фикр эса шаклни ҳам, метафораю ташбеҳларни ҳам ўзи етаклаб келаверади.

— Сўз-чи? Унинг қудрати-чи?

— Сўз ўша фикрнинг яшаш тарзи, гапириш тарзи. Борди-ю, шоир сўз танлашда хато қилса, унинг фикрлари ҳам хато гапира бошлайди.

– Ҳайнрих Ҳайненинг бир гапи бор: «Аёлни илк бор гулга ўхшатган одам буюк шоир бўлган. Уни иккинчи мартаба гулга қиёслаган шоирлар эса оддий бир лақма, холос». Сизнинг-ча, Ҳайне ҳақми?

– Юз фоиз! Чунки тақлид – шеърининг душмани. Ундан қочиш керак, дейишади баъзан. Йўқ, уни бутунлай йўқотиш керак.

– «Рашк» деб номланган шеърингизда қуйидаги сатрлар бор:

Ҳовуч-ҳовуч ичади қизча,  
Сероб бўлиб кетар ташна лаб.  
Шеърим ўқиб бир ҳовуч сувча  
Баҳра олармикан бирон қалб?

Бу мисраларни ёзганингиздан буён чорак асрдан кўп вақт ўтибди. Ана шу йилларда ҳам ижод заҳмати билан яшадингиз. Китобларингиз жаҳондаги кўплаб тилларда нашр қилинди. Ҳа, ундан кейин, ўша «Рашк» шеърингизни ўқиб қолган машҳур шоирлардан бири: «Зулфиянинг шеърларидан бир эмас, балки минглаб қалблар баҳра олмоқда», деб ёзганди...

– Вақт деган ҳаққоний ҳакам ҳам бор! Ҳар бир ижодкор унинг галвиридан омон чиқиб, узоқроқ яшайдиган асарларни орзу қилади.

– Ҳозир-чи? Шеърларингиздан китобхон қалбининг баҳра олиш-олмаслиги Сизни «Рашк»да ўша мисраларни ёзган пайтингиздагидай ташвишлантирадими?

– Кўпроқ! Ижодкор ҳамиша ана шу туйғу билан яшаши керак. Ҳамиша! Умрининг охиригача. У шу туйғуни йўқотди-ми – тамом, унинг ижоди ҳам ниманидир йўқотади.

– Ўзингизни қачондан бошлаб шоир ҳисоблагансиз?

– Ҳар бир шеъримни ёзаётганимда, унинг ўтли туйғулари билан яшаётганимда «мен шоирман» деб ўйлайман. Ўша шеър бирор жойда чоп этилганидан сўнг эса, «Қачон шоир бўларкинман?» деган хаёл кечади дилимдан.

– Нега?

– Чунки мен чоп этилган шеърларимда қалбимдаги қувонч, дард, ҳаяжонларнинг сувратини кўргандай бўламан, лекин ҳар гал уларга нимадир етишмагандай, уларнинг нимасидир аслига ўхшамаётгандай туюлаверади...

– Ойларча, йилларча шеър ёзмаган вақтларингиз бўлганми? Бундай деб сўраганимга сабаб: ижодингизни кузатсак, туркум-туркумлар орасида баъзан катта фурсатлар ўтган экан.

– Тўғри, шундай фурсатлар бўлади. Лекин ўша «катта фурсатлар» шеърсиз яшади, деган гап эмас. Шеърнинг ёзилиши учун гоҳ лаҳзалар кифоя, гоҳ эса йиллар ҳам етмайди. Ўзимга қараб, кўпчилик шоирларда ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлайман.

Таваллудимнинг эллик йиллигини нишонламоқчи бўлишди. Ҳамма мева ҳам тезпишар бўлмаганидек, менинг ижодим ҳам ўшанда «инқироз»да эди: деярли икки йилки, шеър ёзмаганман, журнал, жамоат ишлари...

Охири меҳнат таътилига чиқиб, узоқ ижодий уйлардан бирига кетдим. Бир неча кун яшадим – шеър дарди қийнади, қанча-қанча қоғозларни қоралаб ташладим-ку, лекин ҳеч нарса ёзолмадим... Негадир Фарғона водийсига кетгим келаверди. Бордим... Водилдаман. Дала айланаман, табиатта тўймай боқаман, одамлар билан суҳбатлашаман. Кўз олдимда шеърдан-да гўзал, мукамал бир дунё! Қарабсизки, бахт ғариб, уч кун деганда сатрлар ёнига сатрлар кела бошлади. Инсон ва табиатнинг ҳар бир неъматини: ақиқ юлдузлар, зумрад далалар, жилдираб оққан тиниқ-тиниқ сув остидаги палак гуллари эслатувчи ранг-баранг тошчалар – ҳамма-ҳаммаси шеърга айланар, қўлга тутиб кўрса бўладиган мунчоқлар шодасидай тизилиб келарди... мenden бахтлироқ одам йўқ эди, назаримда ўшанда!

– «Ўйлар» номли шеърини тўплашим ана ўша масъуд қирқ беш кунда Водилда ёзилди.

– О, ижод дардгинам,  
Сен менинг оромим рақибини...  
Гоҳ чорлаб, гоҳ дейман, кет йироқ.  
О, менинг умримнинг эгови...  
Мен уйқу истайман!  
Бўласан шеър дови,  
Кетмайсан, қувсам ҳам...

деган сатрларингизни ўқиб, «Ўйлар» осонгина ёзилибди, дейишга ҳам ҳайронман?..

– Мен шу саволингизга шундай жавоб айтмоқчиман: ижодкорнинг шеърсиз кунлари ҳам қалб «портлаши» учун ҳозирлик лаҳзалари ҳисобланади. Мушкул заҳматлари, уйқусиз тунлари эвазига кўтарилажак ҳосилига дон сочиш лаҳзалари бўлади.



– Адабиётшунос Наим Норқуловнинг «Зулфияни юксакликка ундаган куч унинг қалбидаги ўтидир», деганини ўқиганмисиз?

– Агар ўша олим айтганча бўлса, бу ўтни, бу чўғни қалбимга Машрабу Фузулийни севиб-севиб ўқийдиган онам солганлар. Қийинчиликларга тик қарашни, меҳнатни ҳаётнинг маъноси деб билишни эса отамдан ўрганганман. Отамдан доимо олов иси келарди: улар пўлат куювчи эдилар. Мен отамнинг чўғдай пўлатни истаган шаклга сола олганларини ва бундан роса ҳайратга тушганларимни кечагидай эслайман.

– Онангиз Хадича опани эса моҳир каштачи бўлган дейишади...

– Ўзи аёл аҳли ҳамиша гўзаликка мойил. Зеро, аёл мансабининг ўзи илоҳий гўзалликдир. Менинг онам ҳам гўзалликни севардилар. Ҳовлимиздаги райҳону жамбил, гулу ўсмаларни меҳр, завқ билан парвариш қилардилар.

Онам! Мен онамнинг кенжаси эдим. Йиллар ўтган сайин мен бу мўътабар зотни яхшироқ таниб бораётгандек бўламан. У тобора менинг юрагимга яқинроқ келиб, жон-жонимга сингийди. Баъзан ўзим билан ўзим ёлғиз қолганимда, хотирам қатраларидан ҳатто овозлари келаётгандай бўлади.

Шеър ўқишларини кўп севар эдик, қандайдир эркаловчи, майин, мусиқий, маънили... мен уларни тинглаётганимда пок, оромбахш бир оламга киргандай ҳис этардим ўзимни.

Яна айтаман: агар истеъдодим бор бўлган бўлса, унинг чашмаси — онам. Агар адабиёт аҳлига бир кафт дон янглиғ шеърий ҳосил тутган бўлсам, унинг уруғини қалбимга аввало, онам сочганлар.

– Боя айтганингиздай, онангиз қалбингизга ташлаган чўғни кимлар аланга олдириди?

– Хотин-қизлар педбилим юртида Тошпўлат Саъдий, Шукур Саъдулла каби шоирлар олиб боришган адабий тўғарақда менинг шеъриятга бўлган ҳавасим улғайди. Ёзувчилар уюшмаси қошида Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Уйғун каби ўша вақтдаёқ машҳур, суюкли шоирлар раҳбарлик қилган семинар-машғулотларда эса ҳавасим орзуга айланди, қаламимга далда берилди. Навоий, Фузулий битишган муҳаббат, қаҳрамонлик дostonларини ўқиб, шеърият менинг эҳтиёжимга айланди. Рус мумтоз шоирлари — Пушкин, Лермонтов, Некрасовни ўрганиб, поэзияни ҳаётимнинг маъноси деб билдим.

Бу гаплардан мени фақат ўқиб шоир бўлибди, деб ўйламанг. Менинг устозим, илҳомим баъзан ташвишли, баъзан бахтиёр, беором, безовта халқим эди. Ҳозир ҳам шундай.

— Расул Ҳамзатов, Мустай Карим... каби машҳур дўстларингиз беҳисоб. Уларнинг ҳар бири мудом ижодингиз ҳақида тўлиб-тошиб гапиришади...

— Нуқул мақташади, демоқчисиз-да. Койийдилар ҳам... сиз айтган шоирлар бир менинг эмас, адабиётимизнинг ҳам дўстлари. Улкан дўстлари! Бирлик, биродарлик бор жойда эса, албатта, юксалиш бўлади.

... Биз санъат ҳақида ҳам суҳбатлашмоқчи эдик-а?

— Ҳа. Эндиги саволим тасвирий санъат хусусида эди ўзи. Сиз «Кўшиқ» шеърингизни Чингиз Аҳмаровга бағишлагансиз...

— Биласизми, мен бу мусаввирнинг ҳар бир асаридан қувонаман. Унда ўтмишдаги миниатюра санъатимизнинг энг яхши анъаналари билан бугуннинг ёрқин нафаси уйғун. Аждодларимиз яратган санъат Чингиз Аҳмаров, у кишининг истейодли шогирдлари Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов ва бошқа ёшларимиз мўйқаламларида қайта сайқал топяпти...

— Санъатнинг бошқа турларини ҳам шундай диққат билан кузатиб борсангиз керак?

— Санъатсиз олам ғариб-ку, қашшоқ-ку! Унинг ҳамма тури ҳақида ҳам қувониб айтадиган ютуқлар кўп. Мана, меъморчилигимизни олайлик. Биноларимиз минг йиллик шарқона безаклар билан нақадар кўркем. Лекин у бугуннинг ҳам кашфи экани сезилиб туради.

— Ҳаётни қўшиқсиз тасаввур қила оласизми?

— Билмадим. Лекин менга бундай тасаввур ёқмайди. Мен Ҳалимахоним, Юнус Ражабий, Назира Аҳмедова каби санъаткорлар ашулаларидан қанчалик завқ, қудрат олсам, ёшларимиз ижросидан ҳам шунчалик завқланаман.

Кези келганда айтай: катта санъаткорларнинг энг гўзал ижролари — халқимиз бойлиги, миллий маданиятимиз мулки. Уларни магнит тасмаларига, киноплёнкаларга, албатта, ёзиб қолдириш керак. Улар фақат бугунга эмас, эртамизга ҳам хизмат қилиши шарт. Менинг набираларим ҳам, чевараларим ҳам «Муножот» ёки «Тановар»ни тинглаб, мендай ҳис-ҳаяжон пўртанасида қолишини истайман.

«Ялла»ю «Ялла» дагилар ҳақида ҳам гапиргим келаяпти. Улар дастлаб энди йўлга кирган болалардай атак-чечак

юришди-ю, аммо барибир ўз йўлларини топиб олишди. Битмас-туганмас халқ кўшиқлари улар ижросида янгича сайқалланаяпти. Улар халқимиз руҳини кўшиққа солиб чет элларда ҳам катта довуғ қозонишаяпти. Шодланмай бўладими, бундан. Ғанижон Тошматов асос солган «Дуторчи қизлар» ансамбли ҳам тингловчининг дилини яйратади. Бири-биридан суюк, бир-биридан ширин болалар ансамблларини айтмайсизми? Тагин уларни ўз кўшиқлари, ўз рақслари бор!

Санъатга муҳаббатни болаларимиз қалбида, ҳақиқатда ҳам эртароқ уйғотишимиз керак. Улар гўзалликни эртароқ тушунишлари хусусида тагинда кўпроқ қайғуришимиз даркор. Чунки гўзаллик, эзгулик яшаган қалбга ҳеч қачон ёвузлик киролмайди.

– Театрни жуда-жуда яхши кўрар экансиз-а?

– Албатта-да. Менга энг кўп «Ҳамза» театрининг жиддий спектакллари ёқади.

– Сухбатимиз охирида бири иккинчисига «ўхшамаган» саволлар берсам майлими?

– Ўхшагани яхши эмасми?

– Нега проза ёзмагансиз?

– Шундай бўлди-да...

– Қайси гулни яхши кўрасиз?

– Бинафшани. Миттигина у. Лекин қандай хушбўй, қандай гўзал! Ҳар кичкина жон ўзида шунча фазилатни асрай олса эди...





**Рустам Абдуллаев,**  
*Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган санъат арбоби*

## **БЎЛУР ДИЛГА ҚАНОТ, МАҚСАДГА МАШЪАЛ...**

Зулфия опанинг шеърляти мени анча ёшлигимдан ўзига торгар эди. Шоира ижодидаги мазмунлар ранг-баранглиги, кенг қамровлиги ва уларни талқин этишдаги бадийий жилолар, ҳис-ҳаяжон, туйғуларнинг назокати, гурур ва шавқнинг бетакрорлиги мени ўйлатиб кўярди. Уларда замонанинг нафаси, ҳаётнинг шиддати, зарби шундай сезилиб турарди. Зулфия опа асарларида ва фаолиятларида аста-секин шоирадаги муҳаббат ҳақидаги мадҳия-таърифларни, ҳижрон-аламлари, вафо ва садоқат, умид-орзулар ҳақидаги шеърларни, публицистик мақолаларни қайта-қайта ўқийдиган бўлдим. Ҳазин, тугёнли, даъваткор руҳда уларнинг мусиқий талқинини яратиш орзуси пайдо бўла бошлади. Шоиранинг шеърларидаги тимсоли, сиймосидан илҳомланиб бир қатор кўшиқлар ёзилди. «Йўлда», «Булбул», «Дўстлик таронаси», «Фонтан олдида», «Баҳор» вокал туркуми яратилди. «Ҳижрон» вокал туркуми замонавий мусиқа шинавандалари, шоирамиз ижоди билан қизиқувчилар томонидан яхши қабул қилинди.

Матбуотда анча муносабатлар ҳам билдирилди, жумладан:

«Асар «Гул»нинг мусиқий тимсолини яратишдан бошланади. Гул севишган диллар нашидаси, бахтиёр дамлар белгиси. Вокалингизда бу мавзу талқин этилади ва фортепианода маълум интерпретация билан қайтарилади... Иккинчи қисмда аламли йўқотиш, дил ўртовчи ғам-андуҳлар тугёни, «Сегоҳ»га мурожаат этган оҳанглар таралади. Учинчи қисмда шоиранинг халқ, ҳаёт, фарзандлар, орзулар ҳақидаги шеърлари жўшқин ва оптимистик руҳ билан янграйди...» (Суйима Ганиева. «Сўлим, сеҳрли ва даъваткор мусиқа»).

«Ҳижрон» вокал туркуми учун мен Ёш бастакорлар Халқаро танловининг совриндори бўлган эдим.

«Ҳижрон» туркуми «Садоқат» операсининг яратилишида бир босқич бўлган эди, дейишади ижодкор дўстлар.

Опера устида ишлашда либретто муаллифи Омон Матжон билан Зулфия опани яқиндан билган шахслар — олиму шоир-санъаткорлар... билан суҳбатлар олиб бориш, Ҳамид Олимжон ҳақидаги асарларни, иккала шоир шеърларини қайта-қайта ўқиш мени илҳомлантирган, бир қатор кўшиқлар, ҳатто алоҳида туркумлар яратишга ундаган эди. Лекин мен барча имкониятларимни опера яратишга сафарбар қилдим. Ниҳоят, «Садоқат» яралди ва Самарқанд опера ва балет театрида саҳналаштирилди. Ижодий гуруҳнинг барча аъзолари кўтаринки руҳда меҳнат қилдилар. Операнинг премьераси ва кейинги 100 мартадан ортиқ саҳнада ижро этилиши ҳар гал томошабинларнинг олқишларига сазовор бўларди. Асар мусиқа жамоатчилиги томонидан ҳам юқори баҳоланди.

«Маълумки, опера жанри гоят мураккаб санъат. Ҳар бир операнинг муваффақиятли чиқиши режиссёрнинг истеъдоди, унинг асар руҳини тўғри англаши, ундаги миллийликнинг балқиб туришини таъмин этиши, ҳар бир партиянинг ўзига хос жиҳатлари ва бошқа партиялар билан муносабатлари самимий, табиий бўлишига эришишдан кўринади. Бундай ўта масъулиятли вазифани Ф.Сафаров Зулфия опани ўқиб, уқиб, билдирмасдан кузатиб, аъло даражада бажарганига асло шубҳа қилмайман. Худди шу маънода асосий образларни ижро этувчилар муваффақиятини ҳам изоҳлаш мумкин. «Садоқат»... ўзбек халқининг ардоқли фарзандлари шоира Зулфия ва шеърятнинг мумтози Ҳамид Олимжон ҳаётига бағишланган... Бу мусиқий полотнони ажойиб кишилар ҳаётдан фрескалар деб атасак ҳам бўлади» (Аҳмаджон Раҳимов. «Садоқат кўшиғи»).

Зулфия опанинг ўта камтарлик билан изоҳ қилган ташаккурларини операга берилган юксак баҳо деб биламан.

Зулфия опа вафотларидан қарийб бир ой олдин менинг Абдулла Ориповнинг «Ватан» шеърига ёзган кўшиғимни Муяссар Раззоқова ижросида эшитганларидан сўнг телефон қилдилар. Табрикладилар, яхши тилаклар билдирдилар.

Мен янги режаларим ҳақида сўзладим. Кўргим келди, суҳбатларини қўмсадим. Лекин Зулфия опанинг хаста эканликларини билар эдим, уларни аядим.

Зулфияхонимнинг қизлари Ҳулкар опанинг айтишларича, шоирамизнинг охириги марта концертга борганлари Муяссар Раззоқова концерти экан. Шоирамизнинг бир шеърларидан «Бўлур дилга қанот, мақсадга машъал» мисралари ёдимда қолган. Чиндан ҳам Зулфия опанинг шеърлари «дилга қанот, ўзлари мақсадга машъал» дирлар...



**Қумри Абдуллаева,**  
*Педагогика фанлари доктори,*  
*профессор*

### **ОНАДЕК МЕҲРИБОН ЭДИЛАР...**

Зулфия опамлар ҳақида ўйласам, ҳар гал уларни сўнмас ёғдуга ўхшатгим келади. У киши билан учрашувдан кейин ҳар гал қалбим ёришганини, ўзим қанот боғлагандек енгил бўлганимни ҳис қилардим. Назаримда қайси ишга қўл урсам, албатта бажаргудек руҳланардим. Кейин мушоҳада қилиб кўрсам, Зулфия опамлар фақат шогирдларига эмас, жуда кўпчиликнинг қалбига сўнмас ўт сола олган эканлар.

Бундан ўттиз йил муқаддам мен эндигина педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олган кезларим эди. «Саодат» журналининг «Педагог маслаҳати» рукнига қатнашиб юрардим. Бир куни журналнинг бош муҳаррири Зулфия опа мендан мактаб, маориф ислоҳотлари ҳақида бош мақола ёзиб беришимни илтимос қилдилар. Ичимда айтар дардларим кўп эди. Астойдил ҳаракат қилиб мақолани қайта-қайта ёзиб, таҳририятга олиб бордим. Зулфия опа мақолани ўқиб чиқдилар. Бош мақола масъулиятини билганим учун ҳам уддалай олдимми, деган ҳаяжонда эдим. Юзларида мамнунлик аломатларини сезиб сал ўзимга келдим.

– Сизга раҳмат, яшанг! Ҳар қалай ҳар соҳанинг ўз кишисига сўз берилса, керакли муаммоларни кўтара олади, – дедилар.

Журнал билан ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланиб борди. Журнал таҳририяти ҳайъатига аъзо қилинганимдан сўнг, айниқса, ҳар сонда бериладиган «Педагог маслаҳати» рукнига катта масъулият билан қарай бошладим.

Зулфия опамлар даврида журналнинг «фахрий ҳайъат аъзоси» бўлмасди. Ҳар ойда ҳаммамиз «Саодат» рамзи туширилган катта конвертда журналнинг навбатдаги сониди бериладиган мақолаларни олар, ўқиб, маълум вақтда йиғилиб,

фикр-мулоҳазаларимизни билдирардик. Ҳар саҳифа учун ҳайъат аъзолари журнал ходимлари каби жон куйдирарди. Ўша даврда журналнинг тиражи миллиондан ошиб кетганига Зулфия опамларнинг, ҳар биримизнинг куч-ғайратимизни, билим-иқтидоримизни тўғри топиб, унга рағбат бера олганлари сабаб деб ўйлайман. Доим у кишининг ҳар соҳани жуда чуқур билишларига мафтун бўлардик. Ҳар биримизга ўз соҳамизга тегишли қанча-қанча мавзуларни айтар, унинг журнал саҳифасида «ярқ этишига» кўмак берардилар.

Бир куни Зулфия опа:

– Қумрихон, педагог маслаҳатларимиз анча кўпайиб қолди, уларни жамлаб бир рисола қилсак яхши бўларди, – дедилар.

Тез орада «Фарзандим – дилбандим» деб номланган рисола «Ўқитувчи» нашриётида катта тиражда чоп этилди. У оналарга фарзанд тарбиясида яхши қўлланма бўлди. Кейинчалик бу анъанани давом эттириб турдик.

1975 йилда ёзувчи ва шоир Шухрат ака менинг ҳаётим, фаолиятим ҳақида «Ҳамма болаларни севган олима» сарлавҳа остида катта очерк ёздилар. Сураткаш мени расмга туширди, Зулфия опа уни журнал муқовасида чоп этишни лозим топибдилар. «Қумри Абдуллаева ўзбек «Алифбе» дарслигини яратган биринчи аёл!» дебдилар. Зулфия опа ижодкор кишига қанот бағишлашни билар эдилар.

Зулфия опа ўта камтар, зукко инсон эдилар. Мен улардан кўп сифатларни ўрганишга интилардим. Мулоҳаза билан сўзлаш, нутқни керакли ҳаётий мисоллар билан бойитиш, инсон кўнглини кўтара билиш ва ёзувда ҳам мукамалликка эътибор қилиш каби фазилатлар Зулфия опада мужассам эди. Бу, айниқса, «Саодат»нинг ўз ўқувчилари билан учрашувларда яққол намоён бўларди. Бундай учрашувларга Зулфия опам кўпчилик ҳайъат аъзоларини таклиф қилардилар. Врачлар, педагоглар, ҳуқуқшунослар, ижтимоий таъминот ходимлари журналхонларнинг кўплаб саволларига жавоб берибгина қолмай, айрим муаммоларни ўша жойнинг ўзида ҳал қилишарди.

Ҳамма вилоятлар ва туманларда шу ернинг таниқли, жонкуяр аёлларидан таркиб топган журнал вакиллари бўларди. Пойтахтга етиб кела олмайдиган хотин-қизларни шу вакиллар қабул қилишар, дардига малҳам бўлишар, ҳамма воқеалар

ҳақида Зулфия опамларни огоҳ қилишарди. Журналга ишонч, меҳр журналдан ташқаридаги шундай ишлар билан ҳам беқиёс ўсиб кетарди.

Ана шундай учрашувларнинг бири мен ўсиб, улғайган Назарбек қишлоғидаги мактабда ҳам бўлиб ўтгани ҳали-ҳали эсимда. Апрель ойи эди. Мактаб зали турфа гуллар, лолалар билан безатилган.

Ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар кўзлари чақнаб, табассум билан Зулфия опа бошчилигидаги меҳмонларни кутиб олишди. Опа ҳамма билан худди опа-сингилдек кўришиб, бир аёл олдида тўхтаб:

– Синглим, яхши юрибсизми, бола-чақалар соғ-саломатми? – деб сўраша кетдилар.

Ҳамма ҳайрон, кейин билсам, Зулфия опа инсондаги руҳиятни яхши билар эканлар. Аёлнинг содда кийими, олдидаги икки фарзандини руҳиятида бироз синиқиш борлигини пайқаб, унга алоҳида эътибор қилган эканлар. Эсимда, ўшанда ҳамма учрашувдан қанот боғлагандек қониқиш ҳис қилганди. Шоиранинг камтарликлари-ю инсонпарварликларига тан бериб, «Раҳмат, раҳмат, Зулфия опа, соғ бўлинг!» деб қолишганди.

«Саодат» журналининг 50 йиллиги тантаналарида бошқа республикалардан кўп меҳмонлар қатнашдилар. Зулфия опамлар уларни таҳририятга таклиф этдилар. Қизлар бир бўлиб, ширинлик билан чой тайёрладик. Мен устига «Саодат – 50» деб безатилган чак-чак олиб бордим.

– Ана, «Саодат»нинг тўйи бошланганидан дарак бу, – дедилар Зулфия опам ширинлигимни баҳолаб. – Мен Сизни яхши олима десам, яхши пазанда ҳам экансиз.

Ҳа, Зулфия опамлар кишининг қалбига нур бахшида этадиган ҳақиқий ёғду эдилар. Бу шоирамизнинг 80 йилликлари олдидан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтидаги учрашувда яна бир бор шоҳид бўлганман. Опа педагог олимлар билан улар ишини яхши тушуниб, самимий суҳбатлашдилар. Жамиятнинг равнақида олимларнинг ҳиссаси катталигига урғу берар эканлар, олимларнинг иши «игна билан қудуқ қазишдек» машаққатли, аммо натижаси аксарият савобли эканини таъкидладилар.

Эл-юртга, халққа эътиборни шунчаки қуруқ гап билан қўнғил овлаш Зулфия опага ёт эди. Опа бир нарсага киришдиларми,



уни сидқидилдан бажариб, охирига етказиб кўнгиллари тинчирди. Тошкент вилояти Зангиота туман аҳолиси Зулфия опани депутат қилиб сайлаганларида опа деҳқон ва боғбонлар билан учрашувларда улар юртимизнинг обод бўлиши, халқ ризқирўзининг сероб бўлишига офтобда қорайган шу юзлар, қадок қўллар, содда инсонларнинг меҳнати билан эришилажагига урғу берардилар. Улар қишлоқ ҳаётининг аҳволи, фарзандлари узок масофадаги мактабларга қатнаши, болалар боғчалари кам эканлиги ҳақида сўзлабгина қолмай, меҳнаткашлар талабларини диққат билан ёзиб олардилар ва шу туман раҳбарлари — Маҳкам Камолов, Раҳматилла Қамбаровлар билан келишиб, халқ илтимосларини бажаришга киришиб кетардилар. Аҳолининг талабистакларини инобатга олиб, туманда 3 та болалар боғчаси, 2 та ўрта мактаб биносининг қурилишини топширишда Зулфия опамларнинг ҳиссалари катта бўлган.

Тошкент вилояти атрофидаги туманларга депутатлик ишлари бўйича тез-тез бориб турардилар. Бир сафарги учрашувда опа билан бирга Байтқўрғонга бордик. Учрашувга кўп сайловчилар келишди. Опа уларнинг истаklarини эшитиб, туманда кутубхона, маданият маркази ташкил этишда кўмак беришларини айтдилар. Йиғилишда ўша пайтдаги деҳқончилик, боғдорчилик масалаларига доир бир неча муаммолар ҳақида сайловчиларнинг ҳукумат олдига қўйиши лозим бўлган талабларни опа ён дафтарларига ёзиб олдилар.

Биринчи қаторда ёш боласи билан ўтирган аёлни опа мажлистан сўнг олдиларига чақирдилар. Унга конвертдан 50 сўм чиқариб:

— Синглим, болаларга бирор нарса олиб беринг, — дедилар. Аёл ийманиб, олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай турган эди. Опа унга:

— Олаверинг, бу пуллар бизга давлат томонидан берилади. Биз Сизга ўхшаш аёлларга берамиз, — дедилар. Аёл «раҳмат» деб пулни олди. Опа депутатлик учун ҳар ойда бериладиган пулларни ана шундай қилиб етим-есир, қийналган одамларга берардилар. Бир сўмини ўзлари учун ишлатмас эдилар. 30 йилдан ортиқ даврда опа депутат бўлиб, халқнинг оғир-енгил кунларида улар ичида юрдилар.

Ижодкор одамнинг вақти ҳисобли бўлади, шунга қарамай опа доимо халқ билан ҳамнафас эканликларининг кўп шохиди бўлганман...

Опанинг ижодлари бир дақиқа ҳам сусаймаганлигини ҳис этганман. Лекин 80 ёшга яқинлашганларида шунчалик фаоллик сездикки, ўтмиш авлодлар, Ҳамид ака ҳақида шунчалик шеърлар, дostonлар битдиларки, бу таҳсинга лойиқдир. Умрларининг сўнгги йилларида Ҳамид ака ҳақида кўп гапирадиган, уларни энтикиб-энтикиб қўмсайдиган бўлдилар. Биз эса бутун ҳаётларини ёлғиз ўтказган, икки фарзандни гулдек тарбиялаган, иродаси мустаҳкам, вафо, садоқат бобида барчага ибрат-намуна бўла оладиган ақлли, фаросатли шарқ аёлига хос барча сифатларни ўзида жамулжам қилган устоз-мураббий Зулфия опага тан бериб, босган изларидан ният қилиб юрардик.

Ёғдулар сўнмайди. Вақт ўтгани сари улар ёрқинроқ, жозибалироқ кўринади. Бунга ўзим кўп амин бўламан.

Дарслик ва ўқув қўлланмалари тузишда иштирок этаётганим учун уларга ҳар гал Зулфия опамларнинг ижодларидан намуналар киритилаётганида мамнуният билан қайд қиламанки, Зулфия опам ёғдулари асрлар оша келажак асрларга ёрқин кўприк солажак.

Қалбимда бир орзу бор...

Зулфияхонимни дунё аҳли яхши танийди, алқайди. Ўзбек халқининг фахр-ифтихори бўлган шоирамизга 90 йиллик таваллудлари олдидан ҳайкал қўйилса... Бу ҳайкални айнан умр йўлдошлари, ҳассос шоир Ҳамид Олимжон ҳайкаллари олдига ўрнатилса, уларни доимо бирга бўлиш орзуси тимсолидан бу хиёбон — «Садоқат хиёбони» деб аталса, нур устига аъло нур бўлув эди.

Зулфия опа қалбимизда умрбод яшашларига имон келтираман.





**Шоира Раупова,**  
*Тошкентдаги 64-мактабнинг  
она тили ва адабиёт ўқитувчиси*

## **ҚУЁШ ВА ЮРАҚДАН УЗИЛГАН ПАРЧА**

«Адабиёт сўз билан ифода қилолмаган нарсасини оҳанг билан ифодалайди. Оҳанг сўзга жон бағишлайди. Шу сабаб адабиёт одамлар қалбини битта қилиб боғлайди, барчани бирлаштириб ҳамжиҳат қилади».

Буюк Тагорнинг ушбу фикрларини ўқиганимда беихтиёр кўз ўнгимда ҳаётлигидаёқ вафо ва садоқат тимсолига айланган, номи афсоналарга, дилбар шеърятга кўчган Зулфияхоним ёдимга келади. Шарқ аёлининг беназир салоҳияти, виқори, қолаверса, комила ва фозилалигини ўзида акс эттирган, ҳар қанча улуғ мартабага эришмасин, ҳамиша ўзи севиб ардоқлаган халқидек содда, самимий ва қалбга яқин бўлганлиги шеърларидан намоён бўлиб туради. Шу боис бўлса керакки, халқимиз уни гўзал хислатлари, миллатимиз маънавий-ахлоқий қиёфаси рамзи сифатида эъзозлаб келади.

Зулфияхоним қалби гўё гўзал туйғуларга тўла уммон. Унинг Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган дилбар ҳислар, инсонийлик туйғулари билан лиммо-лим шеърлари ўқувчи қалбини уйғотади. Хотиралар шоира қалбини, ундаги жароҳатларни ҳар қанча тирнамасин, у бир дам ҳам ёзишдан, изланишдан тўхтамайди. Хотиралар уйғоқ қалбда умидлар уйғоқ яшашини, орзу чироқ мисол йўлга бошлашини Зулфия ижодидан ўрганамиз.

«Хотиранг қудуғин қазिश керак ҳўб», деб ёзади шоира. У дарё каби уйғоқ ҳаёт қучоғидан нодир шеър излайди.

Шеърят, Навоий ҳазратлари айтганларидек, руҳият чамани. Фикр ва туйғулар гулзори. Зулфияхоним эса ана шу бўстондан энг сара гулларни йиғиб, халқига муносиб гулдаста тақдим этган шоира. «Қуёш узиб бер» деб аталган шеърда:

Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,  
Юрагимдан узган сингари...

деб ёзади. Шоира гўё бу шеърда қуёшдек юрагини парча-парча қилиб халқига тутади. Халқнинг борлиғига бу оташ олов бўлиб югуришини, юзида гул бўлиб лов-лов ёнишини истайди. У ёнар тоғдек ҳислар шиддатига сатрлари қанот бўлишини уқдиради:

Сен топмаган шодлик, лаззат дунёда қанча,  
Сени билмай доғда қолмасин!...

Инсон умрининг ганимат онларини қадрига етмоқни истаган шоира:

Йўқ!!!  
Бир парча қуёшинга тўлмайди кўнгил,  
Сахий эсанг, борини тутқиз, —

дейди. Унга қуёш қанот учун, парвоз учун зарур. Кураш ва бахтга лиқ тўла жаҳонда шоира ўз ўқувчиси қалбини шодлиғига фарқ этишни орзу қилади. У ана шу гўзал орзусини сўзга айлантириб, ўқувчига тутади.

Халқнинг кўнгил тўрида турмоқ ижодкорлар учун катта бахт. Зулфияхоним буни теран англаб етган шоира. Шу боис у:

Бўлса ҳам умр чинор, майсага қилгум сажда,

дея шеърар битади. Шоира қалби гўё қуёшга ўхшайди. Бу қуёш ёғдуси унинг сатрларини нурлантириб туради. «Булутлардан юксакда» шеър бита олган шоиранинг ўзи бунга иқдор бўлади:

Қуёшдан тўкилганман,  
ушлай оламан ўтни...

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов шоира ҳақида шундай ёзади:

«Зулфия опа деганда дафъатан кўз олдимда турфа чечаклар билан зийнатланган бир чаманзор намоён бўлади. Бу гулзор гўзал шеърятнинг муаттар бўйлари билан ороланган».

Шоира ҳижрон кунларини шеърга солганда ҳам ҳаётбахш, умид, келажакка ишонч уни шуълалантириб туради. У «Ойнинг нурли изи»ни, шўх юлдузларни, оловчеҳра қизлар ниятларини шеърларига пайвандлайди. Шоиранинг бедор қалби дийдор дардида юртлар ошади. «Юрак, фикр, меҳр»ни босиб «тўрға ташриф» буюрмайди.

Зулфияхоним баҳорни севарди. Ўрик гулларидан, кўклам чечакларидан нафосат, гўзаллик, илҳом олиб, уни шеърга солган. Ўлкамизда бугун баҳор ташрифи Зулфияхоним таваллудининг 90 йиллиги билан уйғунлашиб кетди. Шаҳару қишлоқларда, мактаб ва олийгоҳларда Зулфияхонимга бағишланган тадбирлар ўтмоқда. Бизнинг мактабимизда ҳам юқори синф ўқувчилари ўртасида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танлови босқичма-босқич ўтказилмоқда. Аввал синфлар, сўнгра мактабдаги зукко қизлар ўртасидаги ушбу кўрик-танловда ўқувчи қизларимиз донолиги, иқтидори, шу билан бирга чеварлигу пазандалигини намоён этмоқдалар. Хуллас, Зулфияхоним нафақат ўзининг гўзал шеърияти билан, балки юксак ахлоқи, гўзал маънавияти билан барчамизга ибрат мактаби бўлиб яшайверади.



## МУНДАРИЖА

<i>Ислом Каримов. Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхонимга.....</i>	<i>3</i>
<i>Ҳамид Олимжон. Зулфияга.....</i>	<i>5</i>
<i>Ғафур Ғулом. Зулфиябегимга.....</i>	<i>6</i>
<i>Абдулла Орипов. Сўнмас олов.....</i>	<i>7</i>
<i>Зулфия опага.....</i>	<i>8</i>
<i>Озод Шарафиддинов. Сизни соғиндим, Зулфия опа!.....</i>	<i>9</i>
<i>Эркин Воҳидов. Вафо.....</i>	<i>16</i>
<i>Теранлик.....</i>	<i>23</i>
<i>Ибройим Юсупов. Оламни ёритди юракдаги нур.....</i>	<i>25</i>
<i>Ўзингизни асранг бузуқ ҳаводан.....</i>	<i>29</i>
<i>Миртемир. Тонг куйчиси.....</i>	<i>31</i>
<i>Асқад Мухтор. Юлдузли шеърият.....</i>	<i>35</i>
<i>Воҳид Зоҳидов. Севинчнома.....</i>	<i>41</i>
<i>Пиримқул Қодиров. Зулфияхоним меҳригиёси.....</i>	<i>43</i>
<i>Ҳамид Ғулом. Илтижо.....</i>	<i>54</i>
<i>Рамз Бобожон. Бир байтнинг икки сатри.....</i>	<i>55</i>
<i>Зиёд Есенбоев. Юрт эъозлаган севиқли шоира.....</i>	<i>60</i>
<i>Мақсуд Қориев. Баҳор келди Сизни сўроқлаб.....</i>	<i>63</i>
<i>Гулчехра Жўраева. Ўзбекнинг Зулфиясиман.....</i>	<i>69</i>
<i>Шеър каби мунис, шеър каби мардона</i>	
<i>қалб.....</i>	<i>72</i>
<i>Суйима Ғаниева. Зулфиябегимни ёдга олиб.....</i>	<i>77</i>
<i>Ҳулқар Олимжонова. Яна баҳор келди.....</i>	<i>84</i>
<i>«Кечир, кўёлмадим шеъримдан</i>	
<i>Ҳайкал...».....</i>	<i>91</i>
<i>Ҳолида Аҳророва. Долғали бир ҳаёт.....</i>	<i>95</i>
<i>Ойдин Ҳожиева. Сиз – эзгулик.....</i>	<i>99</i>
<i>Зулфия ёғдулари.....</i>	<i>100</i>
<i>Музайяна Алавия. Чўққидан йироқлар кўринади... ..</i>	<i>111</i>
<i>Тўра Сулаймон. Шамсиқамар.....</i>	<i>113</i>
<i>Сизни эслайман.....</i>	<i>121</i>
<i>Санъат Маҳмудова. Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!.....</i>	<i>124</i>
<i>Раҳима Шомансурова. Ихлос.....</i>	<i>129</i>
<i>Муҳтарама Улугова. Баҳордай саховатли эди.....</i>	<i>136</i>
<i>Яйра Саъдуллаева. Зулфиябегим.....</i>	<i>143</i>

<i>Қутлибека Раҳимбоева. Менинг Зулфия опам.....</i>	146
<i>Олмос. Муаззам Шарқ намоёнди сенинг покиза жонингда.153</i>	
<i>Зиёфат.....</i>	154
<i>Гулистон Матёқубова. Амудан келдим.....</i>	158
<i>Умарали Норматов. Бақо бўсағасидаги нидо.....</i>	160
<i>Иброҳим Фафуров. Юракнинг шуъласи.....</i>	168
<i>Зулфия ҳақида сўз.....</i>	172
<i>Машраб Бобоев. Зулфия чизган суратлар.....</i>	176
<i>Нормурод Нарзуллаев. Сўнмас юлдуз шуъласи.....</i>	181
<i>Шоирам – менинг мушоирам.....</i>	183
<i>Омон Мухтор. Нурга тўймаган дунё.....</i>	185
<i>Барот Бойқобилов. Меҳр кўп кўргизди.....</i>	190
<i>Маҳкам Камолов. Сийратиго суврати гўзал аёл.....</i>	193
<i>Ислом Шоғуломов. Фурури қаддидек тик.....</i>	198
<i>Адибахон Шокирова. Қудажонимиз.....</i>	204
<i>Раҳимахон Назарова. Тонгни куйлаб, инсонни улуғлаб.....</i>	209
<i>Фотиҳ Тешабоев. Зулфия ва Ҳиндистон.....</i>	213
<i>Қамар Раис. Зулфияхоним.....</i>	218
<i>Амир Пардаев. Зулфия опа ҳақида сўз.....</i>	221
<i>Дилбар Ғуломова. Зулфияхоним мактаби.....</i>	224
<i>Алишер Юнусов. Тўрт дастхат.....</i>	226
<i>Анвар Жўрабоев. О, ижод дардгинам.....</i>	230
<i>Рустам Абдуллаев. Бўлур дилга қанот, мақсадга машғал.....</i>	236
<i>Қумри Абдуллаева. Онадек меҳрибон эдилар... ..</i>	238
<i>Шоира Раупова. Қуёш ва юракдан узилган парча.....</i>	243

*Адабий-бадиий нашр*

## **ТОНГНИНГ ЎЗИДАЙ ПОК ВА ЁРҚИН**

**Зулфия замондошлари хотирасида**

Нашр учун масъуллар:  
*Мизроб Бўронов, Назира Жўраева*

Муҳаррир *Илҳом Зойиров*  
Мусаввир *Анатолий Бобров*  
Бадиий муҳаррир *Рустам Зуфаров*  
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*  
Мусахҳиҳлар *Фотима Ортиқова, Доно Тўйчиева*  
Компьютерда териб, саҳифаловчилар  
*Зухра Аҳмедова, Зарифа Маннопова*

ИБ № 4359

Босишга 20.01.06 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>, Таймс гарнитураси. Офсет босма 13,02 шартли босма тобоқ 15,0 нашр тобоғи. Жами 5000 нусха. 110–2005 рақамли шартнома. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30 // 700129 Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.



## Расм ости сўлари

Зулфия, 1933 йил.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия, 1936 йил.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия, 1939 йил.

Зулфия, 1944 йил.

Йиллар ва ўйлар...

Зулфияхоним ижодкор дўстлари Фафур Фулом ва  
Николай Тихонов билан.

Ижодий мулоқот. Абдулла Қаҳҳор, Тугулбек Сиддикбеков  
(Қирғизистон), Назир Сафаров, Зулфияхоним, Гарегин  
Севунц (Арманистон), Уйғун.

Комил Яшин, ҳинд шоири

Субхаш Мукержи ва Зулфияхоним.

Дўстлик. Зулфияхоним доғистонлик шоир

Расул Ҳамзатов билан.

Фафур Фуломнинг 60 йиллиги тантаналари. Биринчи қаторда (чапдан-ўнганга)

Назир Сафаров, Уйғун, Ф.Фуломнинг рафиқаси Муҳаррам опа,

Фафур Фулом, Зулфияхоним, Сарвар Азимов, Комил Яшин,

Мақсуд Қориев; иккинчи қаторда: Воҳид Зоҳидов, Ойбек, Комил Ёрматов

Рус ёзувчиси Вадим Кожевников, Комил Яшин, Зулфияхоним,

Зиёд Есенбоев, Ғайни Нажимов.

Сарвар Азимов, Зулфияхоним ва Асқад Мухтор.

Зулфияхоним доғистонлик шоир Расул Ҳамзатов, рус  
шоири Михаил Дудин, қабарда-болқор шоири  
Қайсин Кулиев билан.

Осиё ва Африка қитъаси ёзувчилари анжуманида.

Зулфия мисрлик шоир ал-Хомисий, Эркин Воҳидов ва  
Тулелберген Қайипбергенов билан.

Шеърят билан учрашув. Биринчи қаторда:

Пиримқул Қодиров, Жуманиёз Жаббаров, Зулфияхоним ва  
Сабоҳат Азимжонова.

Дийдор. Рус ижодкорлари Владимир Карпов,  
Андрей Вознесенский; Сарвар Азимов,  
Зулфияхоним ва Туроб Тўла.

«Саодат» журнали ижодкорлари. Чапдан-ўнганга:

Холида Аҳророва, Роза Сайфиева, Зулфияхоним, Раҳима  
Шомансурова, Лайло Салимжонова ва Санъат Маҳмудова.

Зулфияхоним бошқирд шоири Мустай Карим билан.

Дўстлар даврасида.  
Кибриё Қаҳҳорова, Абдулла Қаҳҳор,  
Зулфияхоним ва Шухрат.  
Зулфияхоним фаластинлик шоир Маҳмуд Дарвеш билан.

Зулфияхоним таваллуд топган кунларида шоира хонадонида. Биринчи қаторда (чапдан-ўнгга): Шарифа Салимова, Олмос, Хулкар Олимжонова, Гулчеҳра Жўраева, Ойдин Ҳожиева, Санъат Маҳмудова; иккинчи қаторда: Абулхон Фафуржонова, Гавҳар Ҳақимова, Гавҳар Отабекова, Раъно Раҳмон Раҳима Шомансурова, Саодат Хўжаева, Марҳамат Алимова. Ҳиндистон Бош вазири Индира Ганди Халқаро «Нилуфар» мукофотини топширганидан сўнг. Чапдан-ўнгга: Х.Р. Баччан (Ҳиндистон), Маҳмуд Дарвеш (Фаластин), Индира Ганди, Зулфияхоним (Ўзбекистон), То Хай (Шимолий Вьетнам) ва Алекс Ла Гума (Жанубий Африка). Ижодий учрашув. Рамз Бобожон, Миртемир, Зулфияхоним, Ҳамид Фулом ҳинд адiblари билан. Ир пил чой устида суҳбат. Ҳамид Фулом, Файз Аҳмад Файзнинг рафиқаси. Зулфияхоним ва покистонлик шоир Файз Аҳмад Файз.

Шоира акаси Қодиржон Исроилов билан.

Зулфияхоним ҳинд шоираси  
Амрита Притам билан.

Зулфияхоним оила даврасида.  
Зулфияхоним қайнсинглиси Муҳаббатой билан.

Қудалар. Раҳимахон Назарова, Зулфияхоним ва Адибахон Шокировалар.